

**Ilm kelajagimiz
ravnaqidir**

№-5 2022



**СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР
SURKONDARYO: ILM VA TAFAKKUR
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ
SURKHANDARYA: SCIENCE AND CONTEMPLATION**



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ЦЕНТРА РЕГИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ТРАНСФЕРА
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ЦЕНТРА РАЗВИТИЯ НАУКИ И
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИ

SURKHANDARYA REGIONAL TERRITORIAL INNOVATION ACTIVITY AND TECHNOLOGY
TRANSFER AND SURKHANDARYO SCIENTIFIC JOURNAL OF SCIENCE AND
TECHNOLOGY DEVELOPMENT CENTER

Илм келажасгимиз равнақидир

СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР
SURKHANDARYO: ILM VA TAFAKKUR
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ
SURKHANDARYA: SCIENCE AND
CONTEMPLATION

Илмий мақолалар журнали

№-5 2022



ТАЪСИСЧИЛАР;
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИ
МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Ҳар чоракда 1 марта чиқади.

**Jurnal 25-05-2020 yil. №11-079
raqami bilan ro'yxatga olingan.**

O'zbekiston Respublikasi OAK ning 2021 yil
12 dekabrda № 01-06/25-04 raqamli xati
asosida ro'yxatga olingan.

Ommaviy axborot vositasi davlat
ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVONNOMA N-11-079.

My.gov.uz. Yagona interaktiv. davlat
xizmatlari portali.
N 8102-325e-cd96-f50a-53b3-3119-7970

Hujjat yaratilgan sana: 2020-05-25.

Ariza raqami: 19051279.

НАШР ИНДЕКСИ 190-111.

ЖУРНАЛ «ADAD PLYUS» МЧЖ
матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Бунёдкор кўчаси 28-уй.
Босишга рухсат этилди: 14.12.2022.
Қоғоз бичими 60x84 1/8.
Босма табағи 10,3. Офсет босма.
Офсет қоғози. Адади 100.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма № 25.

Техник ходимлар:
**Мамаражабов Ғайрат
Умаров Икром**
Саҳифаловчи:
Қўшоқова Моҳигул

Таҳририят манзили: Сурхондарё вилояти
Термиз шаҳри "Баркамол авлод" кўчаси 43 уй.
tursunovsafullo12@mail.ru
Тел: 876 223 07 66.
+99 891 577 90 50,
+99 894 200 49 55,
+99 891 229 22 29.

Бош муҳаррир:

Главный редактор:

Chief Editor:

**Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич
Тарих фанлари доктори, профессор
Термиз давлат университети**

Бош муҳаррир ўринбосари:

Заместитель главного редактора:

Deputy Chief Editor:

**Кобулов Эшболта Атамуродович
Тарих фанлари доктори, профессор Термиз давлат**

Педагогика институти ректори

Журналнинг илмий котиби:

**Умуркулов Бекпўлат филология фанлари
доктори, Термиз давлат университети**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Марахимов Авазжон

Тўраев Назар

Сагдуллаев Анатолий

Абдуллаев Улуғбек

Ашуров Адхам

Дониёров Алишер

Мўминова Гавҳар

Эшов Баходир

Эргашева Юлдуз

Обломуродов Наим

Воҳидов Шодмон

Бўриев Очил

Давлатова Саодат

Аллаков Исмом

Ғоффоров Шокир

Холиқова Раҳбраҳон

Худойқулов Абдулла

Пардаев Тошкенбой

Қаюмов Асрор

Шомирзаев Махматмурод

Холмўминов Жуманазар

Холмўминов Хусан

Турсунов Нурулло

Турсунов Жавли

Холмўминов Хусан

Тўхтаев Абдуғани

Хайитов Шодмон

Ирискулов Олимжон

Саидов Илхом

Акчаев Фаррух

Якубова Диларам

Исаев Ойбек

ЖАМОАТЧИЛИК

КЕНГАШИ:

Султонов Тохир

Чориев Рўзимурод

Қосимов Асрориддин

Лақаев Саидахмад

Нормуродов Чори

Қодирова Дилбар

Раҳимов Баходир

Худойқулов Садриддин

Шайдуллаев Шопўлат

Юнусова Хуршида

Тўраев Хайит

Ўсаров Сирожиддин

Кулмаматов Дўстмамат

Бобожонова Дилором

Хидиров Холмат

Эшонқулов Абдужаббор

Алланов Қилич

Тилеуқулов Гауҳар

Алиқулов Рустам

Ёдгоров Эшмўмин

Мирзаев Ибодулло

Панжиев Нормамат

Жабборова Шоира

Чориев Иргаш

Ҳотамов Очилди

ТАРИХ

СУРХОН ВОҲАСИДА КОММУНИСТИК МАФКУРАНИ ҒОЯВИЙ АСОСЛАРНИ ТАРИХИЙ ЖИҲАТДАН ХОЛИСОНА ТАҲЛИЛ ЭТИШ

Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич,

*Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси
мудири, тарих фанлари доктори, профессор.*

Аннотация: Совет давлати 1920-30 йилларда социализм қуришга киришар экан, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ғарб давлатларидан ўзиб кетишга ҳаракат қилди. Шу билан бирга, янги тузумнинг капиталистик жамиятдан устунлигини кўрсатиш ва аҳолини ички муаммолардан чалғитиш мақсадида илм-фан, техника ва ишлаб чиқариш тармоқларида эришилган ютуқлар кенг қўламда тарғиб қилинди.

Калит сўзлар: коммунистик тарғибот, археологик ташвиқот, Сурхон воҳаси, эски Термиз, Афғонистон, Термизшоҳлар.

Аннотация: Начав строить социализм в 1920–1930-х годах, Советское государство стремилось превзойти страны Запада во всех сферах общественной жизни. В то же время широко пропагандировались достижения науки, техники и производства, чтобы показать превосходство нового режима над капиталистическим обществом и отвлечь население от внутренних проблем.

Ключевые слова: коммунистическая пропаганда, археологическая пропаганда, Сурханский оазис, старый Термез, Афганистан, термезшахи.

Abstract: As the Soviet state began to build socialism in the 1920s and 1930s, it tried to surpass the Western countries in all spheres of social life. At the same time, advances in science, technology, and manufacturing were widely promoted in order to show the superiority of the new regime over capitalist society and to distract the population from internal problems.

Key words: communist propaganda, archaeological propaganda, Surkhan oasis, old Termiz, Afghanistan, Termiz Shahs.

Коммунистик тарғибот механизмида тарих фанлари, айниқса, археологиянинг аҳамияти жуда катта бўлди. Сабаби, бутун XIX аср давомида ҳамда XX аср бошларида инглиз, француз, немис ва бошқа давлатларнинг археологлари Шарқ мамлакатларида қазишма ишларини олиб бориб, оламшумул топилмаларга дуч келишган эди. Аммо археологик изланишлар масаласида чор Россияси Ғарбий Европа давлатларига нисбатан анча орқада қолган эди. Археологиянинг ташвиқот ишларидаги аҳамиятини тўғри тушунган совет ҳукумати Ўрта Осиё республикаларида кенг қўламда қазишма ишларини молиялаштириб турди. Сурхон воҳасида амалга оширилган археологик тадқиқотлар ҳам ана шу жараённинг таркибий қисми эди. Олиб борилган қазишмалар, бир томондан ўлка тарихининг ҳали номаълум саҳифаларини ўрганишга имкон берган бўлса, иккинчи томондан, қазишма жойлардан топилган ноёб буюмлар Москва, Ленинград каби шаҳарларнинг музей коллекцияларини бойитишга хизмат қилди.

Сурхон воҳасининг қадимги шаҳарлари ва обидалари тўғрисидаги маълумотлар XIX асрдан бошлаб тўплана бошланган эди. Г.Мейендорф, Н.Маев, И.Мушкетов, Генри Юль, И.Яворский, Н.Карамзин, Г. Бонвало, Е.Каль, И.Гейер, А.Ананьев, Д.Логофет, Б.Кастальский, А.Семёнов сингари рус, инглиз, француз олимлари воҳасининг қадимги

шаҳарлари, тарихий обидалари тўғрисида қизиқарли маълумотлар келтиришади. Лекин, чор Россияси даврида воҳада том маънодаги археологик экспедициялар ташкил этилмади. Аксинча, Термиз шаҳрига келган рус ҳарбийлари ва сайёҳлари бу ердаги ёдгорликларнинг тарихий аҳамиятга эга бўлган бойликларини Россияга ташиб кета бошладилар. Аҳвол шу даражага етдики, келгиндилар томонидан мусулмон оламида ягона бўлган Ал-Ҳаким Термизий қабртошининг бир бўлагини синдириб олиб кетилади. Россияликларнинг бундай талончилик ҳаракатидан норози бўлган Шеробод беги Мирза Салимбек тарихий ёдгорликларни талон-тарож қилишига ва бузиб ташланишига қарши чиқиб, келгиндиларни зудлик билан жазоланишини хат орқали Бухоро амиридан сўрайди. Натижада унинг олиб борган қатъий ҳаракатлари туфайли Ал-Ҳаким Термизий мақбараси ва шунга ўхшаш муқаддас обидалар ва зиёратгоҳлар сақланиб қолинди[14.193].

Сурхон воҳасида совет ҳокимияти ўрнатилганидан сўнг Эски Термиз харобаларига бир қанча экспедициялар ташкил этилди. Масалан, 1922 йилда бу ерга олим М.Г.Вечеслав келган эди. У Афғонистон ҳудудига ўтиб, у ерда бир қанча археологик қазиш ишларини бажарди. Олим ўзининг “Афғонистоннинг археологик ёдгорликлари” сарлавҳали мақоласида Эски Термиз харобалари, Қирққиз, Султон Саодат ёдгорликлари ҳақида тўхталган эди. Шунингдек, 1925-1927 йилларда Ўрта Осиё Комстариси Москвадаги Шарқ маданияти музейи билан ҳамкорликда Термизшоҳлар саройи харобаларида археологик қазиш ишларини олиб борди. Экспедицияга профессор Б.Л.Денике бошчилик қилди. 1927 йилнинг 25 сентябрида профессор-археолог В.А.Вяткин архитектор Б.Н.Засипкин билан шу мажмуанинг шарқий қисмини кўздан кечириш вақтида биринчи бинонинг алебастрли сувоқ қилинганлигини қайд этди. 1928 йили юқоридаги ташкилотлар ҳамкорликда экспедиция ташкил этилди. Унинг таркибига В.П.Денике (раҳбар), В.А.Вяткин, П.Е.Корнилов, Р.С.Стрелков, В.Ч.Чепелов, В.В.Веймарлар киришган эди. Экспедиция аъзоси А.Стрелков қадимий Термиз атрофини кўздан кечириш мақсадида Қоратепада тадқиқот олиб борди. У кўчма қумлар кўмиб юборган ғорларни текшириб чиқиб, улар ичида бир замонлар будда ибодатхоналари бўлган деб тахмин қилади[12.2].

Таъкидлаш жоизки, бу экспедицияларнинг археологик қазишмалари тизимли эмас, балки текширув-аниқлов хусусиятига эга эди. Шундай бўлсада, келажакдаги қазишмалар учун муҳим аҳамият касб этди. 1932 йил октябрида «Октябрёнок» катери Амударё бўйлаб Термиздан 17 км шарқдаги Айритом постига рейс қилаётганида старшина И.Ряслов катер қирғоққа яқинлашганда, сувда тош плита борлигини кўради. Матрослар плитани олиб Термизга, ундан Тошкентга жўнатадилар. Плитани ўрганган М.Е.Массон дарҳол уни буддизм билан боғлади. Бу ҳақиқий янгилик эди.

1935 йилда Термиз шаҳрининг Октябрь кўчасида, Термиз тумани ижроия кўмитаси биноси қанотидан иккита тош колонна тағ курсиси топилди. Улар оҳакдан тайёрланган бўлиб, бинонинг собиқэғаси, савдогар Минибаев томонидан Хўжа Гулсувардаги Бургут уя деган жойдан олиб келинган экан. Тағкурсилар тоғдаги қадимий қабристондан олинган бўлиб, юнон- будда маданиятига тегишли эди. 1905 йилда Хўжа Гулсувардаги оҳак қазиш натижасида пайдо бўлган ғордан Канишка даврига оид олтин танга ҳам топилиб, Б.Н.Кастальский коллекциясига кўшилган ва Ленинград Эрмитажига жўнатиладигани. Бу топилмалар округ ўлкани ўрганиш музейи ходимлари Г.Н.Максимов, Н.Д.Таланин ва С.Ю.Ҳасановларни Бургут уяга бориш ва у ерда бир қанча археологик қазиш, тадқиқот ишлари олиб боришга ундади[13.30].

Изланишлар давомида С.Ю.Ҳасанов Хотинработ шаҳарчасидан кафанга ўралиб ётган қора танли қулнинг лой ҳайкалчасини топди [13.13]. 1935 йилда музей ходимлари Боботоғ тоғларига ва Денов шаҳрига ҳам экспедиция ташкил этишди. Ўша йилнинг кузида эса Г.В.Парфёнов ва Г.Н.Максимовлар Шеробод ва Термиз туманларида жойлашган тош даврига мансуб тарихий ёдгорликларни ўргандилар. Шу тариқа, Эски Термизни доимий равишда илмий жиҳатдан ўрганиш ишлари йўлга қўйилди. Олиб борилган изланишлар натижасида Г.В.Парфёнов “Эски Термиз тадқиқоти тарихи” деб номланган китоб ҳам яратди. Асар милoddан аввалги I ва милодий I асарларга мансуб, мергелий оҳактошидан тайёрланган кўплаб терракот ҳайкалчалар ва меъморий иншоотлар парчаларидан ибо-

рат коллекция – экспонат яратиш ишлари ҳақида эди. Бу қўлёзма Термиз Археология музейи фондида сақланмоқда.

1936-1938 йиллар мобайнида таниқли археолог олим М.Е.Массон раҳбарлигида Термиз археологик комплекс экспедицияси (ТАКЭ) Термиз шаҳри тарихини ўрганиш бўйича катта ҳажмдаги ишларни олиб борди. Шу жараёнда округ ўлкани ўрганиш музейи жамоаси ҳам илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш режасини ишлаб чиқди. Бу етти йўналишда эди:

1. Учқизил аҳоли манзилгоҳидан нефтчилар трассаси бўйлаб ўтган сув қувурлари йўналишида археологик қазув ишларини олиб бориш.

2. Ал Ҳаким Термизий мақбараси атрофида Термизкомстарис (ТАКЭ) томонидан ўтказилган археологик қазув ишларини кузатиш ва унда фаол иштирок этиш.

3. Амударё бўйидаги тарихий обидалар атрофида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва моддий ашёлар тўплаш.

4. Қоратепа буддавийлик ибодатхонасида илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш.

5. Термизшоҳлар саройининг биринчи биноси ҳудудида қазув ишларини амалга ошириш.

6. Музейнинг зоология бўлимини янада тўлдириш мақсадида экскурсиялар ўтказиш.

7. Машҳур археолог В.А.Вяткиннинг шахсий архиви ҳужжатларини музейга олиб келиш [3.294].

Кўриниб турибдики, музей режасидан сув қувури ўтказилиши ҳамда ТАКЭ томонидан ўтказиладиган археологик қазиш ишлари билан боғлиқ бўлган ишлар ўрин олган. Йил мобайнида режалар бирин-кетин амалга оша бошлади. Биринчи режа бўйича иш олиб борган музей ходими С.Ҳасанов Эски Термиз ҳудудида сув қувури ўтказилаётган умумий узунлиги 2195 метр бўлган масофадаги тарихий обидалар ўрин олган жойлар стратиграфиясини 1x 20 масштабида тушириб чиқди. Эътиборли жиҳати шундаки, Эски Термиз ҳудудидаги Қоратепа, Чингизтепа, Термиз кўрғони археологик ёдгорликларида ўтказилган стратиграфик ишлар чоғида кўплаб ашёвий буюмлар тўпланди [3.294].

Термизшоҳлар саройида ўтказилган археологик қазишмаларда музей ходимлари ТАКЭнинг 3- отряди сифатида Е.М.Массон раҳбарлиги остида фаол иштирок этдилар. Бу ерда қазув ишлари 1936 йилнинг 25 июнидан 13 июлигача ўтказилди. Ана шу 13 кун мобайнида Термизшоҳлар саройи бўлақларидан 102 та кошин музей фондини тўлдирди. 1936 йилда музейга таниқли ўлкашунос ва овчи И.Ф.Ломаев ишга олинди. Музей томонидан унга воҳанинг геологик ва археологик материалларини тўплаб, музейга топшириш, муҳим тарихий ва археологик ёдгорликлар ҳақида ахборот йиғиш вазибалари юкланди. У қизғин фаолиятни бошлаб юборди [7.520].

1936 йилнинг сентябрь ойида ТАКЭ раҳбари, профессор М.Е.Массон, археологлар В.А. Шишкин, В.Д.Жуков, музей директори Г.В.Парфёновлар Амударё ўртасидаги Пайғамбар оролида жойлашган Зул-Кифл мақбарасига бир кунлик сафар уюштирдилар. Бу экспедиция пайтида мақбара тарихи қоғозга туширилди, меъморий ўлчовлари амалга оширилди, мажмуанинг девор қисмидаги ёзувлар ўқилди. Хуллас, Зул-Кифл XII асрга оид тарихий обида эканлиги аниқланди [12.149].

1936-1938 йиллар мобайнида Термиз археологик комплекс экспедицияси Термиз шаҳри тарихини ўрганиш бўйича катта ҳажмдаги ишларни олиб борди, кўплаб топилдиқлар аниқланди. Ана шу қазишларда округ ўлкашунослик музейи жамоаси ҳам фаол иштирок этиб, экспонатларини бойитиб борди. 1937 йили ТАКЭ Тошкентда ўз кўргазмасини ташкил этганида, округ музейи ҳам унда ўз экспонатлари билан иштирок этди. Умуман, кўргазма экспонатларининг 50 фоизидан ортиғи округ музейига тегишли эди.

Амударё қирғоғида жойлашган Айритомда тадқиқот ишлари давом этди. Археолог олим М.И.Вязьмитина раҳбар бўлган экспедиция таркибида И.А.Сухарев, у кетгандан сўнг А.С.Қаҳҳоров бор эди. Экспедиция юнонлар ва юнон-бақтрия даврига оид бир қанча қадимий буюмлар, ҳайкаллар қолдиқлари, ёзувларини топди. Умуман, ўлкани ўрганиш музейи ходимлари бу археологик қазиш ишларида ҳам, Эски Термиз, Қоратепада олиб борилган тадқиқотларда ҳам фаол иштирок этишди. Ана шу даврда музей бир қанча муҳим топилдиқлар билан бойиди.

Шу ишлар баробарида экспедиция режасига мувофиқ ҳаракат қилиб, Хомкон, Хатак, Панжоб, Қизилолма, Кампиртепа қишлоқлари атрофидаги 11 та ғорни, қадимий конларни, Сеплон қишлоғи ёнидаги металл шлакларни, Хатак қишлоғи ёнидаги қалъа харобаларини тадқиқ қилдилар. Ниҳоят, 1939 йилнинг 29 июлида зараутсойлик Ваҳоб Давлатов билан биргаликда Зараутсой ғор ва камарларига чизилган суратлар ҳамда кейинги асрларга тегишли арабча битикларни кўздан кечирдилар. Г.В.Парфёнов гарчи Тошкентда яшаб, ишласада, унинг асосий вақти Сурхондарёда – ўзи қизиққан, меҳр қўйган ишларни давом эттиришга кетарди. У Зараутсой суратларининг энг қадимийсини бундан бир неча ўн минг йиллар олдинги юқори палеолит даврига оид деб белгилади. Энг сўнгги намуналар эса милодгача ўтган темир даврига тўғри келади. Зараутсойдаги араб ёзувлари эса тахминан X асрга мансублиги аниқланган[9.252].

Ўзбекистон санъат тарихи музейи Сурхондарё ва Тожикистоннинг Панжакент тумани ўлкашунослик музейи билан ҳамкорликда 1940 йилда Зараутсой қоятош ранг тасвирларини ўрганиш бўйича дастлабки махсус экспедиция ташкил қилди. Табиийки, бу экспедицияга Г.В.Парфёнов раҳбарлик қилди. У Зараутсой қоя суратларини ўрганиш, тарғиб қилиш бўйича жуда катта меҳнат қилди, чинакам фидоийлик кўрсатди. Зараутсой экспедицияси пайтида тўпланган материаллар ҳар томонлама ўрганилиб, унинг натижалари бўйича Г.В.Парфёнов томонидан тайёрланган “Зараутсойнинг қадимги фреска рангтасвири” илмий ҳисоботи 1941 йилнинг 18 январ куни бўлиб ўтган Ўзбекистон санъати тарихи музейининг илмий кенгашида эшитилди, суратларнинг мазмуни ва санаси ҳақидаги дастлабки хулосалар маъқулланди ва Зараутсой тадқиқотларини давом эттиришга қарор қилинди.

1940 йилда ҳам бир қанча ишлар бажарилди. Аммо тажрибали ходимларнинг етишмаслиги туфайли янги экспозициялар ташкил этиш, бўлимларнинг барча хоналарини ишлатиш қийин эди. Бунинг устига, шу йилга келиб, музейни маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига таъминлашда муаммолар пайдо бўлди. Йиллик сметада 82450 сўм ажратиш назарда тутилган бўлса- да, амалда унинг ярми ҳам берилмади. Бор- йўғи 32624 сўм ажратилди, холос. Бу эса қўшимча маблағ топишга мажбур қилди.

Уруш бошланган вақтда музей раҳбарлигига қайтган Г.В.Парфёнов тош даври, биринчи навбатда, Зараутсой қоя суратларини ўрганиш бўйича экспедицияларнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлди. 1942 йилнинг охири ва 1943 йил бошларида Зараутсой қоя суратларини ўрганишни давом эттириш, улардан нусха олишни ташкил этиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилди. Аммо фақат куз ойи ўрталаридагина вилоят ўлкани ўрганиш музейи (1941 йил 6 мартда Сурхондарё вилояти ташкил этилган эди) экспедицияси йўлга чиқа олди. Унинг таркибида музей директори Г.В.Парфёнов (экспедиция раҳбари), рассомлар А.Ю.Рогинская, А.С. Кириллов, овчи-ўлкашунос И.Ф.Ломаев, музейнинг илмий-техник ходимлари А.П.Иванова, В.К.Сандул ва Термизкомстарис вакили Шариф Исмоиловлар бор эдилар. Г.В.Парфёнов Сурхондарё вилоят театрига 1942 йили Москва шаҳридан ишга келган рассомлар А.Ю.Рогинская ва А.С.Кирилловларни махсус Зараутсой экспедицияси ишига жалб этганди. Зараутсой экспедицияси бир ярим ой ичида топилган барча суратлардан нусха кўчириб улгурди. Экспедиция Зараутсойдан кетгандан кейин ҳам Г.В.Парфёнов бу ерда бир ўзи қолиб, уч ҳафта ишлади. 48 та сурати бор янада иккита камар топди.

Умуман, вилоят ўлкашунослик музейининг 1933-1943 йиллардаги фаолиятига назар ташланадиган бўлса, ўтган 10 йил давомида 9 марта мустақил экспедиция ташкил этилган, 23 марта узоқ муддатли сафарлар уюштирилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Хулоса қиладиган бўлсак, 1920-1941 йилларда Сурхон воҳасида бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Айниқса, пахтачилик, геология ва археология соҳаларида каттагина ютуқлар қўлга киритилди. Лекин тарихий таҳлил шуни кўрсатдики, воҳадаги илмий тадқиқотлардан асосан коммунистик мафкура тарғиботи учун фойдаланилган эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аннаев Т. Кўҳна Термизда будда ёдгорликлари // «Фан ва турмуш» журнали, 1977, №1. –Б. 24.
2. Архивное дело № 252. –С. 1- 4. Термиз Археология музейи илмий архиви фонди.
3. Фаёзов Р.Ф. Козловский В.А. Краткое описание Сурхандарьинского областного краеведческого музея. Дело № 294. Термиз Археология музейи илмий архиви фонди
4. Иноятова С. Сурхондарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи – мозий кўзгуси. Термиз: “Сурхон-нашр”, 2019. –Б. 64.
5. Краткая история Сурхандарьинского областного краеведческого музея (1933-1943гг.)
6. Сурхандарьинской области). Ташкент, 1941. –С. 2.
7. Парфёнов Г.В. История исследования Старого Термеза (Материалы к археологической карте Сурхандарьинской области). Ташкент, 1941. –С. 2.
8. Парфёнов Г.В. Сведения о музеях Узбекской ССР на 20 августа 1946 г. Дело № 263.
9. Парфёнов Г.А. Краткая история Сурхандарьинского областного краеведческого музея (1933- 1943гг.). Архивное дело № 520. Термиз Археология музейи илмий архиви фонди.
10. Парфёнов Г.В. История исследования Старого Термеза (Материалы к археологической карте Сурхандарьинской области). Ташкент, 1941. –С. 2.
11. Парфёнов Г.В. История исследования Старого Термеза (Материалы к археологической карте Парфёнов Г.А.
12. Турсунов., Умаров И. ва бошқалар. Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг тарихи. –Термиз: Сурхон-нашр, 2017. – Б. 149.
13. Термиз Археология музейи фонди, № 250. –Б. 30.
14. Турсунов С., Пардаев Т., Пайғамов А., Нарзуллаева Н. Сурхон воҳасида моддий маданият тарихи. Тошкент, 2013. –Б. 193.

РЕМЕСЛА И РЕМЕСЛЕННИКИ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ЖАНРА “ШАХРОШУБ”

Шодмон Вохидов,
доктор исторических наук, профессор.
Гулпари Шарифова,
кандидат филологических наук, Таджикскистан.

Резюме

Ремесла и ремесленное производство как результат разделения труда в человеческом обществе является символом культуры оседлого населения и городской жизни.

В средние века ремесленники городов Средней Азии производили различные продукции и товары для внутренних рынков и для вывоза за рубеж. Само развитие ремёсел и народных промыслов было результатом укрепления центральной власти, показателем политической стабильности, развития экономики, торговли, культуры и духовной жизни.

Города были центрами науки и культуры, а жизнь в городе способствовала, также развитию литературной среды. В этой литературной среде Мовараннахра и Хорасана, которая имела единую этнокультурную пространство, входили представители ремесленников и других профессий, поклонники поэзии и литературы, большинство из которых сами сочиняли стихотворение.

Один из главных тем поэтов и литераторов, которым они охотно занимались было описание жизни горожан и ремесленников. В период ренессанса народов Аджамы, который начинается с периода правления саманидов, поэты посвящали свои произведения в различных жанрах поэзии ремесленникам, торговцам, представителям других городских

профессий. Такой сборник стихотворений назывался “Шахрошуб” или “Шахрангез” (Городское смятение, мятеж), сборник который своей содержанием приводил город в “смятение”, “мятежам”(род юмористического или сатирического стихотворения).

Надо заметить, что “Шахрошуб”, как литературный жанр распространился в таджикско-персидской литературе, в литературе Турции, Азербайджана, литературе на языке урду. По заключению специалистов этот новый жанр, в литературе других народов, появился под влиянием таджикской литературы.

Автор на примере творчества поэтов Сайидо Насафи и Мухаммадтохира Казвини анализирует их произведения в жанре шахрошуб.

Ключевые слова: города, торговля, ремесла, ремесленники, поэтический жанр “Шахрошуб”, Сайидо Насафи, Мухаммадтохир Казвини, городские занятия и профессии.

Summary

Crafts and handicraft production as a result of the division of labor in human society is a symbol of the culture of the settled population and urban life.

In the Middle Ages, artisans of the cities of Central Asia produced various products and goods for domestic markets and for export abroad. The very development of handicrafts and folk crafts was the result of the strengthening of central power, an indicator of political stability, the development of the economy, trade, and culture and spiritual life.

Cities were centers of science and culture, and life in the city also contributed to the development of the literary environment. This literary environment of Movarannahr and Khorasan, which had a single ethno-cultural space, included representatives of artisans and other professions, admirers of poetry and literature, most of whom composed a poem themselves.

One of the main themes of poets and writers, which they willingly dealt with, was the description of the life of townspeople and artisans. During the period of the renaissance of the Ajam peoples, which begins with the period of the reign of the Samanids, poets dedicated their works in various genres of poetry to artisans, merchants, and representatives of other urban occupations. Such a collection of poems was called “Shahroshub” or “Shahrangez” (City turmoil, rebellion), a collection of which, with its content, brought the city into “confusion”, “mutinies” (a kind of humorous or satirical poem).

It should be noted that “Shahroshub”, as a literary genre, spread in the Tajik-Persian literature, in the literature of Turkey, Azerbaijan, literature in the Urdu language. According to experts, this new genre, in the literature of other peoples, appeared under the influence of Tajik literature.

The author analyzes their works in the shakhroshub genre using the example of the poets Sayido Nasafi and Muhammadtohir Kazvini.

Key words: cities, trade, crafts, artisans, poetic genre “Shahroshub”, Sayyido Nasafi, Muhammadtohir Qazvini, urban occupations and professions.

Ремесла и ремесленное производство, как результат разделения труда в человеческом обществе является, символом культуры оседлого населения и городской жизни. Еще с эпохи бронзового века люди в своих поселениях занимались ремесленными делами, которые были потребны в повседневной жизни. Переработка руды и получение из него меди, олова, бронзы, серебра и золота стала причиной развития ювелирного искусства, производства орудий труда и вооружений. Кроме этого люди из своих временных и сезонных поселений перешли к градостроительству, развивалось зодчество, они присвоили другие строительные профессии. Появление денег и развитие внутренней и внешней торговли, привели к активному обмену ремесленных товаров и продукции, и как результат такого сдвига ремесленники и представители различных городских профессий стали занимать важное место в социальных отношений членов общества.

В средние века ремесленники городов Средней Азии производили различные продукции и товары для внутренних рынков и для вывоза зарубеж. Само развитие ремёсел и народных промыслов было результатом укрепления центральной власти, показателем политической стабильности, развития экономики, торговли, и культуры и духовной жизни.

Города были центрами науки и культуры, а жизнь в городе способствовала, также развитию литературной среды. В этой литературной среде Мовараннахра и Хорасана, которая имела единую этнокультурную пространство, входили представители ремесленников и других профессий, поклонники поэзии и литературы, большинство из которых сами сочиняли стихотворение. Некоторые из них сами имели сборник стихов – диван. Авторы антологий и исторических произведений в своих произведениях упоминают о поэтах, которые были ремесленниками [2; 6; 9; 23; 24]. Действительно, многие представители классической персидской литературы жили и обеспечивали жизнь своим семьям занимаясь крестьянством, ремеслом, торговлей и другими профессиями. Их жизнь и деятельность нашла отражение в классической литературе многих народов.

Один из главных тем поэтов и литераторов, которым они охотно занимались было описание жизни горожан и ремесленников. В период ренессанса народов Аджамы, который начинается с периода правления саманидов, поэты посвящали свои произведения в различных жанрах поэзии ремесленникам, торговцам, представителям других городских занятий. Такой сборник стихотворений назывался “Шахрошуб” или “Шахрангез” (Городское смятение, мятеж), сборник который своей содержанием приводил город в “смятение”, “мятежам” (род юмористического или сатирического стихотворения).

Надо заметить, что “Шахрошуб”, как литературный жанр распространился в таджикско-персидской литературе, в литературе Турции, Азербайджана, литературе на языке урду. По заключению специалистов этот новый жанр, в литературе других народов, появился под влиянием таджикской литературы.

Этот литературный жанр изучен советскими учеными и исследователями периода независимости на примере поэтического наследия Саъди Салмон, Махсити Ганджави, Озари, Мирмухаммада Хошим, Джалолиддина Мухаммад Илохи, Сайфи Бухори, Сайидо Насафи и других.

Здесь можно упоминать работы А.Мирзоева [19-22], Х.Мирзозода [23], У.Каримова [16], А.Абдусатторова [1], А.Афсахзода [3], М.Ахмедова [5], А.Валиева [8], М.Дадабоева [11], М.Ф.Иброхимова и С.А.Содикова [14] и других [2; 5; 12; 13; 16; 29; 30]. Иранский ученый Ахмад Гулчини Маъони имеет специальную работу посвященную жанра “шахрошуб” [6]. Литературовед Б.Х.Насриддиниён защитил диссертационную работу посвященную места и роли ремесленников в таджикско-персидской литературе, в второй половине XI-XVII веков [27]. Ученый А.С.Сухачев написал монографию о жанре шахрошуб в литературе на языке урду [31], турецкий ученый М.Иззет [15], исследовательница Е.И.Маштакова написали отдельные работы о жанре шахрошуб в турецкой литературе [18].

Кроме этого, написано много работ о таджикско-персидских поэтах, в наследии которых данный жанр занимает особое место (например, см: 3).

Стихотворение жанра шахрошуб, в большинстве своем имеет значение сатиры и шуток, насмешки и острология. Оно существует с XI века, и первые образцы такой поэзии мы встречаем в наследии Рудаки и его современников, также в трудах Масъуда Саъди Салмона (1046-1121).

Масъуди Саъди Салмон в своем произведении жанра шахрошуб в 79 стихотворениях (китъа) упоминает представителей 79 профессий и ремесла. Далее до начала монгольского завоевания многие поэты посвящали стихотворение ремесленникам и жителям городов. Чингизидское завоевание привел в упадок не только политическую жизнь городов, но и уничтожил многие стороны общественной, хозяйственной и культурной жизни горожан.

Только в период Темура и правления темуридов мы наблюдаем развитие экономической жизни, укрепление социальных отношений, развития ремесел, повышения благосостояния народа. В крупных городах Мовараннахра и Хорасана утановилась мирная жизнь, развивалось ремесленное дело, другие профессии и занятия. Города снова превратились в центры науки и литературной жизни, стали местом культурного досуга и времяпрепровождения. Мирная жизнь и развитие культуры отражались на поэтические и прозаические труды поэтов и писателей того времени.

Самые знаменитые авторы жанра шахрошуб в таджикско-персидской литературе являются Ашраф Мозандарони, Сайфи Бухори, Сайидо Насафи, Мирзо Бедил, Ваххид Казвини, Фагфур Неъматхон Али, которые формировались в литературной среде городов Хуросона и Мовароуннахра.

В данной статье рассматривается произведения жанра “Шахрошуб” в наследии поэтов Сайидо и Мухаммадтохири Казвини. В период глобализации и близкого диалога культур, развития туризма и ремесла анализ и изучения жанра шахрошуб, посвященная ремесленникам и занятия горожан, приобретает особую значимость и актуальность.

В XV веке был известен жанр сатирического стихотворения Сайфа Бухори “Шахрошуб”. В нем поэт упоминает более 50 представителей городской профессии и ремесленников. А.Н.Болдырев и А.Мирзоев считали стихотворения Сайфа, посвященные ремесленникам, самыми лучшими образцами таджикской литературы. У Сайфа Бухори есть диван, который он посвятил представителям искусства и ремесленникам. В диване Сайфа говорится о мастерстве полировщиков, каллиграфов, ювелира, астролога, токаря, кондитера, красильщика, пекаря, банщика, портного. “В его творчестве, наравне с представителями ремесленников, также речь идет о мелких разнорабочих: продавцов накидок, сапожек, торговцев муки; представителей мелких чиновников – коневодов или конюхах, представителей нижших духовных лиц – дервишей, работника вакуфной собственности, сеййидов, шейха, имама”, пишет А.Мирзоев (22, 283).

С другой стороны, именно это среднее сословие производителей влияли на литературу (22, 283).

В XV веке жанр шахрошуб занимал особое место в творчестве Сайидо Насафи, где он с помощью сатиры, насмешек, красноречия, особого описания характеризует жизнь молодых ремесленников. По заключению ученых в таких произведениях мы находим этнографические сведения о ремеслах периода жизни автора.

Шахрошуб был связан с жизнью жителей города, который расширил темы классической литературы, и была распространена в XV-XVII веков. Лирический герой шахрошуба был сам поэт, его эпический герой выступает его возлюбленный – ремесленник, который упоминается под именем “обворажительная”, “красавица”, “озорник”, “идол”, “месяц”, “молодой”, “сынок”. Иногда сам поэт (я) упоминается в качестве определенного ремесла, ремесленника или промышленника.

Как отметили выше, жанр шахрошуб занимает особое место в наследии Сайфи Бухори, а в творчестве Сайидо развивался уже как особый жанр. Миробид Сайидо Насафи, умер между 1707-1711 гг. и являлся одним из знаменитым поэтом эпохи аштарханидов. Он родился в Насафе, творил в городе Бухаре. Кроме других поэтических произведений у Сайидо есть прекрасный “шахрошуб”. В нем поэт дает сведения о 212 видах ремесла и их представителей. Для описания каждой профессии поэт посвящает от двух до 70 строк. Некоторые стихи имеют рифму, часть без рифмы. Воспеты они в различных жанрах поэзии и метрики. В шахрошубе Сайидо стихи посвящены представителем торговли, людям умственного и физического труда, представителям искусства, спорта, поварам и другим.

По словам автора он долгое время жил затворником, но затем приобщался к торговцам:

Хосил нашуд зи гушанишини муроди ман,
Худро зи хона бар сари бозор менамом [9]
Я не достиг своей цели из-за затворничества,
Я покидаю дом свой, и спешу на рынок.

Во времена автора рынки были не только центрами торговли, но и источником информации, получения новых данных, сообщений, местом творчества, нахождения славы, площадкой ремесленных состязаний и таланта умельцев, поэтических споров. По этой причине базары периода жизни Сайидо стали причиной появления прекрасного сборника стихов о ремесленниках и торговцах.

Сайидо дает сведения о таких ремеслах и их представителях, как чарчинфуруш –

торговец галантереей, заргар – ювелир, халвогар – кондитер изготавливающий халву, сартарош – парикмахер, меъмор – архитектор, шоир – поэт, арзанкор – человек сеющий просо, воиз – оратор, айнаксоз – оптик, наджор – плотник, даллоли кунок (мехмондор)-агент гостиницы, бодбаракбоз – игрок воздушных змей, сиркофуруш – продавец уксусов, бофанда – ткач, текстильщик, пустиндуз – скорняк, нонфуруш – торговец лепешек, деворзан – мастер по кладке глинобитных стен, кабоби – мастер готовящий кабаб, танбури - тамбурист, карной - карнаист, сурной – играющий на сурнае, хоркаш-собираатель, торговец колючек, подачи – пастух, осиебон – мельник, дехкон – крестьянин, джуворикор – сеящий джугару, патакфуруш – продавец стелек, гилкор – штукатур, сурмакашт – подводящий глаза сурмой, сетори – музыкант ситара, шаммои (шамъсоз)-подсвечник, мактабдор – учитель, муаззин – муэдзин, гуштингир – борец, наддоф – шерстобой, испандсуз – лекарь лечущий с помощью гармалы, рутуй.

Следует отметить, что в шахрошубе ремёсла рассматриваются как один из отраслей производства и как часть социальных отношений и как отдельный социальный пласт общества.

Отметим, что из числа ремесел занятия, о которых сообщает Сайидо Насафи, некоторые имели высокий статус в социальных отношениях. Лирический герой шахрошуба, который и есть сам автор в отношении ремесленников и обладателей профессий, являющимся объектом его смеха и шуток выступает как бедный, нуждающийся человек, обиженный и потерявший уважение и любовь своего возлюбленного. Поэт всегда представляется как влюбленный, раб и слуга ремесленников. В частности, про ювелира он пишет:

Хар ки як дам хамдами он дилбари заргар шавад,
Санг гирад лаъл гардад, хок гирад зар шавад.
Чашми каллобе, ки бо он симтан ман дидаам,
Рафта-рафта хамчу тифли ашк симовар шавад.
Боди васли он бути заргар маро дар жуш кард,
Хонаи ман омад имшаб халкахо дар гуш кард,
Дилбари заргар шабе бигзошт по дар масканам,
Омаду андохт тавки бандаги дар гарданам [9].
Кто стал на миг собеседником того обворажительного ювелира,
Камень на руке превращается в лазурит, а земля становится золотом.
Тот фальшивый взгляд, который я видел у той белотелой красавицы,
Со временем слезы превращают в серебрянный ручей.
Желание встречи с тем ювелиром, охватило мое сердце,
Пришел ко мне домой нарядившись себя серьгами.
Ювелир возлюбленный пришел однажды ночью ко мне,
И бросил мне на шею золотую цепь рабства.

В этом произведении поэт использует специальные ювелирные термины, как – мех, камень, лазурит, золото, фальшивомонетчик, серебро, сплав, серьги, цепь, которые раскрывают суть и значение профессии ювелира.

Вот очень приятный стих Сайидо о человеке сеющий просо (арзанкор):

Шухи арзанкор хар дам кади худ тах мекунад,
Бар замин гар арзане ёфт бар мах мекунад.
Гуфтамаш, ба мохи арзанкор, бо ман дор гуш,
Будаи дар ахди худ гандумнамои жавфуруш [9].
Озорник сеющий просо, когда сгибает спину свою,
Найдя зерно просы, бросает вверх в небо.
Сказал ему, послушай, о луноликий сеятель проса:
В своей клятве ты показывая пшеницу, продаешь ячмень!

Сеяльщик проса косить проса с поля согнувшись, потом ее собирает в гумно, затем поднимавшись во вес рост бросает просо вверх (до луны) и с помощью ветра разделяет зерно от кожи проса (то есть маленькая зерно достигает высокого положение). Поэт

обвиняет свою возлюбленного в нарушении обещания, обижается что он не держит свои слова, изменяет ему. Обвинив его говорит, что “он показывая пшеницу продает ячмень”.

В чест продавца уксуса он пишет утонченно:
Дилбари сиркофурушам лутфи беандоза дошт,
Хонаи ман омад ин шаб, туршруиро гузошт [9].
Возлюбленная моя продавщица уксуса, имела чрезмерную милость,
Пришла ко мне домой, спрятав свое угрюмое лицо.

Красавица продающая кислый уксус пришла в дом лирического героя, стала вести себя открыта, говорила красноречива, то есть продавщица кислого уксуса стала сладко говорит.

Сайидо очень тонко использует народные пословицы и мудрые высказывания. В его стихотворениях мы встречаем, такие предложения: “чтобы ты взял камень, которая превращается в лазурит, чтобы земля у тебя на руках превращалась в золото”, “показывающая пшеницу и продающая ячмень”, “быть топором в свои ноги”, “наконец попасть в колодец”, “волк с большой дороги”, “воткнуть все десять пальцев в рот”, “соблюдай очередь в мельнице”, “ковать холодное железо” (против “ковать железо пока горячо”), “сгибаться до земли”, “разогреть торговлю” (выставить себя на показ), “удариться головой, как весы и камни” и др. (“санг гири лаъл шавад, хок гири зар шавад”, “гандумнамои жавфуруш”, “теша бар пойи худ задан”, “окибат ба чох шудан”, “гурги борондида”, “дах ангушт бар дахон кардан”, “осиёб бо навбат”, “охани сардро куфтан”, “кадро дуто кардан”, “бозор гарм кардан”, “чун тарозу санг бар сар задан”).

В честь ткача он говорит:
Бо махи бофанда хар кас холаш огах мекунад,
Окибат худро ба пой хеш дар чах мекунад.
Мондаам дар куи у карбосхар дам меравам,
Ман зи як су медихам охор у тах мекунад [9].
Ткачихе красавице все раскрывают свои положения,
В конце сами незная, попадают в колодец (ее чар).
Вошел я на улицу ткачей, ради карбаса,
Я крахмалю ее (губы) она кладет их в ряд.

Таким образом, Сайидо умело используя художественные искусства, слова и другие способы художественного описания восхваляет ремесла и ремесленников, поднимая одновременно настроение читателей.

Как представитель ремесленников (Сайидо сам занимался ткачеством) он считает ремесла предметом гордости и источником обеспечения жизни:

Шир мегардад бурун аз кўн баъри Кўнкан,
Ризки худ соъибъунар аз санг пайдо мекунад.
Ради землекопа (Фархада) из гор протекается молоко,
Умелый мастер находит свое питание и в камнях.

Из сообщений авторов шахрошуб, таких как Саъди Салмон, Сайфи Бухори, Мухаммадтохир Казвини, Сайидои Насафи и других становится известно, что во многих городах Хуросона и Моварааннахра, в том числе в Бухаре и Исфагане, как важных центрах ремесленного производства и торговли жили очень много представителей различных ремесел и занятий. Часть из них занималась умственным трудом, но многие занимались тяжёлым физическим занятием. Среди них были и представители редких профессий с хорошими доходами.

Другой поэт, который писал и в жанре шахрошуб является Мухаммадтохир Вохидуз-замони Казвини, умерший в 1120 хиджри (1708 году). Он был придворным поэтом и историком сафевидов [26, 3-4]. В его произведении жанра шахрошуб мы находим

описание 50 ремесел в городе Исфагане.

Он языком сатиры, шуток и смеха дает сведения о разных ремеслах, как: сиркафуруш – продавец уксуса, нонфуруш – продавец хлеба, тарбузфуруш – продавец арбуза, тухмафуруш – продавец семян, мевафуруш – продавец фруктов, сарроф – меняла, савдогар – торговец; наълбанд – подковщик, заргарон – ювелиры, сузангар – мастер изготавливающий иглы, мисгар – медник, хаддод – кузнец, шамшергар – мастер изготавливающий сабли, мечи, тиргар – мастер, изготавливающий стрелы, зарроби – чеканщик; поваров, таких как кабоби – повара приготавливающий кабоб, кассоб – мясник, хаббоз – пекарь, каллапаз – повар, готовящий блюда из субпродуктов, мохигир – рыболов, таббох – повар; профессий плотников, как дуредгар – плотник, каллиграфии и книжного искусства (лаввох, саххоф, наккош), ахли дафтар – людей концелярии; дузандагон – руфугар – латальщика, штопальщик, кулохдуз – шапочник, чоксурдуз – мастера шьющий чоруки, хайёт – швея, пинадуз – штопальщик; мактаб – школа, мадорис – медресов, дабистон – начальная школ, также баззоз – торговца тканьями, бофанда – ткача, читсоз – мастера изготавливающий ситец, атторон – парфюмеров, баккол – бакалейщика, козур – стиральщика одежды, джавхари – продовца-ювелира, шонатарош – гребенщика, даллок-цирюльника, рангрес-красильщика, халлодж – трепальщика хлопка, шаърбофон (порчабофон) – мастеров изготавливающие ткань из шерсти, сарродж – шорника, наджор-плотника, шишагар – стекольщика, каннод – контдитера также, десяток других профессий и ремесел.

Шахрошуб Вохид уз-замон Казвини написан в стихотворном размере хазаджи мусаддаси ахраби макбузи махзуф (мафъулун – мафоъилун – фуъулун). В отличие от других поэтов, которые писали в жанре шахрошуб, Казвини дает более подробную информацию о профессиях и ремеслах. В его описании можно найти сведения о технологии и процессе работы ремесленника. В его стихах мало сатиры.

О профессии ткача (баззаз) он пишет:

Баззозонаш харирхуянд,
Монандаи нофа мушкбуянд.
Аз хусн, жамолашон бахор аст,
Дуккон зи матоъ лолазор аст.
Бинмуда ба чашм шавки булбул,
Хар тунг матоъ, гунчай гул.
Бар руи хам он матои алвон,
Чун кавси Кузах аён зи дуккон.
Тири газашон камон надида,
Сад бедилро ба хун кашида.
Аз мо чу насия дил хариданд,
Хатхо бар газ аз он кашиданд.
Ангушти газида аз фусус аст,
Ё муфрадаи хисоби бус аст [26, 18].
Баззазы по характеру мягкие как шелк,
И как мускус они приятно пахнут.
По красоте они как весна,
Их лавка укращена тканями.
Как соловей смотришь радостно,
На ряды тканей, как бутон цветка.
И на входе у лавки разноцветные материи,
Как созвездие Стрелца они видны из далека.
Их мера длины – гяз, как стрела невыстреленная из лука.
Но поразившая сотни влюбленных.
У нас они преобрили в долг сердце,
Поэтому в палке гяз оставлена метка о должниках.
Прикусить палец случается от жалости,
Или является знаком поцелуя!

В этом стихотворении посвященной баззазу – ткачу ситца, Казвини использует специальные термины этой профессии, как харир – шелк, нофа-мускусный мешочек, дуккон – лавка, мушк – мускус, матоь – ткань, тунг (рулон, связка) – рулон, кип, матои алвон – разноцветная ткань, газ – гяз(палка длиной 70-100 см), насия – в долг. Искусства сравнения, шуток, высокопарных слов использованы автором очень удивительны: “Кавси кузах” – созвездие Стрелца, “тири газаш камон надида” – стрела гяз, невидавшая лук, “хат бар газ кашидан” – оставить метку на палке – гяз-меры длины, “ангушт газидан” – кусать палец, “муфрадаи хисоб” – символ счета. Продавцы ситца меряют товар гязами, потом отдавая их в долг ставят отметку в палочке. Таким образом, продавец взял в залог сердце покупателя (свою возлюбленной). Покупатель товара отдав сердце с жалостью и сожалением, не достигнув встречи хочет заплатить за товар поцелуем. Но не достигнув цели она кусает кончик своего указательного пальца. Конец пальца от укуса становится черным. Это напоминает науку “саёк-фиска”, где сумма подитогиивается отпечаткой пальца в конце. Таким образом, возлюбленный (покупатель) имеет огромный долг, который он не может платить. То что он должник отмечен в гязе – палке меры длины, и закреплена отпечаткой кончика палца возлбленного.

Казвини восхваляя кузнеца (хаддод) в шуточной форме, красноречиво использует специальные термины, как “куфтани охани сард” (ковать холодное железо) – я мучаюсь, но кузнец не знает об этом. Таки я коваю холодное железо; оташ – огонь, кура- – горн, дам – мех, путк – молот, сандон – наковальная, охани тафта – горячее железо, оби охан – вода где охлаждали железо, джуш – закаливание:

Хаддод хабар надорад аз дард,
Бехуда чи кубам охани сард!?
Оташ хохам задан ба олам,
Дар кураи ишки ёр чун дам.
Собиткадамам ба куйи жонон,
Гар путк ба сар хурам чу сандон.
Сад шукр ки то асири уям,
Чун охани тафта сурхруям.
Бошад дили сахти он париваш,
Чун охани тафтае дар оташ.
Бошад, дар чашми гиряи ман,
Обе ки дар у ниханд охан.
Гарм аст сиришки чашми бехоб,
Аз охани уст жуши ин об [26, 23].
Зачем ковать мне холодное железо,
Если кузнец не знает, что такое боль.
Я разжигая вес этот мир,
Раздувая как мех огонь в горне любимой.
Я очень предан своей любви,
Даже если бьют меня по голове как молотом в наковальную.
Благодарен я, что я ее пленник,
Лицом красный как железо в огне.
Сердце ангелочка твердая как камень,
Как железо горячая в огне.
Слезы в моих заплаканных глазах,
Как вода где охлаждают железо.
Горячи слезинки в моих бессонных глазах,
Они кипят от горячего закаленного железа.

Такие стихотворения полные шуточными словами, скрывающие в себе другие смыслы и значения можно встречать в шахрошубе многих авторов.

Сделая вывод можно отметить, что:

1. Каждый стихотворный жанр (байт, газел, китъа, ода, фард, четверостишие...) в шахрошубе посвящается представителям отдельного искусства, ремесла или занятий.

2. Поэт начинает описание ремесел с обидой и жалобой на ремесленника – объект любви и обращения автора (например, “Дар дили сухонгарам охи маро таъсир нест” (мои жалобы не слышны), у Сайфи; “Хаддод хабар надорад аз дард” (кузнец не знает что такое боль) у Казвини, “Нигори хиштгар дорад дили сахт” (мастер кирпичей имеет железное сердце) у Сайидо.

3. Традиционная тематика любви и влюбленности составляют смысл стихотворений в шахрошубе. Она использована для передачи новой темы – восхвалении ремесел и ремесленников (22, 286).

4. В стихотворениях жанра шахрошуб нет религиозных и суфийских содержаний. На примере поэзии Сайфи Бухори такая особенность анализируется академиком Абдугани Мирзоевым. Многие произведения жанра шахрошуб имеют такое направление.

Надо отметить, что шахрошуб отражает жизнь и деятельность горожан, особенно ремесленников, представителей научной и литературной среды. Через жанр шахрошуб, город приходил в смятение, поднимались “восстания” и ремесленники через поэтов начинали противостояние и споры. Новые шутки, красноречие, сравнение, идиомы раскрывали значение городских занятий и ремесел. Шахрошуб как поэтический жанр был показателем мирной жизни и развития торговли, ремесла.

В наши дни многие поэты продолжая литературные традиции посвящают свои стихотворения представителям разных профессий и занятий, в том числе ремесленников.

В Среднеазиатских государствах идет сильная тенденция возрождения традиционных занятий и народных промыслов, ремесла. Открываются новые рабочие места, дается налоговые льготы. Некоторые отрасли имеют всестороннюю поддержку государства, развивается международный туризм, в рамках которого расширяется торговля местными изделиями и товарами ремесленников. В рамках развития традиционных видов ремесел, например в Самарканде осуществлен проект “Вечный город”, где представлены многие виды народных промыслов и ремесла, также их продукция. Также 2018-2021 годы в Таджикистане были объявлены годами развития туризма и народных ремесел.

ҶОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдусатторов А. Тасвири анвои касбу хунар дар ашъори Сайидо // Паёмномаи фарханг, 2014, № 4. // ritfi.tj 26.04.2016.

2. Авфии Бухорои. Тазкираи лубобул-ал-боб. – Техрон, 1351. – 873 вар.

3. Акрамов Ф. М. Тазкира «Нусхаи зебои Джахангири» Мутриби как источник по истории изучения литературной жизни Мовараннахра и Индии XVI-начало XVII вв. д.1988. Дисс.канд.филол.наук. – Душанбе, 1998. – 140 с.

4. Афсахзод А. Абдурахмони Жоми ва газали хунарманди. // Изв. АН Тадж. ССР. Отд-ние общ наук. 1981. № 1. – С. 14-20.

5. Ахмедов М. Дарवेशи Дехаки. – Душанбе, 1967. – 80 с.

6. Ахмад Гулчини Маони. Шахрошуб дар адабиёти форси. – Техрон, 1967. – 460 с.

7. Болдирев А.Н. Зайниддин Восифи. – Сталинобод, 1957. – 160 с.

8. Валиев А. Освещение этнографии таджикского народа в трудах русских дореволюционных исследователей (XIX – начало XX веков). Дисс.докт. ист.наук. – Душанбе, 2015. – 349 с. // biorif.ru / Valiyev A.

9. Гулшани адаб. Намунаи назм иборат аз панж жилд. Жилди IV. Намунаҳои назми тоҷик. Асрҳои XVI-XVIII. – Душанбе: Ирфон, 1977. – С.208-217.

10. Давлатшохи Самарканди. Тазкиратуш-шуаро. / Тахияи Мухлиса Нуруллоева. – Хужанд: Ношир, 2015. – 544 с.

11. Дадабоев М. О степени изученности жанра “Шахрошуб” // shir.liverjournal.com.2014.11.24.

12. Девони Сайидои Насафи / Бо тасхех ва таълиқи Хасани Рахбари. – Техрон, 1382. – 420 с.

13. Зарифи И. Кош арусам шави. – Душанбе: Истеъдод, 2012. С. 37-42.
14. Иброхимов М.Ф., Содикова С.А. Текстильные промысли Средней Азии в XVII - XVIII веках и их отражение в творчестве Сайидо Насафи // ddstdt.tj
15. Иззет М. Турк адабиётинде шеър-енгизлер. – Истамбул, 1958. – 460 с.
16. Каримов У. Адабиёти тожик дар асри XVI. – Душанбе: Дониш, 1985.
17. Курбонова С.И. Абдулгани Мирзоев – исследователь истории персидско-таджикской литературы. Дисс. канд.филол.наук. – Душанбе, 2003. – 184 с.
18. Маштакова Е.И. Из истории сатиры и юмора в турецкой литературе. – Москва: Наука, 1972. – 348 с.
19. Мирзоев А. Сайидо ва макоми у дар таърихи адабиёти тожик. – Сталинобод: Нашрдавтожик, 1947. С. 111-115. – 199 с.
20. Мирзоев А. Сайфи Бухори ва мавкеи у дар таърихи адабиёти доираҳои хунарманди / Мирзоев А. Сездеҳ макола. – Душанбе: Ирфон, 1977.С. 274-287.
21. Мирзоев А. Шахрошуб ва асоси иҷтимоии он // Межвузовская научная конференция по иранской филологии (Тезисы докладов). – Душанбе, 1966. – С.82-86.
22. Мирзоев А. Шахрошуб ва “Шахрошуби” Сайидо // Шарки сурх, 1948, №2. С.41-42.
23. Мирзозода К. Лугати мухтасари истилохоти адабиётшиносии (Барои хонандагони мактабҳои миёна ва оли) – Душанбе: Маориф, 1992. С.166-167. – 238 с.
24. Мутрибии Самарканди. Нусхаи зебои Жаҳонгир. // Дастхати Институти Шаркшиносии АФ Ҷумҳурии Ўзбекистон ба номи Абурайҳони Берунӣ. № 3617.
25. Мутрибии Самарканди. Тазкиратуш-шуаро. // Дастхати Институти Шаркшиносии АФ Ҷумҳурии Ўзбекистон ба номи Абурайҳони Берунӣ. №2253.
26. Муҳаммадтоҳир Ваҳидуз-замони Қазвини. Шахрошуб / Бо кушиши Бехдод. – Техрон, 1379. – 69 с. (электронный вариант).
27. Насриддиниён Б.Х. Персидско-таджикская литература ремесленных кругов (2-ая половина XII-XVII веков). Дисс. канд.филол.наук. – Душанбе, 2006. – 184 с.
28. Нисори Бухороӣ Хожа Баъоуддин Хасан. Музақкирул-ахбоб. / Ба тасъиъ ва муқобала ва муқаддимаи Саййид Муъаммад Фазлуллоъ. – Ђайдаробод, 1969. – 600 с.
29. Норик Б.В. Антологии Хасана Нисари и Мутрибии Самарканди как источники по истории письменной культуры Мавераннахра вXVI – первой трети XVII вв. Дисс. канд. ист.наук. – СПб, 2005. – 160 с.
30. Сайидои Насафи. Куллиёти осор./ Матни илми ва интиқоди бо муқаддима ва тасхеҳи Жобулқо Додалишоев. – Душанбе, 1990.
31. Саъдиев Садри. Адабиёти тожик дар асри XVII. – Душанбе, 1985.
32. Сухачев А.С. Шахрошуб в литературе урду. Теория жанров литератур Востока. – Москва: Наука, 1985. – 280 с.
33. Калонтаров Я.И. Мудрость трех народов. Панду хикмати се халк. Уч халкнинг хикматлари. – Душанбе, Адиб, 1989. – 428 с.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРГА (ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ) ҚАРШИ ҚУРАШИШ ТАДБИРЛАРИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

(XX асрнинг 50–80 йиллари мисолида)

Мўминова Гавҳар,
Қарши давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси мудири,
тарих фанлари доктори, профессор.

Аннотация: Ушбу мақолада юқумли касалликларнинг тарқалиши бир қатор табиий шарт-шароитлар, давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг моҳиятига, хусусан, аҳоли моддий турмуши, ҳукуматнинг соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борган сиёсати, аҳоли орасида санитария маорифининг ёйилиш даражаси, аҳоли яшаш пунктлари, шаҳар ва туманларнинг санитария ҳолати, атроф-муҳит ва экология, тоза ичимлик суви

таъминоти, аҳолининг озиқ-овқат истеъмол даражаси каби масалалар билан чамбарчас боғлиқлиги ўз аксини топган.

Калит сўз: юқумли касаллик, гепатит, вирусли, сариқ касаллик, эпидемия, махсус шифохона, даволаш

Аннотация: В данной статье распространение инфекционных болезней базируется на ряде природных условий, сущности социально-экономической политики государства, в частности материальной жизни населения, политике правительства в области здравоохранения, масштабах распространения санитарных знаний среди населения, жилых массивов, санитарного состояния городов и районов, отражена тесная связь с такими вопросами, как окружающая среда и экология, обеспечение чистой питьевой водой, уровень потребления продуктов питания населением.

Ключевые слова: инфекционное заболевание, гепатит, вирус, желтуха, эпидемия, спецбольница, лечение.

Abstract: In this article, the spread of infectious diseases is based on a number of natural conditions, the essence of the state's socio-economic policy, in particular, the material life of the population, the government's policy in the field of health care, the extent of the spread of sanitary knowledge among the population, residential areas, the sanitary condition of cities and districts, the close connection with such issues as environment and ecology, supply of clean drinking water, food consumption level of the population has been reflected.

Key words: infectious disease, hepatitis, viral, jaundice, epidemic, special hospital, treatment.

Дунё халқлари барча тарихий даврларда юқумли касалликлардан кучли азият чекиб келган. Бу турдаги касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалиши бир қатор омиллар билан боғлиқ бўлиб, иқлим хусусиятлари, табиий шароит, муайян давлатдаги ижтимоий-иқтисодий масалалар ечими, хусусан, давлат томонидан санитария маорифи ишининг йўлга қўйилиши, профилактика тадбирларининг аҳволи, ҳудуднинг экологик ҳолати, аҳоли яшаш пунктларининг санитария ҳолати, тоза ичимлик суви ва канализация тизимининг мавжудлиги, юқумли касалликларни даволаш тадбирларининг уюштирилиши шулар жумласидандир.

Республиканинг турли шаҳарларида озиқ-овқат дўконлари, умумий овқатланиш шаҳобчалари санитария ҳолатининг қониқарсиз аҳволи юқумли касалликларнинг кенг тарқалишида асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилди. Масалан, 1970 йил Тошкент шаҳри Чилонзор туман озиқ-овқат савдо бирлашмасига қарашли 64-сонли озиқ-овқат дўкони (мудири Зайнутдинов) текширувдан ўтказилганда доимий равишда антисанитария ҳолатида бўлиши аниқланган. Дўконда тиббий кўрикдан ўтмаган кишилар харидорлар билан савдо қилган. Шаҳар санитария-эпидемиология станцияси мазкур дўкон фаолиятига рухсат бермаган бўлса ҳам улар ишлашда давом этган. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги 3, 20, 16, 13, 22, 28, 53, 58-сонли дўконларда ҳам юқоридаги ҳолат кузатилган[11].

Совет ҳокимияти йилларида кўп тарқалган юқумли касалликлардан бири – вирусли гепатитга қарши кураш тадбирлари ҳам олиб борилиб, мамлакатда бу касалликни ҳисобга олиш ишлари XX асрнинг 50-йилларидан бошланган. 1950 йили Иттифоқ бўйича 133170 киши ушбу касаллик бўйича рўйхатга олинган бўлса, 1989 йилда 910000 киши сариқ хасталиги билан оғриди [1]. Иттифоқдош республикалар орасида Ўзбекистон сариқ касаллиги кўп тарқалган ҳудудлардан бири бўлиб, атроф-муҳит ҳавосининг кучли ифлосланганлиги, қишлоқ хўжалигида зарарли кимёвий моддаларнинг кўплаб қўлланиши, санитария-гигиена қоидаларининг бузилганлиги касалликнинг тарқалишига қулай шароит яратиб берди. Масалан, Сурхондарё вилоятида 1962 йилда 3885 киши вирусли гепатит билан рўйхатга олинган бўлиб, беморлар сони олдинги йилга нисбатан 20-25 фоизга ўсди[2]. 1966 йилнинг дастлабки 9 ойида Сариосиё туманида сариқ касаллиги билан хасталанганлар сони ўтган йилга нисбатан 74,2 фоизга, 1968 йилда туманининг Шарғун қўрғонида касаллик 3, 4 марта кўпайди[3].

Вирусли гепатит касаллигининг кўпайишида беморларнинг ўз вақтида касалхоналарга жойлаштирилмаганлиги ҳам асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилди. Вирусли

гепатит билан касалланганларнинг кўпчилиги терида сарғайиш пайдо бўлгандан сўнг, касалликни даволаш вақтидан ўтказиб врачга мурожаат қилганлар[4].

Ўзбекистон вилоятларида вирусли гепатитга қарши кураш штаби ва эпидемияга қарши фавкулотда комиссия иш олиб борди. Сарик касаллигининг “В” тури кўпроқ тиббий асбобукуналар орқали юқиш ҳолатлари аниқланган, аммо бунинг олдини олиш чоралари кўрилмади. 1976 йилда Қашқадарё вилоятида 10 та шприцларни зарарсизлантириш пунктидан 2 таси ишлаб турди. Вилоят аҳолисининг шприцга бўлган талаби 20–25 фоиз қондирилди[5].

1981 йилда СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 752-сонли “Вирусли гепатит касаллигининг олдини олишнинг чора-тадбирларини кучайтириш ҳақида” ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорни ҳаётга татбиқ этишни уюштириш мақсадида шу йили Ўз КП МК ва ЎзССР Министрлар Советининг “Ўзбекистон ССРда вирусли гепатит касаллигининг олдини олиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган зарур чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди[6].

Сарик касаллиги ва унинг олдини олиш, тугатиш масалалари республика ва вилоят раҳбариятининг, соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларининг энг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Чунки бу касалликка чалиниш даражаси Ўзбекистонда бошқа ҳудудларга нисбатан ўсиб борди. 1981 йил апрелида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш министрлигининг “Ўзбекистонда вирусли гепатит касаллигининг олдини олишнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида” ги буйруғи эълон қилинди.

1981 йил сентябрида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш министрлигининг махсус бригадаси республиканинг 6 та вилоятида вирусли гепатит касаллигининг тарқалиш тафсилотларини ўрганиш бўйича текширишлар олиб борди. Текшириш натижалари 1982 йил январида Республика санитария-эпидемия кенгаши ҳамда СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг коллегиясида муҳокама этилди[7].

Вирусли гепатит касаллигининг олдини олиш мақсадида оммавий ахборот воситаларининг барча йўналишлари орқали ташвиқот-тарғибот ишлари авж олдириб юборилди. 1982 йили телевидения орқали 16 та кўрсатув, республика радиоси орқали 12 та эшиттириш вирусли гепатит касаллигига қарши кураш масаласига бағишланди. Бундан ташқари шу йили республиканинг турли вилоятларида 9641 та чиқишлар, 2146 марта кино кўрсатув, 339 та мақола, 30 минг нусха рисола нашр этилиб, аҳоли билан шу масалага бағишлаб 1168 марта учрашувлар ташкил этилди[8].

Бу даврда Тошкент шаҳрида вирусли гепатит касаллигига қарши курашда баъзи ютуқлар қўлга киритилди. Шаҳар шифохоналарида вирусли гепатит касаллари учун 2000 та даволаш ўрни ишлаб турди[9].

Ўзбекистон табиблари юқумли касалликларни даволашда қатор муваффақиятларни қўлга киритган. Вирусли гепатит (сарик касаллиги) вилоятларда кенг тарқалган юқумли касаллик бўлиб, бу касалликни даволаш бўлимлари ва махсус шифохоналар ҳар бир туман ва шаҳарларда ташкил этилганлигига қарамай, кўплаб беморлар даво излаб табибларга мурожаат қилганлар[10]. Сарик билан касалланганларнинг асосий қисмини болалар ташкил қилган бўлиб, шифохоналардаги муҳит улар учун унчалик қулай эмас эди. Айниқса, бу касаллик айрим ҳолларда болаларнинг қаттиқ кўрқишлари оқибатида келиб чиқишини ҳисобга оладиган бўлсак, касалхоналарда даволанаётган болалар эса томчи уколлар қабул қилиш мобайнида кучли руҳий кечинмаларини бошидан ўтказганлар ва бу ўз ўрнида уларнинг соғайишларига салбий таъсир кўрсатган. Табиблар эса бола руҳиятига таъсир этмасдан, енгил усулларда даволаган. Улар касалликни бошланган муддатига қараб, турли хил даволаш усулларини қўллаган. Агар боланинг сарик касаллигига чалинганлигига кўп вақт бўлган бўлса, унинг тили остидаги ингичка томирини эзиш усули билан даволанган. Касаллик энди бошланаётган ҳолларда бошқа даволаш усули қўлланилган. Табиблар вирусли гепатит касаллигини даволашда парҳезга катта эътибор берган. Касалнинг қачон бошланганлигига қараб, 5 кундан 10 кунгача фақат қайнатилган сув ва қотган нон истеъмол қилиш буюрилган. Беморга 3 ойдан 6 ойгача тухум, қўй гўшти, ёнғоқ мағзи каби кучли овқат ва ширинликлар тановул қилиш ман қилинган. Бу давр мобайнида бемор киши жигарини тозалашга ёрдам берадиган

ҳар хил суюқликлар ичиши, тарвуз, нўхат ва товуқ шўрва, ширин анор сувини узлуксиз ичиб туришлари тавсия этилган.

Қашқадарё вилоятида энг таниқли табиб “косонлик табиб” номи билан машҳур бўлган уста Шукур бобо Отамуродов эди. У 1932 йилда Косон шаҳрида туғилган бўлиб, отаси ва бобосидан табиблик касбини ўрганиб, баҳоли қудрат қўлидан келганича беморларни даволаб, ўз фаолияти давомида минглаб кишиларга ёрдам кўрсатди. Шукур бобо сариқ касаллигини даволашда қарийб қирқ йиллик тажрибага эга бўлиб, беморга бехато ташхис қўйиб, уларнинг соғайиши учун қўлидан келганича ёрдам берган[12].

Хуллас, Ўзбекистонда совет даврида юқумли касалликлар кенг тарқалиб, вақти-вақти билан ҳудудларда эпидемиялар келиб чиқди. Бундай ҳолатнинг келиб чиқишига аввало, санитария маорифининг сустиги, қишлоқ хўжалигида турли захарли кимёвий моддаларнинг талабдан ортиқ даражада қўлланиши, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоларининг кескинлиги, экологиянинг ёмонлашганлиги ва бошқа шу каби омиллар сабаб бўлди. Инсон саломатлигини муҳофазалаш иши кўп жиҳатдан тоза ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматининг қай даражада йўлга қўйилишига жиддий боғлиқ бўлиб, совет даврида Ўзбекистонда бу борада муайян ишлар олиб борилган бўлса-да, аммо тоза ичимлик суви қувурларини ўтказиш учун ажратилаётган моддий маблағлар ва уларни ўзлаштириш ишидаги хато ва камчиликлар туфайли аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш кўрсаткичи жуда паст даражада бўлди. Республика қишлоқларида аҳолининг катта қисми очиқ сув ҳавзалари, яъни ариқ ва каналлар сувини истеъмол қилди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бургасов Н. Н. Состояние и перспективы дальнейшего снижения инфекционной заболеваемости в СССР.– Москва, 1988.– С. 100.
2. Сурхондарё вилояти Давлат архиви, 77-фонд, 1-рўйхат, 127-йиғма жилд, 26-варақ.
3. Сурхондарё вилояти Давлат архиви, 77-фонд, 3-рўйхат, 114-йиғма жилд, 34-38-варақлар.
4. Сурхондарё вилояти Давлат архиви, 77-фонд, 3-рўйхат, 114-йиғма жилд, 67-68-варақлар.
5. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги архиви, 1-фонд, 6-рўйхат, 67-йиғма жилд, 18-варақ.
6. Шодиметов Ю. Ижтимоий экологияга кириш.– Тошкент, 1989.– Б. 200.
7. Ўз МА, Р-837-фонд, 41-рўйхат, 5950-йиғма жилд, 19-варақ.
8. Ўз МА, Р-837-фонд, 41-рўйхат, 6238-йиғма жилд, 48-варақ.
9. Здравоохранение в Узбекской ССР (Справочные материалы для делегатов I съезда врачей Узбекистана).–Ташкент, 1990.– С.
10. Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Косон тумани. 2002 йил
11. Ўз МА, Р-837-фонд, 41-рўйхат, 2493-йиғма жилд, 76-варақ.
12. Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Косон тумани. 2002 йил.

JAÑALANIP ATIRĠAN QARAQALPAQSTAN

Abdullaeva Yaxshibeka Atamuratovna –
*Ájiniyaz atındađı NMPI „Jámıyetlik pánler”
kafedrası bashıđı, tariyx ilimleri doktori, docent*

Gilt sózler: *Ózbekstan, Qaraqalpaqstan, jañalanıw, rawajlanıw, sanaat, awıl xojalıđı, mádeniyat, bilimlendiriw, jaslar.*

Ключевые слова: *Узбекистан, Каракалпакстан, обновление, развитие, промышленность, сельское хозяйство, культура, образование, молодежь.*

Key words: *Uzbekistan, Karakalpakstan, renewal, development, industry, agriculture, culture, education, youth.*

Ózbekstan mámleketlik gárezsizligine eriskenden keyin barlıq tarawlarda túpten ózgerisler júz bere basladı. Ásirese, keyingi 5-6 jlda amelge asırılıp atırǵan nátiyjeli ózgerisler, rawajlanıw hám alǵa ilgerilew aldınıǵı jllarǵa qaraǵanda júdá keń kólemde ámelge asırılmaqta.

Qaraqalpaqstan Respublikası ekonomikasın jedel rawajlandırıw hám makroekonomikalıq turaqlılıqtı támiyinlew, qala hám rayonlarda sociallıq-ekonomikalıq rawajlandırıw boyınsha bir qatar nátiyjeli isler ámelge asırıldı.

Aymaqlardıń ózine tán ózgesheligi hám múmkinshiliklerin esapqa alıp, qala hám rayonlardı qánigelestirilgen halda rawajlandırıw boyınsha anıq ilajlardı islep shıǵıp, olardıń atqarılıwın támiyinlew boyınsha sistemalı isler ámelge asırıldı.

Sonǵı 5-6 jil dawamında aymaq sanaatınıń islep shıǵarıw kólemi 2, 1 procentke asıp, 75 túrdegi jańa sanaat ónimlerin islep shıǵarıw jolǵa qoyılǵan.

Tórtkúl rayonında shiyshe ıdıslar, bir retlik medicinalıq shpricler, Kegeyli rayonında cellyuloza, Nókis qalasında kir juwıw mashinaları hám televizor, polimer truba, transformator, Qaraózek rayonında DSP hám basqa sanaat ónimleri islep shıǵarılmaqta.

Sonıń menen birge 44, 5 mıń tonna sabaq-kelep islep shıǵarıw quwatına iye bolǵan 8 iri tekstil kárxanaları jumısqa túsirilip, paxtanı qayta islew dárejesi 23, 5 procentten 63 procentke jetkizildi.

Xójeyli rayonında "Xójeli agrosanaat orayı" MSHJ hám Nókis qalasında "Global food Imex" MSHJ tárepinen miywe-sabzawat ónimlerin jetistiriw, saqlaw hám qayta islew boyınsha logistika orayları jumısqa túsirildi.

Xalıq investiciyaları qatnasıwındaǵı kárxanalar sanı 2, 5 procentke asıp, búgingi kúnde olardıń sanı 164 ti quramaqta. - Sanaat islep shıǵarıw kólemi 2, 1 esege astı; - 75 túrdegi jańa túrdegi sanaat ónimleri islep shıǵarıw jolǵa qoyıldı; - jaratıp atırǵan sharayatlar esabına shet el investorlar qızıǵıwshılıǵı asıp barmaqta. Nátiyjede, shet el investiciyaları qatnasıwındaǵı kárxanalar sanı 2, 5 esege astı (házirde 164, 2016 jil 66); - 198 mıń gektar jerlerdiń meliorativ jaǵdayı jaqsılandı, suw sarpı 364 mln. kub. m ga kemeydi hám 18 mıń gektar jańa jer maydanları paydalanıwǵa kirgizildi. - Nókis qalası hám Xójeli rayonında miywe-palız eginleri ónimlerin jetistiriw, saqlaw hám qayta islew boyınsha iri logistika orayları iske túsirildi; - sonıń menen birge, ótken 4 jlda balıq jetistiriw kólemi 3, 3 esege astı (2020- jilda 14, 6 mıń tn., 2016 jilda 4, 4 mıń tn).

Awıl xojalıǵı salasında 788 mlrd. sumlıq irrigaciya -melioratciya obyektlerinde qurılıs remontlaw jumısları ámelge asırılıp, 198 mıń gektar jerlerdiń meliorativ jaǵdayı jaqsılandı, suwǵarıw jumısları 364 kub metrge azayıwına erisildi hám tazadan 18 mıń gektar jer maydanları paydalanıwǵa kirgizildi.

Qaraqalpaqstan Respublikası awıl xojalıǵında tiykarǵı tarmaq esaplanǵan sharwashılıq salasında da úlken jetiskenliklerge erisildi, násilli qaramallar bas sanınıń muǵdarı 9, 5 mártege astı.

Mısalı: 2016- jilda násilli qaramal bas sanı 1 mıń 797 ni quraǵan bolsa, házirgi waqıtta 17 mıń basqa jetkizildi. Balıq jetistiriw kólemi 3, 3 márte asırıldı. 2016- jilda 4, 4 mıń tonna, 2020- jilda 14, 6 mıń tonnaǵa jetti.

Xalıqtıń turmıs dárejesin jáne de jaqsılaw boyınsha ótken 5 jlda kóplegen jumıslar atqarıldı. Oraylasqan ishimlik suwı menen támiyinleniw dárejesi 40 procentten 67, 1 procentke astı; 61 máhelle birinshi ret oraylasqan ishimlik suw menen támiyinlendi; 25 densawlıqtı saqlaw obyektleri tazadan qurıldı, 38 rekonstrukciya qılındı. Sonıń menen birge, 21 medicina birlespeleri 68 mlrd. sumlıq medicinalıq úskenerler menen támiyinlendi;

2019-jılı Bozataw rayonu dúzildi jáne onıń kóriki qısqa múddet ishinde pútkilley ózgeshe kórinishe ie boldı. Zamanagóy jaylar, sport imaratları, tegis jollar qurıldı. Sonıń menen birge, Taxtakópir rayonında da keń kólemlı qurılıs jumısları ámelge asırıldı.

Sonday-aq, Atap aytqanda: - oraylasqan ishimlik suw menen támiyinlengenlik dárejesi 40 procentten - 67, 1 procentke kóterildi; - 61 máhelleler dáslepki bar oraylasqan ishimlik suwı menen támiyinlendi;

- 16 mektepler tazadan qurıldı hám 117 qayta remontlandı;
- 45 mádeniyat hám sport tarawı obyektlerinde qurılıs -remontlaw jumısları ámelge asırıldı.
- 13 mektepke shekemgi tálim mákemeleri tazadan qurıldı, 155 rekonstruktsiya etildi hám

remontlandı, 75 jeke sherikshilik tiykarında hám de 357 shańaraqqa tiyisli baqshalar dúzildi (qamtıp alıw dárejesi 32, 2 procentten - 68, 8 procentke kóterildi);

Mektepke shekemgi tálim shólkemleri sanı - 1 427 jetti. Sonnan, 436 mámleket, 11 jeke, 83 jeke sheriklik tiykarında, 897 shańaraqqa tiyisli bolıp tabıladı. Mektepke shekemgi tálim shólkemlerine qamtıp alınğan balalar sanı 76, 1 % ga jetti. Olarda 8 487 pedagog xızmetkerler xızmet kórsetpekte.

Qaraqalpaqstan Respublikası ushın taǵı bir tiykarǵı máselelerden biri bolǵan Aral teńiziniń qurıwı áqibetinde júzege kelgen ekologiyalıq mashqalalardı jumsartıw maqsetinde Ózbekstan Prezidenti Sh. M. Mirziyoev basshılıǵında keń kólemlı jumıslar ámelge asırıldı.

Sonıń menen birge, húrmetli Prezidentimizdiń 2017- jılı 19 -sentyabrdegi Birlesken Milletler Shólkemi Bas Assambleyasındaǵı sóylewinde ilgeri súrilgen baslaması tiykarında:

- Aral boyı aymaǵın rawajlandırıw maqsetinde Trastfondı dúzilgen edi (Óz-ara isenim);
- házirge shekem bul fondqa 13, 8 million dollar qosılǵan bolsa, jaqın eki jilda taǵı 300 million dollar qosılıwı kutilmekte.

Bul aqshalar aymaqta ishımlık suwı, xalıq salamatlıǵı hám bántligin támiyinlew hám de ekologiyani jaqsılaw joybarlarına jóneltiriledi.

Bul unamli islerdiń logikalıq dawamı retinde 18- may kúni Birlesken Milletler Shólkemi Bas Assambleyasınıń 75-sessiyası jalpı májilisinde Ózbekstan Respublikası Prezidenti Shavkat Mirziyoev usınısına qaray Aralboyı regionin ekologiyalıq innovaciya hám texnologiyalar aymaǵı dep járiyalaw haqqındaǵı arnawlı rezolyuciya bir dawıstan qabıl etilgeni haqqındaǵı xabar pútkil xalqımızdı, á sirese mine, sol Aral teńizi qurıwınan kóbirek azap shegip atırǵan Qaraqalpaqstanlıqlardı ertengi kunge bolǵan isenimin jáne de asırıldı.

Sebebi, Rezolyuciyaǵa qaray Aralboyı regionınıń tek ekologiyalıq mashqalaların jónge salıp qoymastan, bul jerde jasawshı xalıqtıń turmıs tárizin jaqsılaw, rayon hám awıllardı abadanlastırıw jumısların da alıp barıw názerde tutılmaqta.

Aral teńiziniń 1 mln. 600 mıń gektardan artıq qurıǵan maydanlarına shól ósimliklerin egiw hám jasil mákandı qurıw boyınsha úlken jumıslar atqarıldı.

Moynaq rayonında úlken qurılıs jumısları ámelge asırıldı. Rayon xalqı ushın 20 jańa kóp qabatlı úyler qurıldı hám 100 km aralıqtan ishımlık suw tartıldı. Sonıń menen birge, kárxanalar, amfiteatr, stadion, muzıka mektebi, jabıq júziw basseyni, balalar dem alıw dem alıw ornı hám basqa sociallıq obyektler iske túsirildi hám rayon aeroporti qayta qurıldı.

Joqarıdaǵı islerdiń ámelge asırılıwı nátiyjesinde keyingi 4 jilda Moynaq rayonında:

- jergilikli sanaat ónimleriniń kólemi 2, 3 márte;
- awıl xojalıǵı ónimleri 3, 2 márte
- qurılıs jumısları kólemi 19 márte;
- xızmetler kólemi 2, 5 mártege astı ;
- kishi biznes subektleri sanı 2016 jılǵa salıstırǵanda 5, 3 márte kóbeyiwine erisildi.

Bunday iygiliqli jumıslar Aralboyı regionına kiretuǵın aymaqtıń derlik barlıq jerinde ámelge asırılmaqta. Ózbekstan Respublikası mámleketlik gárezsizliginiń 30 jılıǵına baǵıshlap, "Moynaqqa jardem" ekologiyalıq qayırqomlıq velomarafonınıń pútkil mámleketimiz boylap ótkeriliwi joqarıdaǵı pikirimiz tastıyǵı bolıp tabıladı.

Usılar menen bir qatarda, Rezolyutciyaga tiykarınan, Aralboyı regionin ekologiyalıq innovaciya hám texnologiyalar aymaǵına aylandırıw kontsepciyası islep shıǵıladı.

Nátiyjede:

- Aral boyı aymaǵında ekologiyalıq jaǵdaydı qayta tiklew;
- xalıqtıń salamatlıǵı hám jasaw sharayatın jaqsılaw;
- ishımlık suw, azıq-túlik qawipsizligi hám basqa sociallıq máseleler sheshiw;
- tábiyiy resurslardan aqılǵa muwapıq paydalanıw;
- qayta tikleniwshi energiya dáreklerin nátiyjeni ámelde qollanıw hám basqa jańa inovaciya hám texnologiyalardı engiziw názerde tutılǵan.

(ulıwma quwatı 100 MVt bolǵan samal elektrostanciyasın mámleket jeke sherikshilik principleri tiykarında qurıw joybarlastırılǵan (Franciya hám Birlesken Arab Ámirlikleri wákilleri kelip úyrenbekte))

Házirgi waqıtta, Qaraqalpaqstanda innovaciya hám jańa texnologiyalardı engiziw boyınsha 315 mln. dollarlıq 106 joybarlar usınısı islep shıǵıldı.

Usı joybarlar qospa ilimiy izertlewler ótkeriwge, ekologiyalıq taza texnologiyalardı islep shıǵıw hám engiziwge, inklyuziv hám ekologiyalıq turaqlı ekonomikalıq ósiwge hám de energiya hám suwdı ekonomlaw texnologiyalardı qóllanıwǵa jaǵday jaratadı.

Qaraqalpaqstan Respublikasında jámi 424 xalıq punktleri bolıp, olardıń 140 da medicinalıq mákemeleri bar. Sonnan, 17 kóp tarmaqlı poliklinika, 43 shańaraqqa tiyisli poliklinika, 80 shańaraqqa tiyisli shıpakerlik punktleri bolıp tabıladı.

Xalıqqa kórsetiletuǵın medicinalıq sanitariya járdemi xızmetin jáne de asırıw maqsetinde 2021- jılda jámi 10 (8 shańaraqqa tiyisli shıpakerlik punktleri hám 2 shańaraqqa tiyisli poliklinikalar), 2022- jılda jámi 11 (10 shańaraqqa tiyisli shıpakerlik punktleri hám 1 shańaraq) poliklinika dúzildi.

Respublikanıń Shımbay, Beruniy, Qońırat, Kegeyli rayonlarında 4 rayonlıq perinatal orayları, Turtkul, Qońırat, Shımbay rayonlarında 3 rayonlıq qospa ótkir qan-tamır kesellikleri orayları dúzildi.

Qoraózek, Taxtakópir, Shomanay, Qanlıkól, Beruniy, Taxiataş, Nókis rayonları medicina birlespeleri laparoskopik úskeneler menen támiyinlenip, kaminvaziv operaciyalardı ótkeriw jolǵa qóyıldı.

- 25 densawlıqtı saqlaw obyektleri tazadan qurıldı, 38i rekonstrukciya etildi hám de 21 medicina mákemeleri zamanagóy medicinalıq úskeneler menen támiyinlendi;

Jaslar balansın mezigiller kesiminde anıq esap -kitaplar tiykarında qalıplestiriw maqsetinde Qaraqalpaqstan Respublikası máhellelerdegi jaslar jetekshileri tárepinen “Jaslar balansı” elektron platformasına kirgizildi.

Balans tiykarında Qaraqalpaqstannıń hár bir rayon, awıl hám máhálleler kesiminde “Jaslar baǵdarlaması” ámelge asırılmaqta.

“Jaslar dápteri” sisteması arqalı jaslardı kásip-ónerge oqıtıw, isbilermenlikke úyretiw arqalı jumıs hám dáramat dárege menen támiyinlew ilajları kórilmekte.

Húrmetli Prezidentimiz baslaması menen ámelge asırılıp atırǵan «Hár bir shańaraq-isbilermen» hám “Jaslar - keleshegimiz” mámleketlik baǵdarlamalarınıń atqarılıwı óz nátiyjesin bermekte.

Atap aytqanda, «Hár bir shańaraq-isbilermen» baǵdarlaması sheńberinde sol kúнге shekem Qaraqalpaqstan Respublikasında kommerciyalıq bankler tárepinen 3856 fizikalıq hám yuridikalıq shaxslarǵa jámi 101 mlrd. 716 mln. sum muǵdarındaǵı jeńillikli kreditler ajratılıp, bul shańaraqlar óziniń isbilermenlik iskerligin baslap jiberdi hám de 3 mıńnen aslam jańa jumıs orınların jaratıldı.

“Jaslar - keleshegimiz” baǵdarlaması sheńberinde 161 dana jaslardıń 22, 4 mlrd. sumlıq joybarları jeńilletilgen kreditler tiykarında ámelge asırıldı.

Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2019- jil 7- iyundaǵı “Ózbekstan Respublikası xalqına informaciyalıq-kitapxana xızmetin kórsetiwdi jáne de jetilistiriw haqqında”ǵı PQ-4354-san sheshimi boyınsha Qaraqalpaqstan Respublikasınıń 15 rayonında informaciyalıq-kitapxana orayları dúzildi.

Usı qararǵa tiykarınan, Respublikadaǵı 2 rayon: Beruniy rayonu informaciyalıq-kitapxana orayı arnawlı bınaǵa iye hám Taxtakopir rayonu informaciyalıq-kitapxana orayı informaciyalıq-kitapxana orayı balansına ótkerilip, hújjetler rásmiylestirildi.

Shomanay rayonu informaciyalıq-kitapxana orayına eki qabatlı jay qurılıp atır, Kegeyli rayonu informaciyalıq-kitapxana orayına orın ajratıldı.

Tórtkúl, Ámiwdáriya, Moynaq, Xojeli, Qanlıkól, Qonırat, Taxiatas, Nókis rayonu, Qoraózek, Ellikqala rayon informaciyalıq-kitapxana orayları basqa mákemeler balansında bolǵan ımaratlarda xızmet alıp barmaqta.

Qaraqalpaqstan Respublikası informaciyalıq-kitapxana orayı hám de rayon informaciyalıq-kitapxana oraylarınıń ulıwma kitap fondı 1 127 723 nusqa, (692834 nusqa kórkem ádebiyatlar, 15404 nusqa sabaqlıq, hám 419485 nusqa basqalar) kitaptı quraydı.

2021-jil 1-iyuń halatına QR AKM fondı háreketi 154237 atamada 344779 nusqa informaciyalıq-kitapxana resursları quraydı.

Bunnan tisqari, AKM fondına 31 atamada rayon hám jergilikli baspalardan májburiy nusqa gazetalar, 7 atamada jurnallar alınadı.

Shet el, xaliq kitapxanalari menen xalqaraliq kitap almasiwı jolga qoyilgan. 2018- jilda Al-Farabiy atındađı Qazaqstan Mámleketlik Milliy universiteti ilimiy kitapxanası, L. N. Gumiliev atındađı Evraziya universiteti ilimiy kitapxanası, 2019-jilda OOO «E-LINE PRESS», OOO «RUNEB» e-library, Ázerbayjan Respublikasınıń Milliy kitapxanası, 2020-jilda Qazaqstan Respublikası Milliy Akademiya kitapxanalari menen sheriklikte islesiw ámeliyatı ámelge asırıldı. Nókis qalasında Máhelle puqaralar jıynları menen birgelikte kóshpeli kitapxana punktleri dúzildi.

Qaraqalpaqstan Respublikası Informaciyalıq-kitapxana orayı hám rayon informaciyalıq-kitapxana orayları ulıwma fondı 1 158 770 nusqanı quraydı, 2021- jil 23- dekabr jađdayına jámi 23 841 nusqa tazadan ádebiyatlar alınıp, sonnan 6225 nusqa ádebiyatlar 176 mln 620341 sumğa satıp alındı, sıylıq jolı menen de 17470 nusqa, májbúriy nusqadan 146 nusqa ádebiyatlar alınıp, kitapxana orayları fondları tolıqtırıldı.

Qaraqalpaqstan Respublikası Informaciyalıq-kitapxana orayı hám rayon informaciyalıq-kitapxana orayları 2021- jil ushın 49 atamada gazeta hám jurnallarğa 65 mln 242 158 swmga jazılıw jumısları shólkemlestirildi.

Qaraqalpaqstan Respublikası rayon informaciyalıq - kitapxana orayları ulıwma fondı 807 762 nusqanı quraydı. Jámi 19 592 nusqa jańa ádebiyatlar alınıp, sonnan 3554 nusqa ádebiyatlar 81 687221 swmga satıp alındı. Sıylıq jol menen de 16 038 nusqa ádebiyatlar alınıp, rayon informaciyalıq-kitapxana orayları fondları tolıqtırıldı.

Qaraqalpaqstan Respublikası Joqarđ Keńesiniń aymaqtađı informaciyalıq - kitapxana mákemeleriniń kitapxana fondların kórkem ádebiyatlar menen tolıqtırıw maqsetinde 2021-jil 24-iyun kúni 378-sanlı qararı qabıllandı.

Bul qararğa tiykarınan, zárúr bolğan qárejetler Qaraqalpaqstan Respublikası jergilikli byudjetiniń qosımsha derekler esabınan 1 424 300 000 (1 milliard tórt júz jigirma tórt million úsh júz miń) sum ajratılıp, qaraqalpaq hám ozbek tilindegi kórkem ádebiyatlar alınıp, rayon informaciyalıq-kitapxana oraylarına tarqatıldı.

2021-jil dawamında jámi 4896 ilajlar ótkerilip, sonnan: jańa ádebiyatlar prezentaciyası -621, basqalar (ushirasıw kesheleri, dóńgelek stol sáwbetleri, viktorina, seminarlar, treningler, obzorlar) -1398, kitapxanalar klubları menen birgelikte -237, kitap kórgezbeler- 2100, ekskursiyalar -540. 58 mádeniyat orayları bar.

2022-jil 4-aprelde Kegeyli rayonında «Baxıtlı» mákan puqaralar jıyını aymađında «Zahiriddin Muhammed Babur» atındađı informaciyalıq-kitapxana orayı ashıldı. Onda Qaraqalpaqstan Respublikası Joqarđ Keńesiniń Baslıđı M.Kamalov, Ándijan wálayatı hákimi Sh.Abduraxmanovlar shıđıp sóylep, jıynalğanlardı jańa oraydıń ashılıwı menen qutlıqladı. Qurılğan imarattıń ulıwma bahası 5 milliard somdı quraydı. Barlıq qolaylıqlarğa hám jámi 20 mińnan aslam kitap qorına iye oray bir waqıttıń ózinde 150 kitap oqıwshını qabil etiw múmkinshiligine iye.

Juumaq etip aytqanda, Qaraqalpaqstanda son'nı 5-6 jilda barlıq tarawlarda ken' kolemlı isler amelge asırıldı.

Rezyume

Ushbu maqola Qoraqalpog'istonda keyingi besh-olti yilda yuz bergan va davom etaëtgan tub ijobiy wzgarishlar h'aqida ëzilgan. Shu bilan birga, avvalgi yillarga nisbatan keng manoda yangilanish h'anda taraqqiët bosqichiga erishilganligi h'am kwrsatilgan. Mazkur davrda sanoat, qishloq xwjaligi, madaniyat, marifat, maktab, maktabgacha talim, tibbiët, ëshlarning wqishi va yashashi uchun barcha sharoitlar yaratildi. Shuningdek, Orol dengizi atrofini obodonlashtirish, h'ududda ekologik h'olatni yaxshilash masalalariga h'am etibor qaratilgan.

Резюме

В данной статье написано о принципиальных положительных изменениях, которые произошли и продолжают происходить в Каракалпакстане за последние пять-шесть лет. В то же время также показано, что достигнут этап обновления и развития в широком смысле по сравнению с предыдущими годами. В этот период были созданы все условия для всестороннего развития промышленности, сельского хозяйства, культуры, образования, школ, дошкольного образования, медицины, молодежи. Также уделено большое

внимание благоустройству окрестностей Аральского моря, улучшению экологической ситуации в регионе.

Summary

This article is written about the fundamental positive changes that have occurred and continue to occur in Karakalpakstan over the past five or six years. At the same time, it is also shown that a stage of renewal and development has been reached in a broad sense compared to previous years. During this period, all conditions were created for the comprehensive development of industry, agriculture, culture, education, schools, preschool education, medicine, and youth. Also, much attention was paid to the improvement of the surroundings of the Aral Sea, improvement of the ecological situation in the region.

PAYDALANILGAN ÁDEBIYATLAR DIZIMI:

1. Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar kengashi. Joriy arxiv. 2022.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАР – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИДИР.

Отамуродов Фурқат Абдукаримович,
Тошкент тиббиёт академияси
Термиз филиали директори

Аннотация: Ер юзидаги инсониятнинг XXI аср шароитидаги тараққиёти глобаллашув деб номланган мутлақо янги ижтимоий вазият билан боғлиқ равишда кечмоқда. Глобаллашув жараёни инсониятнинг ер қуррасида яшовчи барча миллатлар ва халқларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, илмий салоҳиятларини эволюцион яқинлаштириш, уларни ягона жаҳон ҳамжамиятига бирлаштиришга асосланган янги цивилизация сари ҳаракатини ифодалайди.

Калит сўзлар: сўзлар: глобаллашув, халқаро интернет тармоғи, ёшларга берилаётган имкониятлар, ёшлар тарбияси.

Аннотация: Развитие человечества на земле в условиях XXI века происходит в связи с совершенно новой социальной ситуацией, именуемой глобализацией. Процесс глобализации представляет собой движение человечества к новой цивилизации, основанной на эволюционном сближении экономического, социального, культурного и научного потенциалов всех наций и народов, проживающих на земле, и объединении их в единое мировое сообщество.

Ключевые слова: слова: глобализация, международная сеть Интернет, возможности молодежи, образование молодежи.

Annotation: The development of humanity on earth in the conditions of the 21st century is happening in connection with a completely new social situation called globalization. The process of globalization represents the movement of mankind towards a new civilization based on the evolutionary convergence of the economic, social, cultural and scientific potentials of all nations and peoples living on the earth, and their unification into a single world community.

Key words: words: globalization, international Internet network, youth opportunities, youth education.

Юртимиз ҳам глобаллашув жараёнларидан четда қолаётгани йўқ. Бунинг сабаби мамлакатимизда Интернет Халқаро Тармоғидан фойдаланувчилар сони 2008 йилда 2 миллиондан, уяли телефон алоқа воситасидан фойдаланувчилар сони эса 7 миллиондан ошиб кетган.

Олимларнинг эътирофи этишича, глобаллашув бу объектив, тарихий жараён ҳисобланиб, ўзида кўпгина ижобий хусусиятларни мужассамлаштирган. Аммо, бугунги кунда глобаллашув яратаётган имкониятлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш,

ўз ғоя ва қадриятларини турли халқлар ва мамлакатлар ижтимоий онгига ва биринчи навбатда ёшлар онгига сингдиришга интилишлар кучаймоқда.

Глобаллашув жараёнининг ёшлар тарбиясига ўтказётган салбий таъсири ҳақида профессор С.Отамуродов шундай ёзади: “Бугун миллатлар, халқлар ва оддий инсонлар ана шу сиёсатнинг натижаси ўлароқ кучли информацион босим остида яшашга мажбур бўлмоқдалар. Бу босим турли шакл ва услубларда ташкил қилинмоқда. Жумладан, турмуш тарзини “юксак” демократик қадриятларини, бошни айлантирувчи, қулоқни гаранг қилувчи қўшиқлар, одамларни ўлдириш, қириб ташлаш, портлатишни намоиш этувчи кинофильмлар, телевидения, компьютер, интернет ва уяли телефонлар орқали ташвиқот ҳамда тарғибот қилинмоқда”.[4.45]

Тадқиқотчиларнинг фикрича, дунё халқлари ахборотнинг 80 фоизини Лондон, Париж ва Нью-Йоркдан олади. Индустиал мамлакатлар сунъий йўлдош орқали олинадиган илмий ва техник ахборотни, саноат, тижорат, банк, савдо операцияларига тегишли ахборотни ҳамда табиий ресурслар ва иқлимга оид ахборотни тўлиқ назорат қилади.

XX асрнинг 70-йилларигача дунё мамлакатларининг иқтисодий-ижтимоий ҳамда сиёсий тараққиёти ҳар бир давлатнинг ўз ҳудуди доирасидаги ривожланиш суръатлари ёхуд уларнинг ўзаро муносабатлари даражасидан иборат жараён сифатида талқин этилар эди. Глобаллашув даврига келиб эса тараққиёт борасида ўзгача қараш - воқеа-ҳодисаларнинг макон ва замондан ажратмаган ҳолда, синхрон тарзда талқин этиш тамойили кўзга ташлана бошланади. Шу маънода, глобаллашув жараёни бошланадиган аниқ бир тарихий давр ва маконни ажратиб кўрсатиш қийин. Негаки, назарий жиҳатдан қараганда, тарихий тараққиёт хусусиятларидан қатъи назар, халқаро меҳнат тақсимооти тизимига уйғунлашиб бораётган, хорижий сармояларни ўз иқтисодиётига изчил жалб этаётган ҳамда замонавий технологиялар сари интилаётган ҳар қандай мамлакат учун глобаллашув жараёни туфайли вужудга келган иқтисодий афзалликлардан фойдаланиш имконияти пайдо бўлмоқда. Бу ҳолат Халқаро Меҳнат ташкилоти бош директори М. Хансеннинг ХМТ 81-сессиясидаги маърузасида ҳам қайд этилган. Унинг назарида, “Миллий иқтисодиётларнинг умумжаҳон тизимига интеграциялашуви ва мамлакатлар ўртасидаги тафовутларни бартараф этиш ўрнига уларни янада кескинлаштирмоқда”[7.15].

XX асрнинг 80-90-йилларида “катта еттилик” мамлакатлари саноатидаги таркибий ўзгаришлар ҳамда оммавий ишлаб чиқариш Учинчи дунё мамлакатларига кўчирилиши улардаги анъанавий саноатнинг заифлашуви, кўпгина корхоналарнинг ёпилиши ва ишсизлик даражасининг ошишига олиб келди. Масаланинг ана шу жиҳатларини таҳлил этган айрим мутахассислар, бу ҳол ривожланган давлатларда Учинчи дунё мамлакатларидан келган арзон ишчи кучи оқими меҳнат бозоридаги рақобатнинг ҳаддан ташқари кескинлашувига сабаб бўлганини эътироф этмоқда. Глобаллашув жараёни таъсирида мазкур масала янада кескин тус олмоқда.

Ер шарида инсоният пайдо бўлибдики, бу муаммо барча даврларда олиму фузало, файласуф ва сиёсатшунос, тарбиячи ва мураббийлар диққат марказида қолиб келмоқда. Бундан қарийб уч ярим минг йил илгари яшаб ўтган фиръавнлардан бирининг қабртоши устига “Ёшларимиз ўжар ва қайсар, кексаларнинг айтганини назар-писандга олмайди, аждодлар қадриятларини инкор этади”[5.16] деган сўзларнинг битиб қўйилгани ҳам ёшлар тарбияси башарият тараққиётининг барча босқичларида асосий масалалардан бири бўлиб келганини тасдиқлайди.

Ёшларимизни ҳам маънавий, ҳам жисмоний етук, бозор иқтисодиёти шароитида бемалол рақобатлаша оладиган, замонавий билимларни пухта эгаллаган юксак ақл-заковат соҳиблари этиб вояга етказиш давлатимиз томонидан доимий эътиборда бўлиб келинди. Буларнинг барчаси-юртимизда фарзандларимизнинг ақл-салоҳияти, қобилияти ва иқтидорини рўёбга чиқариш, уларнинг том маънода баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, ёшларимизнинг талаб-эҳтиёжлари ҳамда манфаатларини қондиришга қаратилган.

Бугунги кунда айрим ёшларнинг ғайриинсоний хатти-ҳаракатларини, Ватани ва халқига хиёнат йўлига кираётгани, азалий қадриятларимиз, муқаддас динимизни

оёқости қилиб, ўз юртига, ватандошларига азият етказаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Бу муаммонинг илдизи қаерда ўзи? Биз бу кенг қамровли, мураккаб масаланинг фақат биргина жиҳати глобаллашув жараёнининг ёшлар тарбиясига салбий таъсири хусусида сўз юритмоқчимиз.

Бу жараён тўғрисида турли мамлакатларнинг иқтисодий, илмий-техникавий, ҳатто сиёсий интеграциялашуви, бу ҳолатнинг ижобий ва салбий жиҳатларига эътибор қаратилади. Аммо нима сабабдандир унинг маданий-маънавий соҳа ривожига таъсири, умуминсоний ҳамда миллий урф-одат ва анъаналарнинг, хусусан, оилавий қадриятларнинг ўзаро муносабати масаласига етарли эътибор берилмайди. Ваҳоланки, айрим тараққий этган давлатлар сиёсий, иқтисодий ҳамда мафкуравий воситалар орқали ўз турмуш тарзи, дунёқараши ва қадриятларини тарғиб этишга интилаётгани, бу ҳол бошқа халқларнинг миллий урф-одат ва анъаналарига путур етказаётгани, асрлар давомида шаклланиб, тажрибада синалган тарбия усулларининг фақат ғарб андозалари билан баҳоланаётгани кўзга ташланмоқда. Бу борада сиёсатшунос С. Хаттингтон бундан буён бутун дунё фақат гамбургерлар истеъмол қилади, америкада чоп этилган китобларни ўқийди, америка телевидениясини кўради, америкача либосларни кияди, деб тахмин қилган эди. Бундай қарашлар асосида қандай мафкуравий мақсадлар ётганини пайқаш қийин эмас.

Охирги йилларда бутун дунёнинг Ғарб раҳномолигида бирлашуви, келгусида ягона ҳукумати бўлган битта давлат ташкил топиши, пулга сиғиниш ва индивидуализм фалсафасини тарғиб этаётган қарашлар тизими вужудга келмоқдаки, улар дунё қиёфасини қай тарзда ўзгартириб юбориши мумкинлигини ҳеч ким башорат қила олмайди. Шунга қарамай бундай қарашлар барча воситалар ёрдамида, хусусан, оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ҳатто ғарб мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, кинофильм ҳамда видеофильмлар орқали зўр бериб тарғиб этилмоқда. Лекин, бундай қарашлар миллий тафаккуримиз, урф-одат ва анъаналаримизга қанчалик мос келади? Биз глобал интеграцияга эришиш учун ўзига хослигимиз, анъана ва қадриятларимиздан воз кечишимиз керакми? Унда мустақиллигимиз, миллий ўзлигимиз ва халқимиз тақдири нима бўлади?

Айниқса, интернет тизими орқали истаган одам ҳар қандай маълумотни қабул қилиши ёки узатиши мумкин. Мазкур интернет тизими кишилар дунёқараши, билими ва савиясининг кенгайишидаги аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, худди шу тизим орқали оддий ахлоқий меъёрларга зид сайтлар ўрин олгани, ушбу замонавий ахборот технологияси маҳсулидан трансмиллий жинояткорона гуруҳлар, террорист ва ақидапарастлар ҳам бемалол фойдаланаётганини кўздан қочириб бўладими? Ўзбекистон телевидениясининг каналлари орқали ғарб компаниялари маҳсулотлари узлуксиз тарғиб этилаётгани қандай мақсадни кўзлайди?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу ҳақида, “Бугунги ёшлар ўзига керакли маълумотларни аввало Интернетдан олмоқда. Шундай экан, Интернетнинг миллий сегментида ёшларни ўзига жалб қиладиган, тарихимиз, маданиятимиз, қадриятларимиз ҳақида ишонарли ва қизиқарли маълумот берадиган контентлар етарлими? Афсуски, бу саволга нисбий жавоб беролмаймиз. Ҳали бу борада олдимизда жуда катта вазифалар турганини барчаингиз яхши ҳис қиласиз, албатта”[1.12] деб таъкидлаган.

Телекоммуникация соҳасидаги муаммоларнинг яна бир жиҳатига эътибор қаратмоқчимиз. Маълумки, бугун нафақат шаҳарда, балки қишлоқ жойларда ҳам кабель телевиденияси ёки махсус антенналар воситасида Россия ва бошқа мамлакатлар телевидениесида шарқона ахлоқ-одобга зид фильмлар, кўрсатувларни кўраётган ёшларимизда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғулари шаклланиши, уларнинг илм-маърифатга рағбати ошиши мумкинми?

Агарда бу масалага бошқача назар билан ёндошилса, тасаввур қилиб кўринг. Ғарб оммавий маданияти, баъзан инсоннинг маънавиятига, дунёқарашига мутлақо мос келмайдиган поп ва рок-муסיқага маҳлиё бўлган айрим ёш йигит-қизларимиз халқимизнинг бебаҳо маънавий дурдоналари, дунёда қиёси йўқ мумтоз кўшиқ

санъатимиз, лапар ва айтишувлар, бетакрор мусиқавий оҳангларимизни тинглармикан? Бугун ёшларимиз ғарб эстрадасининг “юлдуз” ларигина эмас, ҳатто “юлдузча” ларининг ҳам исми шарифи, ҳаётий кечинмаларини яхши билади, аммо “Шашмақом” дан биргина куйнинг номини сўрасангиз ёхуд Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ал-Хоразмий каби улуг аждодларимиз жаҳон илм-фан ва маданияти ривожига қандай ҳисса қўшганини билмоқчи бўлсангиз, жавоб ололмайсиз.

Шунинг учун ҳам бундай ҳолатда энг аввало ёшларимиз онгига Ватанга садоқат, аждодларимиз қолдирган бебаҳо маънавий меросга юксак ҳурмат туйғуларини шакллантириш, бор куч ва саоҳиятини мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнига тўлиқ сафарбар этиш зарурлигини замонавий билимлар билан бойитиш, оилада, маҳаллада, мактабда, олий ўқув юртларида маънавий-маърифий тадбирларни кўпроқ ўтказиб бориш керак.

Бу масалада давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ўз муносабатини билдиради: “Мени доимо ўйлантирадиган, ташвишга соладиган яна бир долзарб масала бу – ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, маданий савияси, бир сўз билан айтганда, тарбияси билан боғлиқ. Биз бу йўналишда катта ишларни амалга оширяпмиз. Аммо уларнинг самарадорлигини янада кучайтириш учун бир қатор масалаларга эътибор беришимиз зарур. Хусусан, ёшлар ўртасида китобхонликни, мутолаа маданиятини ривожлантириш доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим” [6.326].

Ҳар қандай шахснинг маданияти, ҳуқуқий онги, ахлоқий тарбияси, диний эътиқоди, миллий дунёқараши аввало оила муҳотида шаклланади. Чунки, жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлиги соғлом муҳит билан боғлиқдир. Оиланинг моддий даражаси, оилавий удумлар, ота- она боланинг билим олиши ҳамда ўзлаштиришини доимий назорат қилиши ва ёрдамлашиши маънавий фаол шахс тарбияланишига асос бўлади. Ўсмирлар одобни, муомала маданиятини дастлаб оилада, кейинчалик маҳаллада ўрганадилар. Маҳалланинг роли тўғрисида Биринчи Президентимиз И.А.Каримов шундай деб қайд этгандилар: “Маълумки, азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-муҳаббат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳотида шаклланган ва ривожланган” [2.58].

Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъмин этишда глобаллашувнинг салбий оқибатлари, ноҳолис ахборотлар хуружининг таъсирини камайтириш учун ёшларнинг сиёсий онгини, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик маданиятини юксалтиришимиз лозим. Ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятларга, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, она юртга эҳтиром каби маданият дурдоналарига болалиқдан бошлаб ҳурмат руҳида тарбиялаш, турли бузғунчи ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш муҳим ҳисобланади.

Бундай шароитда ҳар бир онгли фуқаронинг вазифаси-ўз миллатининг рақобатбардошлигини кўтариш, бунинг учунунинг фаол сиёсати, тадбиркорлик сифати маданиятида салмоқли ютуқлари учун курашишидир. Бунинг учун Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси, биринчи навбатда, ҳозирги кун амалиёти талаб қилаётган тўрт сифатга эга бўлиши шарт: 1) Замонавий мутахассис бўлиши; 2) Ўзбек давлат тили, рус тили, инглиз тилларини мукамал билиши; 3) Доим ўз билим доирасини янгилаб бориши ва 4) Тадбиркор-ташаббускор бўлиши керак [3.71].

XX асрнинг 70-йилларидан дунё мамлакатларининг иқтисодий-ижтимоий ҳамда сиёсий тараққиёти ҳар бир давлатнинг ўз ҳудуди доирасидаги ривожланиш суръатлари ёхуд уларнинг ўзаро муносабатлари даражасидан иборат жараён сифатида талқин этилар эди. Глобаллашув даврига келиб эса тараққиёт борасида ўзгача қараш-воқеа-ҳодисаларни макон ва замондан ажратмаган ҳолда, синхрон тарзда талқин этиш тамойили кўзга ташлана бошлади. Шу маънода, глобаллашув жараёни бошланадиган аниқ бир тарихий давр ва маконни ажратиб кўрсатиш қийин.

Бутун дунё инсоният цивилизациясининг ривожланиш тарихи, айниқса, ҳар жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлиб қолган ҳозирги глобаллашув шароитида, алоҳида олинган бирон-бир давлатдаги ҳар қандай можаро, узоқ вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кетмайди. Бу бир қанча майда сабаблар, кейинчалик йириклашиб мутлоқа назорат қилиб бўлмайдиган ҳолатни вужудга келтиришини тасдиқловчи фактлар, тарих саҳифаларидан етарлича топилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу ҳақида, “Инсоният тарихининг ҳозирги даври ва бугунги дунё тараққиёти бундан 40-50 йил олдинги ҳаёт воқеликларидан кескин фарқ қилади. Биз эндиликда глобаллашув жараёнлари ҳар томонлама авж олаётган, бутун жаҳонда у билан боғлиқ ўзгариш ва янгиланишлар шиддат билан содир бўлаётган замонда яшамокдамиз.

Халқаро майдонда турли манфаатлар тўқнашуви кучайиб бораётгани, жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида муаммолар кескинлашаётгани, дунёнинг умумий манзарасини ўзгартириш тарафдорлари тобора ортиб бораётгани ҳозирги глобал дунё тараққиётига хос бўлган энг муҳим хусусиятлар сифатида намоён бўлмоқда”[6.326].

XX аср охирида жаҳон тарихида дунёда юзага келган геосиёсий вазият кўлами жиҳатидан ноёб ўзгаришларни бошлаб бергани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Бундай шароитда, нафақат мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда вужудга келган қарашлар, ҳамкорлик ва уларнинг механизмларини чуқур ўйлаб кўриш, балки кўп жиҳатдан қайта баҳолашни ҳам талаб этмоқда. Албатта, бу соҳадаги ўзгаришлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, яратилмайди, балки илғор дунё тажрибасини ўрганиш, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни йўлга қўйиш орқали босқичма-босқич ҳал этиб борилади.

Бу ўринда тараққийпарвар инсоният эришган жамики ютуқлар, миллатимиз ривожига хизмат этадиган умуминсоний қадриятлар ва демократия тамойилларини инкор этишдан йироқмиз. Биз фақат асрлар оша сайқал топиб келган миллий урф-одат ва анъаналаримиз умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашуви лозимлигини таъкидламоқчимиз, холос. Аниқроқ айтганда, демократия тамойиллари миллий қадриятларимиздан воз кечиш ҳисобига эмас, аксинча, уларнинг янада такомиллашуви ва гуллаб-яшнашига хизмат қилмоғи даркор. Шунингдек, халқимизнинг неча асрлик маънавий-маърифий мероси, урф-одат ва анъаналарини тарғиб этибгина қолмай, бошқа миллату элатлар қадриятлари ва оилавий анъаналарини ўрганиш, ўзга халқлар таълим-тарбия тизимида юз бераётган ижобий ва салбий ўзгаришларни таҳлил этиш ҳам юртимизда оила институтининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий асосларини янада мустаҳкамлаш, ёшларимизни зийрак, ақл-фаросатли, доно, илм-маърифатли, Ватанимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашига фидокорона хизмат қиладиган этиб тарбиялашга замин яратган бўлур эди.

Юртимизда маънавий-маърифий соҳада кўрилаётган бу каби эзгу тадбирлар келажакда умидли, баркамол авлодни ва глобаллашув жараёнида ёшларда юксак маънавий-ахлоқий, маданий қадриятларни шакллантириш муаммоларини ҳал этишда ўз амалий самарасини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азму шижоатли ёшларимиз-Янги Ўзбекистон бунёдкорларидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи / Янги Ўзбекистон, ижтимоий-сиёсий газета, № 130 (652), 2022 йил 1 июл, жума.-Б.2.
2. Ислон Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т., “Маънавият”, 2008.-Б.58.
3. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғатлар.-Т.: “Шарқ”, 2006.-Б.71.
4. С. Отамуротов Глобаллашув ва миллат. -Т., “Янги аср авлоди”, 2008. Б. 45.
5. Таранов П. Энциклопедия высокого ума. М., 1999. -С.16.
6. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “O'zbekiston”, 2021.-Б.326.
7. Ценности, которые мы защищаем, перемены к которым мы стремимся. Социальная справедливости в условиях глобализации экономики. Доклад Генерального директора МОТ. 81-сессия, Женева, 1994. -С.15

**SURXON VOHASIDA MILLATLARARO TOTUVLIKNI
TAMINLASHDA RUS MILLIY MADANIY
MARKAZINING O`RNI**

Tursunov Nurullo Narzullayevich

*TTATermiz filiali Ijtimoiy-gumanitar
fanlar kafedrası mudiri, tarix
fanlari doktori, dotsent.*

Usanov Shuxrat Musurmonovich,

*TTATermiz filiali Ijtimoiy-gumanitar
fanlar kafedrası o`qituvchisi*

Annotatsiya: *Ushbu maqolada O`zbekistonda millatlararo munosabatlar shakllanishi va uning mamlakat taraqqiyotida ahamiyati, turli millat vakillari o`rtasida o`zaro do`stlik aloqalarini rivoj toptirishda o`zbek-rus hamjihatligining rivojida rus va o`zbek qolaversa boshqa millat vakillari o`rtasida o`zaro hamjihatlik, birdamlik, o`zaro yaqin munosabatlar, do`stlik va millatlar orasida diniy bag`rikenglik shakllanishida Surxondaryo Rus milliy-madaniy markazining o`rni va markazning shakllanish tarixi haqida ma`lumotlar keltirilgan.*

Kalit so`zlar: *Millatlararo munosabatlar, hamjihatlik, diniy qarashlar, tolerantlik, diniy e`tiqot, rus milliy markazi, Millatlararo totuvlik, diniy bag`rikenglik, davlat siyosati milliy bayramlar, ananalar rus-o`zbek millati orasida hamjihatlik, qadriyatlar;*

Аннотация: *В данной статье рассмотрено становление межэтнических отношений в Узбекистане и его значение в развитии страны, развитие взаимной дружбы между представителями разных национальностей, развитие узбекско-российской солидарности, а также между русскими и узбеками, а также в качестве представителей других национальностей информацию о роли Сурхандарьинского национально-культурного центра Руси в формировании взаимной солидарности, солидарности, близких отношений, дружбы и религиозной терпимости между народами и истории становления центра.*

Ключевые слова: *межэтнические отношения, солидарность, религиозные взгляды, толерантность, религиозное убеждение, русский национальный центр, межнациональное согласие, веротерпимость, государственная политика, национальные праздники, традиции, солидарность русско-узбекского народа, ценности.*

Abstract: *In this article, the formation of inter-ethnic relations in Uzbekistan and its importance in the country's development, the development of mutual friendship between representatives of different nationalities, the development of Uzbek-Russian solidarity, and between Russians and Uzbeks, as well as representatives of other nationalities information about the role of the Surkhandarya Rus national-cultural center in the formation of mutual solidarity, solidarity, close relations, friendship and religious tolerance among nations and the history of the center's formation.*

Key words: *inter-ethnic relations, solidarity, religious views, tolerance, religious belief, Russian national center, inter-ethnic harmony, religious tolerance, state policy, national holidays, traditions, solidarity between the Russian-Uzbek nation, values.*

Tarixan bizga ma`lumki, insonning taraqqiyoti, ertangi kunga nisbatan bo`lgan ishonchi, kelajak maqasdlari sari olg`a intilishi har qanday davrda ham va hattoki har qanday holatda ham o`z kuchi hamda quvvatini so`ndirmagan tarzda hamisha oldinga, ya`ni birinchi bo`lishga intiladi.

Zero, ba`zan bunday kuchning qudrati inson tomonidan bartaraf etilmaguncha o`z samaradorligini butkul tugata olmaydi. Negaki, inson yaralibdiki, hamisha izlanadi, o`ylanadi, fikr yuritadi, mulohaza qiladi va albatta, bu jarayonda inson ongi hamda shuurining qanchalar teran hamda o`tkir zehni salohiyat egasi sifatida ulug`lanishi ham, uning mana shunday xislat sohibi ekanligi bilan boshqa mavjudotlardan ajralib turishida eng katta va ahamiyatga molik vosita bo`lib xizmat qilishi hech birimizga sir emas.

Har bir millatga mansub fuqaro (u o`zbek, rus, tatar, arman, tojik, turman, arab va boshqa millatga mansub bo`lishidan qat`iy nazar) qayerda qanday yashashi uning uchun eng oliy qadriyat

bo`lib hizmat qiladi. Jumladan Surxondaryo hududlarda ham turli millatga mansub bo`lgan insonlar ham boshqalar singari qanday yo`ldan yurishi, qaysi yo`lni o`zi hamda boshqalar uchun eng ishonchli hamda abadiy rivojlanish sari qo`yilgan qadamning ilk debochasi bo`ladimi, yoki bo`lmasa, bu yo`lda kimlardir, kimningdir o`zicha yo`l ko`rsatishigina uning kelajagini belgilaydimi, bularning barcha-barchasi albatta, insonning o`z ma`naviy kamolotining mahsuli, aql-u zakovati, kelajakka nisbatan bo`lgan hur fikrligi, ya`nikim mustaqil tafakkur orqali taraqqiyot sari intilishi, shu bilan bir qatorda, kishilarning ongi va dunyoqarashi ham, dunyoqarashining o`sisini ham ma`naviy meros orqali o`z ifodasini topgan desak, aslo adashmagan bo`lamiz. Bugungi kunda, yer yuzida taxminan 1600 dan ortiq millat vakillaridan iborat ekanligi, ushbu ko`rsatilgan raqamdan bor-yo`g`i 200 dan ortig`igina o`zining mustaqil davlatiga egaligi ma`lumdir. [2]

Yo`qorida keltirilgan statistik ma`lumotdan biz shuni anglashimiz lozimki, demakki, dunyoda 1600 dan ortiq millat vakili bor degan tushuncha zamirida esa 1600 dan ortiq til, din, qarash, fikrlash hamda urf-odat, qadriyatlar, jumladan, ma`naviy komillik, keng dunyoqarash hamda 1600 xil kelajak sari intiluvchi rejalar, maqsadlar mavjud. Ushbu turli millatga mansub fuqarolar orasida Surxondaryo hududida ham yashovchi kishilar mavjuddir.

Har qanday mamlakat hududida (mamlakatning har qaysi hududida bo`lishdan qat`iy nazar) millatlararo ahillik, xalqaro do`stlik, milliy istiqloq mafkurasining asosiy g`oyalaridan biri hisoblanadi. Mamlakatimizda ham millatlararo munosabatlar davlatning bosh maqsadlaridan biri sifatida ko`riladi. O`zbekiston respublikasida boshqa millat vakillari bilan do`stona munosabati bilvosita va bevosita muloqot tarzida namoyon bo`lib kelmoqda.[2]

O`zbekiston respublikasi turli millatlararo muloqot jarayonida o`z millatining vakili sifatida boshqa millatga mansub fuqarolarga nisbatan muayyan ijtimoiy vazifani bajarib keladi. O`zbekistonda turli millatga mansub kishilar o`z xalqining tarixiy rivojlanish jarayonida, to`plagan ma`naviy qadriyatlarida, odob-axloq, muomala madaniyatida millatlararo hamjihatlikda, o`zaro bir-birining yutuqlarini o`zlashtiradi. O`zbekistonda bunday millatlararo munosabatlarning yuksalishida, taraqqiy etishida milliy-madaniy markazlarning roli juda ham muhim o`ringa ega hisoblanadi. Agar raqamlarga va o`tgan davrga nazar tashlaydigan bo`lsak o`tgan asrning 80-yillariga e`tibor qaratsak Sobiq Ittifoq tarkibida bo`lgan mustamlaka davlatlarda turli millatga mansub fuqarolar o`rtasida turli kelishmovchiliklar (iqtisodiy, siyosiy, diniy, etnik va boshqa) va nizolar kelib chiqayotgan edi.

Mamlakatimiz hududida ham sobiq savet davlati tarqalib ketgandan keyin turli millatga mansub fuqarolar yashab kelayotgan edi, ushbu millat vakillari orasidagi turli nizolar, kelishmovchiliklar, ziddiyatlar kelib chiqayotgan edi. Ushbu boshlangan milliy kelishmovchiliklarning oldini olish O`zbekiston uchun ham muhim masala sifatida qaraldi. Mamlakatimizda turli millat vakillari orasidagi nizolarni oldini olish ularni hamjihatlikka birlashtirish uchun ularning, maqsad intilishlarini ifodalash uchun 1989-yildan boshlab milliy-madaniy markazlar tuzila boshlandi.

O`zbekiston respublikasi bo`ylab mustaqillikka erishganimizdan keyin bunday markazlar yildan yilga soni oshib bordi. Milliy madaniy markazlarning ahamiyati juda muhim hisoblanadi masalan milliy markazlarning tashabbusi bilan mamlakatimizda qator o`tgazilgan bir qator surovnomalarda ishtirok etgan tojiklarning 96,0 %, turkmanlarning 89,5 %, o`zbeklarning 85,2%, qozoqlarning 83,3 foizi, slavyanlarning har ikkitadan bittasi O`zbekiston fuqarosi ekanligidan faxrlanishini bildirishgan.

Ushbu malumotlarni viloyatlar kesimida tahlil qiladigan bo`lsak Surxondaryoda 100,0%, Sirdaryoda 96,3%, Xorazmda 94,9%, Qashqadaryoda 93,9%, Jizzaxda 92,9%, Farg`onada 90,9%, Buxoroda 89,4%, Namanganda 86,4%, Navoiyda 85,3%, Toshkent shahrida 83,5 % ni tashkil etgan [3. 305-b].

Bugungi kunda mamlakatimizda faoliyat olib borayotgan milliy markazlar faoliyatiga nazar tashlasak ushbu milliy markazlardan biri bo`lgan Surxondaryo viloyatida tashkil etilgan Rus milliy-madaniy markazi bugungi kunda o`zining rus millatiga mansub bo`lgan kishilarning maqsad va intilishlarini, ularning urf odat va qadriyatlarini rivojlantirishda o`zbek-rus millatli kishilar o`rtasidagi hamjihatlikda juda samarali faoliyat yuritib kelmoqda.

Tarixga nazar tashlab ushbu Rus milliy madaniy markazining ilk faoliyat davriga e`tibor qar-

atsak; markaz uyushma sifatida 1995-yil 31-martda bo`lib o`tgan tasischilar yig`ilishidan keyin ish boshlaydi.[5]

Rus milliy madaniy markazining tamal toshini qo`yishda, viloyatda dastlabki markazning tashkil etilishida, markaz faoliyat yuritishda faol bo`lgan bir qator shaxslarni keltirib o`tishimiz mumkin bo`ladi. Jumladan Dmitriy Nikolayevich Zolotarev, Aleksandra Nikolaevna Orlova, Oktyabrina Ivanovna, Urbe-Shmidt, Nikolay Nikitovich Sizonets, Gennadiy Alekseevich Osipov, Irina Nikolaevna Bilan, Natalya Nikolaevna Ovcharuk, Zoya Vasilevna Vinogradovich, Zoya Vasilevna Vinogradovich Aleksandra Vinogradovich, Babariy D.Malubziy, Babaliy Malubov Zolotarev, Aleksey Anatolyevich Tulentsev, Yuriy Mixaylovich Delov, Viktor Ignatievich Zaxarov, Umid Saddykovich Gubaev, Nina Grigorievna Egorova, Boris Aleksandrovich Maksimov, Oleg Vladimirovich Meshcheryakov, Rafael Bagautdinovich, Oleg Vladimirovich Meshcheryakov, Rafael Bagautdinovich, Vladimirna Saltirov, Nadejda S. Griyevich, Vladimirna Saltensevich, Vladimirna S. Irina Valentinovna Salieva, Valentina Grigorievna Xlivnaya, Vladimir Sergeevich Redunenko, Viktor Nikolaevich Kaplenko, Bibicha Safarova, Anatoliy Fedorovich Stokolos, Viktor Nikolaevich Shmelev, Anatoliy Iosifovich Ruchinskiy kabi markaz fidoilarini misol qilish mumkun[5].

Ushbu nomlari sanab o`tilgan shaxslar milliy madaniy markazning tashkil etilishida, uning dastlabki yillarda viloyat bo`ylab rus millatiga mansub bo`lgan kishilarni hamjihatlikka uyushtirishda, rus va o`zbek millatiga mansub qolaversa boshqa millatga mansub bo`lgan kishilarning hamjihatligida samarali va ayni damda olamshumul hizmat ko`rsatganlar.

Markaz dastlabki tashkil etilgan davrda uyushma sifatida tashkil etilganligini hisobga olib endigi asosiy vazifalardan biri bu: Rus milliy markazi sifatida Surxondaryo viloyati adliya boshqarmasi ruyxatidan o`tish masalasini o`z oldiga maqsad qilib qo`ydi 1995-yil 25-may kuni "Rus madaniyati" uyushmasi Surxondaryo viloyati adliya boshqarmasi tomonidan davlat ro`yxatidan o`tkazildi va o`z faoliyatini boshladi.

Rus milliy madaniy markazining tashkil etilgan paytdagi Zolotarev Dmitriy Nikolaevich "Rossiya madaniyati" uyushmasi raisi etib, Tulentsev Aleksey Anatolyevich esa uning o`rinbosari etib saylandi[5].

Ushbu milliy marazning faoliyat yuritishida, markazning taraqqiy etishida qolaversa ko`plab yutuqlarga erishishsida Zolotarev Dmitriy Nikolaevichning ham hizmatlari katta bo`lgan. Ushbu raxbar viloyatda mavjud bo`lgan rus millatiga mansub kishilarni bitta maqsad vatan bitta u yagonadir g`oyasi ostida birlashtirishda juda katta ishlar qilgan.

Milliy markaz uyushma maqomidam milliy markaz maqomiga o`tishi juda katta voqelik bo`lgan ya`ni, Madaniyat uyushmasi sifatida faoliyat yuritib boshlagan rus milliy madaniy markazi 2010-yil 20-sentabrda viloyat adliya boshqarmasi tomonidan qayta ro`yxatdan o`tkazilgandan so`ng "Rossiya madaniyati" uyushmasi O`zbekiston Respublikasi Rus madaniyat markazining Surxondaryo bo`limi nomini oldi. Ushbu sana rus millatiga mansub kishilar qolaversa viloyat hududida yashovchi kishilar qalbiga o`zgacha shkux bag`ishlagan.

Rus Milliy madaniyat markazining qayta ruyxatdan o`tishi (hozirgacha eng oxirgi ro`yxatga olinishi) 2016 yil 20 dekabr kuni bo`lib U O`zbekiston rus madaniyat markazi Surxondaryo viloyati bo`limi nomi bilan ro`yxatga olinib hozirgi kunda viloyatda millatlararo munosabatlar rivojlanishida juda muhim rul o`ynab kelmoqda.

Viloyat Rus milliy markazi bugungi kunda o`zbek vatandoshlari o`rtasida rus tili va rus madaniyati an`analarini asrab-avaylash, mintaqada do`stlik va hamkorlikni mustahkamlash borasida bir qancha ishlarni amalga oshirib kelmoqda. O`tgan yillar davomida markazning sayi harakatlari natijasida bir qator tadbirlar o`tkazildi: "Salom, Rossiya!" festivali. (Shero-bod, Jarqo`rg`on va Termiz va boshqa tuman markazlarida), "Pasxa yo`lagi", Pushkin haftaligi, "O`yna, akkordeon!", "Gul bo`lsin, jonajon O`zbekiston!" insholar tanlovi va "Vatan bizga bekorga berilmagan!", N.V.Gogol hayoti va ijodiga bag`ishlangan adabiy kecha, "Rus qo`shig`i" festivali, ulkan asarlar yaratgan G.V.Parfenov hayoti va ijodiga bag`ishlangan anjuman va boshqalarni misol qilish mumkun[7].

Milliy markaz o`zbek xalqining turli tarixiy bayramlarida, qatnashib kelmoqda. Milliy madaniy markaz Surxondaryo tarixini saqlashga qo`shgan hissasi ham juda muhimdir masalan markaz slavyan yozuvi va madaniyati kunini a`nana sifatida saqlashda xizmat qilmoqda.

Surxondaryo rus madaniyat markazi har yili O`zbekiston xalqaro markazlarining "O`zbeki-

ston – umumiy uyimiz” respublika va mintaqaviy festivallarida faol ishtirok etib markazning maqsad va intilishlarini namoyon etib kelmoqda. Milliy markaz har yili turli bayramlarni jumladan Rossiya va O‘zbekiston bayramlari O‘zbekiston Respublikasi Mustaqillik kuni, Navro‘z, Pasxa, Maslenitsa va boshqalar.. Milliy madaniy markaz boshqa markazlar kabi 3 ta yo`nalishda faoliyat yuritadi bular:

1) xar bir millatning tili, madaniyati, urf odatlari va rasm-rusumlarini tiklash, tarixiy Vatan bilan aloqa munosabatlarni jonlantirish, milliy xis tuyg`ularning namoyon bo`lishiga keng yo`l ochish;

2) mustaqil O‘zbekistonni o`zining haqiqiy vatani deb bilish va unga beminnat hamda sadoqat bilan xizmat qilish;

3) Vatan bilan mushtarak xayot kechirish, uning madaniyati, tarixi va tilini o`rganish, mustaqil davlatga nomi berilgan millat bilan do`stlikda, hamkorlikda va totuvlikda yashash [3.157-bet].

Ushbu uchta yo`nalishda olib borilayotgan faoliyat moderinzatsiyalashayotgan ijtimoiy hayot va millatlararo munosabatlarni rivojlantirish talablariga muvofiqdir. Bugun ularda;

-o`z milliy tarixini, madaniyatini, tilini, urfodatlarini o`rganish;

-milliy musiqa, raqs san`ati sirlarini va hunar egallash;

-milliy bayram kunlariga bag`ishlab ommoviy tadbirlar o`tgazish va festivallar tashkil etish;

-tarixiy vatani rassomlari, yozuvchilari, shoirlari, olimlari, va baxshilari, madaniyat va siyosat arboblarning hayotiga ijodiga bag`ishlangan ko`rgazmalar o`tgazish;

-tarixiy vatanidan kelgan kishilar bilan uchrashuvlar o`tgazish an`anaga ayangan [3.157-bet].

Rus milliy madaniy markazi bugungi kunda ham samarali faoliyat olib bormoqda markaz bugungi kunda viloyat hududida yashovchi 21324 nafar (izoh, 2020-yilgi ma`lumot) rus millatiga mansub bo`lgan kishilarni tumanalar kesimida tahlil qilsak quyidagi jadvalga etibor qaratsak.

Termiz sh	13740 nafar
Oltinsoyda	105 nafar
Angorda	193 nafar
Bandixonda	106 nafar
Boysunda	54 nafar
Muzrabotda	1087 nafar
Denovda	1748 nafar
Jarqo`rg`onda	1046 nafar
Qumqurg`onda	914 nafar
Qiziriqda	77 nafar
Sariosiyoda	1044 nafar
Termiz tumanda	123 nafar
Uzunda	490 nafar
Sherabodda	227 nafar
Sho`rchida	370 nafar

[ushbu jadval viloyat statistika boshqarmasi ma`lumoti asosida tayyorlandi].[6]

Ushbu jadvalda ham ko`rinib turibdiki viloyatning barcha hududlarida rus millatiga mansub kishilar yashab kelmoqda rus milliy madaniy markazi ushbu kishilarning mushtarakligini taminlab kelmoqda.

Xulosa. Xulosa o`rnida aytish mumkinki bugungi kunda mamlakatimiz hududida 130 dan ortiq millat va ellatlar yashamoqda. O`zbekistonda yashovchi barcha millat vakillari konstitutsiyamizning 31-moddada keltirilgan Vijdon erkinligiga ega hisolanadi[1]. Rus millatiga mansub bo`lgan Surxondaryo hududida yashovchi millat vakillari ham mamlakat taraqqiyotiga o`z hissalarini qo`shib kelmoqda. Bizga shu ma`lumki milliy madaniy markazlar tuzilishi bu bir mamlakatda yashovchi turli millatga mansub kishilarni hamjihatlikka vatan ravnaqiga birlikda

kurashishga, vatan ravnaqi yo`lida kerak bo`lsa jonini fido qilib mamlakatda tinchlikni taminlashga katta hissa qo`shib kelmoqda.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi .Toshkent: O`zbekiston, 2018. - 6 b.
2. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 19- may PF-5046-sonli «Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do`stlik aloqalarini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to`g`risida» gi farmoni.
3. Musayev O.R. O`zbekistonda millatlararo munosabatlarrivoji.-Toshkent. "Istiqol nuri", 2016.
4. R.Shamsutdinov, H. Mo`minov O`zbekiston tarixi.-Toshkent."Fan",2020.
5. Surxondaryo viloyati Rus milliy markazi joriy arxivi. (t.me/ russkiy_kulturniy_sentr)
- 6.Surxondaryo viloyati statistika boshqarmasi, boshqa millatlar bilan ishlash bo`limining statistic malumotlari arxivi.
7. O`zbekiston Respublikasi vazirlar mahkamasi huzurida millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do`stlik aloqlarini rivojlantirish qo`mitaasi rasmiy sayti. (Interkomitet.uz).

INTRODUCTION TO THE STUDY OF TURKIC-SPEAKING COMMUNITIES

Mirzaev Djalaliddin Zainiyevich,
*Associate Professor, Department of
World History, Candidate of History,
Termiz State University*

Pursuance of every individual, every community of studying own history and appealing to their origins is an objective process. The specificity of history, its important role is that the history, as a rule, fosters an aspiration to creativeness, exemplifying universal human values and spiritual wealth. Each of us must be well familiar with the history of his ancestry and community and respect others' history and culture. The memory of the past forms identity, specifying the real-life situation of modern times largely. The regional entity factor is of a great importance in this regard. The ethnic communities in Central Asia have had, largely, common history and culture, and common future as well that depends on creative efforts, integration and deepening collaboration. The point of view stating that the world civilization and world historical-cultural heritage is not results of the active efforts of certain ethnic entities having exclusive and unequalled capabilities not observed in all the others is universally accepted. The historical-cultural heritage has no limits and is a panhuman heritage.

In the situation where the end result of a complicated historical development was the formation and establishment of the Turkic-speaking peoples in the territory of Central Asia, the ethnic aspects of the history of this region makes a scholar develop initial approaches to study the subject matter, define his or her attitude to the origin of the Turkic-speaking communities in general, and in Central Asia, in particular. I had to choose between the two conceptual and methodological positions existed in the historiography and used by certain authors to develop the theory of the origin and ethnic history of the Turks.

According to the first approach, the medieval Turkic-speaking communities are considered people who came to Central Asia from the Altai, forcing away the local communities. Over the centuries, they turned from nomads to a community of a settled economic-cultural type. According to this concept, the history of Central Asia is to be considered in a paradigm of communities' rotation.

According to the second position, the origin of the Turkic peoples cannot be considered and understood separately from the history of the communities inhabiting the territory of modern

Central Asia and contacting with them, especially the Iranian communities, which had played a huge role in their lives. The ethnic processes, participated by the Turkic-speaking communities, were taking place in all historical periods from the earliest period to the present day, and all these processes were the steps on the way of their formation.

It is necessary to adopt one of the above-mentioned positions, because we face a matter of an ethnic aspect of the history of Central Asia, but not a matter of origin of the Turks in general. The latter issue is not limited only by Central Asia; it involves the entire Eurasian territory. However, considering the history of Central Asia through the prism of the Amu Darya border region, which featured a final formation of a number of Turkic-speaking communities, the bearers of the Central Asian cultural complex, we have to switch off from other historical and cultural areas, which, in their turn, had formed their own communities. This means that we have to consider the matter not as a migration and a complete replacement of the Iranian-speaking population by the Turkic-speaking one in the Central Asia, but as a co-existence and interaction of ancient and medieval communities, i.e. with in a paradigm of meta-ethnic phenomenon of the region.

Our task is to show the role of the Turkic ethnic factor in the history of Central Asia, and from this point of view, to look at the essence of state formations, and identification of some important aspects of our study. The main purpose of the author and a whole idea of the study are to trace the history of that part of the Turkic-speaking communities, whose history was integrated into an ethno-political organism and subjected to transformation processes.

The object of our interest is not the history of all contacting communities presented in a systematic historic-chronological context, but the Turkic-speaking communities.

In accordance with this approach, we take Amu Darya border region as a territorial framework of our study. In the context of this framework, we study numismatic sources and consider archaeological monuments. In this framework, we also use the results of linguistic research and data of written sources of the ancient and medieval communities.

The scientific novelty of the study conducted, primarily, is in the formulation of the subject – an explanation of the ethnic aspect of the certainly inimitable history of the Central Asian peoples, characterized by many scholars as the history of a mega-ethnic community. The novelty of the approach to the subject is in deepening and concretism in the study of Turkic meta-ethnos as well as in attempting to show the mechanism of integration and subsequent differentiation of the Turkic communities, and eventually to distill and trace the Turkic component.

Our initial assumption is to prove the thesis that the Turks as an ethnos with their inherent culture were formed in the territory of Central Asia, but their evolution was sometimes affected by the transformation in the spirit of meta-ethnic cultural phenomenon.

The methodological approach to the matter of the ethnic history of Central Asia was formed under the influence of a wide range of works of ethnologists, numismatists, archaeologists, anthropologists, linguists, orientalist of different specialties.

Now, when there is a process of re-interpretation of the History of Central Asia, studying the paradigms that are characteristic for the previous eras and their theoretical bases is necessary both for overcoming of old heritage and for development of new approaches taking into account of actual events in the region, the systems of values, a way of life, and customs. My research interests are concentrated on studies through a multidisciplinary approach to the problems of the History of Central Asia, using materials on local history of town and historical and cultural area of Termez. Historically, it is in the area concerning which the term «the boundary region of Amu Darya» began to be applied in scientific literature quite often. These are territories where the southern areas of today's Tajikistan, Uzbekistan and Northern Afghanistan, and are historically belonged to a uniform political-economic and legal space, which had been repeatedly changing its name. The area historically and territorially coincides with the Ancient Bactria, Medieval Tokharistan, the Balkh Viloyat (province) of the Bukhara Khanate, the uluses of Kungrats and Qatagans, and geographically covers the upper reaches of Amu Darya and its inflows, one of the main waterways of Central Asia. Throughout all history of Central Asia, the boundary region of Amu Darya had been the indicator of political, economic and social transformations occurring in the region. Just there it is possible to observe merge of the national traditions inherent in various cultures, the economic way of life, different ethnic groups, that is to say, a peculiar symbiosis of ethno cultural traditions.

Carrying out complex research of collective identity of various tribal groups of Kungrats, scattered across all Eurasia, within the INTAS Project titled "The Kungrat group identities throughout contemporary Central Asia" in 2006-2008, I was interested in the ethnic content of the History of Termez and in all complex of research problems connected therewith. During research works, we collected materials on the history of Study of Kungrats, analysed published works and archived materials, carried out large-scale field researches. In the course of studying Kungrats, we started with an assumption that borders and properties of a community constantly change, therefore, scientifically, ascertainment of their ancient ancestors cannot be an object of scientific inquiry, especially considering the modern state of art. In any case, specifically available material about Kungrats does not allow historically recreating the stages of formation of this community. However, at the present stage, introduction of modern research methods allows not only to describe and reconstruct concrete forms, but also to show evolution of structure of socio-political community which is traditionally designated as "Kungrats" as well as polysemantism of this concept. Kungrats had been one of influential and large tribes on whole Eurasia for a long time. Eventually, the ethnic structure of Kungrats included various ethnic groups and clans of Turkic and Non-Turkic origin[4].

Another ethnic group, materials on which are used, is a community, kept its own ancient identification on great spaces of Eurasia and designated in modern Turkic languages as taulula, toqchi, or toglik - "mountaineers", «the inhabitant of mountains». They are mainly united by the archaic Turkic Language; by somatic type of belonging to Caucasian Race; by traces of development and melting iron ore[2].

Materials on studying other ethnic communities are used as well, since, in our opinion, methods of studying of ethnic history are an important object of research, as through them we can find answers to many questions of history and modern age. As a rule, results of scientific researches in most cases are defined by scientific representations as well as national, confessional and social identity of researchers, volume and character of materials the researchers analyse, their personal sympathies, antipathies, mentality, temperament, and so forth. The listed factors play a considerable role in researches in every scientific direction, and in the humanities, it is especially great. The designated factors gain special value when studying ethnic community. Just for this reason, the choice of the weighed, objective position and a right tone according to ethnic community remains the major problem, which the expert engaged in the matters, definitely faces with.

Earlier, during the researches on local history, I was engaged in studying "sayyids", local high-status group of hereditary elite, which kept collective identity over middle Ages. The result of active social dynamics of the period of formation of Islam was the process of establishment of a genealogical principle with emergence of a new hierarchy with "ahl-al-bayt" - members of the Prophet's House on the top. The part of the House, which ascended in the family tree to Hussein, Muhammad's grandson, a son of Ali ibn Abu Talib and Fatima, the nephew and the daughter of the Prophet, as a rule, was called Sayyids. Self-determination of group consciousness accompanied formalisation of descendants of the House of the Prophet as a corporate group and led to consolidation of a special type of mentality, which had an impact on culture of Islam. Wherever Islam dominated, there were dynasties arisen from descendants of the Prophet. Numerous mentions about Termez Sayyids in compositions of medieval authors serve as confirmation of their wide popularity, as leaders of a religious community. Traces of their activity are found in the areas covering the territory from China to Europe. The basis for prestige in the Islamic world, which Termez Sayyids attained, was succession of social importance, never interrupted over centuries[5]. In addition, the Sayyids are examples of ethnic mobility. As exemplified by Sayyids, it is possible to show how family and clan communications in Central Asia had advantage over ethnic identity.

Further, I participated in History and Consciousness Project, studying consciousness of medieval city dweller[6]. In study of history and culture of Central Asia during the colonial period, considerable successes, first, in research of material culture, historical topography, archaeological and architectural monuments were reached, thanks to self-denying work of many researchers. However, results of the researches, as a rule, do not cover that part of historical heritage,

which is defined by spiritual life of the people. The approaches of researchers were defined by the ideological views dominating in society thereat. The historical materialism, assuming the material world by a determinant factor of social development, defined sources of keen interest in all that is material. Besides, the pseudo-sociological approach to Islam that was characteristic for the human sciences in whole in the former Soviet Union, defined the methodological nature of studying Medieval History and Culture of Central Asia. The dual attitude to historical heritage is brightly expressed about monuments of the Islamic period. During the Soviet period, a selective approach in the relation to spiritual culture had been used when the medieval heritage was artificially divided into “progressive” and “reactionary” as well as into “orthodoxy” and “free-thinking”. The spiritual heritage of many medieval authors, especially representatives of tasavvuf, an esoteric current in Islam, preaching asceticism and sublime spirituality, as a rule, got under orthodoxy. Poetry is a component of spiritual heritage of the people which studying comprises a set of aspects, each of which can be a separate subject of scientific research[1]. This work covers the subject of identification of medieval society both based on materials of written sources and in terms of studying poetic heritage. In this context of heritage, for example, Ahmad Yüknaki and Ahmad Yassavi are of great importance for studying changes in consciousness, development of tasavvuf’s ideology and many other forms of spiritual life of society. Problems of identity make an essential layer in the heritage of Ahmad Yüknaki and Ahmad Yassavi. Adherents of Turkic Culture used all three languages of the Muslim World: Arabic, Persian and Turkic. Thus, within Islamic area, in Turkic space, trilingualism functions: Arabic as religion and science language; Persian as poetic diction, Turkic as daily language of communication. Within this framework, Ahmad Yassavi’s creations has enormous value, since it reflects the epoch’s values via Turkic languages. Ahmad Yassavi following traditions, continued the general subjects of the Eastern Literature, but considers these subjects in terms of Turkic identity[3].

The range of my research interests also includes studying problems of emergence, appointment and regularity of development of “tamga”, the signing system Eurasian nations. The Tamga System of any historical period possesses structural integrity in unity of its core, and elements of its structure. Thus, a tamga appears as cultural and historical uniqueness of group. That is a peculiar genotype of a community expressed by sign and symbolical means. Using materials on numismatics of the Termez Region, basing on iconography of images, it is possible to study stylistic distinctions, weight indicators, quantity of the considered copies, places where they had been found and basing on other indicators - emergence and functioning of the tamgas on the coins of the following three periods: the ancient period, from the 2nd century BC to the age of the prophet Jesus; early medieval period; and 13-15th centuries[7]. Is it possible to explain ethnic identification of the communities in Central Asia basing on materials on numismatics? What are the reasons of emergence of special areas of distribution of tamgas?

The history of statehood in the boundary regions of Amu Darya dates back to nearly three millennia. The political associations, created in this region, and having forms of statehood with different development levels, carried, first, elements of traditionalism. Considering this, we should turn our attention to important role of succession and traditionalism in statehood; studying namely this feature of the latter, we can gain fuller appreciation of concrete examples of its functioning[8]. The Ulus system, which formed the basis of administrative and territorial structure of the large part of Eurasia and served as the determining factor in all further socio-political and ethnic processes occurring in various regions, primarily in the area of the Turkish-speaking communities, is studied in this paper.

These materials give many opportunities for research of mental essence of the personality and community through the prism of the local history analysed in those categories, which are relevant for the concrete region and time spans, with consideration of events actual thereat, system of values, way of life, and customs. The analysis of local community development of the social organism, functioning mainly as a natural form of personal communication between people, provides a researcher with powerful capabilities for practical implementation of his or her aspiration to a complete approach in studying public life of the past on such rather limited object as a separate historical and cultural area. Development of ethnic communities in each local historical and cultural area of Central Asia has its own features, and in order to form a sole picture, at first, it is necessary complex researches of each separate part. Until today, direct in-

corporation of researches, uniform for a region, prevails, as a rule. Unfortunately, such approach is fraught to be rather artificial and unjustified, and leads to serious misrepresentation of a real situation.

Our research, first of all is a theoretical work, supported with empiricism, field supervision and results of other researches. The research is carried out alongside and within general trend of development of the humanities: in it, we count on transition from macro- to micro-researches, and from general to local concepts. Only such approach allows objectively fixing the studied phenomena when it is necessary to pass from the essence to the process, fixing all "ethnic" in a concrete context. Is it possible to explain in this way the mechanisms of succession and changes in ethnic identification of communities of Central Asia? Is elaboration of new research establishments possible? Answering these questions, I do not set an aim to introduce something new, final words in development of all the complex of problems; however, I want to present my own interpretation.

The subject of ethnic identification possibly involves the widest range of experts: during the last two decades, there was a sharp growth in number of researches on this subject. However, an analysis of the works, as far as I can see, shows the following: qualitative level of researches tend to decrease and scientific novelty seem to vanish. Often, the researchers use one language, but mean different things hereby: thus, manipulating the concept of "identity" which became a point of contact for humanities and social sciences, and eventually became an endemic problem. Therefore, I would like to stay on a special terminology as required. Discussion of ethnicity becomes complicated by a variety of the terms used for the description of the similar phenomena, such as tribe, nation, and nationalism. Some scientists use these terms interchangeably, and the others consider them as interconnected concepts. Therefore, accurate definition of the main terms is important for carrying out research. The analysis of modern terms allows noting that they appeared as a result of, by historical standards, recent political processes. The terms, accepted for designation of communities of people, in various cultures, are interconnected by unity of origin and underwent changes with the course of time. Among other components, the concept "nation", i.e. national consciousness, conscious reference of oneself to a certain national community, identification with the community, is subjective by the nature, and this subjectivity often serves as argument against its importance. Therefore, in the process of stating materials on historical terms, I intend to illustrate their evolution with actual examples, and how modern scientific terms follow from certain theories, and, consequently, their detailed consideration is necessary. But interpretation of modern theories and a review of their application in realities of Central Asia is specifically necessary, because, the actual material I collected requires processing, since it hangs thick in the air in view of absence of theoretical conceptualization.

Theories of ethnicity are traditionally grouped in three research approaches: Primordialism, instrumentalism, and constructivism. Representatives of the primordialistic approach explain distinction of ethnic communities, on the assumption of biological nature and the history of human society. According to the instrumentalist, approach the origin of ethnos bears on the need of finding an effective remedy, which would promote association, and strengthening intra group solidarity. Ethnic bonds act as such universal inception binding people at the level of consciousness and possessing high mobilization potential. From the point of view of representatives of the constructivist approach, the ethnic identity and the corresponding emotional experiences act as a product of social designing in a culture context. By ethnic identity, they mean consciousness of an individual of his or her belonging to a certain ethnic group. Thus, in approaches available in anthropology, there is no agreement of opinions in understanding ethnos, but each of the approaches contains valuable representations and ideas. Is it possible to explain mechanisms of succession and changes in ethnic identification of the communities of Central Asia on the base of these research approaches? As far as I can see, at the various research approaches, each of them considers mainly one aspect of the phenomenon of ethnicity. Integration of all approaches into a Common Theory of Ethnicity is necessary for research. A common ground of various approaches and the directions are expressed, first of all, in that the ethnicity is allocated with properties of importance, necessity, and partiality. It is caused by various components, proves itself in behavior carrying out interrelation functions between the subject and

the world, and promotes emergence of activity of a person within society. Such approach can help with elaboration of the establishments explaining logic and mechanisms of transformation processes in the past and the present. This approach is not only a logical stage of research, i.e. theoretical understanding of the factual material, but also aims to move to a new level, i.e. synthesis of accumulated experience in the context of the achievements of world science.

LIST OF REFERENCES

1. Jaloliddin Mirzo. Muhammad Hakim Termiziy: hayoti va ijodi. Toshkent: "San'at jurnali nashriyoti", 2007.
2. Jaloliddin Mirzo. Surxondaryodagi elatlar tarixidan. "Ma'naviyat gulshani", 2014, №15 (476).
3. Ahmet Yesevi / Editör: Necdet Tosun. Ankara: Hoca Ahmet Yesevi Uluslararası Türk – Kazak Üniversitesi, 2015.225 s.; Kamoliddin Sh.S. K biografii Axmada Yugnaki // Obssestvennie nauki Uzbekistana (ONU), 2005, № 1–2. С. 96.
4. Mirzaev Dj. Z. K izucheniю istorii kungratov Yujnogo Uzbekistana// Collected Articles of the Third Central Asian Anthropological Conference Bishkek, 2010, pp.130–137.
5. Mirzaev Dj. Z. Rol termezskix sayyidov v istorii Tsentralnoy Azii // «O'zbekiston tarixi», 2004, № 3.С.13–23; Mirzaev Dj. Sultan Saodat – hier ruhen die "Herrscher der Glücklichen". // Surchandarja. Über die Jahrtausende Schmelztiegel der Kulturen im südlichen Usbekistan. „Wostok“2010, ss. 18–19.
6. Mirzaev Dj. Dichtung als Quelle der Untersuchung des städtischen Selbstbewusstseins der Menschen im Mittelalter. Geschichte und Identität III Geschichtsvermittlung in Usbekistan und Deutschland. Taschkent, 2008, ss.95–104.
7. Mirzaev Dj. Z. "Problemi izucheniya i interpretatsii tamg v kontekste lokalnoy istorii". // Materiali Mejdunarodnogo nauchno–prakticheskogo seminaru "Kulturniy landshaft kak ob'ekt naslediya", 26–27 sentyabrya 2013 goda. Almati: KazNIIK, 2013. С.150–155.
8. Mirzaev Dj. Change in the Structure of the Authorities in the Border Regions of the Amu Darya: General Trends and Local Features // Conference: "Changing Patterns of Power in Historical and Modern Central and Inner Asia". 7–9 August 2014, Ulaanbaatar. Book of abstracts. P.44.

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАР БАНКЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

(2006-2015 йй)

Тўхтаев Абдуғани Қиличович,
Термиз давлат педагогика институти
доценти, тарих фанлари номзоди

Аннотация: Мақолада 2006-2015 йилларда халқ хўжалигини юксалтириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни молиялаштиришда жанубий вилоятлар банкларининг кичик бизнесни ривожлантиришда қўшган ҳиссаси аниқ далиллар асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Пахтабанк, Бандлик жамғармаси, Микрокредитбанк, Агробанк, Халқ банки, Ипотекабанк, Асакабанк, Туронбанк, Алоқабанк, Ўзсаноатқурилишбанк.

Аннотация: В статье рассмотрен вклад банков южных регионов в развитие малого бизнеса в период 2006-2015 гг. в развитие экономики страны, повышение уровня жизни населения, финансирование малого бизнеса и частного предпринимательства. выявляется на основе конкретных доказательств.

Ключевые слова: Пахтабанк, Фонд занятости, Микрокредитбанк, Агробанк, Халкбанк, Ипотекабанк, Асакабанк, Туронбанк, Алокабанк, Узсаноатқурилишбанк.

Abstract: *The article considers the contribution of banks in the southern regions to the development of small businesses in the period 2006-2015. in the development of the country's economy, raising the standard of living of the population, financing small businesses and private entrepreneurship. identified on the basis of concrete evidence.*

Key words: *Pakhtabank, Employment Fund, Microcreditbank, Agrobank, Xalkbank, Ipotekabank, Asakabank, Turonbank, Aloqabank, Uzsanoatkurilishbank.*

Ҳар қандай жамиятда ривожланишнинг энг асосий негизини иқтисодий ташкил этади. Бас, шундай экан, халқ хўжалигини юксалтириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни молиялаштириш олдимизда турган асосий вазифадир. Бу борада, албатта, банклар зиммасидаги масъулият ва мажбуриятларнинг ўрни беқиёсдир.[1]

Иқтисодий тараққиётга ҳисса қўшаман деган банк айна замонда мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес субъектларини молиялашда халқаро молиявий институтлар ҳамда чет эл кредит линияларидан фойдаланган ҳолда ўз мақсадларига эришиши мумкин. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда банк кредитларидан фойдаланиш, ўзаро ғояларни қўллаб-қувватлаш ва ишончли молиявий кўмакчи бўлиши икки тарафлама самарадорли натижалар бериши аниқ.

Бу борада Сурхондарё вилоят “Пахтабанк” (ҳозирги “Ғаллабанк”) АТ банки филиалларида амалга оширилган ишлар натижасида 2006 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, кичик бизнес субъектларига молиялаш манбалари ҳисобидан берилган кредитларнинг умумий қолдиғи 2929,0 млн. сўмни ташкил этган. Шу тариқа яратилган ишчи ўринлари сони эса 7118 нафарни ташкил қилди.[2] Бундан банкнинг ўз маблағи ҳисобидан берилган кредитларнинг умумий қолдиғи 2092,1 млн. сўмга, бюджетдан ташқари фондлар маблағи ҳисобидан 59,5 млн. сўмга бандлик жамғармаси маблағлари ҳисобидан эса 777,4 млн. сўмга етди.[3] 2006 йилнинг биринчи чораги давомида эса худди шу йўналишда берилган кредитларнинг қолдиғи 911,9 млн. сўм бўлиб, бунга нисбатан яратилган ишчи ўринлари сони 1138 нафарни ташкил этди. Шунингдек, биринчи чорак давомида банк миқдорларига ўз маблағлари ҳисобидан 518,4 млн. сўм, Бандлик жамғармаси маблағлари ҳисобидан эса 454,4 млн. сўм кредит маблағлари ажратди.[4]

Юқоридаги рақамлардан кўриш мумкинки, “Пахтабанк” АТ банки ўз миқдорлари ишончини оқлаган ҳолда улар билан самимий муносабатда бўлиб келмоқда. Натижада миқдорлар салмоғи 2005 йилга нисбатан 2450 нафарга, йил бошига нисбатан эса, 1428 нафарга ортганлигини кузатишимиз мумкин. Шунингдек, миқдорларга қулайлик яратиш, уларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида 2006 йилда банкнинг яна 11 та мини филиаллари ишга туширилди.[5]

Сўнгги даврда ички валюта бозорини эркинлаштириш, миллий валютани халқаро операциялар бўйича айирбошлашни таъминлаш борасида олиб борилган қатор чора-тадбирлар натижасида улкан ютуқлар қўлга киритилди. Ваколатли банкларда ҳисоб рақамларини очган ва импорт шартномаларини тузиб, тегишли равишда рўйхатдан ўтган барча юридик шахслар сўм маблағларини чет эл валютасига алмаштириш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Вилоят “Пахтабанк” АТ нинг миқдорлари зарур маҳсулотларни асосан Россия, Қозоғистон ва Германиядан олиб келдилар. Жумладан, буғдой уни, хўжалик гугурти ва пиво ишлаб чиқариш корхонаси ва Термиз хўжалик маданий моллари корхоналари томонидан амалга оширилган импорт операциялари, сўм маблағларини конвертация қилиш йўли билан амалга оширилди. Хуллас, банк ва миқдор муносабатлари яхшиланиб, ҳамкорлик алоқалари янада мустақамланмоқда.

2007 йили Олтинсой тумани Чинорбулоқ қишлоғидаги “Метин Малик” хусусий фирмаси “Пахтабанк” АТ дан юз миллион сўмлик кредит олиб “Оби Вахшувор” минерал суви ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада 20 нафар ёшларни иш билан таъминлади.[6] Шу йили “Мирзо Эсон” хусусий корхонаси “Пахтабанк” АТ нинг Шўрчи филиалидан кредит олиб шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Хитой Халқ Республикасидан ускуналар олиб келиб ўрнатди. Ускуналарни ва қурилиш ишларини маҳаллий усталар амалга оширишди.[7]

Вилоят Микрокредитбанк жамоаси 2006 йили ўз маблағи ва жалб қилган кредит ресурслари ҳисобидан 252 нафар мижозга 786,4 млн. сўмдан кўпроқ, 2007 йили эса 742 нафар мижозга қарийб 1 млрд. 383,5 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратиб берди. Шундан кўриниб турибдики, 2007 йили 2006 йилга нисбатан кредит маблағлари олган мижозлар сони 490 нафарга, уларга берилган кредитлар миқдори салкам 597,1 млн. сўмга кўпайди.[8]

2009 йили “Агробанк” АТ нинг Қашқадарё вилояти Агробанк филиали томонидан жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига 13,3 млрд. сўм кредит берилган бўлса, 2010 йилнинг тўққиз ойи давомида бу кўрсаткич 15,3 млрд. сўмни ташкил этди. Кичик бизнес субъектларига йўналтирилган кредитларнинг 5,4 млрд. сўми узоқ муддатли ва 9,9 млрд. сўми қисқа муддатли кредитлардир. Бу кредитлар ҳисобига 2529 та иш ўрни яратилди.[9]

Энг муҳими, Микрокредитбанкнинг жами кредит қўйилмалари миқдорининг 73,8 % и иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашга йўналтирилди. Активлар таркибида кредит қўйилмаларининг миқдори 175 млрд. 534 млн. сўмни ташкил этиб, 2010 йилнинг тўққиз ойи давомида 111 млрд. 57 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари берилди. Бу кредит маблағлари саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо воситачилиги ҳамда маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳиссасига тўғри келди. Бу саъй-ҳаракатлар туфайли 958 та янги иш ўринлари яратилди.[10]

2010 йили Давлат-тижорат Халқ банки Қашқадарё вилояти филиалида ҳам бу соҳада амалга оширилаётган ишлар эътирофга лойиқ бўлди.[11] Жумладан, юртбошимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорлари ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар аҳоли дастурхони тўқинлигини таъминлаш баробарида, иш билан банд юртдошларимиз сафининг тобора кенгайишига хизмат қилаётир.

Чироқчи туманидаги “Шарбат” хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонаси (раҳбари Шоймардон Хўжақулов) мева ва полиз маҳсулотларидан яхна ичимликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Халқ банкига мурожаат қилиб 95 млн. 131 минг сўм миқдорида кредит олди. Ушбу сармоя эвазига хориждан замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Натижада фаолиятини йўлга қўйиб, 20 га яқин йигит ва қизларни иш билан таъминлади.[12] Қарши шаҳридаги “Истиқлол-С” ишлаб чиқариш шўба корхонасида Халқ банки томонидан 250 млн. сўм кредит ажратилиб, банк сармояси эвазига корхонада қолипли нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилиб, 30 га яқин иш ўринлари яратилди.[13]

Шунингдек, “Шабнам квадрат” хусусий корхонасига ажратилган 100 млн. сўмлик кредит ҳисобига тўйхона биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Натижада бу ерда 10 га яқин ёшлар иш билан таъминланди.[14] “Сас Универсал” хусусий корхонасига ажратилган 200 млн. сўмлик кредит ҳисобига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси ташкил этилиб, 25 та иш ўрни яратилди. Шаҳрисабз шаҳридаги “Асл-мебель сервис” фирмаси (раҳбари Абдуғани Файзиев) ҳам Халқ банки молия муассасасидан 50 млн. сўм кредит олиб, хориждан замонавий мебель ишлаб чиқариш технологиясини сотиб олиб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши натижасида 15 нафар ёшларни иш билан таъминлашга эришилди.[15]

Халқ банкининг Бешкент филиали томонидан “Ҳақберди ота” хусусий фирмаси, “Шарофиддин Нурилло” хусусий корхонаси, “Бешкент автотехсервис” МЧЖ ларига ажратилган жами 400 млн. сўмлик кредит ҳисобига худудда маиший хизмат, йўловчи ташиш ҳамда сервис хизмати ривожланиши баробарида 50 га яқин иш ўринлари яратилди. [16] Халқ банкининг бошқа филиалларида ҳам тадбиркорларга ажратилаётган кредитлар эвазига қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ўнлаб корхоналар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этилди. Банкнинг молиявий қўллаб-қувватлаши туфайли 2010

йилда Қашқадарёнинг қишлоқ жойларида 160 дан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда касаначиликни ривожлантириш учун замонавий бинолар қурилиб ишга туширилди. Қишлоқ жойларида 180 дан ортиқ минимаркет ва савдо дўконлари қад ростлади.[17]

Республика Микрокредитбанк жамоаси мамлакатимиз молия бозоридаги беш йиллик фаолияти давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 680 млрд. сўмлик инвестициявий лойиҳаларини молиялаштирди. Жумладан, микромолиявий хизматлар миқдори 431 млрд. сўмни ташкил этиб, бунинг эвазига 400 минга яқин иш ўринлари яратилди.[18] Масалан, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидан бўлган тадбиркор Жаҳонгир Ҳамроевнинг мебель ишлаб чиқариш фаолияти кенгайишида ҳам банкдан олинган 13 млн. 600 минг сўм микрокредит фойда берди. Ушбу сармоёга тадбиркор беш турдаги технологик дастгоҳлар харид қилиб, ишчилар сонини ўн нафарга етказди. Ўз навбатида, маҳсулот тури ва ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортди. Бу ерда тайёрланаётган стол-стул, каравот ва икки қаватли болалар каравотларига харидорлар кўпайиб борди. Улар, асосан, тумандаги болалар ёзги дам олиш оромгоҳлари ҳамда мактабгача таълим муассасаларига етказиб берилди.[19]

2010 йилда Республика Ипотека банкининг Сурхондарё вилояти филиалида Бойсун туманилик тадбиркор Беҳзод Сафаров шу йили замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Бойсун бунёдкори” хусусий корхонасини ташкил этди. Ёш тадбиркор корхона фаолиятини янада кенгайтириш, тайёрланаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида Ипотека-банкнинг Сурхондарё вилояти филиалидан 50 млн. кредит маблағи олиб, цехларга эшик-ромлар ишлаб чиқарадиган замонавий ускуналар ўрнатди.[20]

Корхона Бойсун туманида ўтказилган тендерларда қатнашиб, бир қатор мактабларни таъмирлашда иштирок этди. Корхона буюртма асосида 600 квадрат метр дераза ва эшиклар тайёрлаб берди. У 2011 йилда Ипотека-банк томонидан ўтказилган танловда иштирок этди. Танловнинг Республика босқичида “Ёш тадбиркор” номинациясида унинг лойиҳаси маъқулланиб, ғолиб бўлди. Ғолиб сифатида банкнинг имтиёзли кредит жамғармасидан икки йил муддатга 30 млн. сўм олди. Бу маблағ ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш имконини берди. Қолаверса, 10 киши иш билан таъминланди.[21]

2011 йилда Ипотека-банкнинг Сурхондарё вилояти филиали ва минибанклари 2600 дан зиёд мижозга хизмат кўрсатди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик орқали ички бозорни тўлдирадиган ва барқарор этадиган ишлаб чиқариш объектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, бу билан аҳоли бандлиги даражасини кўтариш, турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида 2010 йилда 1 млрд. 700 млн. сўмдан зиёд микрокредит ажратилди.[22] Натижада юзлаб иш ўринлари яратилди. Бу эса банк сармоёси ҳисобига яратилган иш ўрни аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Энг муҳими, молия муассасаси тадбиркорлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида вилоятнинг узоқ қишлоқларигача кириб борди.

Республикамиз молия бозорида 2006 йилдан буён фаолият юритиб келаётган “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик банки 2012 йилда ўзининг 83 та филиали, 234 та мини банки ва кўплаб агентликлари орқали турли мулкчилик шаклидаги 200 мингдан ортиқ хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда жисмоний шахсларга, оилавий тадбиркорларга кенг қўламдаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.[23]

2012 йилда Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги “Ертепа”, “Робот” ва “Юқори Бешкент” маҳаллаларидаги кам таъминланган аёлларга гуруҳ кафиллиги асосида жами 100 минг АҚШ доллари миқдорида миллий валютада микрокредитлар ажратди. Ушбу кредитлар ҳисобига оила шароитида уй ҳайвонларини парваришлаш, тикувчилик, қандолатчилик, зардўзлик, кўрпа-тўшак тикиш ва дўппичилик каби фаолият турлари йўлга қўйилди. Германиянинг жамғарма кассалари фонди кўмагида эса Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида яқка тартибда фаолият юритаётган аёлларга берилган кредитлар эвазига гиламчилик, тикувчилик, зардўзлик, миллий кийимлар тикиш ва маиший хизмат кўрсатиш сингари соҳаларда 200 нафарга яқин киши иш билан таъминланди. [24]

Республика Микрокредитбанк жамоаси ўрта-махсус касб-хунар таълим муассасалари битирувчиларига ажратилган кредитлар 2011 йил 1 май ҳолатига кўра 1.244,7 млн. сўмни, 2012 йил 1 май ҳолатига кўра эса 2.137,4 млн. сўмни, тадбиркор аёлларга ажратилган кредитлар миқдори 2010 йил 1 май ҳолатига кўра 7.481 млн. сўмни, 2011 йил 1 май ҳолатига кўра 11.628 млн. сўмни, 2012 йил 1 май ҳолатига кўра эса 12.998 млн. сўмни ташкил этди.[25]

Гилямдўзлик-халқимиз орасида азалдан санъат даражасига кўтарилган хунармандчилик турларидан бири. Истиқлол йилларида у янада ривожланди. Қўл меҳнати ёрдамида бошқариладиган эски дастгоҳлар ўрнини илғор ва замонавий технологиялар эгаллади. Натижада маҳаллий ишбилармонлар томонидан тайёрланган нақшинкор гилямлар доврўғи дунёга ёйилди. Сурхон воҳасидаги “Пўлат Алп” хусусий корхонаси (Термиз шаҳри) “Асака” давлат-акциядорлик тижорат банки Сурхондарё вилояти филиалидан олган кредит ҳисобига хусусий корхона ўз фаолиятини тиклади. Натижада 10 нафар касб-хунар коллежлари битирувчиси ҳамда 4 нафар хотин-қизларни иш билан таъминлади. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан 2012 йилнинг олти ойи давомида 154 миллион сўмдан зиёд маҳсулот тайёрлаб воҳамиз аҳолисига етказиб берилди.[26]

2012 йили Қашқадарё вилояти Асака давлат-акциядорлик тижорат банки филиали томонидан “Универсалагротехсервис” Очиқ акциядорлик жамияти (раҳбари Шерзод Абдураҳмонов) га ажратилган кредити натижасида корхона уйлар томини ёпадиган профкастил ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада олти иш ўрни яратилди.[27] 2012 йилнинг биринчи чорагида “Агробанк” Очиқ акциядорлик тижорат банкнинг Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига 6 млрд. 813 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида жами 771 та иш ўринлари яратилди.[28]

2012 йилда “Турон банк” Очиқ акциядорлик тижорат банки Сурхондарё вилояти филиали томонидан тадбиркорларга 20,4 млрд. сўм кредит ажратилди. Натижада 120 нафар иш ўрни яратилди. Масалан, “Беҳруз М” МЧЖ қурилиш корхонаси Термиз шаҳрида 20 квартирали уй-жой қурилиши учун банкдан 3,2 млрд. сўм олган бўлса, “Эл Сурхон Самарқанд” Очиқ акциядорлик жамияти Жарқўрғон туманида тўқимачилик фабрикасини қуриш учун 300 млн. сўм кредит олди. “Жаҳонгир давр қурилиш” хусусий корхонаси 300 млн. сўмни банкдан олиши натижасида ўз ишлаб чиқаришини йўлга қўйди.[29]

“Алоқабанк” Очиқ акциядорлик тижорат банки Сурхондарё вилояти филиали томонидан 2012 йили ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 887,3 млн. сўм кредит ажратилди. Кредитлар асосан маиший хизмат соҳасига 465 млн. сўм, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга 9200 млн. сўм кредит берилди. 2013 йил коллеж битирувчи талабаларига тадбиркорликни йўлга қўйишлари учун 57,5 млн. сўм ажратилди.[30]

2013 йил биринчи ярмида Халқ банки Сурхондарё вилояти филиали томонидан ишбилармонларга кредитлар ажратиш, уларнинг ишлаб чиқаришга бўлган қизиқиш ва интилишини қўллаб-қувватлаш, шу йўл билан аҳоли бандлигини, турмуш фаровонлигини яхшилаш бўйича маълум ишларни амалга оширди. Натижада 2013 йилнинг беш ойи ичида соҳа вакилларига 20 млрд. 216,9 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Шундан 2 млрд. 902,5 млн. сўми аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлса, 7 млрд. 260,7 млн. сўми озиқ-овқат, 3 млрд. 987 млн. сўми ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарга, 5 млрд. 201,9 млн. сўми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга, 593 млн. сўми оилавий тадбиркорларга берилди.[31] Коллеж битирувчиларининг бизнес ғояларини юзага чиқариш мақсадида 725,5 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилиб, пировардида 1593 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди.[32]

“Агробанк” Очиқ акциядорлик тижорат банкнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси томонидан 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 21,4 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, бунинг эвазига 1529 та иш ўрни яратилди.[33] Эътиборли томони шундаки, кредитларнинг 6,3 млрд. сўмини микрокредитлар ташкил этиб, улар

қишлоқ хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга йўналтирилди.

Банк филиаллари томонидан, шунингдек, вилоятда фаолият кўрсатаётган 1285 нафардан ортиқ тадбиркор аёлларга хизмат кўрсатиб келинмоқда. Бунда биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони дастуруламал бўлиб хизмат қилди. 2013 йилнинг биринчи ярмида ушбу ҳужжатга мувофиқ, 1,9 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилгани шундан далолат беради.

Кўп йиллардан буён “Агробанк” билан ҳамкорлик қилиб келаётган Қашқадарёдаги “Софан” хусусий ишлаб чиқариш корхонаси (раҳбари Озода Пардаева) 2013 йилнинг бошида банкдан 200 млн. сўм кредит олиб, сифатли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди ва яна тўрт нафар иш ўрни яратишга муваффақ бўлди.[34] Касб-хунар коллежи битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш бўйича ҳам “Агробанк” томонидан маълум ишлар амалга оширилди. Шу мақсадда жойларда ўқув семинарлари ташкил этилиб, қишлоқ ёшларининг бизнес фаолиятига кўмак берилди.

Аниқроғи биринчи Президент Ислом Каримовнинг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармонига асосан, кредитлар ажратилиб, кўплаб корхона, савдо шаҳобчалари ва деҳқон хўжаликларига асос солинди.

Масалан, Китоб агросаноат касб-хунар коллежини тамомлаган Дилобар Ўктамова банкнинг 7,5 млн. сўмлик кредити эвазига боғдорчиликни йўлга қўйди. Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга доир қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилгани ана шу эзгу мақсаднинг рўёбга чиқишига хизмат қилди. Ушбу дастурлар доирасида 2013 йилнинг олти ойи ичида фақат озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун 8,2 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш, нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш, балиқчилик, асаларичилик, паррандачилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш бўйича 329 та лойиҳа амалга оширилди. Шу билан бирга ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш учун 4 млрд. 317 млн. сўмлик кредитлар берилди.[35] “Агробанк” томонидан “Файз-БШФ” хусусий фирмаси (раҳбари Собир Воҳидов) ҳам банкдан 75 млн. сўмлик кредит олиб алюминий профилларидан эшик ва ромлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада тўрт нафар киши ишли бўлди.[36]

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли бирламчи тиббий санитария ёрдамини кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларидан тортиб мураккаб юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларигача-аҳолига барча даражадаги тиббий ёрдам кўрсатишнинг мутлақо янги ва ноёб тизими яратилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда хусусий секторда ҳам тиббий фаолият шаклланиб борапти. 2014 йилга келиб республикамизда самарали иш юритаётган 2000 дан зиёд хусусий тиббиёт муассасалари аҳоли ишончини тобора қозонаётганлиги янада қувонарлидир. “Ўзсаноатқурилишбанк” нинг Сурхондарё минтақавий филиали ажратган кредит эвазига “Шифо” кўп тармоқли хусусий корхонаси (раҳбари Мақсуд Аминов) томонидан замонавий рақамли рентгенография аппарати харид қилинди. Бу эса, энг мураккаб хасталикларга ҳам аниқ ташхис қўйишга муҳим омил бўлмоқда.[37]

2014 йилда “Агробанк” нинг Қашқадарё вилояти бошқармаси “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасидаги устувор вазифаларнинг ижросини изчил таъминлаш, тадбиркорлар, фермер ва деҳқонларнинг фаолиятини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишини изчил давом эттирди. “Агробанк” нинг Бешкент филиалига мурожаат қилган Қарши туманидаги (раҳбари Назира Гавашова) банкдан 110 млн. сўм кредит олиб фермер хўжалигида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижа-

да олти нафар киши иш билан таъминланди.[38] “Агробанк” очик акциядорлик тижорат банкининг Сурхондарё вилояти бошқармаси томонидан “Соғлом бола” йилининг (2014 йил) 1 июль ҳолатига кўра, 67 та лойиҳа учун 3 млрд. 571 млн. сўм кредит маблағлари ажратилгани боис жойларда жами 205 та қўшимча иш ўрни яратилди. Айниқса, ўз бизнес лойиҳалари билан банкка келаётган битирувчиларга имтиёзли кредитлар ажратилиб, истиқболли режаларнинг қўллаб-қувватланиши уларнинг астойдил ғайрат билан ишлаб интилишига туртки бўлди.

Коллеж битирувчиларига 2014 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, банк томонидан жами 72,5 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди.[39] Сервис соҳасининг ривожланиши аҳоли турмушини фаровонлаштириш, оғирини енгил қилишга катта имкон берди. “Агробанк” вилоятда сервис соҳасини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш тизимини янги босқичга кўтариш ва шу орқали кўплаб иш ўринлари яратишни мақсад қилган кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаб келмоқда. “Агробанк” нинг Қизириқ филиали мижози “Акобир Жовлиев” хусусий корхонаси темир дарвоза, эшик ҳамда ромлар ишлаб чиқариш мақсадида 60 млн. сўм миқдорида кредит маблағи ажратди. Натижада хусусий корхона раҳбари яна тўрт нафар маҳалладошини иш билан таъминлади.[40]

2015 йилда “Агробанк” нинг 165 млн. сўмлик молиявий кўмаги натижасида “Музработ гранд инвест МЧЖ” турли ўлчамдаги сифатли ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада корхонада яна ўн та иш ўрни яратилишига эришилди. Корхона вилоятда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига, оз бўлса-да ҳисса қўшиб келаётир. “Микрокредитбанк” нинг 8 млн. сармояси ҳисобига 2011 йили иш бошлаган Қамашини тузданидаги “Қудрат” фермер хўжалиги тикув цехи ташкил қилган эди. 2015 йили банкдан яна 28 млн. сўм кредит олган хўжалик замонавий тикув дастгоҳлари сотиб олиб келиб, тикувчилик йўналиши бўйича касб-хунар коллежини битирган ўн нафар қизни иш билан таъминлади. Корхона боғча ва шифохоналарга шартнома асосида чойшаблар ҳамда болалар учун кийимлар етказиб берди. [41]

Бир сўз билан айтганда мамлакатимиз банкларининг кўрсатаётган амалий ёрдами туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора ривожланиб бормоқда. Кўплаб янги иш ўринлари яратилишига ҳамда оилалар фаровонлигига хизмат қилмоқда. Банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий хизмат кўрсатиш сифати ва кўлами кенгайиб бораётганлиги юртдошларимиз томонидан эътироф этилмоқда. Натижада уларнинг банкларга бўлган ишончи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. XXI аср. 2006 йил, 25 май
2. XXI аср. 2006 йил, 25 май
3. XXI аср. 2006 йил, 25 май
4. XXI аср. 2006 йил, 25 май
5. XXI аср. 2006 йил, 25 май
6. Правда востока. 11 июля, 2007 г, С-3.
7. Правда востока. 11 июля, 2007 г, С-3.
8. Сурхон тонги. 2008 йил, 6 март, 10-сон, 7 б
9. Халқ сўзи. 2010 йил, 9 ноябрь, 216-сон, 3 б
10. Халқ сўзи. 2010 йил, 9 ноябрь, 216-сон, 3 б
11. Халқ сўзи. 2011 йил, 1 апрель, 64-сон, 4 б
12. Халқ сўзи. 2011 йил, 1 апрель, 64-сон, 4 б
13. Халқ сўзи. 2011 йил, 1 апрель, 64-сон, 4 б
14. Халқ сўзи. 2011 йил, 1 апрель, 64-сон
15. Халқ сўзи. 2011 йил, 1 апрель, 64-сон
16. Халқ сўзи. 2011 йил, 1 апрель, 64-сон
17. Халқ сўзи. 2011 йил, 1 апрель, 64-сон
18. Халқ сўзи. 2011 йил, 15 июль, 138-сон, 3 б
19. Халқ сўзи. 2011 йил, 15 июль, 138-сон, 3 б

20. Қишлоқ тараққиёти. 2012 йил, 13 март, 22-сон.
21. Қишлоқ тараққиёти. 2012 йил, 13 март, 22-сон.
22. Қишлоқ тараққиёти. 2012 йил, 13 март, 22-сон.
23. Халқ сўзи. 2012 йил, 1 июнь, 107-сон, 3-б
24. Халқ сўзи. 2012 йил, 1 июнь, 107-сон, 3-б
25. Халқ сўзи. 2012 йил, 1 июнь, 107-сон, 3-б
26. Халқ сўзи. 2012 йил, 19 июль, 141-сон.
27. Правда Востока. 29 мая, 2012 г, Н-103, стр. 4.
28. Ўзбекистон овози. 2012 йил, 7 июнь, 69-сон, 3 б.
29. Правда Востока. 23 мая, 2013 года, №-38
30. Правда Востока. 20 февраля, 2013 года, №-35
31. Халқ сўзи. 2013 йил, 17 июль, 138-сон, 3-бет
32. Халқ сўзи. 2013 йил, 17 июль, 138-сон, 3-бет
33. Халқ сўзи. 2013 йил, 26 июль, 145-сон, 3-бет
34. Халқ сўзи. 2013 йил, 26 июль, 145-сон, 3-бет
35. Халқ сўзи. 2013 йил, 26 июль, 145-сон, 3-бет
36. Халқ сўзи. 2013 йил, 26 июль, 145-сон, 3-бет
37. Халқ сўзи. 2014 йил, 16 июль, 137-сон, 3-бет
38. Халқ сўзи. 2014 йил, 18 июль, 139-сон, 3 б.
39. Маҳалла. 2014 йил, 18 июнь, 51-сон, 3 б.
40. Маҳалла. 2014 йил, 18 июнь, 51-сон, 3 б.
41. Ўзбекистон овози. 2015 йил, 22 октябрь, 125-сон, 3-б.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИНИНГ ТИББИЁТ ФАНИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Тошпўлатов Бекзод Шухратович,

Қарши давлат университети доценти в.б., PhD

Аннотация: *Мақолада Самарқанд давлат тиббиёт институтидаги илмий-тадқиқот ишлари ва уларнинг Ўзбекистондаги тиббиёт фани ривожига қўшган ҳиссаси таҳлил қилинади.*

Калит сўзлар: *“Ўзбек давлат тиббиёт институти (ЎЗДМИ)”, Тиббиёт факультети, профессор, доцент, ассистент ўқитувчи, аспирантура.*

Аннотация: *В статье анализируются научно-исследовательские работы Самаркандского государственного медицинского института и их вклад в развитие медицинской науки в Узбекистане.*

Ключевые слова: *«Узбекский государственный медицинский институт (УЗГМИ)», лечебный факультет, профессор, доцент, ассистент, аспирантура.*

Annotation: *The article analyzes the research work of the Samarkand State Medical Institute and their contribution to the development of medical science in Uzbekistan.*

Key words: *«Uzbek State Medical Institute (UZGMI)», medical faculty, professor, associate professor, assistant, postgraduate study.*

Самарқанд давлат тиббиёт институти Ўзбекистондаги илк мустақил тиббиёт институтидир. 1930 йил 7 майда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг 80-сонли қарори асосида “Ўзбек давлат тиббиёт институти (ЎЗДМИ)” номи билан Ўзбекистонда биринчи мустақил тиббий олий ўқув юрти ташкил этилди [1]. 1933 йили Ўзбек давлат медицина институти Ўзбек Давлат педагогика академияси асосида ташкил этилган Ўзбек Давлат университети (ҳозирги Самарқанд давлат университети) га тиббиёт факультети сифатида қўшиб берилди. Тиббиёт факультети университет таркибида ўз фаолиятини икки йил давом эттирди, 1935 йилда яна мустақил Самарқанд давлат тиббиёт институтига айлантирилди.

Самарқанд давлат тиббиёт институти Ўзбекистонда тиббиёт фанининг асосий марказларидан бири бўлди. Институтда аспирантура уруш даврида 1944 йили очилган бўлиб, шу вақтдан бошлаб тиббиётнинг турли ихтисослиги бўйича қатор олий тоифали мутахассислар тайёрланди. Институтда профессор-ўқитувчилар ўқув-тарбия ишларни илмий-тадқиқот ишлари билан ёнма-ён олиб борди. Масалан, Самарқанд тиббиёт институтига 1947-1948 ўқув йилида режага кўра 3 нафар тадқиқотчи аспирантурага қабул қилинди. Н.А.Иванов, О.П.Брзабогатая, Ф.Х.Сайфуллин каби тадқиқотчилар шулар жумласидандир. Институтда ихтисослашган Илмий Кенгаш фаолият кўрсатиб, 1947-1948 ўқув йилида 18 та йиғилиш ўтказди[2]. Шу йили институтда Қорахўжаев, Мусабоев каби докторлик, А.Н.Жалолов, Гавранян, В.И.Гаркушлар номзодлик диссертацияси-ни муваффақиятли химоя қилди[3]. Умуман 1935–1955 йиллар давомида институтда 19 та фан доктори, 100 та фан номзоди тайёрланди. Самарқанд тиббиёт институти илмий мактаблари вакиллари тиббиёт соҳасида эришган ютуқлари билан мамлакатда танилди. Уларнинг баъзилари йирик шаҳарларда фаолият кўрсатди. Профессор А.Н.Иванов (Ригада), профессор Н.И.Коретов (Симферополда), профессор К.А.Кунаков (Воронежда), профессор И.Е.Панкратьев (Киевда), Е.С.Акопьян (Краснодарда) ва бошқалар шулар жумласидандир[4].

1958 йили сентябрда институтнинг кўп тиражли “Медицина фани учун” газетаси илк марта З.С.Гинзбург муҳаррирлигида нашр этилди. Бу ҳам институтда илмий-тадқиқот ишларининг кучайишига хизмат қилди.

1961-1962 ўқув йилида Самарқанд давлат тиббиёт институтида 900 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатиб, улардан 14 нафари профессор, 36 нафари доцент, 139 нафари ассистент ўқитувчилар эди[5].

Олийгоҳда докторлик диссертациялар сони 50 йил давомида 7 тадан 27, номзодлик ишлари 22 тадан 154 тага кўпайди. Аспирантура, клиник ординатура ва стажировканинг ташкил этилиши илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва яхшилашга имкон берди. 1936-1940 йилларда СамМИ аспирантурасида 49 нафар тадқиқотчи таҳсил олди[5].

1944-1980 йилларда 436 нафар киши клиник ординатурани тугатган (77% маҳаллий аҳоли) бўлиб, уларнинг кўпчилиги амалиётга юборилди. 1964-1980 йилларда 90 нафар илмий ходим тайёрланди (67% - маҳаллий миллат вакиллари), 1966-1980 йилларда институт тадқиқотчиларидан 42 нафар киши марказий шаҳарларнинг тадқиқот муассасаларига аспирантурага юборилди.

СамМИда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида талабаларни ҳам илмий-тадқиқот ишларига жалб этилди. Кафедраларда талабалар илмий жамияти ташкил этилди. Талабалар илмий жамиятига турли йилларда проф. Л.Н.Лапин (1956), проф. Н.И.Медведев (1957), проф. И.З.Зокиров (1963), проф. Ф.К.Карленко (1965), П.З.Завеса (1966), проф. А.И. Бритун (1973), проф. В.А.Блинов (1975), проф. В.М.Содиқов (1978), т.ф.н. С.Х.Вафоқулов (1979)лар раҳбарлик қилди. Дастлабки даврларда талабаларнинг илмий фаолияти ўқув-амалий характерда бўлди. Аммо йилдан-йилга бу борадаги ишлар сифати яхшиланиб, экспериментал ишлар кўлами кенгайиб борди[6].

Илмий жамиятлар талабаларнинг кейинги тадқиқотлари учун кўприк вазифасини бажарди. Институтда етишиб чиққан таниқли олимларнинг аксарияти ўз фаолиятини илмий тўғарақларда бошлади. Проф. А.И.Бритун, Д.Л.Арустамов, Р.М.Хайитов, В.А.Блинов, Ф.Ю.Гарибу, М.И.Молдавскийлар шулар жумласидандир. Талабалар илмий ишлари мавзулари кафедраларнинг тематик режасига мос равишда олинди. Талабаларнинг жамоавий ишлари сони ортиб борди. Профессор-ўқитувчилар талабаларни илмий мақолаларга ҳаммуаллиф сифатида жалб қилиб борди.

Талабаларнинг анъанавий конференциялари 1943 йилдан буён доимий ўтказилиб борилди. 1943-1980 йилларда талабаларнинг 37 та илмий анжумани ўтказилиб, уларда 2955 та маърузалар тингланди. Талабаларнинг энг яхши иши учун университетлараро танлов ўтказиш яхши анъанага айланди. Танлов ғолиблари республика ва бутун қасаба уюшма мусобақаларида қатнашади. 1978 йилда СамМИ талабалари «Талаба ва илмий-техник тараққиёт» Умумиттифоқ олимпиадасининг Республика босқичида иштирок

этиб, биринчи ўринни эгаллади ва дипломлар билан тақдирланди. Шунингдек, институт талабаларининг илмий жамияти Москва, Вильнюс, Душанбе, Ленинград, Тошкент, Фрунзе каби шаҳарлардаги тиббиёт институтларининг илмий жамиятлари билан яқин алоқа ўрнатди[5].

Самарқанд давлат тиббиёт институти профессор-ўқитувчилари ҳар йили кўплаб илмий мақолалар, монографиялар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар, илмий ишлар тўпламларини нашрга тайёрлаб чоп эттирди. Институт профессор-ўқитувчилари 1930-1980 йиллар давомида 7000 га яқин илмий асарларни нашр эттирди. Бу даврда институтда 65 та илмий ишлар тўплами, 48 та монография, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар чоп этилиб, уларнинг умумий ҳажми 3 минг босма табоқдан ошди[6].

1970 йили Ўрта Осиё тиббиёт институтларида биринчи бўлиб, янги ўқув режа билан (интернатура, ординатура) иш бошлади. 1980 йили институтнинг 50 йиллик юбилей тантаналари, институтга “Халқлар дўстлиги” ордени, “Фаҳрий ёрлик” топширилди. Шу йили институт тарихи музейи ўз ишини бошлади[6].

Илмий-тадқиқот ишларини нашр этиш ва оптималлаштириш масалаларини соддалаштириш учун 1976 йил августдан бошлаб институтда илмий ишларни тўплаш ва расмийлаштириш, ишларнинг рўйхатини тузиш, уларни дастлабки экспертизадан ўтказиш, нашрга тайёрлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш, илмий ишлар ва ўқув адабиётларини нашр эттириш режасини тузиш бўйича махсус гуруҳ фаолият кўрсатди.

Самарқанд давлат тиббиёт институтининг қатор кафедраларида тиббиёт фанининг долзарб мавзуларида тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилди. Масалан, Акушерлик ва гинекология кафедрасини ташкил этишда А.В.Поляков жонбозлик кўрсатиб, у кафедранинг 1932 йилдан 1942 йилгача бошқарди. Кафедра аъзолари акушерлик ва гинекология фанининг долзарб мавзуларида тадқиқот олиб борди. А.В.Поляков ҳомиладор аёлларда сил касаллиги ва безгакни даволаш, бачадон ўсимталарида янги операция усуллари ва бошқа мавзуларда илмий изланиш олиб борди. Р.С.Мирсагатова 1935 йили безгак ва ҳомиладорлик ўртасидаги боғлиқлик мавзусида, Э.С.Акопян 1937 йили «Ички жинсий аъзоларнинг малфомацияси ва уларни даволашнинг жарроҳлик усуллари тўғрисида» ва 1941 йилда - «Сутэмизувчиларнинг бошқа сут эмизувчилар билан таққослаганда одамларда бачадоннинг ривожланиши» каби мавзуларда тадқиқот ишларини олиб борди. Кейинги йилларда кафедрада В.Ф.Фархади, М.А.Набиева, И.З.Зокиров каби тадқиқотчилар изланиш олиб борди. И.З.Зокиров Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш органлари ёрдамида 1959 йили Иттифоқда биринчи марта шаҳар клиник юқумли касалликлар касалхонасида Боткин касаллиги бўлган ҳомиладор аёллар учун ихтисослаштирилган бўлимни ташкил қилишди. Бу бўлимда 1968 йили А.Н.Ёқубова она ва ҳомила ўртасида мис алмашинуви, Д.Ф.Шамсутдинова ва С.А.Нарзикуловалар биологик суюқликларда эркин аминокислоталар таркибининг динамикасини, Р.М.Раҳибаева (1972) Боткин касаллигининг ҳомилага таъсири мавзуларида изланиш олиб борди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда тиббий кадрлар тайёрлаш соҳасида Самарқанд давлат тиббиёт институти етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Қолаверса, бу институт Республикадаги илк олий тиббий таълим муассасаси сифатида Ўзбекистонда тиббиёт фанининг асосий марказларидан бири бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Самаркандский Государственный медицинский институт имени академика И. П. Павлова (Краткий справочник). – Ташкент, 1962. – С. 4.
2. Ўз ИТТХМА, 1-фонд, 3-рўйхат, 1344-иш, 20-25-варақлар.
3. Ўз ИТТХМА, 1-фонд, 3-рўйхат, 1348-иш, 5-варақ.
4. Ўз ИТТХМА, 96-фонд, 1-рўйхат, 39-йиғма жилд, 4-9 варақ.
5. Самарқанд давлат тиббиёт институти жорий архиви материаллари.
6. Лернер П.М., Блинов В.А. Очерки развитие науки в Самаркандском государственном медицинском институте за 50 лет (1930-1980). – Т., Медицина, 1980. – Б. 314.
7. Самарқанд давлат тиббиёт институти жорий архиви материаллари.

ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДА УРБАНИЗАЦИОН ЖАРАЁНЛАР-СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМДАГИ ИСЛОҲАТЛАР САМАРАСИ; ТАРИХ ВА ТАҲЛИЛ

Турсунов Анвар Сайпуллаевич,
Термиз давлат педагогика институти
ўқитувчиси, т.ф.б.ф.д (PhD)

Аннотация: Ўзбекистонда халқ соғлигини сақлаш масаласида янги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар амалга оширилди. Мақолада Янги тараққиёт стратегиясида урбанизацион жараёнлар-соғлиқни сақлаш тизимдаги ислоҳатлар самараси ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: урбанизация жараёнлари, соғлиқни сақлаш ислоҳоти самараси, Сурхон воҳасида тиббий ёрдам.

Аннотация: В Узбекистане в вопросе охраны здоровья населения произошли новые общественно-политические изменения. В статье говорится о влиянии процессов урбанизации-реформ в системе здравоохранения на Новую стратегию развития.

Ключевые слова: процессы урбанизации, эффект реформы здравоохранения, медицинское обслуживание в Сурханском оазисе.

Abstract: New socio-political changes have been implemented in the issue of public health care in Uzbekistan. The article talks about the effect of urbanization processes-reforms in the health care system in the New Development Strategy.

Key words: urbanization processes, effect of healthcare reform, medical care in Surkhan oasis.

Ўзбекистонда халқ соғлигини сақлаш масаласида янги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар амалга оширилди. Ижтимоий масалалар орасида халқ саломатлигини сақлаш, тиббий муассасалар тизимини қайта ўзгартириш, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни кучайтириш, замонавий билимга эга бўлган тиббий ходимларни таёрлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Натижада мустақиликнинг дастлабки давридан бошлаб, ихтисослашган йирик даволаш марказларини қуриш, бунга маблағлар топиш, оила врачлик тармоқларни шакллантириш соҳасида аниқ ислоҳотлар тизими амалга оширилди.

СССР даврида Сурхон воҳаси тиббиёт хизматига кам маблағлар ажратиб, замонавий тиббиёт қурилишига умуман эътибор берилган эмас. Давлат дастурига асосан вилоятда 140 ўринли давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Термиз бўлими ташкил этилди, ҳамда зарурий тиббий ва техник жиҳозлар билан таъминланди. Термиз шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими ўз фаолиятида АҚШнинг Прожект Хоуп, Карелифт Интернейшнл, Каунтепарт Интернейшнл ташкилотлари билан узвий алоқалар боғлаган.[14,Б-25]

Ўзбекистоннинг Қарши, Ғузор, Шахрисабз, Муборак, Косон шаҳарларида 9 та касалхона, 395 врачлик амбулатория-поликлиника муассасаси, амбулатория ва бошқа тиббий муассасалар мавжуд. Ушбу тиббий муассасаларда 253 врач, 823 ўрта тиббий ходим ишлайди. Давлат дастурига асосан, давлат тез тиббий ёрдам илмий маркази Қарши шаҳар бўлими (220 ўрин) ва барча туман марказий касалхоналари қошида унинг бўлинмалари (410 ўрин) ташкил этилган ҳамда зарурий тиббий ва техник жиҳозлар билан таъминланган[14.39].

Шаҳарлар аҳолиси соғлиғини сақлаш борасида катта ишлар қилиниб, янги касалхоналар қуриб ишга туширилди. Уларни замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш яхшиланди. Чет эллардан замонавий тиббиёт ускуналари олиб келиб ўрнатилди. Шаҳарларда мавжуд касалхоналар қайта таъмирланиб, шифохоналардаги ўринлар сони 3495 тага етди. Жумладан, 1991 йилда Бойсун шаҳрида 2 та, Жарқўрғон шаҳрида 3 та, Қумқўрғон шаҳрида 3 та, Шеробод шаҳрида 2 та, Шўрчи шаҳрида 4 та касалхона фаолият кўрсатди. Шунингдек, Денов шаҳрида 630 та, Шўрчи шаҳрида 420 та, Шеробод шаҳрида 520 та, Қумқўрғон шаҳрида 530 та, Жарқўрғон шаҳрида 570 та, Бойсун шаҳрида 320 та даволаш ўринлари мавжуд эди[11.285].

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда қатор ижобий ўзгаришлар ва ютуқларга эришилди. Республиканинг жанубий вилоятлари Сурхондарё ва Қашқадарё шаҳарларида ҳам сезиларли ишлар қилинганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Қашқадарё шаҳарларида аҳолига 13 та касалхона, 3 та санаторий, 63 та амбулатория поликлиникаси, жами 72 та даволаш-профилактика муассасаси хизмат қилмоқда. Даволаш – профилактика муассасаларида 200 нафар юксак малакали шифокор, 2700 нафар ўрта маълумотли тиббиёт ходими аҳоли соғлиғини сақлаш йўлида меҳнат қилмоқда. Биргина 2008-2010 йилларда 5 млрд. 525 минг сўмлик тиббий жиҳозлар олинди. 5 млрд. 352 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Кардиология марказига 600 млн. сўмлик замонавий тиббий жиҳоз ўрнатилди[8.37].

Ўзбекистонда инсон саломатлигини сақлашнинг энг асосий омили экологик муҳитни асраш, ёш авлодни келажаги учун қайғуриш давлат сиёсатига айланди. Чунки, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикасига ўхшаб жанубий вилоятлар ҳам экологик хавфли ҳудудга айланиб, Тожикистон алюминий заводидан чиқаётган зарарли газлар Сурхонадарёнинг шимолий ҳудудидаги шаҳарлар аҳолиси саломатлигига жиддий хавф солмоқда. Денов, Шарғун, Шўрчи, Сариосиё каби шаҳарларда мутахассисларнинг фикрича фтор йодни ўзига бириктириб олиши оқибатида тирик организмда йод танқислиги янада ошади. Албатта, бу ўз навбатида қалқонсимон без фаолиятининг бузилишига олиб келади ва оқибатда қатор касалликлар ривожланади.

Жумладан, ушбу шаҳарларда буқоқ, гипотериоз ва қалқонсимон безининг бошқа касалликлари пайдо бўлади. Фтор элементининг кальцийни бириктириб олиши оқибатида организмда кальций алмашинуви бузилишига ҳамда буқоқ безининг катталашувига олиб келади. Натижада қалқонсимон без олди безига таъсир қилиши туфайли кўп миқдорда гармон ишлаб чиқариш натижасида организмдан кўплаб миқдорда кальций элементининг чиқиб кетишига сабаб бўлади, бунинг оқибатида суякларда мўртлик, остеопороз касаллиги пайдо бўлади. Унинг пешоб орқали чиқарилиши натижасида эса буйракларда кўплаб ўтириб қолиб, кальций тошлари пайдо бўлишига олиб келади. Денов, Сариосиё шаҳарлари мисолида оладиган бўлса, кариес, флюороз ва оғиз бўшлиғининг шилиқланиш касалликлари кескин ошиб кетганлиги, бундан ташқари эндокрин, урологик, хавфли ўсма касалликлар ва хомиладор аёлларнинг туғишгача ва туғишдан кейинги асоратлари йилдан –йилга ошиб борди. Жумладан Денов шаҳрида эндокрин касалликлари 2000 йилда 4996 та кузатилган бўлса, 2007 йилда 15311 тага етган. Аҳоли орасида эндемик зоб 1992 йилдан 2007 йилгача 6,2 марта кўпайган, 2008 йил 6 ойда бу кўрсаткич 10000 аҳолига 111,8 ни ташкил қилади. Қон ва қон ишлаб чиқариш аъзолари касалликлари 2,5 баробар (1999 йилда 10000 аҳолига 119,2, 2007 йилда 252,2) ошган, бу асосан туғиш ёшидаги хотин қизлар орасида кескин кўпайган[1.22.26.34.36].

Аёлларда ҳомиланинг 2-даврида ҳомиланинг ўлик туғилиши 2000-2007 йилларда кўпайди, туғилган чақалоқлар орасида туғма аномалиялар 15% га ошган. Аҳоли орасида қайд қилинаётган онкологик касалликлардан лимфомалар, суяк-бўғин бириктирувчи тўқима ўсмалари 10-15% га ошган, ошқозон раки кўпайган. Сийдик йўли касалликлари 2000 йилда 4195 та бўлган бўлса, 2004 йилга келиб 6984 тага, 2007 йилда эса бу кўрсаткич 7400 та ташкил этади. Хавфли ўсма касалликлари 2000 йилда 107 та, 2004 йилда эса 534 тага етган бўлса 2007 йилга келиб 947 тани ташкил этади. Бу эса ўз навбатида хулоса қилиб айтганда, вилоятнинг шимолий ҳудудида экологик вазиятнинг ўта жиддийлигини кўрсатади. Денов шаҳри аҳолиси орасида 0-16 ёшгача ногирон болалар сони 2000 йил якунида 1007 нафарни, 2004 йилда 1295 нафарни, 2005 йилда 1306 нафарни ташкил қилган бўлса, 2007 йилнинг охирига келиб бу кўрсаткич 1603 нафарни ташкил этган[1.32,36,44]. Сариосиё шаҳрида 1980 йилларда Тожикистон алюминий заводи иш фаолияти давомида заҳарли чиқиндиларнинг атроф муҳит ҳолатига салбий таъсири натижасида, 2000 йилда шаҳарида буқоқ касаллиги билан оғриган беморлар сони 3324 нафар бўлиб, умумий аҳолига нисбатан интенсив кўрсаткичи 163,99 ни, шу жумладан аёллар 99,79 ни ташкил қилган. 2004 йилга келиб касалларнинг сони 340 та, интенсив кўрсаткич эса 199,26 ни, аёллардаги буқоқ касаллиги 225 та,

интенсив кўрсаткичи 114,07 ни ташкил этган. 2007 йил давомида эса касаллик кескин кўпайган, яъни 1460 нафар аҳолидан 991 таси буқоқ касаллигининг турли формалари билан оғриган. Флюороз касаллиги билан касалланганлар 2000 йилда 240 та қайд этилган бўлса, бу кўрсаткич 2007 йилда 544 тага кўпайган. Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари 2000 йилда 261 та рўйхатга олинган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 603 тага ортган, яъни ҳар хил тиш касалликлари динамикаси йилдан йилга ошиб борган. Қон ва қон ишлаб чиқариш органлари (камқонлик) касалликлари 2000 йилда 288 тани ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 725 тага, 2007 йил якунида эса 518 тага этган. Нафас олиш аъзолари касалликлари 2000 йилда 326 тани ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 526 тани, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 2061 тани ташкил этган[10,15,16,]. Ушбу ҳолатни олдини олиш масаласида муҳим аҳамиятга эга халқаро анжуман 2010 йил 16-17 ноябрда Тошкент шаҳрида ўтказилиб, жаҳон илмий жамоатчилиги ўз фикр мулоҳазаларни билдирдилар.

Шаҳарлар соғлиқни сақлаш бўлимлари тиббиёт тизимини ривожлантириш билан бир қаторда, мустақиллик йилларида республикада спортнинг турли хилларини ривожлантиришга ҳам эришилди, бунинг самаралари жаҳон миқёсида ўтказиладиган теннис, кураш ва шахмат мусобақаларида яққол кўзга ташланади. Ўзбекистон спортчилари маънавий ва жисмоний баркамолликнинг юқори натижаларига эришиб, қадимий спорт удумлари, урф-одатларини қайта тикладилар. Спортни янада ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш юзасидан қонун ва қарорлар ишлаб чиқилди. 1992 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамаси эса Ўзбекистонда оммавий ва профессионал футболни янада ривожлантириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, футболчиларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш, Ватани футболининг халқаро нуфузини ошириш мақсадида, 1993 йил 17 январда Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва тамойилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида махсус қарор қабул қилинди.[6.487] 1992 йил жанубий шаҳарларда ўтказилган халқаро кураш мусобақаларида миллий курашга асос солиниб, ат-Термизий хотираси ва алломанинг номи билан бу спорт тури тикланди. Натижада ўзбек халқининг миллий кураши халқаро спорт турига айланди. Бу миллий кураш тури жанубий шаҳарларда ҳар 2 йилда бир марта ўтказилмоқда.

1999 йилда эса жаҳон халқаро теннис талабларига жавоб берадиган ёпиқ Теннис саройи ва Миллий кураш заллари қуриб ишга туширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 271 -сонли Қарори ҳамда «Соғлом авлод йили» комплекс режаси асосида шаҳарлар халқ таълими бўлимларида қатор тадбирлар ўтказилди. Шаҳар мактабларида 2010 йил 234, спорт тўғарақларида 12500 ўқувчи-ёшлар спорт билан шуғулланмоқда. Масалан, Термиз шаҳрида 2 та стадион, 8 та футбол майдончаси, 3 та сузиш ҳавзаси, 2 та теннис корти, 14 та очиқ теннис, 19 та волейбол, 14 та баскетбол майдончалари ҳамда қўл тўпи бўйича 10 та майдонча, бошқа спорт иншоотлари мавжуд. Шаҳарда 17 тур бўйича 8 та спорт мактаби иш олиб бормоқда. Уларнинг секцияларига 5925 нафардан зиёд ўқувчи мунтазам қатнашиб келмоқда. [12.18] Шаҳарда 27 мингдан зиёд киши жисмоний маданият ва спорт билан шуғулланиб, 5 мингдан зиёд шаҳар аҳолиси спорт секцияларига қатнашади. Бу ишда 200 профессионал мутахассислар бошчилик қилади. Курашнинг миллий тури бўйича Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган мусобақа ҳамда Ўзбекистон Президентининг соврини учун спортнинг шу тури бўйича халқаро мусобақалар илк бор Термизда ўтказилгани қувонарли ҳолдир. 1999 йилда Термизда ўтказилган халқаро турнирга Осие номи берилди. [7.72]

Ўзбекистонда ёш авлодни тарбиялаш масаласида жуда улкан амалий ишлар бажарилиб, фарзандларимизни соғлом, жисмоний бақувват ҳамда ақлий қобилятини, салоҳиятини ошириш борасида алоҳида давлат дастурлари ишлаб чиқилди ва амалда ижроси таъминланди. Шу ишларнинг давоми сифатида 2014 йилни мамлакатимизда

“Соғлом бола йили” деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ушбу масалани алоҳида таъкидлаб; ”Биринчидан, соғлом бола –аввало соғлом ва аҳил оиланинг мавасидир...Иккинчидан, соғлом болани вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва таъсири, шу билан бирга, маъсулияти катта экани ҳаммамизга яхши аён...Учинчидан, соғлом болани вояга етказишда таълим –тарбия ва спортнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш лозим... Тўртинчидан, ҳаммамизга аёнки, фарзандларимизни, янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, бу мақсадга эришиш, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз, жамиятимизнинг эътибори марказида туриши, олиб бораётган сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши шарт”[5.2] деган кўрсатмалари алоҳида аҳамиятга эгадири. Ўзбекистонда 2013 йилда халқимизнинг саломатлигини сақлаш, ушбу соҳани моддий –техник таъминотини яхшилаш, янги замонавий даволаш, малакали мутахассилар тайёрлаш ва қайта таёрлаш масаласида алоҳида ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида тиббиёт бирлашмаси, Шеробод туманида тиббиёт бирлашмаси янгидан қурилиб, замонавий тиббиёт асбоб ускуналари билан жиҳозланди. Сурхондарё вилоятида кўп тармоқли болалар ва катталар тиббиёт маркази тубдан реконструкция қилинди. Қашқадарё вилоятида 2001-2013 йилларда 132 та соғлиқни сақлаш муассаси, 98 та болалар спорти объекти фойдаланишга топширилгани нафақат шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини, балки одамларимизнинг дунёқарашини, ҳаётига муносабатини тубдан ўзгартиришга хизмат қилмоқда, уларнинг эртанги кунга ишончини кучайтирмоқда.

Сурхондарё вилоятида 2009-2013 йилларда 40 та соғлиқни сақлаш мажмуаси, 58 та болалар спорти объекти янгитдан қурилди ва реконструкция қилинди. Вилоятда ёш авлодни соғлом ва баркамол тарбиялаш мақсадида 2012-2013 йилда 18 миллиард 600 миллион сўм маблағ ҳисобидан 17 та болалар спорти объекти, мусиқа ва санъат мактаблари бунёд этилиб, замонавий жиҳозланган ҳолда болалар изтиёрига топширилди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, урбанизация жараёнларини илмий таҳлил этиш жараёнида шаҳарларнинг маданий ва маънавий қиёфаси мустақиллик туфайли тубдан ўзгарганлиги амалга оширилган ислохотлар натижаси эканлиги асослаб берилди.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар:

1. Денов шаҳар ҳокимлиги жорий архиви. 2008 йил. 4 февраль. № -1. баённома. –Б.36, 42, 44.
2. Каримов.И.А. 2013 йил 19 декабрь куни халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. Сурхон тонги. 2013 йил 26 декабрь. № 52. 2.бет.
3. Каримов.И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш –ёруғ келажагимининг асосий омилidir. Халқ сўзи. 2013 йил. 7-декабрь. №148-149. 2 бет.
4. Каримов.И.А. 2013 йил 27 сентябрь куни халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. Халқ сўзи. 2013 йил 28 сентябрь. № 192. 2.бет.
5. Каримов.И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш –ёруғ келажагимининг асосий омилidir. Халқ сўзи. 2013 йил. 7-декабрь. №148-149. 2 бет.
6. Мустақил Ўзбекистон тарихи, учинчи китоб. -Тошкент: Шарқ, 2000. –Б.487
7. Термиз буюк йуллар чоррахасидаги кухна ва янги шаҳар. -Тошкент: Шарқ, 2001. –Б.72.
8. Қашқадарё вилояти истиқлол йилларида (Президент Ислам Каримовнинг “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” рисоласидан келиб чиққан ҳолда, вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожига бир назар) / Муаллиф гуруҳи раҳбари А.Эркаев. -Тошкент: Маънавият, 2007. –Б.37.

9. Қашқадарё вилояти истиқлол йилларида (Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” рисоласидан келиб чиққан ҳолда, вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожига бир назар) / Муаллиф гуруҳи раҳбари А.Эркаев. -Тошкент: Маънавият, 2007. –Б.37.

10. Саросиё туман ҳокимлиги жорий архиви.2008 йил. 6 февраль.№ -1. баённома. -Б.15,16,19.

11. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва статистика бош бошқармаси. 1991-2002 й. -Термиз: 2004. –Б.285.

12. Термиз шаҳар ҳокимияти жорий архиви 2011 йил 3 баённома, -Б.18.

13. Денов шаҳар ҳокимлиги жорий архиви.2008 йил. 4 февраль. №12 баённома. – Б.22,26,31,34.

14. Ўз.МДА. фонд-7.рўйхат-1.хужжат-1160

ТРАНСПОРТ ТИЗИМДАГИ ЗАМОНАВИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ; ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛЛАРИ

Хидиров Холмамат Жўраевич,
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси
ўқитувчиси, т.ф.б.ф.д (PhD)

Аннотация: Ўзбекистонда амалга оширилаётган транспорт соҳасидаги ислохатлар ўзининг амалий натижаларни бериб, ёшларни соғлом, баркамол ҳамда жисмонан бақувват бўлиб етиш учун зарур имкониятларни яратиб беришда транспорт соҳасини хизмати алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки мустақиллик йилларида транспорт соҳасида амалий ишларни ижобий самараси туфайли Соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ уй –жой, маданий –маиший биноларни қурилишда транспорт соҳасини хизмати беқиёсдир.

Таянч сўзлар: Соғлом авлод, темиртўллар, соғлиқни сақлаш, Бухоро амирлиги, Англия, иқтисодий омиллар

Аннотация: Реформы в сфере транспорта в Узбекистане дают свои практические результаты, и служба в сфере транспорта имеет особое значение в создании необходимых возможностей для того, чтобы молодежь была здоровой, спортивной и физически сильной. Потому что в годы независимости, благодаря положительному эффекту практической работы в области транспорта, ни с чем не сравнимы услуги транспортной отрасли в строительстве жилых, культурно-бытовых зданий, связанных с воспитанием здорового поколения.

Ключевые слова: Здоровое поколение, металлургические комбинаты, здравоохранение, Бухарский эмират, Англия, экономические факторы.

Abstract. Transport reforms in Uzbekistan are yielding practical results, and transport service is of particular importance in creating the necessary opportunities for young people to be healthy, athletic and physically strong. Because during the years of independence, thanks to the positive effect of practical work in the field of transport, the services of the transport industry in the construction of residential, cultural and community buildings related to the upbringing of a healthy generation are incomparable with anything.

Key words: Healthy generation, metallurgical plants, healthcare, Emirate of Bukhara, England, economic factors.

Янги темир йўл тармоқларни ишга тушиши туфайли, йўл атрофидаги қишлоқлар ва шаҳарларнинг қиёфаси тубдан замонавий жиҳатдан ўзгариб, темир йўл бекатлари ёнидаги аҳоли манзилгоҳларида жаҳон андозаларига мос мактаблар, ўрта махсус ўқув юртлари, соғлиқни сақлаш тизимининг пайдо бўлиши ёш авлодга бўлган давлат дастурларининг натижасидир. Соғлом авлод манфаатлари учун қурилган ва хизмат

қилаётган темир йўл транспорт тизими тарих ҳақида ёшларга таълим ва тарбия бериш алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки ушбу масала билан ёшларга темир йўл транспорти тарихни ўргатиш ҳамда уни асраш, халқ мулки эканлиги тўғрисида тушунтириш муҳим аҳамиятга эгадир. Ёшларга темир йўл транспортининг энг муҳим афзалликлари кўп юк ташиш имконига эга эканлиги ва йил давомида бир меъёрда ишлашини, мазкур транспорт тармоғининг воҳамизда қурилишининг ўзига хос тарихи борлигини, ушбу соҳа мутахассисларнинг меҳнатни ҳурмат қилиш зарурлигини уқтириш мақсадга мувофиқ.[5.16]

Термиз темир йўл қурилиши Сурхон воҳасининг рус чоризми томонидан босиб олиниши даври билан боғлиқ бўлиб, у Россия давлати ва Бухоро амирлиги манфаатлари муштараклигининг натижаси ҳисобланади. Россиянинг мустамлакачилик сиёсати Сурхон воҳасига XIX асрнинг 90-йилларида кириб кела бошлади, у Бухоро хонлигидан Англиянинг қўлини узиш учун 1892 йил 7 августда Бухоро хонлиги Хужайрақуқини Афғонистондан ажратиб олди. Россия ҳукумати 1893 йил 15 январда эса Афғон-Бухоро чегарасини қўриқлаш ҳақида қарор қабул қилиб. 1894 йил 12 декабрда Амударё чегараларини қўриқлаш учун Паттакесар қишлоғига чегарачи қисмларининг 31-Амударё бригадасини олиб келиб жойлаштирди 1897 йил Россия ҳукумати Термизнинг стратегик жиҳатидан қулай ҳудуд эканлигини ҳисобга олиб мустаҳкам ўрнашишга қарор қилиб. Самарқанд-Термиз почта йўлини қуришга киришди. Бухоро амирлиги билан келув-шув асосида Россия давлати Паттакесарнинг шимолидан 40 десятина ер сотиб олиб, ҳарбий объектлар қурилишини бошлади.[7,22] Россия ҳукумати Термизга нафақат ҳарбий объект, балки ингичка толали пахта етказиб берувчи марказ сифатида ҳам эътиборини қаратди. Агар Термиз орқали 1903 йили-17000 пуд пахта ташиб келтирилган бўлса, 1910 йил бу 34000 пудни ташкил этади.[6.127] Ўша вақтда, Чоризмнинг ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий жиҳатдан диққатини ўзига жалб қилган Сурхон воҳасини босиб олишдан кўзланган асосий мақсадни ҳарбий муҳандис А.Г.Ананьев шундай изоҳлайди:

1. Ҳарбий нуқтаи назардан: Термизда жойлашган отрядларимизнинг ва армиямизнинг ҳолатини яхшилайти, зеро, улар гуллаётган ҳудудда жойлашиб олиб, ўзларини озиқ-овқат, ишчи кучи билан таъминлаш имкониятига эга бўлдилар ва сафар учун зарур воситаларни ҳам топа оладилар.

2. Иқтисодий томондан: Россияда ишлаб чиқиладиган маҳсулотларни сотиш учун муҳим бозор яратилади, рус бозори эса бир миллион пуддан зиёдпахта толасига эга бўлади. Бу эса бизни Америкага қарамлиқдан озод қилади, пахта нархини анча арзонлаштиради.[1.5] Бундан ташқари чоризм Ўрта Осиё ҳудудидаги вазиятни ҳисобга олиб, яъни Англиянинг кириб келиши олдини олиш ҳамда юк ташиш ва хом-ашё олиб кетишини кўпайтириш мақсадида Бухородан-Термизгача, Термиздан-Ҳисоргача ҳамда Термиздан-Кўлобгача темир йўл қуришни тезлаштиришга эътиборини қаратди. Иккинчидан, Юқорида таъкидлаганимиздек, Термизга темир йўлнинг келиши Бухоро амири учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эди.

Чунки, қурилажак темир йўл амирлик марказини Шарқий Бухоро ҳудудидаги 9 та беклик билан яқиндан боғлар эди. Мазкур 9 та бекликларда 470 минг киши истиқомат қилиб[2.9], улар томонидан йилига 528 минг ботмон буғдой, 272 минг ботмон арпа, 113 минг ботмон тариқ, маккажухори ва бошқа экинлар ҳамда 152 минг ботмон шоли етиштирилган. Шарқий Бухоро бекликларида ички бозор кам тараққий этган бўлиб, ташқи бозорга чиқиш кўплаб муаммолар мавжудлиги туфайли анча суст ривожланган эди. Бу бекликларни қайнаб келаётган муаммолардан бири-бу транспорт қатновининг яхши йўлга қўйилмагани эди.

Албатта Шарқий Бухоро ерларини марказга олиб боровчи қуруқлик, сув йўллари мавжуд эди. Аммо бу йўллар амирлик учун ҳам, Россия ҳукумати учун ҳам анча қимматга тушмоқда эди. Маълумки 1887 йилда ташкил топган Амударё флотилиясида 25 тонна атрофида юк кўтара оладиган 6 та тиягич, ўртача кучга эга бўлган буксир пороход, ҳамда 13 та 50 дан 150 тоннагача юк кўтара олиш қувватга эга баржалар мавжуд эди. Масалан: Буксир пороходлар Чоржуй ва Термиз оралиғидаги 450 км масофани ёз кунлари 7 кунда, қишда 11 кунда босиб ўтарди. Пароходларнинг ҳар бир рейсига 48 тонна, яъни

2700 сўмлик нефт сарф қилгани ҳолда, фойдаси 2200 сўмни ташкил этарди.[3.241-242]. Бухоро амири қайиқларининг аҳволи бундан ҳам оғир эди. Бу қайиқлар орқали юк билан Термиздан Жилиқўлгача ёзда 12-20 кун, қишда 15-25 кунгача вақт талаб этарди. Сув йўли қанчалик қимматга тушишига қарамасдан Амударёда амирлик ичкарасида молларни ташиш учун 600 дан ортиқ қайиқ ҳаракатланарди. Сув йўлидан ташқари қуруқлик йўлида Қарши-Ғузор ва Шарқий Бухоро-Душанбе йўналишида 7 мингдан ортиқ туя қарвони ҳаракатланар эди. Умуман олганда мазкур қийинчиликлар Бухоро амири учун ҳам темир йўл қуриш заруратини келтириб чиқарган эди.

Бухоро- Термиз, Термиз-Ҳисор, Термиз-Кўлоб темир йўли қурилиши 1892 йилда чор ҳукумати йиғилишида муҳокама қилинди. Режага асосан 1906 йилда темир йўл қурилиши бошланиш лозим эди. Аммо 1904-1905 йилларда бошланиб кетган рус-япон уруши қурилишнинг вақтинчалик кечикишига сабаб бўлди. 1908 йилда рус раҳбий маҳкамаси Бухородан Термизгача тор изли темир йўл қурилиши лойиҳасини тайёрлади. Ўрта Осиёда русларга қарши инглизларнинг ортиб бораётган ҳийла-найрангини ҳисобга олиб, Россияси ҳукумати Бухоро амири Абдулаҳадхон розилиги билан Бухородан Термизгача темир йўл қурилишини, Бухоро капиталини жалб қилмасдан, рус хусусий корхоналари эгаларига маблағи ҳисобидан амалга оширишга қарор қилди. Ушбу қарор 1910 йилнинг 10 апрелида Столипин раислигида ўтказилган Россия вазирлар кенгашининг йиғилишида тасдиқланди.

Темир йўл Бухоро амири манфаатларига хизмат қилишини ҳисобга олган ҳолда Россия ҳукумати темир йўл қурилишига Бухоро амирини жалб этиб, ушбу темир йўл қурилиши учун маблағлар ажратишга мажбур этди. Шу сабабли амир муҳандис А.Н.Ковалевский темир йўл қурилишидаги хизмати учун 600 десятини ер ҳамда қурилишга кетадиган харажатларнинг 25 фоизини ажратишни ўз зиммасига олди. 1913 йил А.Н.Ковалевский «Бухоро темир йўлини қуриш акционерлик жамияти»ни таъсис этди, жамият директорлигига И.М.Слуцкий, бош инженер этиб Г.С.Кикодзе тайинланди.

Шундай қилиб 1914 йили қиймати 18 млн сўм ҳисобида баҳоланган Термиз темир йўли қурилиши бошланди. Аммо бошланиб кетган биринчи жаҳон уруши қурилиши ишларини қийинлаштириб юборди. Темир йўл қурилиши учун рельслар, шпаллар, тунелларни тешадиган асбоб-ускуналар таъминотида узилишлар кўп бўла бошлади. Натижада малакали мутахассислар талаб қилинадиган жойларда қурилиш батальони аскарларидан фойдалана бошладилар. Энг оғир ишларни бажаришда маҳаллий миллат ишчиларидан ташқари (рус, эрони, татар, грузин, арман ишчилари ва ҳарбий асирлар (чех, словак, немис, поляк, италияликлар) ҳам ишлатилди. Қурилиш ишларида ичимлик суви етишмаслиги, об-ҳавонинг ниҳоятда оғирлиги ҳамда меҳнат шароитларининг талабга жавоб бермаслиги натижасида норозилик ҳаракатлари кучайиб бора бошлади. Юқорида таъкидлаганимиздек темир йўл қурилишида Бухоро амирлиги бекликлари ҳам иштирок эта бошлади.

Бухоро амири Қоратегин ҳукмдори Неъматуллабекка қоратегинларни темир йўл қурилишига сафарбар этиш тўғрисида фармон берди. Темир йўл қурилишида иштирок этаётган ҳар бир ишчи учун иш ҳақи темир йўл қурилиши бошқармаси томонидан ажратилди ва маблағ Неъматуллабек ихтиёрига ўтказилди. Неъматуллабек темир йўл қурилишида иштирок этаётганларга иш ҳақи тўламасдан, уларни ҳарбий тайёргарлик кўриш учун қилинаётган иш сифатида қурилишга сафарбар этди. 2-3 мартдан навбат билан иштирок этган деҳқонлар, ишнинг оғирлиги иш ҳақининг тўламаслигидан азоб кўрдилар, кўплари вафот этдилар ва Неъматуллабекдан губернаторга шикоят қилдилар. Темир йўл қурилишида иштирок этаётган Пенза губернасида келган 300 ишчи ҳам иш шароити оғирлиги туфайли иш ташладилар. 1915 йил давомида темир йўл қурилишида бир неча марта иш ташлашлар бўлди. Жамият ишчиларнинг талаб ва истакларини инобатга олиш ўрнига, ишчилардан воз кечиб Бокудан, кейинчалик Эрондан ишчилар таклиф этдилар. Инженер Кикодзе томонидан шартнома тузиб келинган 2000 эронлик ишчидан 100 таси бир ой ишлаганларидан кейин ишлашдан бош тортдилар, қолганлари эса умуман келмадилар. Шундан кейин инженер Г.С.Кикодзе генерал-губернаторга темир йўл қурилишига маҳаллий туманларда сақланаётган маҳбуслардан

фойдаланишга рухсат беришини сўради. Генерал-губернатор ҳисобга олган ҳолда маҳбуслардан фойдаланишга рухсат берди. Маълумотларга қараганда Тошкент турмасидан-36, Фарғонадан-60, Қўқонданқ-30, Намангандан-10, Скобелёвдан-20, Самарқанддан-100, Каспий орти вилоятидан-256 маҳбуслар темир йўл қурилишига ишлаш учун юборилди.

Темир йўли қурилишига жалб қилинган маҳбуслар касб малакасига эга эмас эдилар ва ўз навбатида озодликдаги ишчи-деҳқонлар сингари меҳнат қилмас эдилар. Термиз темир йўли қурилишида маҳаллий миллат вакиллари ва австриялик, италиялик, германиялик ҳарбий асрлардан ташқари чет эл мутахассиларининг ҳам хизмати борлигини таъкидламоқ лозим. Масалан, тунел лойиҳалари бўйича Италия инженерлари , темир бетон қурилишлари бўйича австриялик мутахассислар ишладилар. 1916 йил 14 июлда 573 верст бўлган Термиз темир йўли фойдаланишга топширилди. Шундай қилиб, рус чоризми ҳарбий-сиёсий стратегиясидаги ҳинд океанига чиқиш, яъни ҳарбий истехкомлар яратиш, ўсиб келаётган саноатни арзон хом ашёбилан таъминлаш, ҳамда чор саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш мақсадида , турли миллат ва элат вакилларининг оғир меҳнати ва қурбонлари эвазига Термиз Темир йўли бунёд этилди. Темир йўл шахобчаси рус, Афғон ва Шарқий Бухоро бозорларини бири-бири билан ўзаро боғлаш натижасида ички ва ташқи савдо анча тараққий қилди.

Бироқ фуқаролар урушининг кучайиб кетиши натижасида 1919 йилга келиб барча темир йўллар издан чиқа бошлади. Энг қийин томони ёнилғи етишмас, нефть ва кўмир манбаларидан фойдаланиш камайиб кетди. Ёнилғи кризисидан чиқиш учун саксовул, пахта ёғидан поезд ўтхоналарини қизитишда фойдалана бошладилар. Асосий уруш ўчоқлари темир йўлларнинг икки томонидан олиб борилганлиги учун станция бинолари, кўприклар, рельслар ўз жойидан кўчириниб олинар ва бошқа бинолар артиллерия билан ўққа тутилиб йўқ қилиниб ташланар эди.

Айниқса Бухоро амирлигининг буйруғи билан Когон станциясидан Самсонова (ҳозирги Амударё) станциясигача темир йўл излари бузиб ташланди. Бу йўллар орасидаги йўл ёқаларида қурилган биноларнинг барчаси бузиб ташланган эди. Натижада темир йўл хўжалигини қайта тиклаш ишлари анча қийинчилик билан амалга оширилди. Ва бу иш жараёнлари 1923 йилгача давом эттирилди.

1924 йилдан бошлаб Когон-Самсонова- Термиз темир йўлини тезлик билан тузатиш ишлари бошланди ва 1925 йилга келиб тугалланди. Янги темир йўл шахобчаси Термиз-Жарқўрғон (1926-йил) темир йўли қурилиши (узунлиги 33 км) бошланди. Шу йили Термиз станциясидан Амударёгача Термиз дарё порти учун (узунлиги 11 км) янги темир йўл шахобчаси қурилиши ҳам амалга оширилди. Туркистон ҳарбий округи талаби билан Термиз станциясида ҳарбий майдон қурилди ва унинг ёнигача ҳарбий эшелонларга юк ортиш ва тушириш учун темир йўл тортилди. Бу ҳарбий майдон ҳеч қандай таъмирлашсиз 1994 йилгача хизмат қилади.

Ўзбекистонда Россия мустамлакаси ва совет мустабид тузуми даврида амалга оширилган транспорт соҳасидаги сиёсатнинг моҳиятида миллий хом-ашёни Марказ манфаатларига мослаштирган ҳолда ер усти бойликларни ташиб кетишга мўлжалланган ишларга асосланиб шакллантирилган эди. Шунинг учун амалга оширилган транспорт соҳасидаги ишларни янгиларни қуриш, реконструкция қилиш масалаларига эътибор берилмади. Энг муҳими маҳаллий миллат вакилларни транспорт соҳасидаги бошқарув вазибаларига ва лавозимларига жалб қилинмади. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан жаҳон андозаларига мос транспорт тизимини яратиш, янги замонавий транспорт воситалар билан таъминлаш, аҳолининг кундалик талаб эҳтиёжларни ҳисобга олиш давлат дастуридаги асосий масалага айланди. Мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар натижасида транспорт тизими тубдан халқаро талаблар асосида янгиланиб, дунёнинг ривожланган мамлакатлари транспорт воситалари асосида таъминланди. Шунини алоҳида таъкидлаш кераки, Ўзбекистон ўзининг транспорт воситаларни ишлаб қичарувчи заводларга эга бўлиб, транспорт воситаларни экспорт қилувчи давлатга айланди. Замонавий транспорт –коммуникация тармоқларининг иқтисодий мизини изчил ва барқарор тараққий эттиришдаги аҳамияти ошди. Жумладан; 2013 йилда Сурхон воҳасида “Тошкент –Термиз” халқаро автомобиль

йўлининг 100 километрлик қисмида 167 миллион доллардан ортиқ Ислом тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан олиб борилаётган реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон миллий автомагистралининг Сурхондарё вилоятидан ўтадиган 66 километрлик қисмида реконструкция ишлари давом эттирилиб, бунинг учун 2014 йили 30 миллиард 700 миллион сўм маблағ йўналтирилмоқда. Вилоят маҳаллий аҳамиятига молик бўлган автомобиль йўлларини таъмирлаш учун 2013 йилда 4 миллиард 700 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, 2014 йилда бу рақам қарийб етти баровар ортиб, 30 миллиард 800 миллион сўмни ташкил этиши мўлжалланмоқда. Ушбу рақамлар Ўзбекистонни йирик транспорти ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилганлиги, амалга оширилётган ишлар Баркамол ёш авлоднинг келажаги учун мукамал имкониятлар яратилаётганидан далолат бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Т.Ананьев. «Шеробод воҳасиерларини Сурхон суви ёрдамида суғориш лойиҳаси» Т. 2002. 5-бет
2. Б.И.Искандаров. Из истории Бухарского эмирата (Восточная Литуратури. М. 1858, 9 бет
3. Б.И.Искандаров «Восточная Бухара и Помир во второй половине Х1Х век.11 қисм. Душанбе. 1963. 241 бет
4. Б.И.Искандаров «Восточная Бухара и Помир во второй половине Х1Х век.11 қисм. Душанбе. 1963. 241-242 бет.
5. В.А.Козловский. Термиз шаҳрининг тарихи.Т. 1959, 16 бет
6. Краеведения Сурхандарьи. Ташкент, 1889. 127-бет.
7. Ленин байроғи. 1966 йил. 16 июль.

АГРАР СИЁСАТ ВА УНИНГ ЭКОЛОГИК ОҚИБАТЛАРИ

Аннаева Зарифа Мусурмонкуловна,
Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: совет ҳукуматининг халқ хўжалигини бозор иқтисодиёти ва табиат қонунларини инобатга олмай режали тарзда бошқарув тартиблари иқтисодиётни издан чиқишига, атроф-муҳитнинг ифлосланишига экологик вазиятнинг танг аҳволга келиб қолишига олиб келди.

Калит сўзлар: Экология, халқ, бўйруқбозлик, муаммо, саноат, қишлоқ хўжалиги, шўрланиш, центнер, гектар, ресурс, агрохимё, атроф-муҳит, инсон, биосфера.

Аннотация: планомерное ведение советским правительством народного хозяйства, пренебрегая рыночной экономикой и законами природы, привело к краху экономики, загрязнению окружающей среды, ухудшению экологической обстановки.

Ключевые слова: Экология, человек, управление, проблема, промышленность, сельское хозяйство, засоленность, центнер, гектар, ресурс, агрохимия, окружающая среда, человек, биосфера.

Abstract: the Soviet government's planned management of the national economy, disregarding the market economy and the laws of nature, led to the derailment of the economy, pollution of the environment, and deterioration of the ecological situation.

Key words: Ecology, people, management, problem, industry, agriculture, salinity, centner, hectare, resource, agrochemistry, environment, human, biosphere.

Совет ҳукумати ва КПСС томонидан олиб борилган халқхўжалигини ихтисослаштириш сиёсати Иттифоқ миқёсида қатор муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Халқ хўжалигини бошқаришнинг ўта марказлаштирилиши, маъмурий буйруқбозлик

тизимининг жамият ҳаётида чуқур илдиз отиши ижтимоий муаммолар билан бир қаторда экологик мувозанат билан боғлиқ муаммоларнинг келиб чиқишида ҳам асосий сабаб бўлди.

Айниқса, XX асрнинг 70-80 йиллари ўрталари оралиғида умумдавлат, умумхалқ ва байналминал манфаатлар рўқач қилинган ҳолда республикада пахта яккаҳокимлигини йил сайин кучайтиришга зўр берилди. Республикада пахта яккаҳокимлигининг ўрнатилиши баробарида экологик вазият ҳам издан чиқиб борди. Умумиттифоқ меҳнат тақсимотига биноан Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги пахта етиштиришга ихтисослаштирилди оқибатда анъанавий қишлоқ хўжалик экинларининг аксарият қисмини ўрнига ғўза экиш компанияси авж олди.

Республикада қурилган кўплаб саноат корхоналари ҳам асосан пахтага бирламчи ишлов беришга ихтисослаштирилди. Оқибатда республикада озиқ-овқат маҳсулотларининг тақчиллашуви мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришнинг камайиб кетиши ҳисобига аҳолини ушбу маҳсулотлар билан таъминлашда қатор муаммолар юзага кела бошлади. Чорвачилик маҳсулотларининг миқдори пасайиб кетди. Тезлик билан ўсиб бораётган аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда муаммолар кескинлашди. Бу эса иқтисодиётнинг бир томонлама ривожланишига ҳамда аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келди. Ўзбекистоннинг кўпгина ҳаётининг манфаатларига зиён етказиб бўлсада, Марказ урушдан кейинги йилларда республикада пахта яккаҳокимлигини таркиб топтириб борди.

XX асрнинг 70-80 йилларининг ўрталаригача республикада кўплаб ирригация иншоатлари бунёд этилди. Шу даврда республикада пахта экиш учун ажратилган майдон 1709 минг гектардан 1989 минг гектарга етди [1.63].

1980-1988 йилларда Ўзбекистоннинг экин майдонлари 355 минг гектарга кенгайди ва умуман олганда 4,3 миллион гектардан ошиб кетди [2.13]. Пахтага ажратилган майдон ўрта Осиёда жаҳондаги энг катта кўрсаткични ташкил этиб ушбу кўрсаткич жами экин майдонларининг 70-75 фоизини ташкил этди. Агар агрономия талаблари доирасида ушбу масалага баҳо берадиган бўлсак, экин майдонларининг 50 фоиздан ортиғига пахта экилса, ердаги унумдор чиқиндиларнинг йўқолиши тезлашади, тупроқнинг таркибий қисмида фойдали минераллар кескин камаяди.

XX асрнинг сўнгги йилларида Республикада пахта майдонларининг майдони қарийиб 2 бароварга кенгайди. Агар жаҳон тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак XX асрнинг 50-90 йиллари оралиғида ўтган 40 йил мобайнида дунёда пахта ишлаб чиқариш 2 марта ошган бироқ пахта майдонлари бир гектарга ҳам кенгаймаган.

Аксинча шу даврда дунёда пахта экиладиган майдонлар миқдори 10 фоизга қисқарган [3.126]. Агар бу ҳолатни Ўзбекистон мисолида таҳлил қиладиган бўлсак қуйидаги ҳолатга гувоҳ бўламиз, яъни 1980-1988 йиллар оралиғида Республикада пахта майдони 230 минг гектарга, яъни 12 фоиздан ортиқроқ кўпайди. Ҳосилдорлик ва сифат эса ёмонлашди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарадорлигини ошириш борасида кўп уринишлар қилинди, бироқ бу уринишлар ўзининг натижасини бермади. Чунки, экин майдонларига мунтазам тарзда пахта экилиши туфайли ернинг силласи қуриган эди, қолаверса, кўплаб ишлатилган минерал ўғитлар экин майдонларининг минераллашиш даражасига кескин таъсир ўтказиб қўйган эди. Суғоришда ишлатилаётган сувларда туз миқдорининг ортиб бориши баробарида ерларнинг шўрланиш ҳолати ҳам ортиб бораётган эди. Масалан: 1971-1975 йилларда республика бўйича пахтаниннг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 28,5 центнерни ташкил этган бўлса, 1981-1985 йиллар оралиғида бу кўрсаткич 26,7 центнерни ташкил қилди [4.38].

Шунингдек, 1976-1980 йилларда йилига республикада 5,3 млн тонна пахта ҳосили йиғиштириб олинди, аммо 1981-1985 йиллар оралиғида Республикада пахта етиштириш йиллик 5,1 млн тоннага тушди [14]. Шу даврда Республикада пахтачиликни экстенсив ривожланиш асосида ривожлантиришга эришилганлигини қуйидаги мисолдан ҳам билиб олиш мумкин. Агар 1970-1988 йиллар оралиғида республикада йиллик йиғиштириб олинган пахта ҳосилидан олинадиган тола миқдори 1 миллион 580 минг тоннадан

1 миллион 732 минг тоннага (яъни 9,6 фоизга) кўпайган бўлса, пахтазорлар майдони шу вақт ичида 1 миллион 709,2 минг гектардан 2 миллион 16,7 минг гектарга (яъни 18 фоиздан кўпроққа) етди [6.13]. Аммо ушбу ерларнинг 1 миллион гектардан зиёди сифат жиҳатидан яхшилашни талаб қиларди [3.61].

Қолаверса, пахта яккаҳокимлиги даврида бошқа қишлоқ хўжалик экин майдонларининг ҳажми қисқариб кетди. Ўрганилаётган даврда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аграр тизимида ҳам пахтачилик муҳим роль ўйнади. Мазкур минтақанинг табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб жанубий ҳудудларда асосан ингичка толали пахта етиштириш устуворлик қилди. Шу даврда пахта майдонларининг кенгайиб бориши ҳисобига ғалла, полиз, боғдорчилик ва сабзавот экинларини экиш ҳажми жиддий тарзда қисқариб кетди. Буни қуйидаги мисолдан ҳам билиб олиш мумкин. Агар 1970 йилда Қашқадарё вилоятида 451,5 минг гектар ерга деҳқончилик қилинган бўлса, шундан 114,2 минг гектари пахтачиликка, 293,6 минг гектаридонли экинлар етиштиришга, 0,6 гектари картошка, 6,2 минг гектари боғдорчилик, 3 минг гектари полиз маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган эди. 1985 йилда эса вилоятда 553,8 минг гектар ерда деҳқончилик қилинди. Шундан 232,5 минг гектар ерда пахта, 197,9 минг гектар ерда донли экинлар, 9,0 минг гектар ерда боғдорчилик, 9,0 минг гектар ерда эса полиз маҳсулотлари етиштирилди [7.158-159].

Агар бу ҳолатни Сурхондарё вилояти мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу вилоятда ҳам шаклланиб улгурган пахта яккаҳокимлиги деҳқончилик соҳасида анъанавий экинлар майдонининг жиддий тарзда қисқаришига сабаб бўлганлигини кўрамиз. Масалан: 1970 йилда Сурхондарё вилоятида 217,4 минг гектар ерда деҳқончилик қилинди шундан 66,8 минг гектарида донли экинлар 19,3 минг гектарида картошка ва полиз маҳсулотлари етиштирилди. 1985 йилга келиб эса мазкур вилоятнинг аграр тизимида 273,7 минг гектар ерга экин экилди, шундан: 62 минг гектарини донли экинлар 11,3 минг гектарида картошка ва полиз экинлари қолган майдонларда эса пахта етиштирилди [8].

Ўрганилган даврда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш борасидаги урунишлар ҳам кўзлаган натижани бермади. Масалан: 1975-1980 йилларда пахтачиликни ривожлантириш юзасидан селекционер олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижасида паختанинг 20 дан ортиқ навлари яратилди. Аммо бу навлар ҳам умумий ҳосилдорликни ошириш имконини бермади. Шунини айтиш керакки, 1980 йилда Республиканинг 37 та тумани 40 та жамоа хўжалиги ва 267 та давлат хўжалиги гектар бошига 30 центнердан камроқ ҳосил олди, 168 та хўжаликда эса гектар бошига 25 центнердан кам, 80 та давлат хўжалигида 20 центнердан кам ҳосил олинди [9].

1980 йилда пахта қайта ишлаш асосида олинадиган толанинг миқдори ҳам белгиланган натижаларни бермади. Чунончи, шу йили 1-навга топширилган 1 тонна пахтадан олинадиган тола миқдори 30 фоизни ташкил қилган бўлса, 2 навга топширилган пахтадан олинган тола миқдори 1979 йилдагига нисбатан 8 фоизга 3-навга топширилган пахтадан олинадиган тола эса 9 фоизга тушиб қолди. Қашқадарёда пахта толасини олиш умумий ҳосилнинг 27 фоизини ташкил қилганлиги ҳам ўрганилаётган даврда етиштирилаётган пахта ҳосилининг сифати ёмонлашиб бораётганидан далолат берар эди [10].

Шунини қайд этиш керакки, пахтадан мўл ҳосил олиш мақсадида ерга солинаётган минерал ўғитлар ҳам шундайга ҳам силласи қуриб бораётган тупроқ унумдорлигини кўтариб бераолмади. Оқибатда сарфланган минерал ўғитлар асосида ҳосилдан кўзланган натижа олинмади. Масалан: 1983 йилда республика бўйича 1 килограмм азотли ўғит ҳисоби 13 килограмми пахта ҳосили олинган бўлса, 1984 йилда эса бу кўрсаткич 11,4 килограмми ташкил этди. Минерал ўғитлар самарадорлиги Жиззах вилоятида 20, Навоий вилоятида 34 фоизга Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида эса икки барабар камайиб кетди. Қашқадарё вилоятининг Қамаш тумани хўжаликларида ҳар килограмм азот ҳисобига 1983 йилдагига нисбатан 1984 йилда икки марта кам яъни 8,2 килограмм пахта етиштирилди, холос [11].

Ўрганилаётган даврда агрокимё хизмати моддий техника таъминотини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳолати ҳам қониқарсиз аҳволда эди. 1981-1985 йиллар оралиғида республикада 161,6 минг тонна ҳажмдаги механизациялаштирилган омборлар ва

базалар қуриш ўрнига бор йўғи 54,4 минг тонна ҳажмдаги омборлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Шу мақсадда ажратилган капитал маблағларнинг фақатгина 60 фоизга бажарилди[12]. Халқ хўжалигини бошқаришда режа изидан қувиш, қандай қилиб бўлсада белгиланган миқдор кўрсаткичларига эришиш ёки ундан ҳам ошиб кетиш мақсадида қилинган ҳаракатлар оқибатида табиатда ҳам ўнглаб бўлмайдиган йўқотишлар содир бўла бошлади. Хўжаликни экстенсив метод билан бошқариш, илмий асосланган ақидалардан чекиниш, кўп миллионлаб ерларнинг шўрланишига сув ва шамол эррозиyasига учрашига олиб келди. Минерал ўғитлар ва заҳарли кимёвий моддалардан ўринсиз меъеридан ортиқ фойдаланиш, ер ва сувнинг минераллашуви ҳамда заҳарли кимёвий моддалар билан ифлосланишига олиб келди. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик оқибатида Орол денгизи қуриб бора бошлади. Дарёларга оқизилаётган оқава сувлар сувда оғир минералларва заҳарли моддаларнинг кўпайиб боришига сабаб бўлди. Бундай нохуш ҳолат юзасидан узоқ йиллар давомида сўз юритиш ман этилган эди. Бироқ СССРда бошланган қайта қуриш ҳамда ошкоралик сиёсати туфайли ушбу оғриқли масала юзасидан зиёлийлар, шифокорлар ҳамда кенг жамоатчилик ўзининг фикрини билдира бошлади. Жумладан, Совет Ўзбекистони газетасининг 1987 йил 18 июль сонида “Экология, иқтисод, маънавият” рукни остида давра суҳбатида Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш Министрлиги санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институтининг директори, медицина фанлари доктори Т.Искандаров ҳам иштирок қилди ва қўйидаги фикрларни баён қилди: “Республикамизда хавфнинг юзага келишида кўпроқ ўйламасдан қабул қилинган қарорлар ҳамда инсон саломатлиги, атроф-муҳит мусоффолигига безътибор бўлиш билан боғлиқ ҳолатлар сабаб деб ўйлайман ЮНЕСКОнинг “Инсон ва биосфера” дастури бўйича Ўзбекистон Мллий комитети 1979 йилдан буён ишлаб турибди “Атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва унинг биосферага таъсирини ўрганиш 14-лойиҳаси мазкур дастур таркибига киради. Ҳозирги вақтда лойиҳа юзасидан ишланмаларни амалга оширишда 25 та илмий муассаса иштирок этаётир. Бизнинг институтимиз эса мувофиқлаштирувчи ва етакчи институтдир.

Институтимиз олимлари кўпгина шаҳар ва қишлоқларда бўлиб атмосфера ҳавоси, тупроқ ва сув объектларининг ифлосланганлигини кузатмоқдалар. Бу ифлосланиш саноат объектларида экологик хавфсиз технологияларни ва зарурий тозалаш иншоотларини суст жорий қилаётган, қишлоқ хўжалигида заҳарли химикатва минерал ўғитларни ўйламай нетмай, санитария қоидаларига риоя этмай қўллаётган министрлик ва корхоналарда рўй бераётир.

Институтда ўтказилаётган тадқиқотлар тупроқда, сувда, ҳавода, озиқ-овқат маҳсулотларида кўплаб препаратларни гигиеник нормалаштириш, анчагина янги преператларни токсикологик жиҳатдан баҳолаш имконини берди.

Шу ўринда бутефосни тақиқлаш борасидаги меҳнатимиз зое кетмаганлигидан мамнунмиз. Негаки, бир неча йилдан бери бу заҳарли дори ҳақида ташвишланиб гапирдик, айрим масъул лавозимдаги раҳбарлар қулоқ солишни истамадилар. Шунинг учун ҳам ўша шахсларга “Майли бутифос сепиш керак деяпсизлар қани ўша маҳалда ўзларингиз далада бўлингизлар-чи? – дедик. Йўқ раҳбарлар ўзларини олиб қочишди”[13].

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, совет ҳукуматининг халқ хўжалигини бозор иқтисодиёти ва табиат қонунларини инобатга олмай режали тарзда бошқарув тартиблари иқтисодиётни издан чиқишига, атроф-муҳитнинг ифлосланишига экологик вазиятнинг танг аҳволга келиб қолишига, аҳоли саломатлигига жиддий зарар етишига, кишиларнинг турмушида ижтимоий ва маиший муаммоларнинг тўпланиб боришига бир сўз билан айтганда одамларнинг эркин меҳнат қилиши кайфияти ва келажакка бўлган ишончини йўқолишини юзага келтирмоқда эди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1999. – Б 63.

2. Тўхлиев Н. Иқтисодий интенсив ривожлантириш йўлига ўтишни жадаллаштирайлик. “Ўзбекистон коммунисти”, 1990. №6. –Б 13.
3. Зиёдуллаев С. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари. – Тошкент: “Меҳнат”, 1992. –Б 126.
4. Юсупов Э., Туленов Ж., Ғофуров З. Миллий масала бўйича фалсафий суҳбатлар. – Тошкент: “Фан”, 1990. –Б.38.
5. Экономика жизнь 1990. №41. –С. 8-10.
6. Тўхлиев Н. Иқтисодиётни интенсив ривожлантириш йўлига ўтказишни жадаллаштирайлик. “Ўзбекистон коммунисти”. 1990. № 6. –Б 13.
7. Пардаев Т.Р. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт (1945-1991 йй.) тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Термиз., 2021. –Б 158-159.
8. Узбекистан за годы одинацатой пятилетки (1981-1985 гг.) Статический сборник. – Ташкент, 1986. –С 143.
9. Совет Ўзбекистони газетаси 1981 йил 12 сентябрь.
10. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 1981, 4-сон. –Б 38-39.
11. Совет Ўзбекистони. 1985 йил 17 апрель.
12. Ёш ленинчи газетаси. 1986 йил 26 апрель.
13. Совет Ўзбекистони 1987 йил 18 июль.
14. Экономика жизнь 1990. №41. –С. 8-10.

МУТАФАККИРЛАР СЎФИ ОЛЛОЁР ВА ХОЖАМНАЗАР ХУВАЙДО ҚАРАШЛАРИДА ДИНИЙ-ИРФОНИЙ ЎГИТЛАР

Қаршиев Ислон Эгамқулович,

Жиззах давлат педагогика университети ўқитувчиси

E-mail: Islomqarshiev0505@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада мутасаввифлар Сўфи Оллоёр ва Хожамназар Хувайдоларнинг қарашларидаги диний-ирфоний руҳдаги ўғитлари тадқиқ қилинган. Уларда кўтарилган диний-ахлоқий қанд-насиҳатларнинг бугунги кундаги аҳамияти очиб берилган

Калит сўзлар: *ирфон, таниш, англаш, ботин, зоҳир, қалб, фазилят, панд, насиҳат, комиллик, инсон, қараш, тасаввуф, тариқат, дин, дунёқараш, Қуръон, ҳадис, шоир, ғазал, ишқ, маърифат, садоқат, сабот, зикр, тавба, таълим, тарбия, анъана, ахлоқ.*

Абстрактный: *В данной статье исследуются религиозно-мистические учения мистиков Суфия Оллояра и Ходжамназара Хувайды. Выявлена важность возводимых в них религиозно-нравственных советов сегодня.*

Ключевые слова: *гнозис, знание, понимание, внутреннее, облик, сердце, добродетель, увещевание, совет, совершенство, человек, взгляд, суфизм, религия, мировоззрение, Коран, хадис, поэт, газель, любовь, знание, верность, стойкость, память, , покаяние, воспитание, обучение, традиция, этика.*

Abstract: *In this article, the religious-mystical teachings of mystics Sufi Olloyar and Khojamnazar Huvaida are studied. The importance of the religious and moral advice raised in them today has been revealed*

Key words: *gnosis, knowledge, understanding, inner, appearance, heart, virtue, admonition, advice, perfection, human, look, Sufism, religion, worldview, Quran, hadith, poet, ghazal, love, knowledge, loyalty, steadfastness, remembrance, repentance, education, training, tradition, ethics.*

Ирфон-билиш, таниш, англаш, тушуниш деган маънони англатади. Ирфон тасаввуфдаги билиш илмидир. Ирфон илмининг мазмуни акс этган адабиётларда ирфонга берилган иккита бир хил таъриф учрамаса ҳам, умумий шаклда, мазмунан ва моҳиятан идентифик тушунтирилган.

Ирфон илмининг Шарқ фалсафий тафаккури ривождаги ўрни қуйидаги омилларда теран акс этган: биринчидан, ирфон дунёвий ва илоҳий илм, шариат, тариқат илми билан бирга, дин ва фалсафа, калом ва хадис, ҳикмат ва тавҳидга оид илмларни бирлаштирган. Иккинчидан, ирфон маърифатни ахлоқий покланиш, риёзат билан боғлаган. Ирфон рационал ва иррационал билиш усуллари қўшиб, ақл ва қалбнинг диалектик алоқадорлигини кўрсатган. Инсон зоҳиран ва ботинан покланиб, ахлоқий юксалган, эзгу фазилат эгаси бўлиб, илм-маърифат ва руҳий-маънавий камолотга эришган. Бу жиҳат Абу Наср Форобийнинг “Ахлоқий фазилат эгаси бўлмай туриб, маърифат ва билим эгаси бўлиш мумкин эмас” деган қарашлари билан ҳамохангдир. Учинчидан, ирфон Шарқ халқларининг тафаккур тарзи, ахлоқи ва маънавиятини белгилайдиган ҳодисага айланиб, умумбашарий қадрият сифатида инсон тафаккури сарҳадини кенгайтирган. Тўртинчидан, ирфоннинг асл моҳияти Аллоҳни ва инсонни англаш бўлиб, инсоннинг яшашдан мақсади ўзлигини англаш ва Яратувчисини танишда мужассамдир[2:27-28].

Ирфон мусулмон Шарқи фалсафий тафаккури билан бевосита боғлиқ бўлиб, номусулмон Шарқ фалсафасида ирфон йўқ.

Шарқ мутафаккирларининг фалсафий-тасаввуфий қарашларини замонавий тенденциялар асосида тадқиқ этиш орқали тасаввуф ва ирфон Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-маданий, маънавий-маърифий юксалишида муҳим компонент бўлгани англашилди[13:3]. Шу сабабга кўра, асосий эътибор ирфоннинг Шарқ фалсафий тафаккури ривождаги ўрни масаласига қаратилган.

Ирфон, бир тарафдан, диний билимларни мужассам этса, иккинчи тарафдан, диннинг моҳиятини ифодалайди. Тафаккур билан англаб бўлмайдиган (иррационал), қалб, учинчи кўз, ботиний ҳол орқали ҳосил бўладиган билимлар илоҳий воқелик (Аллоҳ) билан бевосита алоқада бўлиш, Аллоҳни-Унинг илми билан билиш ва Унинг маърифати билан англашнинг ифодаси бўлиб, руҳий-маънавий покликни талаб этадиган жараён дир. Абдулқодир Гийлоний ирфоннинг моҳиятини Қуръон оятлари билан ҳамоханг таъвил қилган: “Ирфон маърифат туйғуси, бу туйғу сенинг ботиний оламингни қуршаган самодирки, ундан чиқажак бир эмас, бир неча қуёш бор. Йўл ёруғ бўлиши учун маърифат самосида қуёш туғилиши лозим. Бунинг учун эса ҳолингни камолга етказишинг даркор[5:107]. “...Бугун сизларга динингизни комил қилдим[12:59]” ояти каримаси ила тадбиқ этилгандир”.

Умрининг асосий қисмини Ҳақ йўлига, ирфоний билимлар тарғибига, тасаввуф таълимотини кенг халқ оммасига сингдиришга сафарбар этган Сўфи Оллоёр зулм-зўрлик, такаббурлик, судхўрлик, вафосизлик, лоқайдлик, таъмагирлик, танбаллигу беҳунарликни; мансаб-мартаба, мол-дунёни деб жанжал қилиш, дилозор, ноиттифоқ бўлишни қаттиқ қоралайди; замондошларига танбеҳ беради, бир мутафаккир сўфий сифатида панд-насиҳат қилади. “Арзимас” радифли ғазали ана шундан шаҳодат беради:

Дўстлар, бу бевафо дунёда молу-мулк учун,
Бир-бирингни оғритиб ношод қилмоқ арзимас.
Мансабу дунё учун аҳли ҳукумат олдида,
Қўл-қовуштуриб турибон дод қилмоқ арзимас.
Олиғу солиғ билан мулло-ю хожа-барчани,
Юз жафоу жабр ила афтода қилмоқ арзимас.
Турку тожик ўзбеку, сахронишинларни мол учун,
Кечаю кундуз уриб, ношод қилмоқ арзимас.

Демак, маълум муддат давлат хизматини адо этган шоир ўз замонасидаги ўзаро низоларни, меҳнаткаш халқ бошига кулфат тушираётганларни шеърларида рўй-рост танқид қилган, ҳукмрон табақаларни адолатли бўлишга ундаган. Тожик тилидаги ғазалларида ҳам ҳикматомуз байтлар кўплаб учрайди[9:184-185].

Аллома ўз илоҳий дастурномасини ёзиш ва мусулмонларга тақдим этишда икки мақсадни кўзлаган, иккита бир-бири билан боғлиқ муаммони ўртага қўйган. Шу боис асарнинг биринчи қисми даъватдан иборат бўлиб, унда ғафлат уйқусида бўлган авом

халқни огоҳлантириш, тавба қилишга, Ҳақ йўлига, расулуллоҳ суннатларига қайтишга чақириш етакчи бўлса, иккинчи қисм ишқ, эътиқод йўлига, тариқатга қадам қўйган мусулмон бандаси учун зарур бўлган ахлоқий фазилатлар, яъни тариқат одобига бағишланади. Шу асосда у таназулга юз тутган ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, омма мафкурасини ношаръий, ёт одат ва унсурлардан тозалашга киришади. Шу тахлит «Сабот ул-ожизин» жамият аъзоларида эътиқодни мустаҳкамлаш дастури вазифасини бажарди. Асар мактаб ва мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилиб келинди, ҳар бир солиҳ хонадоннинг Қуръони каримдан кейинги доимий сабоқ китобига айланди.

Китоб бир қанча фаслларга бўлинади. Авлиё ҳамда пайғамбарлар ҳақидаги ҳикоят ва ривоятлар, камтарлик, ростгўйлик, ҳалоллик, адолат, саховат, маърифат, мусулмончилик, эътиқод, имонга бағишланган алоҳида-алоҳида маснавий бандлар, муножот ва рубоийлар асар қурилмасини ташкил этади.

Жаҳаннам узра бир кўпрук эрур оҳ,
Ўшал кўпрук Сирот отли гузаргоҳ.
Қиличдин тез, эрур қилдин ингичко,
Пушаймонлар тушар ўшал кун ичко.
Кел-эй, банда ўзингни сол Худоға,
Қазоға рози бўл, сабр эт балоға-

каби яссавиёна ўринлар, панду ҳикматлар, охиратда гуноҳу савобларни ўлчовчи тошу тарозулар баёни билан бирга, маърифат, инсонийлик фазилатларига доир кўпдан-кўп лавҳалар, тажнисли байтлар ҳам келтирилади;

Очиққўллик, кушода юз ли бўлғил,
Мурувватлик, мулойим сўзли бўлғил[7:74-75].

Бир кун Бухоро олимларининг Худога етишганларидан бирлари бўлган Шайх Ҳабибуллоҳнинг бир шогирди Бухорога киришда савдогарлардан ғайри қонуний мол олиб, божхона ходимларидан беркитиб шаҳарга киргизаётганда қўлга тушади. Оллоёр у одамни қамчи билан қаттиқ уради, унинг боши ёрилади. У одам ҳамма тарафидин қон оққан ҳолда устозлари Шайх Ҳабибуллоҳга бориб Оллоёрдан шикоят қилади, ул зоти бобаракот шогирдига тасалли бериб, сабр қил, Аллоҳ у кишининг ҳам қалбига юмшоқликни солиб қўйсин, инсофли, раҳм-шафқатли бўлсин, деб Оллоёр ҳақида яхши дуо қилдилар. Аллоҳ таоло у зотнинг дуоларини баракотидан Оллоёрга инсоф бериб, қалбини илоҳий илм томонига буриб қўйди. Оллоёр қалби мулойимлик, очиқ чеҳралик, дин ишларида ихлос ҳосил бўлган пайтда бу байтларни айтган эдилар:

Мани бошимга хуш савдо тушибдур,
Кўнгил бозорига ғавфо тушибдур,
Дедим, эй тан, на савдодур, на ишдур,
Сипоҳингга қилич бирлон уришдур?

Сўфи Оллоёр Шайх Ҳабибуллоҳ зиёратларига келдилар. Шайхнинг ҳалқасида тиз чўкиб ўтирадилар. Шунда Шайх Оллоёрга қараб: “Бу жой мансабдорларнинг жойи эмас, толиблар ва ғарибларнинг жойидур”-дейдилар. Шунда Оллоёр таъсирланиб: “Тавфиқ Аллоҳдан, иноят Кибриёдан, ҳидоят Зулжалолдандур, ё Шайх”,-дейдилар. Шайх қарасалар Оллоёрда Ҳақ йўл учун зўр қобилият пайдо бўлибди. Кўринишларида одоб ва ҳурмат барқ уриб турибди. Шайх бу кишидан ислом аҳлига зўр фойдалар етишини кўнгилларидан кечириб, баъзи шартларни қўйиб, илм ҳалқаларига қабул қилдилар. 12 йил Шайх Ҳабибуллоҳ мадрасасида ўқиб, ҳар томонлама етук олим бўлиб етишдилар. Бу кишидаги ҳиммат катта мансабдорликни, молу дунёни, доврўғни тарк этишга сабаб бўлди. Ман-ман деган улфатлардан кечиб, 12 йил

мадрасада таълим олиб улуғ олим ва авлиё даражасига етган[8:5-6].

XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида кучли мавқега эга бўлган нақшбандия ва яссавия мактаблари фаолиятининг сиёсийлашуви натижасида, улар подшоҳлар ва аслзодаларнинг, ҳокимларнинг тарбиячиларига айланиб қолган. Халқ орасида ҳақиқий исломий тарбиянинг савиясига эътибор берилмай қолган. Натижада, оддий халқ ичида юзлаб сохта шайхлар, сохта эшонлар пайдо бўлган. Руҳий-маънавий озуқага муҳтож аҳоли «улуғ пир», «Дастгир Валий» ниқоби остида ташқаридан кириб келган каззоб кимсаларнинг «каромат»ларига ишониб, уларнинг тилёғламалик билан ишонтирилган бидъат таълимотларига эргаша бошлади. Баъзи сохта таълимотлар масалан, «Равшания» деган тариқат Имом Аъзам мазҳабига тўғри келмайдиган ғояларни синдиришга ҳаракат қила бошлаган. Ҳатто аёллар ва эркакларни бир жойга йиғиб, турли суҳбатлар ташкил қила бошлаган. Бу эса исломга зид урф-одатларнинг жонланишига ва аҳоли ўртасида исломий эътиқоднинг сусайишига олиб келган.

«Сабот ул-ојизин» китобида Сўфи Оллоёрнинг халқпарвар зиёли, фидойи қалб соҳиби сифатида жамиятнинг нақадар аянчли ҳолатга келиб қолганини, залолатга ботиб, нафс қурбонига айланаётганини теран англаб етгани ва даҳшатга тушгани аниқ ифодаланган. Қўйидаги сатрларда бу яққол кўринади:

Бу умматлар ажаб зишт этди ҳолин,
Ёпар бидъат билан суннат жамолин.
Баҳойимдек иши ичмак-емақдур,
Куруғ тил била умматмиз демақдур.
Илоҳи, лутф қил, ҳасратли соат
Ҳабибингдин насиб этгил шафоат.
Айирма яхшиларнинг орасидан,
Йироғ этма Ҳабибинг қорасидан[11:30].

Сўфи Оллоёр тасаввуф тариқатларидаги амалий риёзатлар инсонни юксак камолотга эриштиришини инкор этмайди. Аммо тасаввуф таълимотининг XVII асрга келиб турли бидъат қарашлар билан қоришиб кетгани ва Ўрта Осиё халқлари ақидасига, маънавияти, мафқурасига жиддий зарар етказётганини кўргач, халқнинг ҳидоят йўлидан чалғиётганига ишонч ҳосил қилган дейиш мумкин.

Тасаввуф таълимотидаги руҳ ва тан ўртасидаги қарама-қаршилик Ҳувайдо дунёқарашида ҳам муҳим ўрин тутди. Мутасаввиф фикрича, танга бино қўйиш, унга оро ва ором бериш руҳни ўлдиради. Руҳни ўзлик юкидан халос этиш, танпарварликни мағлуб қилиш инсонни маънан поклаб, чинакам илоҳий ишқнинг арши аълосига кўтаради. Ҳам танпарварликка майл билдириб, ҳам ишқ даъвосини қилиш эса, айни риёнинг ўзгинасидир:

Эй Ҳувайдо, тан семуртиб, айласанг даъвойи ишқ,
Дилда дардинг, рўйи зардинг бўлмаса, ялғон эрур.

Дилида ишқ дарди ёнган ошиқнинг чехраси ҳам заъфарон бўлиб, у тан семиртишга иштиёқ ва майлу рағбат сезмайди.

Ишқ йўлига кирган ошиқ жондан кечмаса, жонон висолига муяссар бўлолмайди:

Тариқи ишқ аро қўйсанг қадам, жондин гузар айлаб,
Ўлумдин илгари ўлгил, танингни даркафан қилгил.

«Ўлимдан илгари ўлмоқ», «Танни даркафан қилмоқ» ўзликни, худпарастликни мағлуб этиш, шайтоний нафсу ҳаво ғурурини маҳв қилишдир. Ўз ижодиётида эҳтирос билан куйланган мажозий ва ҳақиқий ишқнинг мурод-муддаоси, ишқдаги ўлимнинг моҳияти ҳақида Алишер Навоий бундай деган эди:

Иккисидан гарчи ошиқ ўлмаки лозим келур,
Бори ул ўлмакки, бўлгай зимнида юз минг ҳаёт.

Хувайдо байтининг моҳияти ҳам Навоий талқинига ҳамоҳанг. Унда умидсизлик, тушкунлик, бадбинлик, таркидунёчилик кайфиятлари эмас, балки ҳаётсеварлик, келажакка ишонч, умидворлик тамойили устувор. «Танни даркафан қилмоқ»-вужудни дунё ҳирсу ҳаваслари чиркидан покламоқ. Покланган вужудда руҳ соғломлашади, қушдай енгил парвоз этади, яшаш имкониятлари очилади. Хувайдо айтган «ўлимдан илгари ўлмоқ» тушунчаси зимнида ҳам Навоий таърифлаган «юз минг ҳаёт» мавж уради. Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг «Тазкират ул-авлиёйи туркий» китобида келтирилишича, шайх Жунайд Бағдодий: «Тасаввуф улдурки, Худойи таоло сени ўзингдин ўлдириб, ўзи бирла тирилтиргай», демишлар. Демак, «ўлимдин илгари ўлмак» замирида Аллоҳ билан тирилмак ҳикмати ҳам мужассам экан[6:180].

Давлатимиз Биринчи раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди ва ўз навбатида фалсафий-ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб, бойиб борди»[3:7].

Кўплаб тадқиқотчилар таъкидлаганидек, XVIII аср Туркистон халқлари тарихида ижтимоий-сиёсий парокандаликнинг кучайиши, тасаввуф ғояларининг қадрсизланиши, диний эътиқоднинг кучсизланиши, зулм ва адолатсизликнинг кучайиши, халқ ҳаётининг оғирлашиши билан характерланади[1:21]. Хувайдо ижодида ана шу тарихий давр хусусиятлари, айниқса тасаввуф ва дин инқирозининг муҳим аломатлари ўз ифодасини топди.

Хувайдо ўзининг бутун истеъдоди, билими ва маҳоратини диний қадриятларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга, комил инсонни шакллантиришнинг ўзига хос концепциясини ҳаётга татбиқ этишга, аҳли хослар ва аҳли ом ўртасида ҳалоллик, ростгўйлик, поклик, меҳнатсеварлик, меҳр-шафқатлилик, диёнат, сахийлик, жўмардлик, маърифатпарварлик сингари олийжаноб инсоний фазилатларни тарғиб этишга, замондошлари ўртасида ижтимоий адолат, инсонпарварлик туйғуларини ривожлантиришга бағишлади. Йилқида мингта от сақлашдан кўра ўзидан яхши от (ном) қолдиришни, маънавий ганж излашни, одамларга фақат яхшилик қилишни чинакам инсоний ҳаётнинг маъноси ва бурчи деб билди. Ана шу йўлда калтафаҳм мутаассибларнинг маломатларидан ортга чекинмади[10:4-5].

Хувайдо Каломуллоҳнинг муқаддас қоидаларидан келиб чиқиб, ислом динининг барча афзалликларини ибратли ҳаётий мисоллар билан кўрсатишга, тирикликда қилинган барча гуноҳлар учун ҳам, савобли ва хайрли ишлар учун ҳам нариги дунёда албатта тегишли жазо ва мукофотлар берилишини, Аллоҳнинг карами кенглигини, аммо гуноҳлар учун жазо ҳам муқаррарлигини алоҳида таъкидлаган. Достоннинг «Қиёматнома» деб номланган бобида молу дунё учун ҳирс қўйганлар, «фақир (камбағал) нонин егонлар», одамларга зулм қилган бой ва судхўрлар, дунёнинг икки кунлик роҳатини деб ҳадисларга ёлғон маъно берган муллолар, таъмагир, сўзни сўзга уловчи чақимчи, ғийбатчи ва туҳматчилар маҳшарда жаҳаннам укубатларига маҳкумлигини ҳадис ва ривоятлар асосида баён этади[10:9].

Шубҳасиз, Хожамназар Хувайдонинг тасаввуфий қарашлари камол топишида Сўфи Оллоёрнинг асарлари ва қарашлари ҳам жуда муҳим аҳамият касб этди: Сўфи Оллоёр ислом дини ва тасаввуфни инқироз ва ҳалокатдан қутқаришнинг ягона ва мақбул йўли жамият хос кишиларининг диний маърифати, савияси ва салоҳиятини юксалтириш, расулуллоҳ суннатлари, ислом дини асослари (тавҳид, калом, фикҳ), тасаввуф илми ва дарвиш одоби ҳақидаги ирфоний билимларини ошириш, авомга эса маҳшар ва дўзах укубатларини эслатиш, айни вақтда уларда Аллоҳнинг карами ва марҳаматидан умидвор бўлиш ҳиссини шакллантириш, риёкорлик, такаббурлик, очкўзлик, ёлғончилик сингари иллатларга қарши сабот билан курашиш деб ҳисоблади[4:210].

Мутафаккирлар Сўфи Оллоёр ва Ҳувайдонинг ирфоний фикрлари, улар асарларида илгари сурган умуминсоний ғоялар бугунги мустақиллик даврида баркамол инсоннинг тарбиясида ўзига хос хусусият касб этади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Билиш фалсафаси. Тузувчи ва таржимон Қиём Назаров. –Т.: ЎзМУ, 2005.
2. Исақова Замирахон Руҳитдиновна. Ирфон ва унинг Шарқ фалсафий тафаккури ривожигаги ўрни (X-XIII асрлар). Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. –Самарқанд: 2022.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддас. 3-т. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
4. Қодирқул Рузматзода. Хожамназар Ҳувайдо диний-мистик қарашларининг XVII-XVIII асрлар Марказий Осиё тасаввуфи ривожигаги ўрни. Фалсафа фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 2020.
5. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Моида сураси, 3-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. –Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004.
6. Нусратулло Атаулло ўғли Жўмахўжа. Ҳувайдо тасаввуфий шеърларида фалсафий-бадий талқин // Шарқ юлдузи, 1998, №4.
7. Р.Орзибеков. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006.
8. Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин. –Т.: Меҳнат, 1991.
9. Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари.-Т.: “Шарқ”, 2004.
10. Ҳувайдо. Роҳати дил. Иброҳим Адҳам. –Т.: Наврўз, 2011.
11. Ш.Сирожиддинов. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. 1-қисм. Жамият ва бурч. –Т.: 2001.
12. Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сирр ул-асрор. Мактубот // таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи О.Жўрабоев. масъул муҳаррир С.Ҳасанов, С.Рафиддинов. –Т.: Мовароуннаҳр, 2005.
13. Шодиев Р., Бахриева Д. Суфизм в духовной жизни народов Мавераннахра (X-XII вв.). –Самарқанд: 2018.

РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА, ҲИСОБОТЛАРДА ВА ДАВРИЙ АДАБИЁТЛАРДА ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ ҚОРАҚАЛПОҚЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИНING АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (XIX АСРНИНГ СЎНГИ ЧОРАГИ - XX АСР БОШЛАРИ)

Абдуллаева Аълохон Атамуратовна,
Ажиниёз номидаги НДПИ „Аниқ ва табиий фанларни масофадан ўқитиш“ кафедраси ўқитувчиси

Калит сўзлар: *Жануб, Оролбўйи, қорақалпоқлар, маъмурият, ҳудуд, низом, аҳоли, солиқ, арава, қайиқ.*

Ключевые слова: *Юг, Приаралье, каракалпаки, администрация, территория, закон, население, налог, телешка с экипажом, лодка.*

Key words: *South, Aral Sea region, Karakalpaks, administration, territory, law, population, tax, cart with crew, boat.*

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб, Ўрта Осиё хонликларини, хусусан, Хива хонлигини Россия империяси босиб олгандан кейин ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий соҳаларда, шунингдек, бошқарув тизимида ўзгаришлар юз бериши табиий ҳол бўлиб, бир давлат иккинчи давлатни босиб олганда, бундай тартибнинг юз бериши тарихдан маълум бўлган ҳолатдир.

Шу маънода ушбу мавзуни тарихшунослик, манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганганиш жараёнида, ушбу даврга оид турли хил расмий ҳужжатлар, ҳисоботлар, мақолалар ва адабиётларни таҳлил қилишга тўғри келди.

Натижада, Амударё округи ташкил этилганидан бошлаб, «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом» қабул этилгунгача бўлган даврда, яъни 1873 йилдан 1886 йилгача бўлган даврда, шундан кейин ўлкани бошқариш ҳақида қонун-қоидалар қабул қилинганидан, то ушбу тузум ағдарилгунгача бўлган, яъни 1887 йилдан 1917 йилларгача бўлган даврларда[1] ҳудудни бошқарувнинг турли шакл ва усуллари амалга оширилганлигига амин бўлдик.

Мустамлака даврида Туркистонни бошқариш тартиблари «Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисидаги муваққат Низом» (1865 йил), «Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш тўғрисидаги қоидалар лойиҳаси», «Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш тўғрисидаги Низом» лойиҳаси»[2], «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»нинг 1886, 1892, 1901, 1903, 1911, 1916 йиллардаги нашрларида ва 1873 йил қабул қилинган «Амударё округини бошқариш тўғрисидаги муваққат Низом»ларда ўз аксини топди.

1883 йил чоп этилган «Пребывание русских в Хивинском ханстве в 1873 и возвращение их» китобида дастлабки вақтда Россия империяси ўлкани забт этиш учун тўртта ҳарбий куч бўлиб – Кавказ, Красноводский, Мангишлок, Оренбург ва Туркистон кучлари сифатида юриш бошлаганлиги айтилган. Туркистон кучларига генерал П.К.Кауфман бошчилик қилди. Жами бўлиб урушга Россия империясидан 12 мингдан зиёдроқ одам қатнашган, 56 та тўп қўлланилган. Китобда Хива хонлигида русларнинг мазкур кучларига сон ва сифат жиҳатидан дош бера оладиган ҳарбий қурол ҳам техника ҳам йўқ эди,- деб кўрсатилган[3].

Туркистонни, шу жумладан Хивани, Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерларни эгаллаш ва бошқариш бўйича бир қатор қонунлар, Низомлар қабул қилинган. Булар «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом», «Амударё округини бошқариш тўғрисидаги муваққат Низом»лар қабул қилинган. Уларда ўлкани бошқариш бўйича қонун-қоидалар ишлаб чиқилган.

Амударё бўлимига, уни бошқариш тизимига алоҳида эътибор қаратилган Низомнинг 6-моддаси изоҳида берилишича: Туркистон ўлкасини бошқаришдаги барча лавозимларни ҳарбий ёки фуқаролик даражасидаги одамлар эгаллаши мумкин бўлган. Аммо, Туркистоннинг ҳарбий губернатори ва Амударё бўлимининг бошлиғи лавозимини фақат ҳарбийлар эгаллаши шартлилиги алоҳида таъкидланган[4]. Россия империяси вакиллари ўлкада ўзига ҳос равишда ўлкани бошқариш усуллари ташкил эта бошлаган. Мазкур Низомдан ташқари бир қатор Низом ости ҳужжатлари ҳам қабул қилинган.

1886-йилги «Низом»га кўра Туркистон ўлкаси учта – Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларига бўлиниб, бошқарилган. Амударё бўлими эса Сирдарё таркибига киритилган[5].

Бўлимни бошқариш учун қонун ва қоидалар тизими «Амударё округини бошқариш тўғрисидаги муваққат Низом»ида (шахсан Туркистон генерал губернатори фон К.П.Кауфман томонидан 1873 йил 26 августда) тасдиқланган.

«Амударё округини бошқариш тўғрисидаги муваққат Низом» 18 моддадан иборат бўлиб, Амударё бўлими ушбу моддаларда кўрсатилган усул ва тартибда бошқарилган.

Биз қуйида ушбу Низомни манбавий нуқтаи назардан аҳамиятини ҳисобга олиб, асл ҳолида келдирдик.

«Амударё округини бошқариш тўғрисидаги муваққат Низом» [6]:

1. Аму-Дарёнинг Россия империясига ўтган ўнг соҳили ерларидан, алоҳида бўлим ташкил этилади, унга Аму-Дарё номи берилади.

2. Округ таркибига собиқ Кизилкум тумани ҳудудининг бир қисми, шимолда Букан тепаликлари ва шарқдаги Оқтау тоғлари водийсигача бўлган қум чегараларигача бўлган жойлар киради. Сир-Дарё вилояти ва Округнинг чегарасини аниқ белгилаш Сир-Дарё вилояти Ҳарбий губернатори ва Аму-Дарё Округи бошлиғининг ўзаро ихтиёрий келишимига тақдим этилади.

3. Аму-Дарё округи округ бошлиғига бўйсунди, у бир вақтнинг ўзида Округда жойлашган армиянинг отряд бошлиғи ҳамдир.

4. Округ бошлиғи аҳолига нисбатан ҳарбий губернаторга берилган барча ҳуқуқлардан фойдаланади, армияга қўмондонлик қилади ва мана шу масалада унга алоҳида берилган кўрсатмага биноан идора қилади.

5. Округ бошлиғи аҳоли ва армия билан ўз девонхонаси орқали мулоқот қилади. Округни бошқариш бўйича вақтинча штат илова қилинади.

6. Округ икки бўлимга ажратилади: Округ бошлиғи ёрдамчилари бошқарадиган Шўроҳон ва Чимбойга.

7. Округ бошлиғи ёрдамчилари уезд бошлиғи каби ҳуқуқлардан фойдаланади.

8. Илк вақтларда иккала Ёрдамчилар ҳам Петро-Александровск (укрепление) қўрғонидида қўним топади, маъмурий марказларнинг қулай жойлаштирилишига, округ бошлиғи ҳарбий воситаларининг тегишли равишда мавжудлигига қараб аҳолини кўпроқ яқиндан кузатиш учун ўз ёрдамчиларини бўлимларга жойлаштиради.

9. Биринчи вақтлари аҳолини бошқариш сакланади: ўлкани эгаллашда маҳаллий аҳоли томонидан ўрнатилган тартиблар кескин ўзгаришларсиз, суд тизими, мажбурий йиғишлар ва солиқлар ўзгаришсиз қолдирилади, округ бошлиғи зиммасига ишнинг боришини тушунган ҳолда имкон қадар тасдиқланиши кутилаётган «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»га мос равишда ўзгаришларни аста-секин амалга ошириш юкланади.

10. Йиғишлар тизими ўзгарганда барча ерлар, шахсий ва шунингдек, вакуф ерларининг ҳар бир танобига тўланади, шу билан бирга ер эгаси ва вакуф хўжайини ўзаро келишим асосида ерни арендага бериш ҳуқуқига эга.

11. Округ бошлиғи Ёрдамчилари раҳбарлигида ерларнинг умумий миқдори аниқлангунга қадар, яъни хўжалик ўлчови юритилиб ва чегара белгилангунча, таноб тўлови ернинг чамалаб ўлчовига қараб тузатилади, маҳаллий танобчилар ёрдамида амалга оширилади.

12. Таноб тўлови миқдори 1873 йилги «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом» лойиҳасида баён этилганига мувофиқ равишда тўғриланади.

13. 1874 йил 1 январдан бошлаб, бозор йиғинлари аниқлаштирилади, давлат хазинаси мулки тўлови сотувга қўйилиб оддий тартибда топширилади.

14. 1874 йил 1 январдан бошлаб, закот йиғини Бухоро ва Қўқон савдогарлари олиб келган моллардан олинади, Хива савдогарлари закот йиғинидан озод қилинади.

15. Кўчманчи аҳолидан, уларнинг кўчма уйлари сони тўлиқ саналгунча ва бўлисликлар тўғри ташкил этилгунга қадар аввалгидек миқдорда йиғинлар олинади, яъни закот қорамолдан пул кўринишида, агар кўчманчилар буғдой етиштириш билан шуғуллансалар буғдой ҳосилининг $\frac{1}{10}$ қисми олинади.

16. Қорақалпоқ аҳолиси-ярим ўтроқ, таноб тўловига ўтгунга қадар маълум одатга кўра солиқ ва қорамолдан закот тўлайди.

17. Халқ судлари «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом» лойиҳасида ёзилганидек шартларда тўлиқ сақланади.

18. Руслар билан маҳаллий аҳолининг баҳслашувлари ва даъволашувида Округ бошлиғи, агар керак деб билса, ўз Ёрдамчиларидан бирига судья вазифасини юклаш ҳуқуқига эга.

Имзо: Туркистон генерал губернатори, генерал-адъютант Фон-Кауфман. Аслига тўғри. Иш юритувчи.

Шунингдек, «Материалы для описания Хивинского похода 1873 года» китобида[7] уларнинг ҳудудлари, яшаш шароитларига эътибор қаратилган. Ўлкада қорақалпоқлар, ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар ва бошқа миллат вакиллари яшаган. Амударё бўлимида ўзбеклар ўтроқ ҳаёт кечирган. Қорақалпоқлар, қозоқлар эса кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳолатида яшаган. Ўтроқ аҳоли қозилар, кўчманчи аҳоли бийлар судига бўйсунган.

1890 йил Жанубий Орол бўйларида топографик ишлари амалга оширилган[8]. Капитан П.К.Залесский Амударё бўлимини, шу жумладан Жанубий Оролбўйи атрофларини ўрганган. Асосий диққатни Нукусдан бошқа яшаш жойлари, яъни аҳоли пунктлари Оро-

лиғидаги масофани аниқлаган. Экипажли аравада ва қайиқда айланган ва бунга кетадиган вақтни ҳисоблаган.

Биринчи: Нукусдан Чимбой, Ирғоқли ва яна Нукусга қайтиб келиш йўлига 4 сутка кетган. Бу Оролиқ 225 вёрстни ташкил қилган.

Иккинчи: Нукусдан қайиқда Қуўаниш жарма, Есимжарма, Ризобек жарған, Қоратеранг кўли, Янисув дарёси, Ирғоқли овули Оролиғини 6 суткада ўрганган ва бу 180 вёрстни ташкил қилган.

Учинчи: Ирғоқли, Алимберган, Жаман қалъа ва Ирғоқли Оролиғини 4 суткада ўрганиб, 185 вёрст эканлигини аниқлаган.

Тўртинчи: Ирғоқли, Қўлдовли, Кўк посёлкаси, Ахунбобо тоғлари, Бердимурат ва Нукусгача Оролиқни 5 суткада айланиб чиққан ва бу 252 вёрст эканлиги белгиланган.

Бешинчи: Нукус, Қиронтаў тоғлари, Бўрлитаў тоғлари, Жарти булоқ ороли, Қушхона кўли, Кўк посёлкаси Оролиғини 4 суткада айланиб чиққан ва 150 вёрст Оролиқ эканлигини аниқланган.

Олтинчи: Кўк посёлкаси, Оқ қалъа ва Бердимурат овуллари оралиғи 3 суткада кузатилган ва уларнинг оролиғи 180 вёрст чиқиши аниқланган.

А.Авдакушин[9] ўзининг «Санитарний обзор» китобида қорақалпоқларнинг хўжалик юритиши, табияти, аҳолиси, яшаш шароити ҳақида жуда кўп қизиқарли маълумотларни қолдирган.

Шундай қилиб, XIX асрнинг сўнги чораги ва XX аср бошларида мавзу бўйича тадқиқ этилган расмий ҳарбий-статистик ҳисоботлар, тарихий адабиётлар, қабул қилинган турли Низом-қоидалардан билиш мумкинки, Жанубий Оролбўйи, кейинчалик Амударё округи, бўлими, вилояти аҳолиси, жумладан қорақалпоқлар ҳам Россия империяси қонун-қоидаларига бўйсундирилган ва бошқарилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аксарият хужжатлар рус тилида бўлганлиги учун, тадқиқотчи уларни ўзбек тилига ўгирди. –А.А.

2. 1865 йил 6 августда Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисидаги муваққат Низом; Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш тўғрисидаги қоидалар лойиҳаси. // Қаранг.: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 191-192; Материалы к истории советского государство и права Узбекистана. – Т.: Изд. Акад. наук УзССР., 1958. – С. 29-29;

3. Пребывание русских в Хивинском ханстве в 1873 и возвращение их. Т. Типо-литография С.И.Лахтина. 1883. -С. 11, 31, 67, 149.

4. Временная правила о применении судебных уставов к областям Сыр-дарьинской, Самаркандской, Ферганской, Семиреченской, Акмолинской, Семиполатинской, Уральской и Тургайской. // Положение об управлении Туркестанского края. 1901. С. 53; устав уголовного судопроизводства. 1451-статья. // Положение об управлении Туркестанского края. 1903. С. 110.

5. Положение об управлении Туркестанского края. Том II, часть 2., Издание 1886 г. Санктпетербург. С-1.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. И-1-жамғарма, 11-рўйхат, 293-варақлар; 11-варақ, 11-варақнинг орқаси: Временное положение об управлении Амударьинском округом.

7. Материалы для описания Хивинского похода 1873 года. Книга автора Сост. под ред. Ген. штаба ген.-лейт. В.Н. Троцкого. Ташкент. 1881. –С. 105.

8. Краткий отчет о Хивинской, Амударьинской, Туркестанской, Оренбургской и Памирской астрономических экспедициях полковника П.К.Залесского, исполненных в 1889, 1890 и 1891 годах. – Спб.: Военная типография, 1893. – С. 5-7.

9. Авдакушин А. Санитарный обзор Амударьинского отдела с 1887 по 1891 ггю Сборник материалов для статистики Сырдарьинской области за 1892 год. Т. 1892.

Резюме:

Ушбу мақолада Жанубий Оролбўйи қорақалпоқларининг маъмурий-ҳудудий тузилишига доир айрим масалалар ёритилган. Хусусан, мазкур даврга тегишли расмий ҳужжатларда ҳудудни маъмурий бошқариш бўйича тегишли қонун-қоидалар яратилган. Ҳудуднинг аниқ чегараси, икки бўлимга ажратилганлиги, ўзига хос равишда солиқлар тизими амалга оширилганлиги, аҳоли қуруқликда экипажли аравалардан, сувда қайиқлардан ҳам фойдаланган. Уларнинг хўжалик юритиши, табияти, аҳолиси, яшаш шароити кабилар ҳам ўрганилган.

Резюме:

В данной статье освещены некоторые вопросы, связанные с административно-территориальным устройством каракалпаков Южного Приаралья. В частности, в официальных документах этого периода были созданы соответствующие законы и положения об административном управлении территорией. Обращается внимание на четкую границу территории, деление ее на два участка, введение налоговой системы. Жители использовали на суше телешка с экипажем, а на воде лодки, также изучаются их хозяйство, природа, население, условия жизни и так далее.

Summary:

This article highlights some issues related to the administrative-territorial structure of the karakalpaks of the Southern Aral Sea. In particular, the relevant laws and regulations on the administrative management of the territory were created in the official documents of this period. Attention is drawn to the clear boundary of the territory, its division into two sections, the introduction of a tax system. Residents used a cart with a crew on land, and boats on the water, their economy, nature, population, living conditions, and so on are also studied.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САНОАТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ

Ражабова Сабоҳат Бобировна,

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация.*Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Сурхондарё вилояти саноат тармоқларида хотин-қизларнинг фаолияти, шунингдек уларнинг соҳадаги бандлилик даражаси жадваллар асосида келтирилган. Шунингдек, Сурхондарё вилояти ҳудудида фаолият олиб борган саноат тармоқларида меҳнат қилаётган аёллар ва уларга яратилган имтиёзлар ҳақида сўз боради.*

Калит сўзлар.*“Сурхонтекстиль”, “Ўзбек енгил саноати аълочилиси”, “Семашка”, “Жайронхона”, “Сурхон-6” ҳамда “Ситораи Моҳи-Хоса”, Муяссар Ҳайдарова, Меҳнат Шухрати” ордени.*

Аннотация.*В данной статье за годы независимости на основе таблиц представлена деятельность женщин в промышленных отраслях Сурхандарьинской области, а также уровень их занятости в сфере. отрасли, действовавшие на территории Сурхандарьинской области, и создаваемые для них льготы.*

Ключевые слова:*Орден «Сурхантекстиль», «Отличник узбекской легкой промышленности», «Семашка», «Джайронхана», «Сурхан-6» и «Ситораи Мохи-Хоса», Муяссар Хайдарова, Трудовая Слава.*

Abstract:*In this article, for the years of independence, on the basis of tables, the activities of women in the industrial sectors of the Surkhandarya region, as well as the level of their employment in the field, are presented. industries operating on the territory of the Surkhandarya region, and the benefits created for them.*

Keywords:*“Surkhantextil”, “Excellence of Uzbek light industry”, “Semashka”, “Jayronkhana”, “Surkhan-6” and “Sitorai Mohi-Khosa”, Muyassar Haydarova, Labor Glory” order.*

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Сурхондарё вилоятида саноат корхоналарини ташкил этишга алоҳида эътибор берилди. Совет тузуми даврида вилоятда саноат корхоналари фаолияти бир ёқлама бўлиб, асосан, саноат маҳсулотларига дастлабки ишлов берувчи ҳудудга айланиб қолган эди.[1,Б-121] Бундай жараёнлар натижасида вилоятда саноат корхоналарининг кўп тармоқли бўлишига тўсқинлик қилиши билан бир қаторда, ҳудуд аҳолисининг саноат тармоқларидаги бандлиги ҳам анча чекланди. Шунингдек, вилоятда аёлларнинг саноат корхоналарида бандлиги мустақилликнинг дастлабки йилларида унчалик ҳам юқори дажада эмас эди. Хусусан, вилоятда 1999 йилга келиб саноатда 5053 нафарни, транспортда 1132 нафарни ҳамда алоқа корхонасида 370 нафарни ташкил қилди. [2,Б-8]

Республикада саноат тармоқларида хотин-қизлар улуши 2000 йилда 205,1 минг кишини ташкил қилиб, республикада саноат корхоналарининг фаолияти сусайиб бориши аёлларнинг саноат корхоналаридаги иш билан бандлик даражасига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатди. Шунга кўра, 2005 йилда республикада саноат билан банд аёллар сони 169, 4 минг нафарни ташкил қилган бўлса, 2007 йилга келиб уларнинг сони 153, 9 минг нафарга тушди.

2009 йилда саноатда хотин-қизлар улуши 137,7 минг нафарни ташкил қилган бўлса, 2010 йилдан бошлаб энгил саноатнинг ривожланишига қаратилган алоҳида эътибор натижасида соҳада хотин-қизлар сони ортиши кузатилди. Хусусан, 2010 йилда республикада саноат билан банд бўлган хотин-қизлар сони 148, 8 нафарга етди ва бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб борди.[3,Б-69]

Мустақилликнинг дастлабки йилларида вилоятда хотин-қизлар энг кўп фаолият олиб борган саноат корхоналаридан бири “Сурхонтекстиль” акционерлик жамияти ҳисобланади. Корхона 1984 йилда кичик ип йигирув фабрикаси сифатида фаолиятини бошлаганда унда меҳнат қилаётган ишчиларнинг 50 % ишчи кучини аёллар ташкил қилган эди. Мустақиллик йилларида корхонанинг ишлаб чиқариш қувватининг ошиб бориши билан унда меҳнат қилаётган ишчилар сони ҳам ортиб борди. [4,Б-30]

Мазкур ип йигирув фабрикада фаолият олиб бораётган аёллардан 1993 йилга келиб корхонада 600 нафарга яқин аёллар фаолият олиб бориб, шулардан 262 нафари оналик таътилида эди. Ушбу таътилдаги аёллар фабрика томонидан нафақа билан таъминланди. Корхонада меҳнат қилаётган ёш болали аёлларга энгиллик бериш мақсадида унинг қошида болалар боғчаси ҳам фаолият олиб борган бўлиб, бу боғчада ишчи хизматчиларнинг 190 нафар фарзандлари тарбияланди. Улар доимий тиббий назоратдан ҳам ўтказилиб, бепул тиббий хизмат ташкил этилди.[5,Б-34]

Ўзбекистон Республикасида саноат ходимларининг меҳнатини муносиб баҳолаган ҳолда Ўзбекистон энгил саноати уюшмаси томонидан 1993 йилда “Ўзбек энгил саноати аълочиси” кўкрак нишони жорий қилинди. Мазкур кўкрак нишон билан дастлаб акционерлик жамиятининг фаол ишчиларидан Хидирова Гулшод Тўхтаевна тақдирланди.[6,Б-71] Бундан ташқари корхона қошида ипак газлама ҳамда гилам тўқиш цехлари ҳам фаолият олиб борди. Хусусан, Сурхонтекстиль МЧЖ қошида 1994 йилда атлас тўқиш цехи ишга туширилди, мазкур цехда 20 га яқин аёллар иш билан таъминланди.

1994 йилнинг иккинчи чорагида эса Жарқўрғон тумани Темир бетон буюмлари ишлаб чиқарувчи завод қошида гилам тўқиш цехи фаолият бошлади. Мазкур гилам тўқиш цехи йилига 600 квадрат метр гилам ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, бу кўрсаткич 1995 йилга келиб 800 квадрат метрга етди.[8,Б-2] Гилам тўқиш цехида ишлаб чиқарилган гиламлар республикамизнинг кўпгина вилоятларида ўзининг харидорларига эга бўлиб борди.

Иш вақти корхонада доимий уч сменада ташкил этилиб, узлуксиз фаолияти график асосида олиб борилди. Ҳар бир сменада фаолият олиб боровчи ишчиларнинг 70 % ни аёллар ташкил этган. Жарқўрғон туманидаги “Сурхонтекстиль” ҳиссадорлиги жамиятида 1998 йилга келиб ишчиларнинг умумий сони 1500 кишига етди, мавжуд ишчи кучининг 75 % ини хотин-қизлар ташкил этди. Меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг ўртача ойлик маоши 5-8 минг сўмни ташкил қилиб, ҳар йили жамиятнинг калава ип ишлаб

чиқариш режасини 105-107 %, мато ишлаб чиқариш режасини эса 104-105 % га ортиғи билан бажаришда аёлларнинг ҳиссаси алоҳида бўлди. [8,Б-4]

Ҳиссадорлик жамиятида узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб, ҳар томонлама касбдошларига ўрнак бўладиган аёллар сони жуда ҳам кўпчиликини ташкил қилди. Шундай меҳнаткаш аёллардан Ойжамол Ўрозова ва Гулчирой Омоновалар саналиб, улар ўзларининг иш режаларини доимо ортиғи билан бажариб келган ҳамда жамият томонидан турли мукофотлар билан тақдирланди.[9,Б-52]

“Сурхонтекстиль” акционерлик жамиятида 1999 йилга келиб 1013 нафар хотин-қиз меҳнат қилди. Шулардан, 718 нафарини болали аёллар ташкил этиб, улардан 442 нафари қисман маош тўланадиган таътилда бўлган эди. Ушбу жамиятда меҳнат қилаётган аёлларнинг фарзандлари учун 140 ўринли “Камалак” болалар боғчаси ташкил этилди ва доимий ишчилар учун “Ором” овқатланиш ошхонаси ҳам доимий фаолият олиб борди. [9,Б-58]

Мазкур муассасада аёлларнинг соғлиқларини доимий назорат қилиб туриш учун 4 нафар ҳамшира фаолият олиб бориб, ишчилар учун ошхонада овқатланиш 50 % га арзонлаштирилди. Шунингдек, цехларда зарарли меҳнат билан банд бўлган аёллар (фаррош ва ускуна тозаловчилар) махсус имтиёзларга эга бўлди. 1999 йилда “Аёллар йили” муносабати билан жамиятда фаол меҳнат қилаётган илғор аёллардан 12 нафари “Сурхон-сайёҳ” туристик жамоаси билан шартнома асосида 217 минг сўм пул ўтказиш йўли билан Термиз, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳатга олиб борилди. Бундан ташқари, “Семашка”, “Жайронхона”, “Сурхон-6” ҳамда “Ситораи Моҳи-Хоса” даволаниш масканларида соғлиқларини тиклашди. [8,Б-7]

Корхонада меҳнат қилаётган аёллардан Муяссар Ҳайдарова 2001 йилда узоқ йиллик меҳнатлари эвазига “Шухрат” медали билан тақдирланди. Мазкур жамиятда 2013 йилга келиб ип йигирув цехларида 300 нафар хотин-қиз меҳнат қилди.[7,Б-121] Корхонада узоқ йиллардан ип йигирув цехида фаолият олиб борган “Шухрат” медали соҳибаси Саида Бобоёрова, “Меҳнат Шухрати” ордени соҳибаси Гулчеҳра Баратовалар жамоанинг фахрига айланди.[9,Б-36] Иш унумдорлигининг ошиши, халқаро ҳамкорлик муносабатларининг янада ривожланиши натижасида 2013 йилдан бошлаб корхона қошида янги бинонинг қурилиши бошланди, бунинг натижасида яна 200 нафарга яқин аёллар меҳнат фаолияти билан банд бўлди.

Республика саноат тармоқларида аёлларнинг улуши (минг киши ҳисобида)

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Сурхон тонги. 1994 йил, 5 апрель. - Б. 2.
2. Сурхон тонги, 1998 йил, 21 ноябрь. - Б. 4.
3. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 1091-жамғарма, 1-рўйхат, 830-йиғма жилд, 49-52-варақ
4. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 1091-жамғарма, 1-рўйхат, 830-йиғма жилд, 58-варақ.
5. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 1091-жамғарма, 1-рўйхат, 830-йиғма жилд, 7-варақ.
6. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. - Тошкент. 2012 йил. - Б. 69.
7. ЎзМА. 43-фонд, 1-рўйхат, 241-йиғма жилд, 69-варақ.
8. ЎзМА. 43- фонд, 1-рўйхат, 149-йиғма жилд. 30-34-варақ
9. ЎзМА. 43-фонд, 1-рўйхат, 241-йиғма жилд, 71-варақ.

XX ASR IKKINCHI YARMI VA XXI ASR BOSHLARIDA AFG'ONISTON MAORIFI VA MADANIYATINING RIVOJLANISHI

Do'smatova Oltinoy Tursun qizi,
Termiz davlat universiteti
Jahon tarixi kafedrasida o'qituvchisi

Annotatsiya: *Ushbu maqolada Afg'oniston davlatida maorifning rivojlanishi, madaniy-ma'rifiy sohalarda amalga oshirilgan ishlar, Afg'onistonning ta'lim sohasida erishgan yutuqlari va natijalari haqida so'z yuritilgan. Bundan tashqari, Afg'onistonda maktablarning holati, konstitutsiyaga oid amalga oshirilgan tadbirlar, "Tolibon" rejimi davrida maorifning holati masalalariga urg'u berilgan.*

Аннотация: *В данной статье рассказывается о развитии образования в стране Афганистан, работе, сделанной в культурно-образовательной сфере, достижениях и результатах Афганистана в сфере образования.*

Кроме того, было подчеркнуто состояние школ в Афганистане, меры, принятые в отношении конституции, и состояние образования во время режима «Талибана».

Annotation: *This article talks about the development of education in the country of Afghanistan, the work done in the cultural and educational spheres, the achievements and results of Afghanistan in the field of education. In addition, the state of schools in Afghanistan, the measures taken regarding the constitution, and the state of education during the "Taliban" regime were emphasized.*

Afg'oniston tarixiga nazar tashlaydigan bo'lsak, bu mamlakat madaniy va ma'rifiy jihatdan rivojlanganlik darajasi bo'yicha dunyo davlatlari orasida quyi pog'onadagi davlatlardan hisoblanadi. Ammo shunga qaramasdan, Afg'onistonda maorif va ta'limni rivojlantirish, aholini savodli qilish bo'yicha so'nggi yuz yillikda ancha sezilarli ishlar amalga oshirildi. Tarixan jangovar va qoni qaynoq afg'on xalqi orasida bu ishlarni amalga oshirishda katta qiyinchiliklarga duch kelindi.

XX asrgacha bo'lgan davrda Afg'oniston ta'lim tizimi diniy ta'limga asoslangan bo'lib, an'anaviy qishloq maktablarida darslar o'tilgan va o'qish, yozish va arifmetika o'rgatilgan bo'lsa, XX asrga kelib dunyoviy maktablar va bilim yurtlari ochildi. Ammo faqatgina 1920-yillarga kelib ta'lim berishning zamonaviy usullari asoslari yaratildi.[15.229] Ta'limning barcha darajalarida 1931-yilgacha bolalar majburiy va bepul o'qitildi. Shunga qaramay o'rta va oliy ta'lim olish cheklangan edi. 1961-yilda hukumat ayollarga barcha davlat o'quv yurtlariga kirib o'qishlari uchun imkoniyat yaratdi. Asosiy urg'u boshlang'ich ta'limni rivojlantirishga qaratildi. 1970-yillarda yevropacha usulda qurilgan ko'plab boshlang'ich va o'rta maktablar yuzaga keldi[11.148].

1964-yilda Afg'onistonda yangi konstitutsiya qabul qilinib, unga ko'ra parlament ikki palatadan iborat bo'ldi: quyi – Xalq Kengashi va yuqori – Senat. 1965-yilda parlament siyosiy partiyalar haqida qonun qabul qildi[8.89]. Dastlabki partiyalardan biri AXDP (Afg'oniston xalq demokratik partiyasi) 1965-yilda tashkil qilindi. U "Xalq" va "Parcham" ("Bayroq") gazeta redaksiyasiga xizmat qiluvchi marksistlar to'garagi bazasida tashkil qilingan[16.99]. Uning a'zolari jamiyatning elita qismi – qirol boshqarmasi xizmatchilari, harbiylar va ziyolilar bo'lgan. Partiya ko'p o'tmasdan "Xalq" va "Parcham" nomli ikki fraksiyaga bo'lingan. Birinchisi ko'proq radikal bo'lgan, uning asosini pushtunlar tashkil qilgan, yetakchilari Nur Muhammad Taraqqiy va Xafizulla Amin edi. "Parcham" fraksiyasiga, asosan, tojiklar va shimoliy xalqlar kirgan, uning yetakchisi etib Babrak Karmal tayinlangan. 1965-yilda matbuot haqida qonun qabul qilinadi. Mamlakatda xususiy gazeta va jurnallar chiqarila boshladi.

1960-yillarda Afg'onistonda hatto tadrijiy modernizatsiyaga ham dastlabki noroziliklar paydo bo'ldi. Mamlakatdagi yevropacha yangiliklar markazi bo'lgan Kobulda qirg'in uyushtirildi. "Musulmon birodarlar" tashkiloti paydo bo'ldi, Gulbiddin Hikmatyor va Burhoniddin Rabboniyilar uning yo'l boshchilari bo'lib, ular mamlakatda G'arb madaniyatining har qanday elementlarini kiritishga qarshilik bildirganlar.

Uzoq yillik urushlar Afg'onistonda ta'lim tizimining yaxshi yo'lga qo'yilishiga to'sqinlik qildi. Nizoli davrlarda 7,5 mingdan ortiq maktablar yopilgan yoki yo'q qilib yuborilgan. Ko'pchilik

o'qituvchilar ishlarini tashlab, mamlakatdan chiqib ketganlar. 1990-yillar oxirida Afg'onistonning katta qismida ta'lim berishning dunyoviy shakllari, shuningdek, ayollar va qizlarning ta'lim olishi ta'qiqlangan edi. O'quv dasturlarida asosiy o'rinni diniy fanlar va arab tilidagi Qur'onni o'rganish egallardi. Milliy ta'lim tizimini qayta tiklash 2002-yilda yangidan boshlandi[1.122].

Hozirgi vaqtda Afg'onistonda boshlang'ich maktablarda o'qish qishloqlarda 3 yil, shaharlarda esa 6 yilgacha bo'lib, 7 yoshdan 14 yoshgacha bo'lgan bolalar uchun bepul va majburiydir. 2002/2003 o'quv yilida Afg'onistonda 1,2 mln o'quvchi mavjud edi. Ularning 30 % muvofiq yoshli bolalar bo'lgan. Boshlang'ich maktabni tugatgandan so'ng o'rta ta'limga qabul qilingan. O'rta ta'lim 2 qismga bo'lingan: to'liqsiz (7-9 sinflar) va to'liq (10-12 sinflar). 2002/2003 o'quv yilida ularda 300 ming o'quvchi o'qigan. 2005-yil oxiriga kelib mamlakatda 7 mingta maktab faoliyat yuritgan. Barcha sohalarda ta'lim olish bepul bo'lgan. 2004/05 o'quv yilida maktablarda 74466 ta o'qituvchi ishlab turgan. Mashg'ulotlar ko'pincha dariy va pushtu tillarida olib boriladi, aholi kam yashaydigan milliy guruhlar hududlarida – ularning ona tilida darslar o'tilardi. Rasmiy ma'lumotlarga qaraganda, 2004/05 o'quv yilida maktablarda 3,7 mln dan 4,2 mln gacha o'quvchi o'qir, ularning 40,5 % ni 7-14 yoshli qizlar tashkil etardi. Ammo butun mamlakatda maktablarga qatnash bir maromda bo'lmagan. Afg'onistonning janubiy provinsiyalarida 61% dan ko'proq bolalar maktabga qatnash imkoniyatiga ega bo'lmagan[12.46]. Bu muammoni hal qilish uchun qishloq maktablariga ham ta'limni yetkazib beradigan sayyor maktab dasturi ishlab chiqilgan. Kelajakda 8 yillik boshlang'ich va 4 yillik o'rta ta'limni o'z ichiga oluvchi yangi shakldagi umumta'lim maskanlarida o'qishni joriy qilish rejalashtirilmoqda. 1932-yilgi tibbiyot fakulteti negizida barpo qilingan 1946-yilgi Kobul universiteti mamlakatdagi eng katta va nufuzli dargoh hisoblanadi. 1990-yillardagi harbiy harakatlar sababli uzoq vaqt davomida u yopiq bo'lgan. Bugungi kunda unda 7 mingga yaqin talabalar ta'lim olmoqda. Ularning 1,7 ming nafarini talaba qizlar tashkil qiladi[1.110]. Shuningdek, Afg'onistonda bugungi kunda Boyazid Roshaniy nomidagi kichik Nangarxor universiteti (1962-yilda Jalolobodda tashkil qilingan, dastlab tibbiyot xodimlarini tayyorlagan), Balx universiteti (1988-yil tashkil qilingan), Hirot universiteti (1987), Qandahor (1988), Bomiyon, Badaxshon va Xost universitetlari faoliyat yuritmoqda[4.323-331]. Universitetlarda o'qish deyarli dariy tilida olib boriladi. Oliy o'quv yurtlarida o'qiydiganlar soni 2001-yil 4 mingdan 2004-yil 37 minggacha, 2005-yilda esa 40 ming nafargacha ko'paydi. Ularning 19%ini qizlar tashkil qiladi. Afg'onistonda ta'lim darajasi bugungi kunda rivojlanayotgan davlatlar orasida ancha past o'rindadir. 2000-yilda 15 yoshdan katta aholi orasida faqatgina 28,7% afg'onlar o'qish va yozishni bilardi, ularning 19,6 % ayollar va 51% erkaklar (BMTning bergan bahosi) tashkil qiladi.

1930-yillar boshida Kobul, Hirot va Qandahorda afg'on olimlari va yozuvchilarining dastlabki tarixiy-adabiy birlashmasi tashkil topdi. 1979-yil fevralda SSSR Fanlar Akademiyasi andozasida Afg'oniston Fanlar Akademiyasi tashkil etildi. U "Pashtu tolina" til va adabiyot akademiyasi (1937), Afg'oniston Tarix jamiyati (1942) va u bilan aloqador ilmiy tadqiqot muassasalarini o'z ichiga olgan edi[5.248-259].

Afg'onistonda bugungi kunga kelib kutubxonalarning ham soni birmuncha ko'paydi. Afg'onistonning asosiy kitob saqlanadigan ombori – Kobul Jamoat kutubxonasi (1957) va Kobul universiteti kutubxonasi (1931), shuningdek, Hirot xalq kutubxonasi va Kobul universiteti qo'lyozmalar bo'limi bazasida tashkil qilingan Milliy arxiv hisoblanadi. Ulardagi fondlar va kolleksiyalarning katta qismi yo'qolib ketgan. Kutubxona va muzeylarda saqlanayotgan minglab tomli to'plamlar 1990-yillarda diniy aqidaparastlar tomonidan talon-taroj qilinib, yoqib yuborilgan[2.55]. Muzeylardan eng ahamiyatlisi Kobul tarixiy-etnografik milliy muzeyidir. U 1922-yilda tashkil etilgan bo'lib, eksponatlar orasida ko'plab san'at asarlari, eski qo'lyozmalar va miniatyuralar o'rin olgan edi. Eng qimmatli materiallar ibtidoiy, qadimgi yunonlar va budda davriga tegishli materiallar, boy tangalar xazinasi (30 mingdan ortiq), tilla buyumlar va haykallar bo'lgan. 1993-yilda muzey qaroqchilar makoniga aylanadi va 1995-yilgacha unda mavjud kolleksiyalarning 90% dan ortig'i talon-taroj qilinib, Pokiston orqali boy kolleksionerlarga sotish uchun boshqa mamlakatlarga jo'natiladi. Bundan tashqari, 2000-2001 yillarda muzeyda saqlanayotgan 2700 dan ortiq san'at asarlari toliblar diniy politsiyasi tomonidan yo'q qilingan yoki buzib tashlangan. Toliblar rejimi qulagandan so'ng xalqaro birlashma Milliy muzeyni qayta ta'mirlash uchun mablag' ajratdi. Muzey 2005-yil yanvarida qayta ochildi[6.25]. Unda paleolit

davridan musulmon davlati o'rnatilgunga qadar bo'lgan davrni o'z ichiga olgan boy arxeologik va etnografik kolleksiyalar, shuningdek, zamonaviy afg'on rassomlarining asarlari o'rin olgan. Hozirgi vaqtda muzey ekspozitsiyasida 2,5 mingga yaqin eksponatlar o'rin olgan.

Matbuot va ommaviy madaniyat Afg'onistonning butun tarixi mobaynida davlat senzurasiga qaram holda rivojlangan. Afg'onistondagi dastlabki gazeta "Shams un-nahor" ("Tong quyoshi", dariy tilida) Kobulda 1873-1878-yillarda nashrdan chiqqan[10.129]. XX asr boshlarida yosh afg'onlar harakatining siyosiy jarchisi bo'lgan "Siroj al-axbor" ("Xabarlar chirog'i", dariy tilida) gazetasi Afg'onistonning barcha hududlarida keng o'quvchilar doirasiga ega bo'lgan. Afg'on matbuotining gullab-yashnashi Afg'onistonda mustaqillik tiklangandan keyingi davrga to'g'ri keladi[3.112-139]. O'sha vaqtda poytaxt va viloyatlarda 20 dan ortiq gazeta va jurnallar chop etilgan. 1931-yilgi konstitutsiya dastlab matbuot va so'z erkinligini e'lon qildi, ammo aslini olganda hukumat ommaviy axborot vositalarini nazorat qilib borgan. 1930-yil boshlariga kelganda xususiy davriy nashrlar ta'qiqlandi. Matbuot to'g'risida qonun qabul qilingandan so'ng (1951), avvalgi senzuralar rasmiy ta'qiqlandi, Afg'onistonda 10 ga yaqin turli siyosiy guruhlarining manfaatlarini o'zida aks ettirgan mustaqil nashrlar chiqarilgan. Matbuot ustidan hukumat nazorati 1952-yilgi Kobuldagi ommaviy namoyishlardan so'ng zaiflashdi. 1962-yilda ingliz tilida "Kobul Times" gazetasi chiqa boshladi. 1972-yilda barcha asosiy oppozitsion nashrlar yana ta'qiqlandi[7.113]. 1978-yildan so'ng, AXDP hukmronligi davrida barcha nashrlar yangidan senzura bo'ysundirildi. Umumiy soni 150 ming nusxagacha bo'lgan bir nechta kunlik gazetalar chiqarildi, ularning orasida dariy va pushtu tilida chiquvchi "Haqiqate inqilobe saur" ("Savr inqilobi haqiqati", 1979-yilda tashkil etilgan AXDP MK nashri), "Anis" ("Suhbatdosh", 1927-yildan, Milliy vatan fronti nashri) va "Xivad" ("Vatan", 1949-yildan), shuningdek, ingliz tilidagi "Kobul new times" gazetalar bo'lgan. Ayollar uchun haftalik "Jvandun" gazetasi va bir qancha viloyat gazetalar ham faoliyat yuritgan. Vazirliklar, Kobul universiteti fakultetlari, shuningdek, banklar oyda bir marta yoki yilda 4 marta xususiy davriy nashrlar chiqargan. 1979-yilda barcha nashrlar milliyashtirilgan.

1996-yilda Afg'onistonda 12 ta kunlik gazeta chiqarilgan, ammo ularning deyarli barchasi hukumatga "Tolibon" rejimi kelishi bilan yopildi[9.144]. "Tolibon" rasmiy matbuot organi 1998-yildan "Shariat" ("Oллоhga yo'l") gazetasi bo'lgan. 2002-yil boshida mamlakatning yangi muvaqqat hukumati matbuot erkinligi haqida qonun qabul qildi. 2005-yilda 300 dan ortiq nashrlar mavjud edi. Eng yirik gazeta va jurnallar – hukumat qoshidagi "Kobul times", "Xivad" va "Anis", shuningdek, xaftalik xususiy "Kobul uikli" (tiraji eng katta bo'lgan, 1991-yilda tashkil etilgan gazeta, dariy va pushtu tillarida chiqariladi) kabilardir. Emigrantlarni o'z ichiga oluvchi oppozitsion tashkilotlar joylarda o'z nashrlariga egadir. Gazetalarning ko'pchiligi muntazam chiqarilmaydi. Mamlakatda ko'pchilik aholi savodsiz bo'lgan hududlarda radioeshittirishlar katta ahamiyat kasb etadi. Radioeshittirishlar dasturi 1920-yillarda boshlangan, ammo 1929-yilgi qo'zg'olon vaqtida radiostansiyalar yo'q qilingan. 1941-yilda "Kobul radiosi" tashkil etiladi[13.104-110]. U 1964-yildan "Afg'oniston radiosi" sifatida mashhur bo'lgan. Toliblar davrida u "Shariat ovozi" deb o'zgartiriladi, faqatgina diniy dasturlar, diniy xabarlar berilib, dasturlar mahalliy tillarda olib boriladigan bo'ldi. "Afg'oniston radiosi" 2001-yilda efirga qaytdi[14.255].

Shunday qilib, XX asr oxiri va XXI asrda Afg'onistonda madaniyat va ma'rifatni rivojlantirish muammolari yana jonlanib, afg'on hukmdorlarining diqqat markaziga chiqdi. Toliblar davrida vayronaga aylantirilgan maktablar, o'quv muassasalari va madaniyat binolarini qayta tiklashga buyruq berildi. Ilm-fanni rivojlantirishga katta ahamiyat qaratildi. Bu sohaga BMT va YUNESKO tashkilotlarining ham aralashuvi va yordam ko'rsatishi Afg'oniston uchun ayni muddao bo'ldi. Hozirgi vaqtga kelib afg'on yoshlarini savodli qilish va yoshi kattalar o'rtasida ham savodsizlikni tugatishga qaratilgan qator tadbirlar izchil amalga oshirib kelinmoqda.

Ammo shuni ta'kidlash joizki, bugungi kunda Afg'onistonda yana hukumat Tolibon rejimi tomonidan egallanganligi sababli aholining ta'lim olishi va televideniye, radioeshittirishlar diniy xarakter kasb etib turibdi. Bu ham vaqtinchalik holat, mening nazarimda. Afg'onistonda tinchlik o'rnatilib, hukumat yana o'z o'rniga qaytgach, mavjud barcha muammolar bartaraf etilib, o'z yechimini topadi va dunyoviy xarakterga ega islohotlar orqali mamlakat rivojlanish bosqichlarida avvalgidanda yaxshiroq pozitsiyaga ega bo'ladi deb umid qilamiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Barfield, Thomas. Afghanistan: A Cultural and Political History. – Princeton Uni Press, 2010. – P.122.
2. Бойко В.С. Власть и оппозиция в Афганистане: особенности политической борьбы в 1919 – 1953 гг. – М.: Барнаул, 2010. – С.55.
3. Гирс Г.Ф. Первые печатные книги Афганистана: Источниковедческий обзор литографированных изданий XX в. на дари и пушту. /Памятники истории и литературы Востока: Период феодализма. Статьи и сообщения. – М.: Наука, 1986. – С.112-139.
4. Григорьева Т.П. Можно ли говорить об эпохе Просвещения на Востоке? // Труды межвузовской научной конференции по истории литератур Зарубежного Востока. – М.: МГУ, 1970. – С.323-331.
5. Григорьев С.Е. Начало литографического дела в Афганистане./Афганистан: Экономика, политика история. – М.: Наука, 1984. – С.248-259.
6. Жемчугов А.А. Кому мы обязаны «Афганом»? – М., 2012. – С.25.
7. Имомов Ш. История общественной мысли Афганистана во второй половине XIX—первой половине XX века. – Душанбе, 2001. – С.113.
8. Искандаров К. Политические партии и движения Афганистана во второй половине XX в. – Душанбе, 2004. – С.89.
9. Князев А.А. История афганской войны 1990-х гг. и превращение Афганистана в источник угроз для Центральной Азии. – Бишкек, 2002. – С.144.
10. Королева В.В. Анализ причин афганского кризиса и пути его урегулирования на современном этапе. – М., 2008. – С.129.
11. Коргун В.Н. Формирование и эволюция политической системы современного Афганистана, 1919-1999 гг.: Дис. ... докт. ист. наук. – М., 2000. – С.148.
12. Мухаммад Шариф Шарифи. Проблемы развития образования в Афганистане: Дис. ... канд. педаг. наук. – Душанбе, 2010. – С.46.
13. Просвещение в странах Востока. / БСЭ. Изд. 3-е. Т.21. – М.: СЭ, 1975. – С.104-110.
14. Таннер С. Афганистан: история войн от Александра Македонского до падения «Талибана». – М., 2004. – С.255.
15. Фридман А. Реформы в Афганистане (1919-1939 гг.): этапы, достижения, противоречия. – М., 2001. – С.229.
16. Шумов С.А., Андреев А.Р. История Афганистана. – М., 2002. – С.99.

МУСТАКИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИДАГИ МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР (СУРХОН ВОҲАСИ МИСОЛИДА).

Ситора Рўзимаҳматовна Бобоева,

Термиз давлат педагогика институти ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада, Мустақиллик йилларида Сурхон воҳаси энергетика тизимидаги муҳим ўзгаришлар ёритилган. Сурхондарё электр тармоқлари корхонаси, Подстанциялар, сув омборлари, гидравлик электростанциялари (ГЭС) нинг қурилиши воҳа аҳолисининг электр энергиясига бўлган талабини қондиришга хизмат қилди.

Таянч сўзлар. Электр, ГЭС, Тўпаланг, Шарғун, “Оқмачит”, “Чағам”, “Гулча”, “Ассистем”, “Зарчоб-1”, “Зарчоб-2”.

Аннотация: В статье освещаются важные изменения в энергетической системе Сурханского оазиса за годы Независимости. Строительство Сурхандарьинского электросетевого предприятия, подстанций, водохранилищ, гидроэлектростанций (ГЭС) послужило удовлетворению спроса жителей оазиса на электроэнергию.

Ключевые слова. Электр, ГЭС, Тўпаланг, Шарғун, “Оқмачит”, “Чағам”, “Гулча”, “Ассистем”, “Зарчоб-1”, “Зарчоб-2”.

Annotation: The article highlights important changes in the energy system of the Surkhan oasis over the years of Independence. The construction of the Surkhandarya electric grid enterprise,

substations, reservoirs, hydroelectric power plants (HPPs) served to satisfy the demand of the oasis residents for electricity.

Key words. *Elektr, Hydroelectric power station, Dlpalang, Shargun, "Fan", "Chagam", "Gulcha", "Assistem", "Zarchob-1", "Zarchob-2".*

Мустақиллик Сурхон воҳасида ҳам ҳар томонлама ривожланиш учун улкан имкониятларни юзага келтирди. Собиқ советлар даврида саноат ривожини жихатидан республикада 10 ўринда турган [1:481]. вилоятимизда, саноат қолоқлигини бартараф этишнинг аниқ чора-тадбирлари амалга оширила бошланди. Хусусан, электр корхоналари фаолиятида ҳам бу ижобий ҳолатни кузатишимиз мумкин.

Маълумки, мамлакатимизда 1989-1990 йиллари яқка тартибда уй-жой қурилиши учун 41 мингдан кўпроқ ер участкалари берилди ва уларни электр энергияси билан таъминлаш муаммоси келиб чиқди [2:201].

Истеъмолчиларни электр қуввати билан таъминлашдек ўта масъулиятли иш албатта энергетиклар зиммасига туша бошлади. Чунки республикаимизда турли тармоқларни яъни тезкор суратларда ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бундан кўринадики, энергетика ва саноат мамлакат иқтисодий ривожланишининг таъминловчи муҳим устиворидир. Буни яхши ҳис этган вилоятимиз энергетикларининг юзлаб малакали кадрлари ўта масъулиятли бу ишда фаол хизмат қилмоқдалар.

Мустақил Республикаимизнинг барча жабҳаларида бўлгани каби Сурхондарё электр тармоқлари корхонаси ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларида оғир иқтисодий аҳволни бошидан кечирди. Моддий техника ресурслари қийматининг юз ва минг марталаб ошиб кетиши корхонада ёқилғи мойлаш, электр асбобларининг четдан сотиб олиш каби қийинчиликларни туғдираверди.

Шунга қарамасдан электр тармоқлари корхонаси ўз ички имкониятларини ишга солиб тежаш оқибатида бир неча муваффақиятларга эришдилар. 1992 йилда электр истеъмолчиларнинг сони 170 мингга ташкил қилди [3].

1994 йилнинг бошларига келиб эса электр истеъмолчиларнинг сони, 183 минг абонентга етди. 1993 йилда халқ хўжалигига 2 млрд 196,2 млн. киловатт/с электр қуввати етказиб берилди ва топшириқлар ошириб бажарилди. Амалга оширилган қурилиш хажми 8434 минг сўмликни ташкил қилди. Бу соҳадаги режа 178% га уддаланди. Олмазор, Дарбанд, Ҳайрабод, Узун, Шеробод 200 подстанцияларида қувватли трансформаторлар ўрнатилди.

1994 йилда аҳоли жон бошига сарф қилинган электр энергияси бир йилда ўртача 1600 киловатт ташкил қилди. У қадар катта бўлмаган муддат (1980-1999) ичида кучланиш 35-500 киловатт бўлган подстанцияларнинг сони 59 тадан 123 тага, уларнинг қуввати 842,6 минг киловатт, 2 мн 630 минг киловаттга, трансформатор нуқталари 1495 дан 2270 тага, қуввати 145,6 минг киловаттдан 284,4 минг киловатт га кучланиш 4-500 киловатт бўлган электр ҳаво йўллари 12795 дан 18261 км га кўпайди [4:505]. Бу йилларда Сурхон электр тармоқлари маъмурияти, муҳандис техник-ходимлари ва ишчи хизматчилари вилоятдаги истеъмолчиларни электр қуввати билан таъминлашнинг мустақамлилигини бир неча марта оширди. Вилоятда қурилган барча 110-270 киловатт кучланиш подстанцияларнинг иккинчи навбати қурилиб ишга туширилди. Вилоятда электрлаштириш 1963 йилдан бошланиб, 1980-1998 йилларда ўзининг юқори нуқтасига етди [4:506].

Воҳада бу йилларда қуруқ ерларни ўзлаштириш, машина насос станцияларни қуриш, уларни электр энергияси билан таъминлаш масалалари муваффақият билан амалга оширилди. Кейинги йилларда ҳам бу фаолият давом эттириб борилди.

Вилоят энергетиклари ўтган 34 йил ичида 123 тонадан ортиқ транспорт подстанцияларини ҳар хил кучланишдаги 18300 км лик электр ҳаво ва кабель йўлларини қуриб ишга туширдилар. 1980-1985 йилларда колхозлардан балансга қабул қилинган электр тармоқларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда ҳар йиллиги ўсиш 250-300 км га тўғри келади.

Агар бу кўрсаткични 1963 йил билан таққосласак, йиллик ўсиш 27 баробарни ташкил этади. 1994 йилга келиб истеъмолчи абонентлар сони 183 мингга етди. Агар 1963 йил-

да вилоят электр узатиш корхонаси ҳалқ хўжалиги 95,2 млн. кв соат электр энергияси ишлаб чиқариб сотган бўлса, 1994 йилга келиб бу кўрсаткич 2 млрд 196 млн. кв соатни ташкил этди. Бу 9 млрд 201 млн. сўм демакдир[4].

Шуни қайд этиш лозимки, энергетика тизимининг нормал юритиши, вилоят энергетика тармоқлари базалари қошида, РПБ(ремонтно производственная база) ларнинг ўрни муҳимлиги инобатга олинган ҳолда мазкур ташкилотлар ташкил этила бошланди. 70-йил бошида Шўрчи, 1979 йил Сариосиё, Шўрчи, 1982 йил-Ленин йўли, 1984 йил-Бойсун, 1985 йил-Ангор, 1988 йил-Олтинсой, 1989 йил-Қумқўрғон, 90-йилларга келиб Узун, Денов, Бандихон туманларида таъмирлаш ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этилди [5].

Бугун Сурхон воҳаси аҳолисининг электр энергиясига бўлган талабини қондиришда, денгиз сатҳидан 880 метр баландликда жойлашган Тўпаланг сув омборининг ниҳоятда катта. Мазкур сув омбори платинасида 1995 йилдан бошлаб гидравлик электростанция (ГЭС) қуриш ишлари олиб борилди. Ушбу ГЭС қурулишининг лойиҳадаги қиймати 133,4 млн. сўм 1991 йил нарҳида), жумладан қурилиш-монтаж ишлари ҳаражати 50,6 млн. сўм қилиб белгиланган. ГЭС нинг умумий қуввати 175 мвт қилиб белгиланган бўлиб, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги тизимининг электро энергияга бўлган эҳтиёжининг 50-55 фоизини қондиради[6].

1997 йилда минглаб кмда ВЛ-04. 500 кв тармоқлари трансформатор пунктлари капитал таъмирланди. Мойланган шағал тошларни тозалаш ва алмаштириш ишлари ниҳоясига етказилди. 35500 кв қувватли 125 подстанцияда таъмирлаш ишлари ишлари олиб борилиб 460,5 млн сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Умумий ҳажмда 93,5 км масофада турли хил кучланишдаги юқори вольтлт линиялар барпо этилди. Сариосиё туманидаги “Шарғун” ПС-110-35-10 кв каби муҳим объектлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Унинг қуввати 16 минг КВА га тенг[7]. Айнан мазкур даврда тоғда яшайдиган даҳаларни ва Боботоғ мавзесидаги насос станцияларни электрлаштириш борасида махсус ҳукумат қарори қабул қилинди. Унга кўра “Гулча” подстанциясидан “Оқмачит” подстанциясигача электр ўтказгич линияларини қуриш бўйича лойиҳа қидирув ишлари олиб борилди. 93 кмдан кўпроқ масофада электр ўтказгич линияларини қуриш учун республиканинг 3 та махсус механизациялашган кўчма жамланмасининг ёрдами билан 73 кмли дастлабки электр ўтказгичлар ва “Чағам” подстанцияси фойдаланишга топширилди. Натижада 3 мингдан ортиқ аҳолиси бўлган қишлоқларга электр нури келди. Булардан ташқари Сариосиё, Узун, Қумқўрғон ва Жарқўрғон туманларидаги чегара қисмлари учун 93,5 км масофада ҳаво кучланиш йўллари барпо этилди [7].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4249-сон қарорига асосан электр энергияни якуний истеъмолчиларга тақсимловчи ва сотувчи ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини бошқаришни амалга оширувчи «Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти ташкил этилди.

«Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ таркибида 15 та корхона ва 2 та филиал, шундан 0,4-6-10-35-110 кВ кучланишли электр тармоқларини эксплуатация, шунингдек, мазкур объектларнинг ривожланиши доирасида янги қурилиш, реконструкция, капитал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга оширувчи 14 та ҳудудий электр тармоқлари корхонаси фаолият юритади.

14 та ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва 224 та туман ва шаҳар электр таъминоти корхоналари томонидан 35-110 кВ кучланишли 1 660 та нимстанциядан узатиладиган электр энергияси кейинчалик 86 389 дона трансформатор пунктдан чиқувчи 260,5 минг км узунликдаги электр узатиш линиялари орқали Ўзбекистон Республикасининг маиший ва юридик истеъмолчиларига етказиб берилади.

Мазкур қўшма корхона инновасион технологиялардан фойдаланган ҳолда барча турдаги электр тармоқлари ва энергетик объектларини лойиҳалаш билан шуғулланади.

Бу ҳақидаги битим 2019-йил 24-сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигида «Ассйстем Энгинееринганд Оператион Сервисес С.А.С.» компанияси (Франция) вакиллари билан учрашувда имзоланди.

Қўшма корхона Франциянинг ҳамкор компанияси ва «Ўзэнергоинжиниринг» АЖ билан биргаликда ташкил этилади ва у Ўзбекистон Республикасида масъулияти чекланган жамият шаклида фаолият юритади.

«Ўзэнергоинжиниринг–Ассйстем» қўшма корхонасининг фаолияти барча турдаги электр тармоқлари ва энергетик объектларини лойиҳалашда инновацион технологиялар ва замонавий фан ютуқларига асосланади.

Шуни қўшимча тарзда айтиш мумкинки, имзоланган битим Энергетика вазирлиги ва Франциянинг «Ассйстем» компанияси ўртасидаги ҳамкорликдаги энг муҳим босқичдир.

Бундан ташқари, жорий йилнинг май ойида томонлар энергетика соҳасида ўзаро манфаатли техник ҳамкорлик мақсадида ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумни имзоланган эди. Ушбу ҳужжат томонларнинг техник ҳамкорликнинг янги шакллари, шу жумладан, энергетика соҳасида лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш кабиларни рағбатлантиришга қаратилгани билан катта аҳамият касб этади.

Истиқлол йилларида энергетика тизимида амалга оширилган йирик қурилишлардан бири, бу Тўпаланг сув омбори қурилишидир. Тўпаланг сув омбори Сарийосиё тоғларидан оқиб тушган сувларни бир жойга тўплаш натижасида вужудга келган. Ўзига хос табиати ва баланд тоғлар қуршовидаги ушбу катта гидроиншоот бу ерда яшовчи аҳоли учун энг зарур манба ҳисобланади. 1993 йилда туғоннинг 860 нуқтасида иш олиб борилиб, туғонда 500 миллион кубометр сув тупланиб, унинг баландлиги 183 метрни ташкил қилади. ГЭС ишга тушгач эса, йилига вилоят халқ хўжалигига 160 мегавольт электр қуввати етказиб берилади, юзлаб сув насосларига жон киритади. ГЭС ер сатҳидаги 1775 метр тепаликда жойлашган бўлиб, ГЭСнинг тўртта агрегати 2005 йилда ишга туширилиши режалаштирилган эди.

Хусусан барпо этилаётган сув омборлари ишида гидравлик электростанциялар қуриш Тўпаланг сув омбори платинасида 1995 йилдан бошлаб, ана шундан бошлаб юборилди. Ушбу ГЭС қурилишининг лойиҳадаги қиймати 133,4 млн. сўм (1991 йил нарҳида), жумладан қурилиш-монтаж ишлари ҳаражати 50,6 млн. сўм. ГЭС нинг умумий қуввати 175 мвт бўлган вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги ҳажмининг электроэнергияга бўлган эҳтиёжини 50-55 фойизини қоплайди [6:35].

“Тўпаланг” ГЭС 2006 йилда ишга тушган. Бу ерда ҳар бири 15 мегаватт бўлган иккита агрегат иш бошлаган. 2017 йилда президентимиз Ш.Мирзиёев топшириғига асосан, сув омбори туғони 20 метрга кўтарилди. Натижада унинг сиғими 380 млн куб метрдан 500 млн куб метрга етказилди. Бу даврда сув омборидан пастда бир-биридан унча узоқ бўлмаган “Зарчоб-1” ва “Зарчоб-2” гидроэлектр станциялари ишга туширилди. Бу билан Тўпаланг дарёсида қурилган ГЭС лар сони 3 тага етиб, уларнинг умумий қуввати 105,6 МВт ташкил қилмоқда. Бу йилига 300 млн квт.соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. 2019 йилда биринчи ва иккинчи гидроагрегат қурилиши топшириғи берилди. Бу иш 2022 йил охирида ниҳоясига етади. Ҳар бир 72,5 мегаваттли иккита гидроагрегат қурилиши натижасида қувват 175 мегаваттга етади. “Тўпаланг” ГЭСи Ўзбекистондаги Чорвоқ ГЭСидан кейин иккинчи ўриндаги станцияга айланади [8].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23-ноябрдаги ПҚ-2661-сон қарори асосида “Сурхондарё ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ томонидан мавжуд электр тармоқларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, дастур асосида 2017-2019 йиллар мобайнида жами 265 дона турли қувватдаги 6-10/0,4 кВли трансформатор пунктлари ва 670,2 км 0,4-6-10 кВ электр тармоқлари янгидан қурилиб, реконструкция қилиш режалаштирилган. Унга кўра, техник ҳолати қониқарсиз аҳволга келиб қолган, юкламага нисбатан кичик ўлчамдаги симларни замонавий изоляцион кабелларга алмаштирилиши ҳамда кўп йиллардан буён эксплуатацияда бўлган, қисқа туташув натижасида такрорий таъмирланиши билан кўп энергия сарфлаб ишлаб келаётган трансформатор пунктлари, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ихчам, қувватга мос ҳолда танланган янгиларига алмаштирилиши белгиланган.

Шунинг натижасида ўтган давр мобайнида 45,6 минг киловаттсоат электр энергияси исрофи камайиши ва тежалишига эришилди. Ушбу тежалган электр энергияси истеъ-

молчилар томонидан ишлаб чиқариш жарёнлари ва маиший эҳтиёжларга сарф қилинади. Бу билан электр таъминоти корхонасига қўшимча даромад бўлиши билан бирга техник ҳолати қониқарсиз аҳволга келиб қолган ускуналар реконструкция қилинади. Техник хизмат кўрсатиш харажатлари сезиларли қисқаради.

Президентимизнинг соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир алоҳида эътибори, шунингдек, Осиё тараққиёт банки ҳамда Франция тараққиёт агентлиги маблағлари ҳисобидан 250 млн доллари йўналтирилмоқда. Хусусан, Сурхондарё вилояти истеъмолчиларида мавжуд жами 516 634 дона электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини замонавийсига алмаштирган ҳолда АСКУЭ тизими жорий қилиниши белгиланган. Янги автоматлаштирилган тизим истеъмолчи ҳамда таъминотчи ўртасидаги ҳисоб-китоб шаффофлигига эришиш, энергиядан оқилона ва самарали фойдаланилишга хизмат қилади.

Хуллас айнан мустақиллик йилларида энергетика тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида Сурхон воҳаси саноати, қишлоқ хўжалиги ва аҳоли ижтимоий турмуш даражасининг яхшиланиб боришида муҳим аҳамият касб этди.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Турсунов С., Қабулов Э. Ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. – Тошкент:»Шарқ», 2004. 481-бет.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент:»Ўзбекистон», 1995. 201-бет.
3. Сурхон тонги. 1993йил 21 декабрь
4. Турсунов С., Қабулов Э. Ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент:»Шарқ», 2001.
5. Сурхондарё электр корхоналари инженер Терехин материаллари.
6. Рўзиев А.Н. ва бошқалар. Сурхондарё сув омборлари ва агросаноат мажмуини ривожлантириш масалалари.
7. Сурхон тонги, 1997 йил 17 сентябрь.
8. Янги Ўзбекистон, 2022 йил 3 июнь.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ҚЎЙЧИЛИКНИ ТИКЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРГАН ИСЛОҲОТЛАРИ: НАТИЖАЛАР ВА МУАММОЛАР

Қосимов Абдисаттор Чориевич,
Термиз давлат университети Жаҳон
тарихи кафедраси тадқиқотчиси

Аннотация. Сурхондарё округида қўйчиликни ривожлантириш борасида табиий шароит, яйловларнинг қўплиги, сув таъминоти мавжудлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Совет ҳукуматининг махсус қўйчиликни ривожлантириш бўйича топшириғи тўғрисида, 1932 йил 30 апрелда Тошкентда йиғилиш бўлиб, йиғилиш қарори асосида “Ўзбеккаракуль” акционерлик жамияти “Ўзбеккаракуль” ширкатига айлантирилди. Сурхондарё округида қўйчилик соҳасида янги насларни яратиш бўйича ижобий натижаларга эришилди.

Калит сўзлар: қўйчилик, яйлов, ўсимлик, жун, қорақўл тери, хўжалик.

Аннотация. Особое значение в развитии овцеводства в Сурхандарьинской области имели природные условия, обилие пастбищ, обеспеченность водой. 30 апреля 1932 года в Ташкенте состоялось совещание в связи с заданием Советского правительства по развитию специального овцеводства, и на основании решения совещания акционерное общество «Ўзбеккаракуль» было преобразовано в общество «Ўзбеккаракуль». Положительные результаты достигнуты в сфере овцеводства в Сурхандарьинской области.

Ключевые слова: овцеводство, пастбище, растение, шерсть, черная кожа, хозяйство.

Abstract. *The natural conditions, the abundance of pastures, and the availability of water supply were of particular importance in the development of sheep breeding in Surkhandarya district. On April 30, 1932, a meeting was held in Tashkent due to the task of the Soviet government on the development of special sheep breeding, and based on the decision of the meeting, the joint-stock company «Uzbekkarakul» was transformed into the company «Uzbekkarakul». Positive results were achieved in the field of sheep breeding in Surkhandarya district.*

Key words: *sheep farming, pasture, plant, wool, black leather, economy.*

Совет даврида чорвачилик, хусусан, қўйчилик соҳасини ўрганган тарихчи олимларнинг илк диссертация ишлари ҳам ҳимоя қилинди. Б.Носировнинг диссертациясида Ўзбекистонда ташкил этилган қўйчилик совхозлари фаолияти ўрганилган бўлса, Г.Темиров ва Ж.Умаровларнинг тадқиқотларида чорвачилик соҳасини тадқиқ этиш асносида қоракўлчилик иши ҳақида ҳам қисман гапириб ўтилади.(1.21)

Бу даврда яратилган, ҳамда Ўзбекистон тарихининг совет ҳокимияти йилларида тадқиқ этилган фундаментал тадқиқотлар ва коллектив монографияларда мавзунинг айрим жиҳатлари ёритилган(2).

Қоракўлчилик асосан чўл ҳудудларида ривожланадиган чорвачиликнинг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади, қоракўл қўйлари Қорақум ва Қизилқум чўлларида боқилган ва қўйлар чуқур қудуқлардан суғорилганлиги ўз аксини топган. Шунингдек, Амударё, Сирдарё Зарафшон, Қашқадарё ва Мурғоб дарёларининг бўйларидаги ўзлаштирилмаган ерларда ҳам қоракўл қўйлари боқилган. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги даврида энг яхши қоракўл қўйларининг подалари Бухоро, Қашқадарё, Карки, Қорақалпоғистон ҳудудларида боқилган. Бу ҳудудлардаги қоракўл қўйлари асосан кичик мулкдорларга тегишли бўлиб, улар бутунлай йирик бой хўжаликлари измида эди. Бу даврда қоракўл қўйлари учун қишлоқ озуқа тайёрланмаган ва йил бўйи яйловда боқилган. Шу боис қишлоқ келганда уларнинг катта қисми, баъзи йилларда 90 фоизи қирилиб кетган(3.65).

Шунингдек, Ўзбекистондан жаҳоннинг турли давлатларига қоракўл тери олиб кетилган бўлиб, Бухородан Эронга қоракўлнинг олиб кетилиши 1844 йилдан бошлаб кўпайди, четга чиқарилган қоракўл териси навлари ичида Қарши беклигида етиштирилган кўкиш кулранг нави алоҳида ўрин тутганлиги манбалар асосида ёритиб берилган.

Қоракўл тери етиштирувчи давлатларнинг кўпчилигига қоракўл қўйлари асосан Ўзбекистондан олиб кетиб кўпайтирилди. Масалан, 1881 йили Полтава қишлоқ хўжалиги жамияти ташаббуси билан Бухоро қоракўл қўйлари Украина ҳудудига илк марта кўпайтириш учун олиб борилган, шунингдек, ғарб харидорларининг қоракўл териларига қизиқиши юқори бўлиб, улар қоракўл қўйларини Европага келтиришга ҳаракат қилсалар-да, Бухоро амирлиги тирик қоракўл қўйларини уларга сотишга монеълик қилиб, европаликлардан биринчи бўлиб босниялик савдогарлар Украина бозорларидан ўнлаб қоракўл қўйларини сотиб олди.

Илмий тарихий манбалар асосида Ўзбекистондан Эронга юборилган қоракўл қўйлар соф ҳолда урчитилган, аммо кўпинча маҳаллий қўйлар билан чатиштирилган. Эрон ҳудудида қора ва кўк қоракўл қўйлар урчитилди. Эроннинг кўк қоракўл териси ўзига хос нақш ва тусларга эга бўлиб, қимматбаҳо ҳаворанг ва кумуш ранг терилар ҳам учрайди. Жунни юмшоқ, жингалаклари бир оз бўшроқ, очиқ типда, қайишқоқ эмас, калта қалам, ловия, ҳалқа ва пармасимон жингалаклардан ташкил топган.

РКП(б) Марказий Комитетида 1922 йил 6 сентябрда йиғилиши ўтказилиб, унда БХСР Нозирлар кенгаши раҳбари Файзулла Хўжаев маърузаси ва “Бухоро масаласи” бўйича қарор қабул қилдиришга муваффақ бўлганлиги, Файзулла Хўжаев ўз китобида қоракўлчилик соҳасига эътибори манбалар асосида ёритилган.

Совет ҳокимияти йилларида чорвачиликни тиклаш ва ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор берилиб, Бухоро амирлиги даврида асосан хорижга маҳсулот чиқарган Сурхон-Шеробод воҳасида қўйчиликни иқтисодий жиҳатдан ўсишга имконият яратишга ҳаракат қилинди. Натижада, 1930 йилларда Шўрчи, Шеробод, Бойсун районларида махсус

қўйчилик отарларини яратишга жиддий киришилиб, хорижга чиқариб сотадиган қўй териларни тайёрлаш масаласи давлат режасига киритилди. Ушбу режа асосида 1930 йили Қумқўрғон ҳудудида махсус қўйчилик давлат хўжалигини тузишга эътибор берилиб, Шўрчи райони таянч ҳудуд сифатида танланиб, махсус районда янги наслни яратиш бўйича 1933 йил 10 мартда экспорт кенгаши тузилиб, унинг аъзолари сони 13 кишидан иборат бўлди. Кенгаш таркибига шаҳар совети раиси ўринбосари, шаҳар режа ва ер ишлари бўлими, давлат банки, шаҳар молия бўлими ходимлари киритилди. 1933-1934 йилларда 16 марта махсус янги қўй наслларини яратиш масаласида илмий амалий йиғилишлар ташкил этилди. Бу йиғилишларда Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Доғистондан мутахассислар иштирок этдилар(4.17-18).

Совет ҳукуматининг махсус қўйчиликни ривожлантириш бўйича топшириғи туфайли, 1932 йил 30 апрелда Тошкентда йиғилиш бўлиб, йиғилиш қарори асосида “Ўзбеккаракуль” акционерлик жамияти “Ўзбеккаракуль” ширкатига айлантириш” ҳақидаги қарори қабул қилинди[5.7-10].

Ўзбекистондаги ҳудуди масаласидан келиб чиқиб, уни номи “Қорақўлчилик” аралаш акционерлик жамияти деб номланиб, унинг Низоми 1933 йилда ишлаб чиқилди[6.23-34]. Низом асосида қўйчиликга ихтисослаштирилган жамоа ва давлат хўжаликлари Ўзбекистон Ер ишлари халқ комиссарлиги топшириғи билан “Ўзбекгосторг” таянчи асосида “Ўзбекживотноводсоюз” га қорақўлчилик хўжалигига қарашли ерлардан фойдаланиш, қорақўл қўйлари зотини яхшилаш учун хўжаликларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қорақўл етиштирувчи жамоалар ва деҳқонларнинг зоотехника, ҳамда ветеринария соҳасидаги билимларини кенгайтириш, жамиятга қарашли хўжаликлар ҳудудида қорақўл териларни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш, қорақўл териларни техник қайта ишлайдиган корхоналар ташкил этиш ва маҳсулотларни сотишни йўлга қўйиш, қонун доирасида шартнома ва актлар тузиш, жамиятнинг бошқармаси Самарқанд шаҳрида жойлашгани қайд этилади[7. 22-59].

Сурхон – Шеробод воҳасида қўйчилини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, Қўйчиликга мослаштирилган хўжаликларида ветеринария соҳасидаги ишлар етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги сабабли қўйларнинг кўпчилиги турли касалликлардан қирилиб кетди. Бойсун, Шеробод, Шўрчи ва Сариосиё районларида 1928-1932 йилларда қўйларнинг отарида брадзот касаллигидан кўп жониворлар нобуд бўлиб, жумладан, масалан, 1932 йили “Сайхон” совхозида брадзот касаллигидан қорақўл қўйларнинг 85000 таси, сибир язвасидан 650 тадан ортиғи нобуд бўлди. “Сайроб” совхозида брадзот касаллигидан 1892 бош қўй қирилиб кетди. Бундан ташқари қўйлар ёввойи ҳайвонларнинг ҳужуми ва заҳарли ўт туфайли ҳам кўплаб нобуд бўлди. Масалан, “Пошхурд”, “Чилонзор” ва “Хўжамулк” давлат ва жамоа хўжаликларида қўйларига тез-тез йиртқичлар ҳужум қилганлиги, “Дарбанд” совхозида 2 ҳафта давомида 189 дан зиёд қўйлар заҳарли ўт еб нобуд бўлганлиги архив ҳужжатларида қайд этилган[8.16-17]. Қиш ва эрта баҳорда эса қўйлар озуқа етишмаслигидан азият чекди. Масалан, 1934 йили “Шўрчи”, “Шеробод” ва “Денов” районларида қўйларни озуқа билан таъминлашда жиддий муаммолар келиб чиқди. Юқорида таъкидланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан муайян чоралар кўрилди. Хусусан, Ўрта Осиё ветеринария илмий тадқиқот институти билан қорақўлчиликка ихтисослашган совхозларда брадзот, гижжа, қичима касалликларига қарши кураш юзасидан тадқиқотлар олиб бориш, ёввойи ҳайвонларга қарши кураш бўйича тадбирлар белгиланди. Масалан, ветеринария илмий тадқиқот институти ва “Ўзбекқорақўл” ўртасида 1932 йил 16 январда 2 йиллик 156352 рубллик ва шу йилнинг 25 октябрида гижжа касаллигини тугатишга доир 2 йиллик тадқиқотлар учун 80 000 рубль миқдорида шартнома имзоланди[9. 23-25].

“Ўзбеккаракуль” бошқармаси йиртқич ҳайвонларга қарши курашга бағишланган бир нечта тадбирлар белгилаб, йиғилишлар ўтказди. Йиртқичларга қарши кураш бўйича овчилар гуруҳи ташкил этилиб, ҳар бир ўлдирилган бўри учун 40 рублдан мукофот пули, озиқ-овқатлар берилди[10.23-26].

Кўрилган тадбирлар натижасида қорақўл етиштириш ҳажми ортиб, четга қорақўл экспорт қилиш бир қадар кўпайди. 1933 йили Ўрта Осиё республикалари четга 654348

дона қорақўл терисини экспорт қилган бўлса, шундан, 424857 донаси Ўзбекистон СССР ҳисобига ва 32237 донаси Қорақалпоғистон АССР ҳисобига тўғри келади. Аммо бу борадаги режа Ўзбекистонда 82 фоизга, Қорақалпоғистонда 92 фоизга бажарилди[11.17].

Сурхондарё округида қўйчиликни ривожлантиришдаги қулай яйлов шароитлари туфайли қўйларни сони ва маҳсулот салмоғи тез ошиб борди. Сурхондарё округида қўйчилик соҳасига эътибор берилиши туфайли 1936 йили “Ўзбекқорақўл” трестига қарашли 4 та совхоз фаолият олиб борди. Шундан 2 таси қўйчилик, 1 таси гўшт, 1 тасида қорақўл терилари етиштиришга ихтисослашган эди. “Сайхон”, “Пандоб”, “Чилонзор”, “Юрчи”, “Боботоғ”, “Кофурин”, “Какайди” каби жамоа ва давлат хўжаликларида асосан зотли ва насли, ҳамда гўштор қўйлар етиштирилди[12.29]. 1936 йили битта қўйни боқиш учун 78 рубль 14 тийин маблағ сарфланиб, бу 1935 йилга нисбатан 5 рубль 89 тийин кўп эди[13.174-176].

Қўйчиликга ихтисослашган совхозларда тери билан бирга гўшт, жун каби маҳсулотлар ҳам давлатга топширилди. Масалан, 1936 йили республикада қўйчилик совхозларидан 17995 бош қўй гўштга топширилди[14.173-176].

Аммо баъзи хўжаликларнинг фаолияти талабга жавоб бермаганлиги туфайли тугатилди. “Бойбулоқ”, “Чорвадор”, “Гегидак”, “Эгарчи”, “Лайлоган” каби совхозлар шулар жумласидандир[15.11]. Умуман, жорий йилда “Ўзбекқорақўл” трести тери, гўшт ва жун етиштириш режасини бажара олмади[16.173-176].

1937 йил февралда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Советининг “Насилдор зотли қўйлар териси сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорда қўй териси етиштириш билан шуғулланувчи колхоз ва совхозларда тери сифатини сақлаб қолиш мақсадида уларни очиқ ҳавода қуритиш ман этилди[17.76]. Ўзбекистондаги 43 та колхозда қорақўл териларни қуритиш учун айвон қуриш ҳақида Халқ Комиссарлар Советининг кўрсатмаси берилди. Масалан, Шўрчи районидаги “Сайхон”, Бойсун районидаги Сайроб, Шеробод районидаги Зарабоғ колхозлар шулар жумласидандир[18.70]. Умуман, бу даврда Ўзбекистонда 118 та колхозда қорақўл терилари етиштирилди[19.31-36].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам бир қанча ютуқларга эришилди. 1942 йилда Сурхондарё вилоят чорвадорлари давлатга 34000 кг жун топширишб, жун топшириш соҳасида республикада биринчи ўринни эгаллаб, Республика жун тайёрлаш идорасининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Вилоят чорвадорлари 1942 йилда ҳам чорва молларининг туёқ сонини кўпайтиришда алоҳида фидокорлик кўрсатиб йирик шохли моллар сонини 34928 бошга, қўй ва эчкилар сонини эса 358304 бошга етказишга муваффақ бўлдилар. 1943 йилда вилоят чорвадорлари қўй ва эчкилар сонини 1940 йилдагига нисбатан 414646 бошга етказдилар[20.1].

Ўзбекистон ҳукуматининг 1950 йил 24 январдаги “Ўзбекистон ССРдаги колхозчи хўжаликларнинг ўз қарамоғидаги томорқа, ер ва мол сони нормаларини камайтириш тўғрисида”ги қарори мамлакатда жамоат чорвачилиги ривожлантириш масаласига йўл очиб берилди. Ушбу қарор асосида Шеробод туманидаги аҳолидан белгиланган режадан ошиқ бўлган 122 бош от, 70 бош қорамол, 413 бош қўй, 1157 бош эчки, 58 бош эшак ва 2 бош туялар колхоз чорвачилик фермалари ихтиёрига ўтказилди[21.209].

Вилоят чорвадорлари чорва моллари туёғини урушдан олдингига нисбатан анча кўпайтирди, қорамолларни 49 фоизга, қорақўл қўйларни 72 фоизга, бошқа хил қўйларни 38 фоизга, эчкиларни 52 фоизга кўпайтирдилар. Албатта, етиштирилган маҳсулотлар вилоят меҳнаткашларининг тинимсиз меҳнати, ғайрат-шижоати ва сабру бардошлари эвазига барпо қилинган эди. Ўша суронли йилларда воҳа меҳнат аҳли орасидан кўплаб уста пахтакорлар, донгдор деҳқонлар, соҳибкор боғбонлар, моҳир пиллабоқарлар етишиб чиқди ва улар воҳадаги кўплаб қишлоқ хўжалик ходимларига ўзларининг мардонавор меҳнатлари билан намуна бўлдилар. Вилоятнинг ана шу илғор деҳқонларидан икки нафари «Ленин ордени», 12 нафари «Меҳнат Қизил байроқ ордени», 34 нафари «Хурмат белгиси ордени» билан тақдирланган бўлса, вилоят қишлоқхўжалиги меҳнаткашларининг ҳар учтасидан биттаси «1941-1945 йиллардаги Улуғ ватан уруши шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланди. Ўша суронли йилларда вилоят

қишлоқ хўжалигида машъал бўлган илғорлардан Р. Умаров, С. Қурбонов, Н. Боймуродов, Н. Азизов, Н. Бўриева, Б. Абдурахмонова, Б. Абдуназарова, Ш. Тўраева, П. Тўрақулов, Х. Чориев, М. Тўраева, Қ. Шоҳонова, Ш. Искандарова, Х. Имомалиева ва бошқа шунга ўхшаш юзлаб инсонларнинг номларини келтириш мумкин.

Озод қилинган туманларнинг моддий ёрдам уюштириш ҳаракатида вилоятнинг Шерободтумани аҳолиси ҳамолдинда бордилар. Жумладан туманнинг Хўжаулкан қишлоқ кенгашига қарашли «Большевик» ва Й. Охунбобоев номли жамоа хўжаликларининг аъзолари озод қилинган туманлар аҳолиси эҳтиёжлари учун икки кунда 69 бош қўй ва эчки, 2 бош сигир ҳамда 2 бош от топширди [22]. Туманнинг «Зарабоғ» қишлоқ кенгашига қарашли «Қизил қаҳрамон» ва Сталин номли жамоа хўжаликларининг аъзолари озод қилинган туманларга юбориш учун 101 бош қўй, 4 бош от, 6 та гилам, 3 та пўстин, 120 дона товуқ, 200 та темир қошиқ ва 15 та қозон топширган бўлса, туманнинг Пошхурт қишлоқ кенгашига қарашли Сталин номли жамоа хўжалиги аъзолари 65 бош қўй ва эчки, Э. Тельман номли жамоа хўжалиги аъзолари эса 48 бош қўй ва эчки ҳамда 2 бош сигир, «Қизил қаҳрамон» жамоа хўжалиги аъзолари 17 бош қўй, 2 бош от, Чкалов номли жамоа хўжалиги аъзолари 17 бош қўй ва 200 дона қошиқ, коса-товоқ ҳамда 300 та темир қошиқ тўпладилар. Агар 1943 йил 16 февралгача бўлган вақт мобайнида туман меҳнаткашлари озод қилинган туманлар аҳолисига ёрдам сифатида ҳаммаси бўлиб, 7808 кг ғалла, 116110 сўм пул, 7701 кг гўшт ва 7473 кг сабзавот маҳсулотлари туплаб жўнатган бўлса, [23.42] Й. Охунбобоев хотираси учун ўтказилган озод қилинган туманларга ёрдам уюштириш бир ойлигида шерободликлар саъй-ҳаракати билан 204 бош майда мол, 20 бош от, 29 бош сигир, 11 та товуқ, 5 та чўчқа, 399 дона уй-жой, асбоб-ускуналар, кўплаб иссиқ кийимлар ва 114004 сўм нақд пул тўпланиб душман асоратидан озод қилинган туманлар аҳолисига жўнатилди [24].

Вилоят меҳнаткашлари 1944 йилнинг декабригача бўлган вақт мобайнида душман асоратидан халос бўлган туманлар аҳолисига 347094 сўм пул, 3656 та уй-рўзғор асбоблари, 5595 центнер ғалла, 636 бош қорамол, 23 бош от, 1757 кг қуруқ мева, 1630 жуфт оёқ кийимлар ва бошқа маҳсулотлар билан ёрдам бердилар. Натижада бутун мамлакат бўйлаб олиб борилаётган ҳаракатлар эвазига қисқа вақт ичида душман асоратидан халос бўлган туманларда халқ хўжалиги қайта тикланиб, ҳаёт яна изга тушди.

Улар урушда қатнашаётган жангчиларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини янада кўпроқ етказиб бериш борасида бажонидил меҳнат қилдилар. Ушбу уруш йилларида вилоят меҳнат аҳли давлатга 800000 тоннага яқин дон, 210000 тонна пахта, 15000 тонна гўшт, 5000 тонна гуруч, 170000 дона қорақўл тери, 360 тонна пилла ва 100 тонна сабзавот ҳамда мева етказиб бериш билан бирга, жангчиларга 14 миллион сўм пул, 300 тонна гўшт, 530 тонна дон, 30 тонна ёғ, 180 тонна мева ва сабзавот, 55000 ҳар хил турдаги иссиқ кийимлар юбордилар.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Насиров Б. Опыт развития каракулеводства совхозов Узбекистана.: Автореф. дисс... канд. сельскохозяйственных наук. – Кировобад, 1964. –21 с.; Темиров Г. Борьба трудящихся Самаркандской области за развитие общественного животноводства в годы семилетки (1959-1965гг.): Автореф. дисс... канд. ист. наук. –Ташкент, 1972. –23 с.; Умаров Ж. Вклад труженников села Узбекистана в развитии общественного животноводства, 1959-1975гг (на материалах Бухарской области): Автореф. дисс. канд. ист. наук. Ташкент, 1981. –23 с.

2. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я.Раджапова–Ташкент: “Шарк”, 2000. –672 с.; Ўзбекистон тарихи (1917-1991й.). Иккита китоб. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2019. –560 б.

3. Васин Б.Н. и др. Руководство по каракулеводству.–Москва: Колос, 1971–С.65.

4. Ўзбекистон Р МДА, Р-837-фонд, 11-рўйхат, 858-иш, 17-18-варақлар.

5. Ўзбекистон Р МДА, Р-837-фонд, 11-рўйхат, 858-иш, 7-10-варақлар.

6. Ўзбекистон Р МДА, Р-837-фонд, 11-рўйхат, 858-иш, 23-34-варақлар.

7. Ўзбекистон Р МДА, Р-837-фонд, 11-рўйхат, 858-иш, 22-59-варақлар.
8. Ўзбекистон Р МДА, Р-95-фонд, 2-рўйхат, 2000-иш, 16-17-варақлар.
9. Ўзбекистон Р МДА, Р-95-фонд, 2-рўйхат, 2000-иш, 23-25-варақлар.
10. Ўзбекистон Р МДА, Р-95-фонд, 2-рўйхат, 2000-иш, 23-26-варақлар.
11. Ўзбекистон Р МДА, Р-9-фонд, 1-рўйхат, 2655- иш, 17-варақ.
12. Ўзбекистон Р МДА, Р-93-фонд, 11-рўйхат, 460-иш, 29-варақ.
13. Ўзбекистон Р МДА, Р-93-фонд, 11-рўйхат, 665-иш, 174-176 варақлар.
14. Ўзбекистон Р МДА, Р-93-фонд, 11-рўйхат, 665-иш, 173-176 варақлар.
15. Ўзбекистон Р МДА, Р-93-фонд, 11-рўйхат, 590- иш, 11-варақ.
16. Ўзбекистон Р МДА, Р-93-фонд, 11-рўйхат, 665-иш, 173-176 варақлар.
17. Ўзбекистон Р МДА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 94- иш, 76-варақ.
18. Ўзбекистон Р МДА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 94- иш, 70-варақ.
19. Есаулов П.А. Состояние и задачи дальнейшего развития колхозного каракулеводства / Каракулеводства и звероводство. – М., 1948 - №1.–С.31-36.
20. Ўзбекистон Р МДА, 361-фонд, 1-ёзув, 29-иш, 1-бет.
21. Турсунов. С. Н.- Шеробод тарихи ва этнографияси.209-бет
22. «Илғор сурхон учун» газетасининг 1943 йил 24 март сони.
23. С. Турсунов. Т Пардаев «Шеробод меҳнаткашларининг улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган жасорати», Термиз-1993й, 42бет.
24. Ленинская знамая газетасининг 1943 йил 21 март сони .

ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОХАСИ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТАДБИРЛАРИ

(Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизими мисолида)

Тоштемирова Нигора Дилшодовна,

Қарши давлат университети мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: *Мамлакатимизда биринчи Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.*

Калит сўзлар: *Ўзбекистон, Соғлом авлод, оналик ва болалик, Халқаро хайрия жамғармаси, репродуктив саломатлик, туғруқ мажмуи, Перинатал Марказ, акушерлик, «Соғлом аёл», реконструкция.*

Аннотация: *Под руководством первого Президента нашей страны с первых лет независимости вопрос укрепления здоровья населения, охраны здоровья матерей и детей, воспитания зрелого поколения был определен в качестве одного из приоритетных направлений государственной государственная политика.*

Ключевые слова: *Узбекистан, Здоровое поколение, материнство и детство, Международный благотворительный фонд, репродуктивное здоровье, родильный комплекс, Перинатальный центр, акушерство, «Здоровая женщина», реконструкция.*

Abstract: *Under the leadership of the first President of our country, from the first years of independence, the issue of strengthening the health of the population, protecting the health of mothers and children, raising a mature generation was defined as one of the priorities of the state policy.*

Key words: *Uzbekistan, Healthy generation, motherhood and childhood, International Charity Fund, reproductive health, maternity complex, Perinatal Center, midwifery, «Healthy woman», reconstruction.*

Пировардида республикаимизнинг энг олис ҳудудларида ҳам замонавий шарт-шароитлар асосида тиббиёт муассасалари бунёд этилиб, улар зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ҳамда унинг моддий – техник базасини кенгайтириш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан тизимни янада такомиллаштириш, даволашнинг замонавий технология ва усулларини амалиётга изчил жорий этиш, тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш юзасидан кенг кўламли амалий ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистонда оналик ва болаликни ҳимоя қилишда моддий-техник базани мустаҳкамлаш борасидаги амалга оширилган кенг кўламли ишлар ўз самарасини бермоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан олиб қарайдиган бўлсак, 1999 йилгача Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 400 минг АҚШ доллари миқдоридagi маблағ ажратилиб, “Соғлом авлод” давлат дастури ҳамда ногирон болаларни даволаш учун препаратлар, гидролизаторлар, диагностика ускуналари ҳамда реагентлар шу мақсадларга сарфланганлигини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

2015 йилнинг ўзида 141 тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш учун қарийб 500 миллиард сўм маблағ сарфлангани бунга яққол мисол бўла олади. Республика болалар суяк-сил касалликлари санаторийси, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали, Андижон ва Бухоро шаҳарларидаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Қарши ҳамда Самарқанд шаҳарларида вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шунингдек, мамлакатимизнинг кўплаб туманларида тиббиёт бирлашмалари реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Ҳозирги кунда Давлат дастурида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш, жумладан, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ташҳис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш, касалликларнинг олдини олиш, илғор тиббиёт технологиялари ҳамда даволаш усулларини татбиқ этишни кенгайтириш, тиббиёт ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “...биз ижтимоий соҳада аҳоли саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, дори воситалари билан ишончли таъминлаш, жисмоний бақувват ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш масалаларига алоҳида устувор аҳамият бермоқдамиз”.[1,18]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони асосида:

- юқори самарали ҳаммабоп бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкил этилди;
- самарали шошилиш тиббий ёрдам тизими яратилди;
- молиявий тизим такомиллаштирилди;
- соғлиқни сақлашнинг барқарор ва рақобатбардош нодавлат тармоғи яратилди;
- оналар ва болалар учун тиббий хизматлар яхшиланди.

Биргина «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг фаолиятига назар соладиган бўлсак, 1996 йил мобайнида жами 79.964.969.74 сўмлик дори-дармон, 466.549,20 сўмлик тиббий аппаратлар учун эҳтиёт қисмлар ва техника, жамғарма дорихоналар тармоғи орқали сотилди.

Туғруқхона ва болалар муассасалари моддий техник асосини мустаҳкамлаш дастурида қатнашиб жамғарма бюджетидан ташқари маблағлардан ва хомийлардан, жамғарманинг чет эллик қатнашчиларининг молиявий ёрдамидан кенг фойдаланилмоқда.

Етказиб берилаётган тиббий-техника ва асбоб ускуналарга техник хизмат кўрсатиш вазифасини жамғарманинг техник маркази - “Ўзмедсервис” АТ бажармоқда, унинг асосий вазифаси туғруқхоналар ва болалар муассасаларидаги, ўзимизда ишланган ва чет эл тиббий техникасин таъмирлаш, сервис хизмат кўрсатишдан иборат. Ҳозирги вақтда техник марказ Ўзбекистондагина эмас, шунингдек Марказий Осиёдаги 60 дан ортиқ объектларга хизмат кўрсатмоқда. 1996 йил тиббий техникани тиклаш имконини беради.

Жамғарма ва унинг бўлимлари ҳайрия фаолиятига катта эътибор бермоқда. 1996 йил мобайнида жамғарма “Санавита”, “Пфайзер”, “Майра”, “Прибори Ой”, “Бристол

Майерс Сквев”, “Рехаб энд медикал”, “Медек”, “Ян интернейшнл” фирмаларидан 2.0 млн. АҚШ долларидан ортиқроқ маблағга дори-дармонлар, санитария ва гигиена буюмлари, контрацепция воситалари, махсус пархез дорилари, болалар таомлари, ногиронлар аравачалари, эшитиш аппаратлари, тиббий ускуналар олди ва жамғарманинг вилоят бўлимлари соғликни сақлаш, ҳамда ижтимоий таъминот вазирликлари орқали жўнатди. Жумладан, жамғарма сўрови билан “Санавита” фирмасидан 500.0 минг немис маркаси миқдорида антибиотиклар, “Элли Лилли”, “Стерлинг хелс”, “Пфайзер”, “Бристол Майерс” фирмаларидан дори-дармонлар олиниб, ихтисослашган тиббий муассасаларга берилди.

Жамғарма хорижий ҳомийлар, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар маблағларини фаоллик билан жалб қилмоқда. Биргина Япония ҳукумати грантлари ҳисобига 200,0 минг доллардан ортиқроқ маблағга Чирчиқ ва Нукусдаги туғруқхоналар тиббий ускуналар билан, Тошкент шаҳридаги республика болалар руҳий асабий диспансери махсус тиклаш ускуналари билан жихозланди. Япония ҳукуматидан фенелкетонурия, муковисцитоз билан касалланган болаларни махсус болалар таоми билан таъминлаш дастурини пул билан таъминлаш учун 100 минг АҚШ доллари ажратишга дастлабки розилиги олинди.

“АмериКерс” хайрия жамғармаси билан – жамғарманинг болалар онкологияси, силига қарши кураш, туғма ва бошқа касалликлар профилактикаси бўйича тузилган мурувват дастурларини дори-дармонлар ва тиббий жихозлар билан қўллаб-қувватлаш учун, - Ўзбекистонга 1997 йил 1 кварталда 12.0 млн. АҚШ доллари миқдорида мақсадли мурувват ёрдами қўллаш юзасидан қатъий келишиб олинди.

Жамғарма 1996 йилда “Санавита”, “Пфайзер”, “Майра”, “Прибори Ой”, “Бристол Майерс Сквев”, “Рехат энд Медикал”, “Медек”, “Ян интернейшнл” фирмаларидан 2.0 млн. АҚШ долларидан ортиқроқ маблағга дори-дармонлар, санитария ва гигиена буюмлари, контрацепция воситалари, махсус пархез дорилари, болалар таомлари сифатида мурувват ёрдами олди ва уларни вилоят бўлимлари орқали тарқатди. Жамғарма халқаро индивидлар куни муносабати билан соғлиқни сақлаш тизимига 500.0 минг немис маркаси миқдоридаги инвалидлар аравадини берди. Жумладан, - жамғарма сўровига биноан фақатгина “Санавита” фирмаси махсус тиббий муассасаларни 500.0 минг немис маркаси миқдоридаги антибиотиклар билан таъминлади.

Жами 1996 йил маблағида “Соғлом авлод учун” жамғармаси ўз маблағи ҳисобига, чет эллик шерикларидан ёрдам сифатида 2 миллион АҚШ долларидан ортиқроқ пулга дори-дармон, болалар таомлари, тиббий ускуналар, ногиронлар аравачалари, кийимлар ва бошқаларни олиб, тиббий муассасалар, республика аҳолисига берди.[2]

2010 йилнинг 9 ойлик ҳисоботида берилишича, ССВ ва Осие тараққиёт Банки иштирокидаги “Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш” лойиҳаси доирасида оналик ва болалик муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш (Андижон, Наманган, Навоий, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари) ва жихозлаш учун киритилган 94 та туғруқ муассасаларининг ОТБ талаблари бўйича тайёрлиги (узлуксиз совуқ сув ва иссиқ сув таъминоти, узлуксиз электр таъминоти, иситиш ва оқава тизими созлиги, бўлимларнинг санитария ва гигиена меёрларига мослиги) мониторинги ўтказилди. Моддий-техник базани мустаҳкамлаш учун тиббий асбоб-ускуна ва сарқ ашёлари харид қилиш учун 5,026 млн. АҚШ долл. (115%) қийматида шартномалар тузилди ва ТИАИ ва СВда рўйхатдан ўтказилди. Асбоб ускуналар ва сарф ашёлари етказиб берувчиларга аванс тўловлари тўланган ҳозирги кунда товарлар етказиб берилмоқда.

Тошкент, Фарғона, Қарши, Нукус, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари 6 та минтақавий қон қуйиш маркази ва даволаш-профилактика муассасалари ҳузуридаги касалхона қон банкларини моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун тиббий асбоб-ускуна ва сарф ашёлари харид қилиш учун шартномалар тузилиб ТИАИ ва СВда рўйхатдан ўтказилди ва 1,095 илн. АҚШ долл. аванс тўлови ўтказилди. Асбоб ускуналар ва сарф ашёлари етказиб берилди. 74 та ҚВПни ва 2315 та ҚВПни қўшимча равишда жихозлаш учун шартномалар тузилди, ТИАИ ва СВда рўйхатдан ўтказилди, 3,144 млн. АҚШ долл. (69,9%) аванс тўлови ўтказилди.[3]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорини қабул қилиниши бу борадаги ишларни янада юксак босқичга кўтарилишига асос бўлди. 2012-2016 йиллар давомида 593 та муассасада қурилиш ва реконструкция тадбирлари шунингдек, аҳоли яшаш ҳудудлардан узоқда жойлашган қишлоқларда 102 та ҚВП янги-дан қуриш ишларини олиб бориш режалаштирилиб, 1 трлн 376 млрд. сўмлик бюджет маблағлари жалб қилиниши кўзда тутилди. 2012-2016 йиллар давомида соғлиқни сақлаш объектларида 48 та янги қурилиш, 304 та объектда реконструкция ва 241 та объектда капитал таъмирлаш амалга ошириш режалаштирилган.[4]

Президентимизнинг 2012 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил Инвестиция дастури тўғрисида” ги 1855-қарорига асосан Соғлиқни сақлаш тизими бўйича 143 та объект дастурга киритилди. Тиббиёт муассасалари моддий-техник негизини модернизация қилишга 300,3 миллиард сўм маблағ, шу жумладан 42 та янги қурилиш учун 43,9 миллиард сўм йўналтирилди. Дастур бўйича Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, онкология диспансерлари, Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, барча вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, шаҳар поликлиникаларини замонавий ташҳислаш ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш мақсадида деярли 25 миллион долларга тенг бешта инвестиция лойиҳаси амалга оширилди.[5,3]

2012 йил 22 март куни “Sumsung C&T Corp.” билан келишув имзоланди ва ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида рўйхатга олиниб, асбоб-ускуналар келтириш бўйича ишлар олиб борилди.[6]

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш мақсадида мамлакатимиз Президенти томонидан тасдиқланган Инвестиция дастурига мувофиқ ўтган йилнинг ўзида тиббиёт муассасалари моддий-техник негизини такомиллаштириш учун деярли 256 миллиард сўм сарфланди. Шу ўрин-да таққослаган ҳолда ушбу мақсадларга 2009 йилда 9,3 миллиард, 2010 йилда 79,1 миллиард, 2011 йилда 135,8 миллиард сўм сарфланганини келтириб ўтиш жоиздир. Бундан ташқари, 2012 йилда замонавий даволаш ва ташҳис асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш учун тиббиёт муассасаларига саккиз миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Ҳисобот даврида қайд этилган маблағлар ҳисобига, жумладан, 154 та тиббиёт муассасасини қуриш ва реконструкция қилиш, 7,5 минг ўрин га мўлжалланган шифохоналар ва кунига 11 минг кишини қабул қила оладиган амбулатория-поликлиникалар фойдаланишга топширилди. Инвестиция дастурида кўзда тутилганидек, 12 та республика тасарруфидаги муассасада қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш учун 34 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди.[7,3]

Мамлакатимиз биринчи Президентининг 2008 йилдаги «2008-2012 йилларга мўлжалланган «Болалиқдан ногиронликнинг олдини олиш борасида туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги 897-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 14 та скрининг марказида 183 мингдан ортиқ наслий ва туғма касалликларга чалиниш хавфи гуруҳига кираётган ҳомиладорлар тиббий генетик текширувлардан ўтказилди. Болалар орасида юқумли касалликларнинг олдини олиш ва камайтириш мақсадида эмлаш ишлари ижобий яқунланди. Болаларда гельминтоз тарқалишига қарши кураш бўйича стратегик дастур ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.[8]

Соғлиқни сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш мақсадида 2014 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурида 137 та тиббиёт объектларини барпо этиш ва реконструкция қилиш учун 407,4 млрд. сўм ажратилди. Бугунги кунда 137 та объектлар бўйича тендер савдолари яқунланди ва 163,4 млрд. сўмлик (43%) қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.[9]

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкин-ки, Республикамизда эпидемик барқарорликни таъминлаш ҳамда оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш мақсадида амалга оширилаётган муҳим тадбирлар натижасида ўтган йиллар давомида аҳоли ўртасида полиомиелит, дифтерия, қоқшол касалликлари рўйхатга олинмади. Карантин ва ўта хавфи юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик барқарорлик ҳам доим меъёрида сақланмоқда.

2013 йилда юртимизда мутлақо соғлом болалар туғилиши 63 фоиздан ошди. Дунёнинг ривожланган давлатларида бу кўрсаткич 70-72 фоизни ташкил этишини инобатга олсак, юртимизда бу борада юксак ўсиш суръатларига эришилаётганлигига амин бўламиз. Яна бир муҳим натижа шундан иборатки, болаларнинг ирсий хасталиклар ва нуқсонли туғилиш хавфи 2000 йилдагига нисбатан 2013 йилда 14 фоиз камайганлигида намоён бўлди. Ёки ҳозирги вақтда 92 фоиз ўғил-қизларимизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўлиқ мос келади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 2017 йил 14 январь. Тошкент.:Ўзбекистон.-2017.-Б.18.

2. Ўзбекистон Республикаси Илмий Техникавий ва Тиббий ҳужжатлар Марказий Давлат архиви (кейинги саҳифаларда ЎЗР ИТТХМДА тарзда берилади), М-233-фонд, 1-руйхат, 2-варақ.

3. ЎЗР ИТТХМДА, М-372-Фонд, 1-Руйхат, 40-варақ.

4. ЎЗР ИТТХМДА. М-372-Фонд, 1-Руйхат, 41-варақ.

5. Ф.Шарипов. Мустақиллик дастхати//Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, 2013йил 25 январь № 4(921), -Б.3.

6. ЎЗР ИТТХМДА. М-372-Фонд, 1-Руйхат, 41-варақ.

7. Ф.Шарипов. Мустақиллик дастхати//Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, 2013йил 25 январь № 4(921) -Б.3.

8. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, 2013йил 8 февраль № 6(923)

9. ЎЗР ИТТХМДА. М-372-Фонд, 1-Руйхат, 95-варақ.

ХУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ СУРХОНДАРЁ ИҚТИСОДИДАГИ ЎРНИ

Файзулла Тилолов,

Термиз давлат университети мустақил тадқиқотчи

Аннотация: Ушбу мақолада ХХ аср бошларида Сурхондарё вилояти аҳолисининг хунармандчиликнинг қайси тармоқлари билан шуғуллангани, инқилобдан кейинги даврда воҳадаги саноатнинг аҳволи, янги очилган саноат корхоналари ҳақида илмий адабиётлар ва архив маълумотлари асосида маълумотлар берилган.

Таянч сўзлар: Маҳаллий хунармандчилик, темирчилик устахоналари, Ф.И.Колесов, Туркистон хунармандчилик уюшмаси, “Қизил Ширкат”, Бойсун, Шерабад.

Аннотация: В данной статье на основе научной литературы и архивных данных дана информация о промышленности Сурхандарьинской области в начале 20 века, состоянии промышленности оазиса в послереволюционный период, вновь открытых промышленных предприятиях.

Ключевые слова: Местные промыслы, кузнечные мастерские, Ф. Я. Колесов, Туркестанское ремесленное объединение, «Кызыл компани», Байсун, Шерабад.

Abstract: In this article, information is given on the basis of scientific literature and archival data about the industries of the Surkhandarya region at the beginning of the 20th century, the industry in the oasis after the revolution, the newly opened industrial enterprises.

Key words: Local crafts, blacksmith workshops, F.I. Kolesov, Turkestan Crafts Association, «Kyzil Shirkat», Boysun, Sherabad.

Кекса тарихга мурожаат қилар эканмиз аждодларимиз қадимдан хунармандчилик соҳиби бўлганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Хунармандлар жамиятда ўз ўрнига эга

бўлган ва аҳолининг каттагина қисмини ташкил қилган. Аждодларимиз томонидан яратилган ҳунармандчилик ва амалий санъатнинг мисгарлик, ўймакорлик, заргарлик, кулолчилик, каштачилик, пичоқчилик, гилам тўқиш, зардўзлик ва кўплаб бошқа турларига оид намуналар жаҳоннинг бир қатор мамлакатлари музейларида, кўргазма залларида намоиш қилинган ва бошқа халқлар олқишига сазовор бўлган.

Лекин, мустабид совет тузуми даврида ҳунармандчилик ва ҳунармандларга муносабат тубдан ўзгарди, уларнинг асосий тирикчилик воситаси бўлган оддий устахоналари ва дастгоҳлари ҳам мусодара қилинди. Ҳунармандлар эса “майда товар ишлаб чиқарувчилар”, “майда буржуазия вакиллари” деб уларга “мулкдор” ва “эзувчи синф” сифатида қаралди. Бу даврда ҳунармандчиликни бутунлай янги ташкилий тизимда қайта қуриб, янгича йўналиш ва мазмун касб этгани ҳолда ундан социализм манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилди. Натижада анъанавий ҳунармандчилик турларидан баъзиларининг сифати ва кўриниши ўзгарди, баъзилари ижтимоий -сиёсий тузум сиқуви остида “кераксиз” бўлиб қолди.

Ваҳоланки, XX аср бошларида ҳам ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшовчи аҳоли ҳаётида кун кечиришнинг асосий воситаси сифатида муҳим аҳамият касб этган. Бинобарин, бу даврда ҳунармандчилик ҳам шаҳарда, ҳам қишлоқ жойларида кенг ривожланган. 1917 йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 105-118 мингтагача ҳунармандчилик корхоналари фаолият юритган[1]. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда Россия империяси ва совет даврида ҳунармандчиликнинг баъзи турлари касодга учради, баъзилари изсиз йўқолди. Сабаб, аҳоли асрлар давомида шуғулланиб келган анъанавий ҳунармандчилигини унутиб, Россия империяси учун пахта ва бошқа хомашё маҳсулотлари етиштирувчиларга айланди.

Аммо, Россия империяси мустамлакаси йилларида Туркистонда ҳунармандчиликнинг баъзи турлари, яъни қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланиб борди. Россия империяси даврида пахтага, чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб эҳтиёж ортиб бориб, қишлоқ хўжалигининг айнан шу соҳалари тез ривожланди. Қишлоқ хўжалиги учун меҳнат қуроли (кетмон, болта, теша, ўроқ, арава, чорва молларининг жунини оладига қайчи(қирлиқ) га бўлган талаб ошди.

Қишлоқларда эса асосан темирчилик устахоналари, арава ва эгар яшаш, меҳнат қуроли, отларга тақа, мих, чангак ҳамда рўзғор учун кундалик меҳнат, уй-рўзғор буюмлари (идиш- товоқ, кийим-бош)га бўлган эҳтиёж қосиблар томонидан қондирилди.

Совет ҳокимияти илк кунидан бошлаб, социалистик ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қарор топтириш йўлидан борди. Бунинг оқибатида юқорида таъкидлаганимиздек, асрлар давомида шаклланган ҳунармандчилик ривожига болта урилди.

Иқтисодий соҳада ёш совет Туркистони раҳбарияти кўпол хатоларга йўл қўйди. 1918 йил 26 февраль куни Туркистон халқ комиссарлари советининг раиси Ф. И. Колесов пахта толаси ва хом пахтани мусодара қилиш тўғрисидаги декретга шошма-шошарлик билан имзо чекди. Бу ҳужжатда пахтага ҳақ тўлаш тартиби белгиланмаган бўлиб, бу нарса пахтакор деҳқонларнинг ижтимоий аҳволини ғоят оғирлаштириб юборди ва уларнинг оммавий норозилигини келтириб чиқарди. Гап шундаки, хали марказий Россиядаги тўқимачилик корхоналари миллийлаштирилмаган бўлиб, бу соҳада ҳусусий мулк сақланган эди. Мазкур декретга кўра, қисқа вақт ичида заводларга топширилган 3,4 млн пуд пахта толаси, 6 млн пуд хом пахта, 600 минг пуд пахта ёғи, 4 млн пуд чигит, 1,1 млн пуд кунжара совет давлати ихтиёрига бепул ўтди. Деҳқонлар заводларга топширган пахтаси учун ҳам, улардан олиб кетилган пахта учун ҳам лоақал қатъий нарҳда ҳам пул олмадилар. Бу эса улардаги маънавий-сиёсий норозиликни келтириб чиқарди. Бу норозилик, айниқса деҳқон ихтиёридаги ерларни ҳам мусодара қилиб, бу ерларда турли коммуналар, артеллар, ширкатлар тузилиши муносабати билан янада кучайди. Унинг устига Туркистон деҳқонлари Россиядан пахта хисобига келтирилган дон ҳисобига яшаб келган эдилар. 1917 йил Россиядан ғоят кам миқдорда дон жўнатилди, бунинг устига шу

йили ўлканинг ўзида дахшатли қурғоқчилик рўй берди, дон хосили ғоят кам бўлдики, бу миллионлаб ерли аҳолининг очликдан қирилиб кетишига сабаб булди[2].

Хунарманд ва косиблар ихтиёридаги қолиплар, иплар, чармлар хатто игналар ҳам мусодара қилиндики, бундан ерли шаҳар аҳолисининг норозилиги кучайди. Бу ижтимоий аҳволнинг оғирлашишига, сўнгра сиёсий вазият кескинлашиб, оқибат ерли аҳолининг бир қисми фуқаролар урушида қатнашишига сабаб бўлди. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида бўлгани сингари, Сурхондарё территориясида ҳам фуқаролар уруши бошланди. Ву уруш натижасида канчадан-канча бегунох кишилар қурбон бўлди. Кўплаб оилалар ўз уй-жойларини ташлаб шаҳарларга, бошқа ўлкаларга ва чет элларга бош олиб кетишга мажбур бўлдилар.

Юқорида қайд қилганимиздек, мустабид совет ҳукуматининг дастлабки кундан юритган нотўғри иқтисодий сиёсати ва истиқлолчилик ҳаракати туфайли юз берган вайронагарчилик саноатни, транспортни, айниқса қишлоқ хўжалигини тушкун ҳолатга олиб келди, савдо-сотиқ тўхтаб қолди. Халқ исътемом моллари бўлган пахта ёғи ва совун ишлаб чиқариш ва бошқа товарларга бўлган талаб кескин ошди. Мамлакатнинг бошқа минтақаларидан ғалла, газлама, металл буюмлар, тахта-ёғочлар ва бошқа маҳсулотларнинг олиб келиниши деярли батамом тўхтаб қолганлиги сабабли ўлкада мушкул вазият юзага келди. Натижада, хунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ва улар хизматларига бўлган талаб кучайди.

Аммо совет ҳукумати қилинган хатолар, жумладан хунармандчиликда йўл қўйган хатоларини тузатиш йўлидан бориб, бу тармоқни изга тушириш чораларини кўра бошлади. Бу даврда хунармандчилик асосан икки йўл билан ривожланди: эскиларининг тиклаш ҳамда янги корхоналар ташкил этиш. Бунда мамлакат ўзининг молиявий-иқтисодий аҳволдан келиб чиқиб, биринчи галда аҳолининг кундалик эҳтиёж моллари учун маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган ҳамда қишлоқ хўжалиги учун турли хил асбоб-ускуналар ишлаб чиқарадиган кичик ва ўрта хунармандчилик артелларини ва уларнинг янги тармоқларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратди.

1921 йил февралда Туркистон МИҚ, Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Кенгаши ва Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши ташаббуси билан хунармандчилик кооперативлари Умумтуркистон қурултойи чақирилди ва қурултойда Туркистон хунармандчилик иттифоқи (Туркпромсоюз) тузилди[3]. Шунингдек, Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг 1921 йил августдаги қарори асосида Туркистонда косиб-хунармандларни кооперацияга бирлаштириш ҳаракати бошлаб юборилди. 1922 йилга келиб жами косибларнинг 38840 нафари кооперацияга бирлашди. Худди шу даврда Сурхондарёда ҳам хунармандларни артелларга жалб қилиш ҳаракати бошланди. Маълумки, Бойсунда азалдан аллачабоплик, темирчилик, мисгарлик, заргарлик, қулоччилик, дегрезлик, чармгарлик кенг ривожланган. Лекин дўконлар косиблар кўлида бўлмаганлиги сабабли, улар оғир аҳволда яшаганлар. 1924 йилнинг охири 1925 йилнинг бошларида Бойсун туманида “Қизил ширкат” ташкил этилди. Шу йили уста мулла Бобоқул, Хамро, Муҳиддин, Қиём хўжа ва бошқалар биринчилардан бўлиб ширкат ихтиёрига ўтдилар. 1927 йилнинг баҳорига келиб “Қизил доска” хунармандчилик артели ташкил этилди ва унинг ихтиёрида 4 цех барпо этилди. Бу цехлар асосан Бойсун туманининг марказида, Пасурхи, Боғибало ва Сариосиё қишлоқларида жойлашган бўлиб, унинг аъзолари сони 9 кишидан иборат эди[4].

Шунингдек, 1926 йилда Шерободда “Қизил офтоб”, “Қизил юлдуз” кўнчилик, “Қизил босқон” металл буюмлари, “Қизил мактаб” тўқимачилик, “Алимбоев” транспорт, Термизда “Кожевник”, “Хуршид” кўнчилик, қурилиш, “Ленин” транспорт, “Красный строитель”, “Красные женщины Востока” номли қурилиш артеллари ташкил қилинган. 1927 йил октябрга келиб округда жами 18 та хунармандчилик артеллари фаолият кўрсатган[5].

Вилоятда 20-30 йилларда янги саноат корхоналари қурилиши билан бир қаторда, Сурхондарё иқтисодининг ривожига қатта ҳисса қўшиб, халқ талабини қондириб келаётган майда хунармандчилик корхоналарини тиклашга ҳам алоҳида эътибор берилди. Майда

саноат корхоналарини қайта тиклашга эътибор берилишининг ўзига хос сабаблари бор эди, чунки бу корхоналари қуйидаги энг муҳим асосий вазифаларни адо этганлар:

а) йирик саноат корхоналари бўлмаганлиги сабабли, аҳолининг саноат маҳсулотларига бўлган талабини қондирган;

б) қишлоқда ишсизлар сонининг камайишига ёрдам берган;

в) қишлоқнинг саноат маҳсулотига бўлган талабини маълум даражага бўлсада қондиргани ҳолда, қишлоқ хўжалигининг ривожига ижобий таъсир кўрсатган.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтмоқ жоизки, Сурхондарёдек чекка вилоятда хунармандчилик саноати ишлаб чиқаришда алоҳида ўз ўрнига эгадир. Фуқаролар урушидан кейинги тиклаш йилларида вилоятга фабрикада тўкилган матоларнинг кам олиб келиниши натижасида аҳолининг Бойсун ва бошқа цехлардаги тикувчи хунармандларнинг матоларига бўлган талаб бир неча баравар ортди. Маҳаллий хунармандлар аҳолининг пахта матоларига бўлган талабини қондирибгина қолмасдан, балки марказий Россияга ҳам ўз маҳсулотларини экспорт қилганлар, 1928 йилда Ўзбекистондан марказий Россияга ойига 10-15 вагон йигирилган пахта ипи жўнатилган. Озиқ-овқат саноатида ун тегирмонлари, мой жувозлар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари бўлган талабини қондиришда муҳим роль ўйнади. 1928 йилда қайта таъмирланган 469 тегирмон, 508 мой-жувоз вилоят аҳли учун хизмат килди.

20-30 йиллардагина эмас, балки hozirgi кунда ҳам аҳолининг пойафзалга бўлган талабини қондиришда этикдўзлик устахоналарининг ўзига хос ўрни бор. Нафақат Сурхондарё балким Ўзбекистон иқтисодида ҳам кунчилик ва пойафзал хунармандчилиги катта роль ўйнаган, чунки ўша йилларда давлат саноати аҳолининг тери маҳсулотларига бўлган талабини 10% қондиргани холла, хунармандчилик саноати 90% ни ташкил этган.

Умуман олганда 20-йилларда Туркистонда 12278 хунармандчилик корхоналари мавжуд бўлган бўлса, шундан 1728 таси Сурхондарё вилоятида эди. Бу йилларда хунармандчилик корхоналари ишчиларга, хомашёга ҳамда бозорга эга эди. Шу боисдан тўқувчилик, мисгарлик, темирчилик, кўнчилик, қандолатчилик каби хунармандчилик корхоналари замонавий фабрика- заводлар рақобати йўқлиги туфайли, анчаривожланди. Туркистон ўлка саноатида 1920 йили 13 300 ишчи ишлаган бўлса, хунармандчилик корхоналарида 150 минг киши ишлаган[6].

Юқорида таъкидлаганимиздек хунармандчилик корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариши жиҳатидан саноат корхоналарига нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарганлар. 1927-1928 йилларда Сурхондарё саноат корхоналари 2072 минг сўмлик, майда хунармандчилик корхоналари эса 3884 минг сўмлик яъни жами маҳсулотнинг 78,9 фоизини ишлаб чиқардилар[7].

30-йилларда республиканинг йирик хунармандчилик корхоналарини енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари ҳисобига ўтказилиши натижасида хунармандчилик артеллари сонининг камайишига сабаб бўлди. Артел сони камайишига қарамасдан унинг аъзолари сони ошиб борганини кўриш мумкин. Агар 1933 йилда артел аъзоларининг умумий сони 29008 кишини ташкил қилган бўлса, 1940 йилга келиб улар сони 61327 кишини ташкил этди. Бу артелларнинг йириклашиб бораётганидан далолат беради[8].

Худди шу даврда Сурхондарё округи хунармандчилик иттифоқида 1935 йил 1 январда 15 тага, 1937 йил 1 январда 16 тага, 1939 йилда 8 тага тушиб қолди. 1940 йилга келиб улар сони 18 тага кўтарилди[9]. Ҳақиқатан ҳам артеллар йириклашиб борганини улар томонидан ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотда кўриш мумкин. Сурхондарё округи хунармандчилик иттифоқида 1932 йилги ўзгармас нарх бўйича қуйидагича ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилган:

1. 1936 йил- 2943,6 минг сўмлик;
2. 1937 йил-5442,8 минг сўмлик;
3. 1938 йил – 7134,3 минг сўмлик;
4. 1940 йил- 17738,3 минг сўмлик.

Хулоса қилганимизда урушгача бўлган йилларда Сурхондарё округи аҳолисининг озиқ-овқат, кийим-кечак маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда маҳаллий хунармандчилик маҳсулотлари муҳим роль ўйнади.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар:

1. Ўзбекистон ССР тарихи. 4 жилдлик. 2 жилд. – Т.,1968. – Б. 170.
2. Қобулов Э. Сурхондарё саноатининг илк одимлари. -Термиз, 1993. -Б.8
3. ЎзМА, 25-фонд, 1-рўйхат, 524-иш, 349-варақ.
4. Қобулов Э. Сурхондарё саноатининг илк одимлари.- Термиз, 1993. – 30 б.
5. ЎзМА, 297-фонд, 1-рўйхат, 114-иш, 9-варақ.
6. Каримов Р. Ўзбекистоннинг социал-иқтисодий тараққиёти тарихидан. – Т.,1981. – Б. 15.
7. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 18-фонд, 1-рўйхат, 310-иш, 42-варақ.
8. Литвак Л.Е., Цыпкина М.А. Развитие местной и кооперативной промышленности Узбекистана. – Т., 1957. – С.12.
9. ЎзМА, 2325-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 15-19-варақ.

ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ – ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ МАНФАТЛАРНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Шамшиева Вазира Абдувалиевна,
*Жиззах Давлат педагогика
университети тадқиқотчиси,*

Аннотация: *Ўзбекистонда ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларга етарлича шарт-шароитлар яратиш бериш энг олий мақсад қилиб олинган. Ёшларни жамиятда ўз имкониятлари ва салоҳиятини эркин намойиш этишлари учун шарт-шароитлар яратилган.*

Калит сўзлар: *глобаллашув, жамият, ахборотлашган жамият, ёшлар, соғлом авлод, маънавият, маърифат, тафаккур, инновация, ижтимоий манфаат.*

Аннотация: *В Узбекистане высшей целью является поддержка молодежи и создание для нее достаточных условий. Созданы условия для того, чтобы молодежь могла свободно демонстрировать свои возможности и потенциал в обществе.*

Ключевые слова: *глобализация, общество, информационное общество, молодежь, здоровое поколение, духовность, просвещение, мышление, инновации, общественный интерес.*

Abstract: *In Uzbekistan, the highest goal is to support young people and create sufficient conditions for them. Conditions have been created for young people to freely demonstrate their opportunities and potential in society.*

Key words: *globalization, society, information society, youth, healthy generation, spirituality, enlightenment, thinking, innovation, social interest.*

Бутун глобаллашув ва ахборотлашган жамият шароитида дунёда юз бераётган ахборот алмашинуви, илм-фан ва техниканинг тараққий этиш жараёни мустақил Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини таъминлаш билан узвий боғланган бўлиб, баркамол авлод тарбиясида алоҳида аҳамият касб этади. Ана шундай муҳитда ёшлар билан боғлиқ бўлган бўлган шарт-шароитларни инсонийлаштирмай туриб, уларнинг жисмоний ва маънавий эҳтиёжларини ўрганмасдан мазкур қатламнинг онг ва тафаккуридаги ўзгаришларни билиш қийин. Инсон тафаккури унинг яшаш тарзи ва яшамоқ орзу-истакларининг муштараклиги орқали шаклланади.

Дарҳақиқат, она Ватанимиз Ўзбекистонда истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларга етарлича шарт-шароитлар яратиш бериш энг олий мақсад қилиб олинди. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунида қуйидаги мазкур ёшларга оид масалаларда қуйидагилар таъкидланган: “Ёшларга оид давлат сиёсати — давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг

интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими” [1].

“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги мазкур қонунда ёшларни илм олиш ва келажакда ўз касбининг етук мутахассиси ва рақобатбардош кадр қилиб тайёрлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланган. Мазкур ҳужжат доирасида республикада ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш, уларнинг таълим олишини яхшилаш, кадрлар тайёрлаш тизими сифатини тубдан ошириш ҳамда ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сонли «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ёшларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг инновацион механизмлари кўрсатиб ўтилди. Масалан:

“ёшларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган ёш авлодни илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш, уларни «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари!» ғояси атрофида бирлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини амалга оширишда фаол иштирок этиш;

ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, замонавий касб-хунарлар, рақамли иқтисодиёт кўникмаларини пухта эгаллашлари учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш жараёнларига кўмаклашиш;

ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, ёшлар соҳасидаги халқаро рейтингларда мамлакатимиз мавқеини ошириш бўйича зарур чоралар кўриш, хорижда таълим олаётган ёшлар билан олиб борилаётган ишларни тизимли йўлга қўйиш” [2].

Бугунги кунда мамлакатимиз олдида турган асосий вазифа ҳар томонлама, ҳар бир кўрсаткичлар бўйича ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиб олишдир. Бунга эса жисмоний, маънавий, ахлоқий жиҳатдан соғлом ва эркин, инновацион тафаккурга эга, замонавий фикрлайдиган авлодларсиз эришиб бўлмайди. Бундай маънавий эркинлик ўз моҳияти жиҳатидан ёшларни ҳар жиҳатдан камол топишини ҳам тақозо қилади. Мустақил Ватанимизнинг замонавий ёшлари буюк маънавият ва шарқона комиллик анъаналарининг ворисларидир. Уларда мустақиллик ғоялари асосида, комил инсон концепцияси йўналишида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ривожлантириш катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этиши ҳам ижтимоий тараққиётда муҳим роль ўйнайдиган омиллардан биридир. Республикада бугунги кунда ҳар бир йигит-қизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ва ўз имнониятлари ва салоҳиятини эркин намоён этишлари учун оламшумул ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Ўзбекистонда Ёшлар парламентлари, Ёшлар ишлари агентлиги фаолият кўрсатмоқда. 2020 йил 12-13 август кунлари ёшлар ҳуқуқларини тарғиб қилишнинг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми нафақат мамлакатимиз ва минтақамиз, балки бутун сайёрамиз ёшларининг ҳаётини яхшилаш учун глобал ҳамкорликнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлашга қаратилгани билан ғоятда аҳамиятлидир” [3].

Халқаро анжуманда “Ёшлар-2020: глобал бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” номли Самарқанд резолюцияси қабул қилинди. Ҳужжатда, жумладан, ёшлар ҳуқуқлари ҳар ким фойдаланиш зарур бўлган, аммо айримлари ёшининг кичиклиги туфайли бундай имкониятдан маҳрум этилган ҳуқуқлар экани қайд этилди. 2020 йилда Самарқанд резолюцияси БМТ Бош Ассамблеяси 74-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тақдим этилди. Шунингдек, у ЕХХТ Доимий Кенгаши ва Ислом ҳамкорлик

ташкilotининг расмий ҳужжати сифатида ҳам тарқатилганлиги бежиз эмас. Чунки Самарқанд резолюцияси ҳозирги замон давлатларининг ривожланиш билан боғлиқ барча жараёнларда ёшларни янада кенг жалб этиш зарурлигини ҳар томонлама тасдиқлашга хизмат қилади [4].

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг ғоясига кўра, бу дастуриламал ҳужжатда Ўзбекистоннинг дунёдаги энг илғор давлатлар сафига киришдек улуғвор мақсадга етиши бўйича вазифалар белгилаб бериб, ёшларимиз Ватан равнақига хизмат қилишга, “Ўзбекистон-2035” стратегиясини рўёбга чиқаришга қодир, дея таъкидлаган. Шунингдек, Президентимиз, “Илк қадам сифатида экспортни ошириш ҳамда инвестицияларга жуда катта эътибор бериляпти. Дадил айта оламан, бугун биз “ўзбек мўъжизаси”нинг остонасида турибмиз. Бу нафақат орзу, балки исбот талаб қилмайдиган воқелик-аксиомадир” [5], деб таъкидлаган.

Мўъжиза бу шундай кашфиёт - воқеликки, унинг макон ва замонда пайдо бўлиши жамият тараққиётига қандай таъсир кўрсатиши, ҳатто уни янги ўзанга солиб юбориши, инқилобий ўзгаришлар қилишга қодир куч-қудратдир. Ўзбекистонда олиб борилаётган чуқур ислохотлар халқаро экспертлар томонидан “шиддатли мўъжизавий ҳолат” дея баҳоланмоқда. Ўзбек халқининг азалий орзуси мустақиллик эди-бунга эришилди: бу – илк, аммо бош мўъжизадир.

Дарҳақиқат, талабчан ва новатор, зийрак ва зукко, узоқни кўра оладиган давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2016 йил 8 сентябрдан шундай истиқболли ва стратегик феномен - ўзбек мўъжизасини “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”,-деган ўта оригинал ва юксак истиқболни ўз ичига олган тарихий-ҳуқуқий жараёнларни бошлаб берди. 2016 йил сентябрдан то 2022 йилнинг бугунги кунигача ўнлаб, юзлаб инновацион лойиҳалар амалга оширилиб, инвестициялар киритилди, булар янгиланаётган Ўзбекистоннинг Президенти томонидан киритилган ташаббуслар маҳсулидир.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, билим ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун зарур шароитлар яратилмоқда. Юртимизда 2021 йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” [6], деб эълон қилиниши бунинг яна бир амалий ифодасидир.

“Маълумки, ёшлар янгича фикрлашга, янги-янги ғояларни дадил ўртага ташлаб, уларни амалга оширишга, муаммоларни ижодий ва ностандарт ёндашувлар асосида ҳал этишга мойил бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда ёш авлод вакилларининг билим олиши, илм-фан, инновациялар, адабиёт, санъат ва спорт соҳасидаги истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши, уларнинг жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун барча шароитларни яратишга устувор аҳамият бермоқдамиз”, [5: 51] -деб таъкидлайди муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган ўзининг интервьюсида. Давлатимиз раҳбари ўз фикр-мулоҳазаларини давом эттирар экан, биз бу йўлда катта ишларни бошлаганлигимизни таъкидлайди.

Мамлакатимизда юқори билим ва малакага эга бўлган, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадида олийгоҳлар сони 141 тага етказилди, 26 та хорижий олий таълим муассасасининг филиаллари очилди [8]. Ҳолбуки, 2016 йилда республикамиздаги олийгоҳларнинг сони 77 та эди. Кейинги беш йилда олий таълимга қабул квотаси 3 баробар оширилиб, жорий йилда 182 минг нафар ёшлар учун талаба бўлиш имконияти яратилди. Бу-умумий қамров 28 фоизга етди, деганидир [7: 52]. Қиёслаш учун, 4 йил аввал бу рақам атиги 9 фоизни ташкил этарди.

“Беш муҳим ташаббус” дастури, “Баркамол авлод” марказлари доирасида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун бу йилнинг ўзида 36 мингта қўшимча тўғарак ташкил этилиб, 874 мингта яқин бола уларга жалб этилди. Шунингдек, таълим муассасалари, кутубхона ва ўқув марказларига қарийб 100 мингта санъат ва спорт инвентарлари, компьютерлар, 600 мингта яқин китоб етказиб берилди.

Бугунги кунда ёшларнинг тадбиркорлик соҳасидаги ғоя ва ташаббусларини рўёбга

чиқариш, уларни иш ва даромад манбаи билан таъминлашга давлат миқёсида катта аҳамият берилмоқда. Ана шундай эътибор туфайли сўнгги тўрт йилда 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар сони беш баробар кўпайиб, 500 мингдан ошгани ушбу соҳа ривожига муҳим роль ўйнамоқда [7:54]. Бу йилнинг ўзида 92 мингдан зиёд ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2 триллион 300 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилгани бундай ёшларимиз сафини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Кундалик ижтимоий маиший ҳаётимиздан ундай факт ва рақамларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистон қисқа муддат ичида мутлоқ тўғри, айна пайтда, янгиланаётган стратегик йўлдан бораётганини исботлади. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев, айниқса, ёшларга юксак ишонч билдириб: “Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича биз бошлаган улкан ишларни янги босқичга кўтаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган асосий куч айнан ёшларимиздир”, деб Ватанимиздаги минглаб ўғил-қизларини катта ишларга руҳлантирди. Давлатимиз раҳбари ёшларга қаратилган ўз нутқларида адолат, фидойилик ва тарбия сўзларини кўп қўллайди. Бу бежиз эмас, албатта. Мамлакатимизнинг келажаги айнан шу омилларга кўп жиҳатдан боғлиқ ва мазкур жараён барча фуқаролар, айниқса ёшларда шу юрт келажаги ва тақдирига бўлган дахлдорликни оширишига шак-шубҳа йўқ.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсти тўғрисида”ги қонуни <https://lex.uz/acts/3026246>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сонли «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида сўзлаган нутқини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш. Т.: “МАЪНАВИЯТ”, 2021.78-б.
4. “Янги Ўзбекистон”, 2020 йил 15 октябр.
5. “Халқ сўзи”, 2019 йил 26 феврал
6. <https://strategy.uz/index.php?news=1212> 30.10.2022.
7. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. -Тошкент: “O‘qituvchi” MU MCHJ, 2021. 51-52-54-б.
8. <https://kknews.uz/uz/86345.html> 30.10.2022.

МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР МОДДИЙ МАДАНИЯТИМИЗ МЕРОСИ

Қоражаева Дилором Намозовна,

Термиз давлат университети еркин тадқиқотчиси

Аннотация: *Жаҳон цивилизация тараққиётида юксак моддий ва маънавий маданиятга эга бўлган Ўзбекистон ҳудудида инсониятнинг илк аждодлари яшаган манзилгоҳлар, тасвирий санъатни шаклланишига ҳисса қўшган ҳамда сунъий деҳқончилик, ҳамда ҳунармандчилик тараққиётига асос солган маданий марказ сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир. Мақолада муқаддас қадамжолар моддий маданиятимиз меросида тутган ўрни ҳақида сўз боради.*

Калит сўзлар: *Муқаддас қадамжолар, усталар-ганчқоплар, Ганч ўймакорлиги, Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий мақбараси.*

Аннотация: *В развитии мировой цивилизации населенные пункты, где жили первые предки человечества на территории Узбекистана, обладающего высокой материальной и духовной культурой, имеют особое значение как культурный центр, способствовавший формированию изобразительного искусства и положили начало развитию искусственного земледелия и ремесел. В статье говорится о роли святых мест в наследии нашей материальной культуры.*

Ключевые слова: *святыни, мастера-ганчкоп, ганчская резьба, мавзолей Аль-Хакима ат-Турмизи, мавзолей Абу Исы Мухаммада ибн Исы ат-Турмизи.*

Abstract: *In the development of world civilization, the settlements where the first ancestors of mankind lived in the territory of Uzbekistan, which has a high material and spiritual culture, are of special importance as a cultural center that contributed to the formation of visual arts and laid the foundation for the development of artificial farming and handicrafts. The article talks about the role of holy places in the heritage of our material culture.*

Key words: *Holy shrines, masters-ganchkop, Ganch carving, Al-Hakim at-Tirmizi mausoleum, Abu Isa Muhammad ibn Isa at-Tirmizi mausoleum.*

Ўтмиш аждодларимиз асос солган моддий ва маънавий маданият масканларини янада мукамал ўрганиш долзарб масала бўлиб, халқимизнинг маънавий ҳаёти юксалишида муносиб ҳисса қўшган авлод-аждодларимиз тарихини ўрганиш ҳозирги кунда долзарб масалалардан биридир.

Аждодларимиз сифатли ва чидамли қурилиш материалларидан моҳирона фойдаланганлиги учун қадимий қадамжолар неча-неча асрлардан буён савлат тўкиб турибди. Муқаддас қадамжоларни қуришда муҳим ҳисобланган манбалардан бири ганчдир. Гипс билан тупроқининг табиий аралашмасидан иборат бўлган бундай қурилиш материалнинг 70 фоизини гипс ташкил этади. Айни вақтда сунъий ганч ҳам бўлади. Табиий ганч катта харсанг ҳолида учрайди, уни ўйиб, йўнаб, сайқаллаб устун, ҳайкал ва бошқа хил безаклар ясалади. Сунъий ганч эса аввал махсус печда қиздириб, кейин майдалаб тайёрланади.

Қадимдан ганч тайёрловчи усталар-ганчкоплар табиий ганч тошларини хумдонда 120-150 даражада ҳароратда 6-7 соат қиздириб, кейин туни билан совитиб қўйишган. Эрта билан совитилган бу тошлар тўқмоқ ёрдамида майдаланиб ғалвир ёки элакдан ўтказилган. Энг майин, донатор ганч гул ганч (улар гул ўйиш учун ишлатилган) деб аталган. Ганч нечоғли майин бўлса, ўйма нақш шунчалик нафис, бадий гўзал кўринадию майин ганч нафис ўймакорликда пардоз сувоқ учун ишлатилса, йириги ҳар хил сувоқ ва ғишт теришда асқотади.

Ганч ўрнида баъзан алебастр ҳам ишлатилади, у сувоқ, ғишт теришда, баъзи ҳолларда эса гул ганч ўрнида ҳам қўлланади. Ганч ўймакорлиги билан шуғулланувчи ганчкор усталар ганчнинг қувватини унинг қай даража ҳароратда қиздирилгани, шунингдек унинг тез ёки секин қотишига кўра аниқлайдилар. Ҳақиқий устаганччи қўлига олиб қисмлагани чоғи унинг эски ёки янгилиги, қуввати яхши ёмонлигини айтиб беради. Одатда ганч қувватини аниқлаш учун уни озгина қориб, ўйиб кўрилади. Жуда кучли бўлса, ҳаттоки минг маротабагача сувда сувда айлантиришга тўғрикелади. Ганчнинг ўзига хос сирли хусусиятлари ундан моҳирона, омилкорлик билан фойдаланишни тақазо қилади. Зеро ганч қоришнинг нозик жиҳатлари бор. Қадимги усталар ганччи сирли лаганда қоришган, ҳозир, ҳозир пластмасса идишлар қўл келаяпти.

IX-X асрларда Сурхон воҳасида меъморчиликнинг янада юксак ривожланиши туфайли турли йўналишда қурилиш ишлари амалга оширилиб, ушбу ҳолат муқаддас қадамжолар, масжид-мадрасалар қурилишида яққол намоён бўлди. Бу даврда Термиз ва Чағониёнда ҳам ўзига хос меъморчилик намуналари бунёд этилиб, масжид бинолари ёнида ҳашаматли ва улуғвор минора ва хонақоҳ, уламою авлиёларнинг мозорлари устига мақбаралар қурилиб, зиёратгоҳга келувчиларнинг сонига қараб уларни сажда қилиши, дам олиши, тиловат қилиши учун махсус бинолар ҳам барпо этила бошланди.

IX асргача муқаддас қадамжолар лой ва хом ғишрдан қурилган бўлса, энди пишиқ ғишт ишлатилатилиб, аҳоли орасида ҳозиргача мусулмон ғишт деб юритиладиган ушбу қурилиш ашёси сариқ лойдан тайёрланиб, махсус хумдонларда пиширилган.

Сомонийлар (IX-X асрлар), Қорахонийлар (X-XI асрлар), Ғазнавийлар ва Салжуқийлар (XI-XII асрлар) даврида Чағониён ва Термиздаги муқаддас қадамжолар ўзига хос хом ва пишиқ ғишрдан меъморий услубда қурилган янги обидалар бунёд этилди. Мазкур сулолалар даврида қадим Сурхон воҳасида ўзига хос маданият ва меъморчилик ривожланиб, шарқона меъморий услубда муқаддас қадамжоларга бағишлаб қурилган

архитектура ёдгорликлари ҳозирги кунгача сақланиб қолган бўлиб, ҳалигача ўз тароватини йўқотмаган.

Асрлар давомида Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг турли вилоятларидан ўзига кўплаб зиёратчиларни жалб этиб келган энг йирик зиёратгоҳлардан бири – ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасидир. Термиз тумани – Эски Термиз ҳудудида жойлашган бу мақбара 1091-1095 йилларда Мовароуннаҳрдаги Қорахоний сулоласи ҳукмдори Аҳмад ибн Хизрнинг кўрсатмасига мувофиқ ал-Ҳаким ат-Термизий қабри устига бунёд этилган[3].

Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси IX асрда шаклланиб қадимий меъморчилик ёдгорлиги бўлиб, у турли даврда қурилган ягона бир бутун меъморий обидани ташкил этган. Мақбара XI-XIV асрлар давомида Эски Термиз қалъасининг шимоли-ғарбида барпо этилган иморатлар мажмуасидан иборат бўлиб, X-XI асрларда ат-Термизий мақбараси шимолида уч гумбазли айвон, унинг ғарбий деворида пишиқ ғишт билан қопланган меҳробдан иборат дуо-таъзия масжиди қурилган. Мақбара ери (поли) масжид еридан 1,5 метр баландликда жойлашиб, мақбара бир неча марта таъмирланган[7].

Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасининг асосий қисми Амир Темур даврида 1390 йилнинг август-сентябрида қуриб битказилиб[2], XV асрнинг бошларида Амир Темурнинг невараси Халил Султон (1405-1409) Термиз устидан ҳукмронлик қилган даврда мақбаранинг шимоли-шарқий қисмида ҳашаматли хонақоҳ қурилган. Бу олдинги биноларга нисбатан бошқача кўринишда бўлиб, хонақоҳ дарвешларнинг кичик ётоқхонаси бўлмай, балки баланд зал бўлиб, тасаввуф аҳлининг тафаккурхонаси бўлган. Амир Темурнинг ўғли Шохруҳ замонида ал-Ҳаким ат-Термизий мазори устида оқ мрамрли муҳташам даҳма сағана ўрнатилиб, мақбара қурилиб[4], қабртош юзасига ниҳоятда гўзал ва нафис ёзувлар битилган. Унда ат-Термизийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар ёзилган. Қабртоши темурийлар давридаги тош кесиш, ўймакорлик ва нозик меъморчилик санъатидан далолат беради.

Ҳаким ат-Термизий иншооти унча катта бўлмаган тўртбурчак шаклида тўрт тарафдан гумбаз билан ўралиб, гумбазлари икки қаторли миф билан қопланганиб, иншоот деворларида турли ёзувлар мавжуд. Иншоотга мрамр тошлар билан безак берилиб, мрамр усти оқ рангда фил суяги ва турли-туман ўсимлик расмлари билан безатилиб, ғарбий томондан уч гумбазли масжид қурилган. Унинг девори шимол томонда давом этиб, Ҳаким ат-Термизийнинг қабрини кўриш учун йўл очилган. Қолган иккитаси шарқий томонга қараб, уч гумбазли масжид ташқи томондан ганж билан ишлов берилган. Иншоотнинг ташқи кўриниши «П» ҳарфини эслатиб, ҳовлиси арчага ўхшаб терилган ғиштлардан иборат. Жанубдан ва шимолдан ганжли панжаралар билан чегараланиб, иншоотнинг умумий ўлчами 28,0x29,0 метр, унинг деразалари катта ҳажмли бўлиб, Ҳаким ат-Термизий мақбарасининг ўлчами 5,10x4,70 метрни ташкил этади.

Мақбара ҳақидаги дастлабки маълумотни А.Бўкова 1878 йилда аниқлаган. 1926-27 йилларда Шарқнинг маданият музейи ходимлари Б.П.Денике ва Б.Н.Васўпкинлар иншоотнинг ўлчамини аниқлаган, 1936 йилда ТАКЭ (Термезская археологическая комплексная экспедиция) аъзолари М.Е.Массон бошчилигида тадқиқот ишларини ўтказишган, 1938 йилда Г.А.Пугаченкова мақбара ҳақидаги маълумотларни ёзиб қолдирган, 1947 йилда В.П.Петров, 1955 йилда В.М.Филимонов ва К.А.Шахўринлар бошчилигида ёдгорликнинг таъмирланишига оид тадқиқотларни амалга оширганлар[1].

Манбалардаги маълумотларга кўра, Шайбонийлардан бўлган Абдуллахон 1573 йил Балхни қамал қилишда Саид Абдуллоҳ Термизийнинг ўғли Мир Арабнинг уйида кўним топган. Абдуллахон Термизда бўлганида ал-Ҳаким ат-Термизий ва Абу Бакр ал-Варроқ ат-Термизийнинг мазорларини зиёрат қилган[2].

XIX аср охири-XX аср бошларида Шеробод беклигидаги Бухоро-Афғонистон чегарасидаги Эски Термиз харобалардан қуйида Паттакесар ҳудудида Янги Термиз шаҳрини қуриш бошланди. Термиз ҳудудига келган Россиялик сайёҳлар, ҳарбийлар маҳаллий ҳудуддаги моддий ва маънавий бойликларни ўрганиш мақсадида Термиз ва унинг атрофидаги халқимизнинг ўтмишда яратган моддий маданият ёдгорликларини талон-тарож қилиш ва Россияга олиб кетиш билан шуғулландилар. Россияликлар Ат-Термизий, Султон саодат, Қирққиз каби ёдгорликлардаги қадимий ёзувларни,

қўлёмаларни, этнографияга оид қимматбаҳо буюмларни олиб кета бошладилар. Россиядан келган бу гуруҳ кишиларни талончилик ҳаркатидан норози бўлган Шеробод беги Мирза Салимбек тарихий ёдгорликларнинг талон-тарож қилишига ва бузиб ташланишига қарши чиқиб, келгиндиларни зудлик билан жазоланишини Бухоро амиридан хат орқали сўради. Натижада унинг олиб борган қатъий тадбирлари туфайли ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси ва шунга ўхшаш муқаддас маданий ёдгорликлар ҳамда зиёратгоҳлар сақланиб ҳамда унинг атрофидаги суғориш ишлари тўхтатилиб, обидалар сақланиб қолинди[2].

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий мақбараси (X-XI асрлар) Сурхондарё вилоятидаги ислом олами миқёсида катта аҳамиятга эга бўлган йирик зиёратгоҳлардан бўлиб, у Шеробод туманининг шарқий томонидан олти километр масофада жойлашган, мақбара шимоли-ғарбдан то жануби-шарққа узайтирилган ҳолда қурилиб, жануб томонда гўрхона жойлашиб, Гўрхонадан кейин кенг айвон қурилган.

Марказий зал ва масжид меҳроб билан, жанубдаги гўрхона тарафдан эса ғиштли пештоқ билан, шимол томондан кенг айвон билан ўралган. Учинчи зал ҳам саккиз қиррали пешайвон билан ўралган. Учинчи залнинг шимолий тарафида уч қиррали ва саккиз қиррали гирех нақшлар ўйилган. Хоналарга унча катта бўлмаган деразалар орқали ёруғлик тушади[1].

Мақбара хонасининг устки қисми гумбаз билан ёпилган ва тўртта хона тўғри услубда ёпилган бўлиб, хонақоҳ квадрат шаклдаги 24-25x4,5-5 сантиметрлик пишиқ ғиштлардан лой қоришмалар билан қад кўтарган. Бинонинг умумий ҳажми 19,3x6,8 м, учта хонанинг ҳажми бир хил 4,3 метрни ва олдинги хона 1,8 метрни ташкил этади[6].

Бино кўпгина ўзгаришларни бошидан кечирган. Масжид билан мақбара бир-бирига боғланиб, дераза ромлари қайтадан ишланганиб, айвон XV асрда шимоли-ғарбга қараб йўналтирилган ҳамда мажмуа шимоли-ғарбий томондан анчагина шикастланган.

Мақбаранинг олд тарафига XX асрнинг бошларида устунлари ўймакорлик билан ишланган айвон қурилган ва таъмирлаш ишлари амалга оширилган[5].

Исо ат-Термизий архитектура қурилиш бўйича дастлаб Д.Н.Логафет, 1945 йилда В.А.Варонин, 1968 йилда археолог З.А.Ҳакимов, 1977 йилда А.Акаменко, И.Гудков ва З.А.Аршавскаялар тадқиқот ишларини олиб борганлар[1].

Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон жаҳон маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшиб, ислом дини кириб келишидан аввал VIII асргача ҳам бой меъморчилик ва ҳунармандчилик анъаналари тараққий этган мукамал моддий маданият ҳар томонлама ривож топган ҳудуд ҳисобланган. Минтақага ислом дини кириб келгач, маҳаллий анъаналар исломий маданият билан уйғунлашиб юксалиш палласига кириб, IX-X асрларда меъморчиликнинг ажойиб ютуқлари ва намуналари, айниқса масжид-мадрасалар қурилишида кўпроқ намоён бўлди. Масжид бинолари ёнида ҳашаматли ва улуғвор минора ва хонақоҳ, уламою авлиёларнинг мазорлари устига мақбаралар қурилди. Бундай жойларда зиёрат этувчиларнинг сони кўп бўлганидан махсус бинолар ҳам барпо этила бошланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Ҳакимов З.А. Средневековье памятники Сурхондарё. Т.: Издательство литературы и искусства имени Г.Гулам, 1982.-Ст. 113.
2. Мирзо Ж. Термиз тарихи. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 62.
3. Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазоев Б. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 58.
4. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом. 2-жилд. – Т.: Фан, 1969. – Б. 310.
5. Сурхондарё вилояти Маданият бошқармаси археологик ёдгорликларни сақлаш бўлими материаллари. Термиз-2004 й. 24 март.
6. Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги археологик ёдгорликларни сақлаш бўлими архиви материаллари.Т.-2004й. май.
7. Диний идора маълумотномаси, 2004 й, 9-март.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ИЖТИМОЙ ТУРМУШИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Олламуродов Нурали,

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси эркин тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада Иккинчи жаҳон урушидан кейин Собиқ СССРнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам, жумладан Сурхондарё вилоятида олиб борган қайта тиклаш сиёсати ва қишлоқ аҳолининг ижтимоий ҳаётида юз берган ўзгаришлар ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, пахта екиш, ижтимоий таъминот, колхоз, биринчи истеъмол товарлари, озиқ-овқат.

Аннотация: В статье рассказывается о политике реконструкции, проводимой в Сурхандарьинской области и изменениях в социальной жизни сельского населения, как и во всех регионах бывшего СССР, после Второй мировой войны.

Ключевые слова: сельское хозяйство, хлопководство, социальное обеспечение, колхоз, товары первой необходимости, продовольствие.

Abstract: The article talks about the reconstruction policy carried out in Surkhandarya region and the changes in the social life of the rural population, as well as in all regions of the former USSR, after the Second World War.

Key words: agriculture, cotton planting, social security, collective farm, primary consumer goods, food.

Уруш йилларида ва урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклаш йилларида СССРда ижтимоий соҳанинг ривожланишига қилинадиган сарф-ҳаражатлар сезиларли даражада чекланган эди. Чунки уруш ва тиклаш даврининг қийинчиликлари ижтимоий соҳани изга солиш йўлида қилинадиган вазифаларни анча орқага суриб қўйган эди. Ижтимоий дастурларга ишлаб чиқариш учун қилинган сарф-ҳаражатлардан қолган маблағлар ажратилар эди. Бу даврда бутун мамлакатда бўлгани сингари Ўзбекистон қишлоқ аҳолисининг аҳволи ҳам ниҳоятда оғир эди. Уруш йилларида аграр соҳа моддий техник базасининг заифлашуви, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг кескин камайиб кетганлиги қишлоқ аҳолиси иқтисодий аҳволини мушкуллаштириб юборди, ўзбек деҳқонининг қашшоқлашувига олиб келди. Бу даврда ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашиш орқали кун кўриш аҳоли даромадининг асосий манбаи эди. Лекин колхозчиларга ёзилаётган меҳнат кунлари орқали бериладиган натура ҳолатидаги иш ҳақлари аҳолининг минимал даражадаги талаб ва эҳтиёжларини ҳам қондира олмасди. Чунончи 1945 йилда республика колхозларидаги барча ишлар учун атиги 363,7 млн меҳнат куни ёзилган эди. Бир колхозчига ёзилган ўртача меҳнат куни шундан аввалги йилдагига нисбатан 311 дан 293 га тушиб қолган эди[5]. Бу даврда колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш асосан маҳсулот билан амалга оширилди. Бу эса қишлоқ аҳолининг бозор билан алоқаларини анча чеклаб қўярди. Қолаверса меҳнат куни учун тўланадиган маҳсулотларнинг миқдори ҳам ниҳоятда паст эди. Ваҳоланки, Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси оиласининг таркиби серфарзандликка асосланган эди. 1945 йил 1 январ ҳолатидаги ҳисоб китобларга биноан ўзбек қишлоқларининг оила таркиби жамоа хўжаликлари бўйича 4,6 кишини, давлат хўжаликлари бўйича эса 3,9 кишини ташкил қиларди[11].

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг етарли бўлмаганига қарамасдан жамоа хўжалиги аъзолари далаларда мажбуран эртадан кечгача меҳнат қилган. Меҳнат куни минимумини бажарилмаганлиги учун эса қаттиқ жазо чораларини қўллаш тартиби ҳамон давом этиб келмоқда эди. Барча даражадаги раҳбарлар жазо чорасини меҳнат интизомини мустақкамлашнинг асосий воситаси деб ҳисобларди. Бу даврда давлат хўжаликлари яъни совхозлар ишчиларининг иш ҳақи ҳам анча паст эди. Масалан, 1946 йилда саноат ишчиларининг иш ҳақи 453 рубль бўлгани ҳолда, совхозлардаги ишчиларининг иш ҳақи эса 165 рублни ташкил этарди[12]. Албатта иттифоқ ва республиканинг сиёсий раҳбарияти барча ре- сурсларни қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун сафарбар қилиш мақсадида урушдан

кейинги дастлабки йилларда қишлоқ меҳнаткашлари меҳнатини рағбатлантиришнинг, меҳнат кунларини ҳисоблашнинг меҳнатга ҳақ тўлашнинг мавжуд тартибларини ўзгартиришга ҳаракатга қилган. 1948 йил 19 апрелда СССР Министрлар Совети “Колхозларда меҳнатни ташкил қилишни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва уни тартибга солиш тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди[1]. Бу қарор жамоа хўжалиги аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини бир оз бўлсада яхшилади. Қолаверса, 1947 йилда ўтказилган пул ислоҳоти ҳам қишлоқ аҳолиси моддий аҳволига таъсир ўтказишда муҳим омил бўлди. Бундан ташқари, СССР Министрлар Советининг 1949 йил 4 февралда қабул қилган “Колхоз ва совхозларда пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида”ги қарори ҳам қишлоқ иқтисодиётини мустаҳкамлаш ва хўжаликларнинг даромадини оширишда муҳим аҳамият касб этди[2]. Республика пахтакорлари давлатга топширган пахта ҳосили учун 1949 йилда 4 млрд 76 млн. рубль шу жумладан 904 млн. рубль миқдорида мукофот пули олган эди[4]. Кўриниб турибдики, ўзбек деҳқонининг турмуши ҳам бир қадар изга туша бошлади. Буни Сурхон воҳаси қишлоқ аҳлига тўланаётган иш ҳақлари миқдорининг ошиб боришидан ҳам билиш мумкин. Мисол учун областдаги қишлоқ хўжалик жамоалари етиштирган пахта ҳосили учун 1948 йилда 87 млн рубль пул олган бўлса, 1949 йилга келиб 283 млн. рубль миқдорида пул олдилар[13].

Пахта нархларининг оширилганлиги ҳамда жамоа ва давлат хўжаликларининг даромадларини кўпайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар хўжаликларнинг иқтисодий аҳволини муайян даражада мустаҳкамлашга ва деҳқонларнинг моддий турмуш даражасини нисбатан яхшилашга ёрдам берди. Лекин урушдан кейинги йиллар ва 1950-йилнинг бошларида мутлоқ кўпчилик одамлар, айниқса қишлоқ аҳолиси учун қийин давр бўлди. Бошқарувнинг маъмурий тизими, қуруқ сафсатадан иборат валютаристик қарашлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ва умуман ижтимоий ҳимоя тизимига зарарли таъсир ўтказди. Провардида инсон омили масаласи кейинги ўринга суриб қўйилди. Оқибатда ижтимоий соҳа учун маблағ ажратишнинг қолдиқ принципи устуворлик қилди. Шу боисдан ҳам қишлоқ жойларда уй-жой ва маданий маиший қурилишни ташкил қилиш соҳасидаги камчиликлар, шунингдек қишлоқ аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар етарли эмас эди. Қишлоқларда уй-жойлар, мактаблар, шифохоналар, кескин тарзда етишмасди.

Қишлоқ хўжалик ишчиларига иш ҳақи тўлаш тизими мутлоқо талабга жавоб бермаган. Бунинг устига қишлоқ меҳнат аҳлига иш ҳақлари ойлаб тўланмас эди. Ҳатто колхозчилар кексалик нафақасини олишдан ҳам маҳрум бўлган. Тўланаётган иш ҳақлари ҳам кундалик эҳтиёжни қопламас эди. Шу боисдан ҳам қишлоқ аҳли томорқалар ҳисобидан яшарди. Урушдан кейинги йилларда томорқа қишлоқ аҳолиси моддий таъминотининг асосий манбаи эди. Бироқ давлат томорқа хўжаликлари эгаларига ҳеч қандай ёрдам бермасди. Аксинча урушдан кейинги дастлабки йилларда колхозчиларнинг томорқаларини бир неча бор қисқартирди. Мисол учун 1946 йил сентябрда ВКП (б) МҚ ва СССР ҳукуматининг “Колхозларда қишлоқ хўжалик уставининг бузилишини тугатиш чоралари тўғрисида”ги қарорига биноан Сурхондарё областидаги 6137 колхозчининг оиласига қарашли томорқалардан 752 гектар ер уставда белгиланган меъёрлардан ортиқча” деб тортиб олинди[14].

Қишлоқ аҳолисини ердан маҳрум қилиш жараёни 1950-йилларда ҳам давом эттирилди. Бундай адолатсизликка ҳеч ким қарши чиқа олмади. Чунки қишлоқ хўжалик артели тўғрисидаги низом одамларнинг ҳошиш истагидан йироқ ҳолда тузилган, низомни ўзгартириш ёки унинг қоидаларини қишлоқ аҳолисининг манфаатларига мослаштиришнинг ҳеч қандай иложи йўқ эди. Негаки мустабид тузум ҳар қандай эркин фикрни жиловлаб қўяр эди. Лекин аҳолининг фаровонлигини мумкин қадар оширмасдан туриб, меҳнат унумдорлигига эришиб бўлмас эди. Шу боисдан ҳам 1947-1950 йилларда энг зарур моллар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана нархлари бир неча марта пасайтирилди. Бироқ пул ислоҳоти ҳам нарх-навонинг пасайиши ҳам аҳолининг харид қувватини сезиларли даражада оширмади. Масалан, Сурхондарё областининг Шеробод районидаги Киров номли жамоа хўжалиги аъзоларининг бир меҳнат кунига 65 тийин

тўланган бўлса, районнинг Ленин номли жамоа хўжалигида бу кўрсаткич 36 тийинни ташкил этган[17]. Ҳатто баъзи жамоа хўжаликлари меҳнат кунига бундан ҳам кам ҳақ тўланган. Мисол учун 1951 йилда Ўзбекистондаги 239 жамоа хўжалигида меҳнат кунига умуман ҳақ тўланмасдан чекланган тарзда дон билан натура ҳолда иш ҳақи берилган. 42 та қишлоқ хўжалик артели аъзоларига ҳатто натура тарзда ҳам иш ҳақи берилмаган[6]. Шу боисдан ҳам қишлоқ меҳнат аҳлининг даромадлари салмоғида иш ҳақининг улуши бу даврда атиги 5,8 фоизини ташкил этарди. Колхозчиларнинг умумий даромади саноат ишлаб чиқариш ишчиларининг даромадидан тахминан 1,5 барабар паст эди. Ўрта ҳисобда бир колхозчи оиласига бир йилда 1090,1 рубль тўғри келарди. Бу пулнинг 674,2 рубли озиқ-овқат учун, 207,9 рубли нооziқ-овқат моллари, асосан газлама ва кийим кечак учун сарфланарди[10].

Республикада полиз ва мева етиштириш учун қулай шароит бўлишига қарамасдан ушбу маҳсулотларни истеъмол қилиш 1950 йилларда белгиланган физиологик меъёрлардан тахминан 8-9 барабар кам эди. Аммо 1953 йил сентябрь пленумидан кейин қишлоқ аҳолисининг моддий аҳволида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Чунончи солиқ сиёсати тартибга солинди, давлатга маҳсулот етказиб беришнинг мажбурий меъёрлари камайтирилди, харид ва тайёрлов нархлари оширилди. Бу эса қишлоқ хўжалик кучларини ўсиши ҳамда хўжаликларнинг даромадларини ошишига бир мунча шароит яратди. Пленум қарорларига биноан меҳнат кунига тўланадиган пул ва натура тўловлари бир қадар оширилди.

1953-1955 йилларда колхозчиларга аванс бериш тизимини тартибга солиш соҳасида ҳам муҳим қадамлар қўйилди. 1956 йил 6 мартда КПСС МК ва СССР Министрлар Совети “Колхозчиларга ҳар ойда аванс бериш ва колхозчилар меҳнатига ҳақ ва қўшимча ҳақ тўлаш тўғрисида”ги қарорни қабул қилди[3]. Ушбу қарорга биноан қишлоқ меҳнаткашларига аванс бериш тартиби анчагина тартибга солинди. XX асрнинг 50-йилларнинг охирига келиб колхозчиларнинг ўртача иш ҳақларида ҳам ўзгаришлар бўлди. Мисол учун Сурхондарё областининг Шеробод районидаги С.М.Киров номли жамоа хўжалиги 1956 йилда ялпи даромадни 4632 минг рублга етказиб, шундан 890 минг рублини колхозчиларга мукофот қилиб берди[15]. Лекин ҳали жамоа хўжаликларида меҳнат ҳақига пул билан бирга маҳсулот билан ҳақ тўлаш ҳоллари устуворлик қиларди. Бу эса аҳолининг бозор билан боғланишига, эркин харид нархида ўз эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларни сотиб олишига жиддий таъсир қиларди. Аммо шунга қарамасдан аҳолининг даромади маълум даражада ошди. Мисол учун 1957 йилда Сурхондарё области Сарийоё районидаги К.Маркс номли жамоа хўжалиги аъзоси Ч.Бобоев йил якунига кўра 36500 рубль пул, 46 центенр ғалла олди. Бу 1956 йилдагига нисбатан 10200 рубль кўп эди. Ёки Жарқўрғон районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги аъзоси Бойтўра Холиқуловнинг оиласи 50960 рубль хўжалик ҳисобида даромад олди[16].

Меҳнат унумдорлигининг асосий кўрсаткичи албатта қилинган меҳнатга тўлайдиган иш ҳақи билан боғлиқ эканлигини юқоридаги рақамлардан ҳам билиб олиш мумкин. Бу даврда жамоа хўжаликларини давлат тасарруфига ўтказишнинг ёрқин кўриниши бўлган “совхозлаштириш” тадбирлари ҳам кенг ёйилди. 1958 йилда Сурхондарё областининг ўзидагина 45 та комплекс механизациялашган пахтачилик бригадаси хўжалик ҳисобига ўтказилди[7]. Лекин бундай хўжаликларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг бирхиллаштирилган тизими устувор бўлиб, ишчиларнинг меҳнатига ва малакасига қараб ҳақ тўлаш тартиби йўлга қўйилмаган эди.

Тадқиқ этилаётган даврда давлат хўжаликларида ишлаётган ишчи хизматчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг кўпол равишда бузилиш ҳоллари ҳам учраб турди. Мисол учун Қашқадарё областининг “1-Далварзин” совхозида ишчиларга иш ҳақидан салкам 27 минг рубль пул кам тўланган[8]. Шундай бўлсада қишлоқ аҳли тинимсиз тарзда далаларда ишлади. Мўл-кўл ҳосил олди, аммо қилган меҳнатининг натижасидан анча кам даромад олди. 1958 йилги ҳисоб китобларга кўра Қашқадарё областида бир кишининг бир иш кунига 9 рубл 70 тийин ҳақ тўланди. Сурхондарё областида эса бу кўрсаткич 10 рубль 20 тийинни ташкил этди[9]. Бу маблағ колхозчиларнинг эҳтиёжларини умуман қондирмас эди. Агар қишлоқ аҳлининг ҳар бир оиласида 7-8 киши истиқомат қилишни

инобатга олинса, масаланинг қанчалик жиддий эканлиги равшан бўлади. Шунинг учун ҳам шахсий ёрдамчи хўжаликлар қишлоқ аҳолиси даромадининг муҳим манбаи бўлиб қолди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сборник руководящих материалов по колхозному строительству. – Москва, 1949, – С.234-236.
2. Развитие сельского хозяйства в послевоенные годы (1946-1970 гг) – Москва, 1972. – С.189.
3. Развитие сельского хозяйства в послевоенные годы (1946-1970 гг). – Москва, 1972, – С.291
4. Ўзбекистон тарихи 4-том 2018 йил бет.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг архиви 58-фонд, 22-рўйхат. 9-иш, 221-222-варақлар
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг архиви. 58-фонд, 155-рўйхат 38-иш, 24-варақ.
7. ЎзРМДА 90-фонд, 10-рўйхат 7-иш, 122-варақ.
8. ЎзРМДА 90-фонда, 10-рўйхат 163-иш, 98-варақ.
9. ЎзРМДА 1619-фонд, 10-рўйхат 2271-иш, 15-17 варақлар
10. ЎзРМДА 1619-фонд, 4-рўйхат 4006-иш, 36-79 варақлар.
11. Ўз МА 1619-фонд, 10-рўйхат 14-62-иш, 2-варақ.
12. Ўз МА 1619-фонд, 13-рўйхат 381-иш, 287-варақ
13. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 446-фонд, 1-ёзув, 47-иш, 16-варақ.
14. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 446-фонд, 1-рўйхат 39-иш, 132-38-варақлар.
15. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 446-фонд, 1-ёзув, 137-иш, 232-варақ.
16. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 446-фонд, 1-ёзув, 137-иш, 336-варақ.
17. Шеробод тумани давлат архиви 42-фонд, 1-ёзув, 468-иш, 48-варақ.

ЭТНОГРАФИЯ

БАЪЗИ БИР ЭТНОЛОГИК АТАМА ВА ТУШУНЧАЛАР ҲАҚИДА

Абдуллаев Улуғбек Сайданович,
Андижон давлат машинасозлик институти
профессори, тарих фанлари доктори

Аннотатсия. Барча ижтимоий фанлар каби этнология фани ҳам бир қатор ўзига хос атама ва тушунчалардан кенг фойдаланади. Мазкур атама ва тушунчаларнинг барчасини бир мақола доирасида таърифлаш ва таҳлил этиш жуда қийин. Шу боис, биз қуйида уларнинг илмий муомалада энг кўп қўлланилаётганлари ҳақидагина фикр юритамиз.

Калит сўзлар: Этнология, этнография, этнийлик, хўжалик-мафаний тиллар, деҳқончилик, чорвачилик.

Абстрактный. Этнология, как и все социальные науки, широко использует ряд специфических терминов и понятий. Очень сложно определить и проанализировать все эти термины и понятия в рамках одной статьи. Поэтому ниже мы рассмотрим только те из них, которые наиболее часто используются в научной практике.

Ключевые слова: Этнология, этнография, этнос, хозяйственные языки, земледелие, животноводство.

Abstract. Ethnology, like all social sciences, makes extensive use of a number of specific terms and concepts. It is very difficult to define and analyze all these terms and concepts in one article. Therefore, below we will consider only those that are most commonly used in scientific practice.

Key words: Ethnology, ethnography, ethnicity, economic languages, agriculture, animal husbandry.

Даставвал, "Этнология" ва "Этнография" тушунчалари, уларнинг ўзаро алоқадорлигига тўхталсак. Маълумки, яқин ўтмишда Собиқ Иттифоқда элшунослик фани "Этнография" деб номланиб, илмий тадқиқот марказлари ҳам шу атама билан юритилар эди. Бироқ ўтган асрнинг 90-йилларидан эътиборан ушбу фанга нисбатан "Этнография" атамаси билан бирга "Этнология" атамаси ҳам қўлланиладиган бўлди.

Мазкур фаннинг методологик масалаларига бағишланган қатор ишлардан кўринадикки, "Этнология" ва "Этнография" тушунчаларини айнан бир тушунчалар тарзида қабул қилиш ҳам тўғри эмас. Негаки, агар анъанавий «этнография» у ёки бу этносга (этник бирликка) оид материалларни тўплаб, системалаштириб ва уни кўпроқ тавсифлаб берса, "этнология" этнос ҳақидаги барча маълумотларни назарий жиҳатдан таҳлил қилади ва бу хусусда умумий хулосалар чиқаради[2.52]. Демак, «этнология» тушунчаси "этнография" тушунчасига нисбатан нафақат кенгроқ тушунча, балки бу ҳар икки тушунча мазмун-моҳияти жиҳатидан бир фаннинг, яъни элшунослик фанининг икки мустақил, айни вақтда ўзаро узвий боғлиқ қисмларининг номланишидир.

Маълумки, элшунослик фанида энг кўп қўлланиладиган тушунча бу-"этнос" тушунчасидир. Зеро, фаннинг бош тадқиқот объекти ҳам этноснинг ўзидир. "Этнос" (ethnos) атамаси дастлаб қадимги грек тилида учрайди. Тахминан милoddан аввалги VI-V асрларда бу сўз келиб чиқиши грек бўлмаган уруғ ва қабилаларга нисбатан қўлланилган. Айнан шу маънода бу атама рим маданияти ва лотин тилида ҳам намоён бўлди.

XVIII асрнинг охирларига қадар "этнос" (ethnos) тушунчаси ниҳоятда чегараланган тарзда истеъмолда бўлди. Фақат XIX асрдан эътиборан бу атама илмий адабиётларда "халқ" («народ») маъносида кенгроқ қўлланила бошланди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, этнология илмида «этнос» тушунчаси, унинг таърифланиши ва турланиши борасида бир қатор ўзига хос қарашлар-концепциялар илгари сурилган.

Рус элшунослик фанида «этнос» тушунчасини илк бор таърифлаш XX асрнинг 20-йилларида юз берди. Аниқроғи, 1923 йилда Хитойнинг Шанхай вилоятида яшовчи рус эми-

гранти С.М. Широкогоров ўзининг “Этнос: исследование основѣх принципов изменения этнических и этнографических явлений ” деб номланувчи мақоласида илк бор этнос тушунчасига қўйидагича таъриф берган эди: “... Этнос-бу бир тилда сўзлашувчи, келиб чиқиши бир эканлигини тан олувчи, урф-одатлар мажмуаси ҳамда умумий турмуш тарзига эга бўлган кишилар гуруҳидур”[8.13].

С.М. Широкогоровдан кейинги рус этнологлари томонидан этнос назариясига оид бир қатор янги концепциялар таклиф қилинди. Бу концепциялар ҳақида биз аввалги мақолаларимизнинг бирида батафсил тўхталган эдик[1.60-65].

С.М.Широкогоров концепциясининг эътиборли томони шундаки, у томонидан этносга берилган таъриф XX асрнинг 60-80-йилларидаги таърифига кўп жиҳатлари билан мос тушади. Хусусан, 1980-йилларда академик Ю.В.Бромлей раҳбарлигида Собиқ Иттифоқ ФА Этнография институти ходимлари томонидан этносга берилган қўйидаги таърифнинг С.М.Широкогоров концепциясига асосланганлиги яққол кўриниб турибди: “Этнос (этник бирлик) муайян ҳудуд, тил, келиб чиқиш, маданият умумийлиги, ўз-ўзини этник англаш ва ўз этник номига (этнонимига) ҳамда ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган кишиларнинг тарихан таркиб топган гуруҳидир»[3.14].

Икки оғиз сўз «этнийлик» («этничность»-«ethnicity») ҳақида. Хорижий ижтимоий-маданий антропология фанида «этнос» тушунчаси камдан-кам истеъмолда бўлади. Холбуки, хориж элшунослари «этнос» тушунчасига нисбатан кенгроқ маъно англатувчи «этнийлик» тушунчасини қўллайдилар. «Этнийлик» деганда муайян этник гуруҳга мансуб маданий хусусиятлар мажмуи тушунилади.[5.1-30]

Энди “Этник жараёнлар” ва “этнослараро жараёнлар” тушунчаларига тўхталсак. Одатда, “Этник жараёнлар” деганда у ёки бу этнос (этник бирлик) билан боғлиқ кечаётган барча ўзгаришлар тушунилади. Яъни “Этник жараёнлар” тушунчаси кенг маънодаги тушунча бўлиб, этнос билан боғлиқ генетик, лингвистик, психологик, хўжалик-иқтисодий ва маданий ўзгаришларни қамраб олади. Этник жараён икки хил кўринишда, яъни бўлиниб кетишга ҳамда бирлашишга мойил жараёнларда намоён бўлади. Этник жараёнларнинг биринчи кўриниши учун илгари бўлинмасдан келган этнослардан бир неча этник гуруҳларнинг ёки унинг маълум бир бўлагининг ажралиб чиқиб, алоҳида мустақил этносни ташкил топиши характерлидир.

Барлаштирувчи этник жараёнлар эса аксинча, турли мустақил этносларнинг ўзаро яқинлашуви (интеграциялашуви), бирикиши (консолидациялашуви) ва аралашиб, қоришиб кетиши (ассимиляциялашув) ҳолатларида намоён бўлади. Демакки, этник жараённинг бу кўриниши мазмун-моҳияти билан турли мустақил этнослар орасидаги муносабатлардан иборат экан, у ҳолда бу жараёнларни яхлит ҳолда этнослараро жараёнлар деб тушуниш ва аташ хато бўлмайди. Бундан келиб чиқадиган назарий хулоса шундан иборатки, этнослараро жараёнлар этник жараёнларнинг ўзига хос бирлаштирувчи кўринишидир.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, элшунослик фанида “этнослараро муносабатлар” (рус тилидаги «межэтнические отношения») тушунчаси бир вақтнинг ўзида ҳам тор маънода, ҳам кенг маънода қўлланилади. Бу тушунча кенг маънода турли этнослар орасидаги ўзаро муносабатларга нисбатан, тор маънода эса ҳар хил этносга мансуб кишиларнинг яқка тартибдаги мулоқотларига нисбатан қўлланилади.

Ҳолбуки, элшунослар томонидан “миллатлараро” атамасидан кўра кўпроқ “этнослараро ” атамаси қўлланиб келинади. Негаки, этнология фанининг тадқиқот предмети нафақат миллат, балки этноснинг барча тарихий шакллари (уруғ, қабила, элат, халқ) ҳисобланади.

Этнологияда қўлланилаётган атама ва тушунчаларнинг катта бир қисми этнос турмуш тарзи билан боғлиқ атама ва тушунчалардир. Бу ўринда “хўжалик-маданий типлар” номи билан илмий истеъмолга киритилган тушунча ҳақида батафсилроқ тўхталиш жоиз[6.163-164].

“Хўжалик-маданий типлар” деганда муайян табиий-географик шароитда ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бир хил даражасида яшовчи этнослар учун характерли бўлган хўжалик ва маданиятларнинг тарихан таркиб топган мажмуи тушунилади.

Янада аниқроқ айтганда, “хўжалик-маданий типлар” тушунчаси шунчаки хўжалик типлар тушунчасидан фарқ қилиб, қуйидаги жиҳатлари билан унга нисбатан кенгроқ маъно касб этади:

Биринчидан, ўхшаш географик муҳитда яшовчи, ишлаб чиқариш кучлари ривожланиш жиҳатдан бир хил даражада турган турли халқларда ҳам, гарчи улар бошқа-бошқа ҳудудларда яшасалар-да, айнан бир хилдаги хўжалик-маданий тип таркиб топиши мумкин;

Иккинчидан, у ёки бу ҳудудда мавжуд бўлган хўжалик-маданий тип маълум тарихий изчиллик касб этади, яъни аниқ бир тарихий шароитда бир тип асосида бошқаси ривожланиши ҳам мумкин;

Учинчидан, ҳар бир хўжалик-маданий тип учун хос бўлган маданият хусусиятлари, аввало, ушбу тип мавжуд бўлган географик шароитдаги хўжалик йўналиши билан белгиланади. Яъни, этнос хўжалик фаолиятининг асосий йўналиши кўп жиҳатдан унинг турмуш тарзини ва у билан боғлиқ муҳим этнографик жиҳатларни белгилайди.

Тадқиқотчилар XIX-XX аср бошларидаги Ўрта Осиё ва +озоғистон минтақасида яшаётган аҳолининг қуйидаги уч етакчи хўжалик-маданий типга мансуб эканликларини кўрсатиб ўтадилар:

а) Ўтроқ деҳқонлар. Улар хўжалигининг асосини ерни шудгорлаб, сунъий суғориш йўли билан деҳқончилик қилиш ташкил этади;

б) Кўчманчи чорвадорлар. Булар учун асосий тирикчилик манбаи чорва ҳисобланиб, йил бўйи уни яйловда боқадилар;

в) Яримўтроқ (яримкўчманчи) чорвадор-деҳқон аҳоли. Булар одатда деҳқончилик воҳаларининг теvarак-атрофларида жойлашганлар. Уларнинг хўжалиги комплекс характерда бўлиб, анъанавий чорвачиликни деҳқончилик билан қўшиб олиб борадилар. Аҳолининг ушбу қисми асосан суғорилмайдиган лалми (ёки баҳори) ерларда деҳқончилик қилиб, айна вақтда тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги яйловларда ўз чорваларини ҳам боққанлар.

Ҳуллас, юқорида кўриб ўтилган ва бошқа шу каби этнологияда қўлланиб келинаётган атама ва тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини яхши англаш, улардан ўз ўрнида тўғри фойдаланиш олиб борилаётган тадқиқот учун шубҳасиз катта аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев У. Этнологиянинг баъзи бир назарий масалалари (Этнос назарияси билан боғлиқ қарашлар таҳлили)//O'zbekiston tarixi. 2002. №1. 60-65 бетлар.
2. А.П.Садохин, Т.Г. Грушевская. Этнология. М., 2000, с. 28; Этнология. Краткий этнологический словарь. М.: фонд «Социальный мониторинг». 1994.
3. Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. М., 1983. с.58; Этносоциальные процесс: теория, история, современность.-М., 1987. с.14.
4. Колпаков Е.М. Этнос и этничность // ЭО. 1995. №5. Винер Б.Е. Этничность: в поисках парадигм изучения. // ЭО. 1998,
5. Тишков В.А. Этничность, нацианализма и государство в посткоммунистическом обществе.//. Вопр. Социологии. 1993. №1-3;
6. С.П.Толстов Очерки первоначального ислама. // СЭ. 1932. №2. с. 163-164

ЎЗБЕКЛАРДА ОТ ТОТЕМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАДИМИЙ ЭЪТИҚОДЛАР ИЗЛАРИ

(Жанубий Ўзбекистон мисолида)

Очил Бўриев

Қарши давлат университети профессори,
тарих фанлари номзоди

Ихтиёр Ғаниевич Жалилов

Қарши давлат университети тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда от тотемидан боғлиқ қадимий эътиқодлар излари тарих-этнография адабиётлари ҳамда оғзаки тарих маълумотлари асосида баён этилган.

Аннотация: В этой статье изложены на основе историко-этнографической литературы и материала устного истории следы древних верований связанные с тотемом коня

Abstract: In this article traces of ancient beliefs related to the horse totem in Uzbekistan are characterized on the bases of ethnographic literature and oral history data

Калит сўзлар: ўзбеклар, от, отлик, тотем, культ, эпос, қадимги, излари, Қашқадарё, Сурхондарё

Ключевые слова: узбеки, конь, всадник, тотем, культ, эпос, древний, следы, Кашкадарья, Сурхандарья

Key words: Uzbek people, horse, horseman, totem, cult, epoch ancient, traces, Kashkadarya, Surkhandarya

Инсоният илк уруғчилик даврида вужудга келган тотемизм диний кўриниш бўлиб, бунга кўра, маълум уруғ - қабила, унинг аъзолари бирор ҳайвон, ўсимлик ёки предмет билан қандайдир алоқадор, деб ҳисобланган ва бу ришта қариндошчилик деб тушунилган. Шунга кўра, бундай ҳайвон, ўсимлик ёки нарса муқаддаслаштирилган ва унга сиғинилган. Тотем деб тан олинган жонли ёки жонсиз объект уруғ – қабилачилик даврида муқаддас эътиқод деб ҳисобланган одамлар, ўзларининг тақдири ва бахтини у билан боғлашган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да таъкидланганидек: “Тотем (ингл. totem) (индейсча ототем-“унинг насли, уруғи” маъносидаги сўз). Ибтидоий уруғ, қабилаларда диний ҳурмат-эҳтиром объекти бўлган, яъни илоҳийлаштирилган ҳайвон, ўсимлик, бирор нарса-буюм ёки табиат ҳодисаси (ҳар бир уруғ, қабила ўз тотемидан номи билан аталган)”.

“Тотемизм (ингл. totemizm) - илк уруғчилик тузумидаги дин, эътиқод шакли; маълум бир уруғнинг уруғ асосчиси ва ҳомийси деб ҳисобланган бирон-бир тотем билан ғайритабиий алоқаси ёки қон-қардошлигига ишонч билан характерланади¹”

“Тотем” сўзи Шимолий Америка оғибве ҳиндулари қабиласи тилидаги “ототем”-сўздан олинган бўлиб, “унинг уруғи” маъносини англатади. Тотем деб тан олинган жонли ва жонсиз объект – уруғ қабиланинг муқаддас эътиқоди ҳисобланган, ўзларининг тақдири ва бахтини у билан боғлашган².

Отнинг хонакилаштирилиши масаласи жуда мураккаб ва мунозарали масала бўлиб, Осиё ва Ғарбий Европа унинг ватани ҳисобланади. Агар отнинг келиб чиқиш жойи – Осиё ҳеч қандай мунозарага сабаб бўлмаса, Ғарбий Европа унинг мустақил ватани эканлигини исботлаб бериш жуда қийин. Осиёнинг ўзида ҳам от, афтидан битта эмас, ҳеч бўлмаганда, иккита жойда – шарқда ва Ўрта Осиёда, эҳтимол Туркменистон худудида пайдо бўлгандир.

Анча йирик, узун оёқли келишган, қотма, йўрға ва жуда чидамли, энг яхши насли отларнинг ватани худди шу ердир. Шу айтилган отлар насли ибтидоий даврдаёқ Ўрта Осиёдан ғарбга, Месопотамия, Кичик Осиё, Фаластин, Миср, кейинчалик эса Арабистонга тарқалган. Европа отлари масаласига келганимизда, бу ерда қандайдир сирли бир ҳодиса юз берган.

Бир вақтлар ҳар хил турдаги ёввойи отлар Ғарбий Европада кенг тарқалган эди. Бу ҳақда палеолит даври ёдгорликларида ёввойи отларнинг сақланиб қолган жуда кўп миқдордаги суяги ва палеолит даврида ажойиб қилиб ишланган от расмлари буни исботлайди. Бироқ кейинчалик катта узилиш рўй берган. От Ғарбий Европанинг археологик қазилмаларида фақат сўнгги даврда қозиқлар устига қурилган манзилларда, бронза асрида хонакилаштирилган от сифатида пайдо бўлган. Қолган бутун оралиқ даврда, яъни бутун неолит даврида на ёввойи на уй отининг қолдиқлари топилмаган.

Мана шундай шароитда баъзи олимлар хонакилаштирилган от Ғарбий Европага шарқдан, яъни Осиёдан ўтган, деган фикрни айтадилар, бошқа муаллифлар эса Европанинг бронза даври оти деб аталадиган уй оти шу ернинг ўзида пайдо бўлган, дейдилар³. Отнинг 1 яшари – қулун, 2-3 яшари – той, 4 яшари – ғунон, 5 яшари – дўнон дейилган. От яқка туюқлиларга мансуб ўтхўр, сут эмизувчи йирик иш-улов ҳайвон ҳисобланиб, жаҳонда 250 та, МДХ мамлакатларида 50 дан зиёд, Ўзбекистонда эса 8 та зоти урчитилади⁴.

От тотемига тўхталадиган бўлсак, у жаҳон халқлари тарихида кенг тарқалган дастлабки диний эътиқод кўринишлари сифатида бурун кўплаб удум ва маросимлар шу жониворга эътиқод билан боғлиқ бўлган⁵.

Расулulloҳ с.а.в.: Мусулмон кишининг беҳуда кунгли хушлик қилиши ботилидур. Камонда ўқ отса, отини ургатса ва аҳли билан ўйнаса, мустасно. Бу нарсалар ҳақлидур, “дедилар.”

Термизий ва Абу Довуд ривоят қиладилар: “Отни ўргатиш ҳам, чавандозликни машқ қилиш ҳам ўзи ва жамияти фойдасига тайёргарлик кўришдан иборат. Бу мақсаддаги уринишлар албатта, беҳуда ҳисобланмайди”⁶

Ҳадисларда таъкидланганидек: “От уч хил иш учундир. Бири савоб, бири, парда ва яна бири гуноҳдир. Савоблиси шуки, киши уни тангри йўлида ўтлатади ёки боқса, унга савоб ёзилур. Ўтлатгани учун уни яйловда ёки ўз боғчасида боқиб қўйса, орқасини ётган жойига савоб ёғилаверади. Борди ю у арқонини узиб, бир-икки давон кетиб қолса, йўлдаги изи ва ахлати учун ҳам савоб ёғилаверади. Агар қочиб бориб бирон дарёда ўзича сув ичса, бу ҳам савоб ёғилаверади. Бойиш ва зерикмаслик учун боғлаб, уни парвариш қилиш ва минишдаги Тангрининг ҳаққини унутмаган бўлса, уни шу от дўзахдан парда бўлади. Агар киши уловини фахр ва риё учун ҳамда мўминларга қарши ҳаракат учун боқса, бу билан унга гуноҳ ёзилади⁷.

Ўзбек халқ достонларида от образи баъзан бош қаҳрамон даражасига кўтарилган. Қаҳрамон туғилган кун унинг бўлғуси йўлдоши жанговор оти ҳам таъкидланади (Гўрўғли ва Ғиркўк)⁸. Қозоқ халқининг “Қотгонды ботир” эпосида “ботир ва отнинг жони бир бўлур”, деган нақл келтирилган⁹

“Алпомиш” достонида чавандозлик санъати, Бойчибор тавсифи, оммавий тантаналар, пойга, улоқ – кўпкари ишонарли тарзда ёритилган¹⁰. Кўринадикки, “Алпомиш” достонида Бойчибор, “Гўрўғли” достонида эса Ғиркўк мадҳ этилган.

“Авесто”да Герашсп, Виштасп каби от номи билан боғлиқ терминлар кўплаб учрайди¹¹ “Авесто”да “чавандоз” сўзининг келиб чиқиши тўғрисида маълумотлар мавжуд. Тарихда қора тулпорни жиловлаган Сиёвуш “Аспа - барак” номи билан машҳурдир. Бу қадимги Хоразм томонда “отлиқ чавандоз” деган маънони беради¹².

Бу билан бирга Қуёш худоси Митрага бағишланган қасидада тўрт оппоқ тулпор абадий ва учқур арғумоқнинг аравага дев оти қўшгани, араванинг тузилиши ҳам тасвирланган. Мазкур ноёб обидада тасвирланган воқеа милoddан аввалги VI – V асрларга оид Амударё хазинаси иллюстрациясида ҳам тасвирланган¹³

Етук аллома Кайковус (XI аср) “Қобуснома” асарининг 25-боби “Чаҳорпой (от) сотиб олмоқ зикрида” деб номланиб, таъкидланадики: “Эй фарзанд, агар от олмоқ тиласанг хушёр бўл, то ҳато қилмагайсанки, от била одамнинг зоти бирдек бўлур: яхши от ва яхши одамга ҳар нечук оғир қўйсанг кўтарур. Агар ёмон от ва ёмон одамни ҳар нечаким ёмон десанг ҳануз оздур. Донишлар дебдурларки, жаҳон одам била барподур ва одамлар ҳайвонлар била барподур. Ҳайвонот жумласининг яхшироғи отдур. Уни азиз тутмоқ ҳам кадхудоликдур ва ҳам мурувватдандур. Масалда айтурларки, отни ва либосни яхши

тутғил, токи от ва либос ҳам сени яхши тутғай.¹⁴ Ушбу бобда отнинг хиллари, турлари фазилатлари, айби, иллатлари, отни парвариш қилиш ва миниш маданияти ҳақида ҳам теран лавҳалар келтирилган.

Барча туркий халқларда, жумладан ўзбек халқининг кундалик турмушида от тотеми етакчи ўринда туриб, унинг излари ҳозиргача учрайди. Кишилиқ жамияти тарихи қадимдан от билан боғлиқ бўлиб, тарихий манбаларга кўра, Евроосиё даштларида отлар илк бор хонакилаштирилган ва уларнинг пайдо бўлиш тарихини 6 минг йил аввалги даврлар билан боғлаш мумкин.¹⁵ Қадимги туркийлар отни гапирадиган, кўра оладиган жонивор сифатида қарашган ва у муқаддаслаштириб, тотем сифатида топинишган.

Таниқли қадимшунос олим А.Раимқуловнинг таъкидлашича, Қарши, Термиз каби қалқон шаҳарлар босқинчиларни даф қилган самандар шаҳарлар қаторига киради. Самандар ўтда ёнмайдиган ва сувда чўкмайдиган отнинг мифологик образи дейиш мумкин.

Милоддан аввалги III-II асрларга оид Амударё мажмуасида 4 та от қўшилган олтиндан ишланган икки ғилдиракли арава мавжуд¹⁶

От билан боғлиқ тотемистик қарашлар С.П.Толстов, А.Асқаров, А.Аширов, тадқиқотларида ҳам учрайди.¹⁷

Элшунос олим А.Ашировнинг ёзишича, Фарғона водийсидаги ўзбек- қипчоқларида от тотеми билан тўрт айғир, саманотли қорабайтал, қулон каби уруғ шохобчалари мавжуд бўлган. Шунингдек “калтатой” сўзи кичик жуссали калта бўйинли от аталиб тотем ҳисоблаган.¹⁸ Қашқадарё воҳасида ҳам қорабайир этноними ва этнотопонимлари учрайди. Соҳибқирон қўшини отлари сайисхоналари Яккабоғ туманидаги Амир Темур ғорида жойлашган. Шунингдек буюк жаҳонгир Китоб туманидаги Мақрид чўлида зотдор отларни урчиттирган.

Косон туманида иккита Қорабайир қишлоғи мавжуд. Шунингдек, Қашқадарё воҳасида от билан боғлиқ бошқа топонимлар ҳам кўплаб учрайди: Отчопар (Қарши), Тайлоқ – (Ғузор, Қамаш), Тўри (Чироқчи), Чабағон (Нишон), Чавгон (Ғузор), Эгарчи (Дехқонобод), Калтатой, Қамчили (Қамаш), Бия (Дехқонобод), Жайлов (Чироқчи), Йўрға (Дехқонобод), Саман, Отқамар (Дехқонобод).¹⁹

Шунингдек, Сурхон воҳасида ҳам от номи билан боғлиқ топонимлар учрайди: Айғирчўл (Шеробод), Айғиртепа (Бойсун, Ангор, Шўрчи), Дулдултош (Шеробод, Денов), Отгузар (Бойсун), Отқамов (Шеробод), Отқамар (Қумқўрғон), Отбоза (Бойсун), Отчопар (Термиз), Дулдулўтган (Амударё) ва ҳ.к.²⁰

Инсонлар исмида ҳам от билан боғлиқ номлар ҳам мавжуд: Тойлоқ, Саман, Самандар, Дўнан ва ҳ.к. Ўтмишда кўпгина халқларда жангчи оти, хотини, буюмлари ва егуликлари билан дафн этилганки, бу инсон руҳини у дунёда ҳам яшашга ишорадир. Инсонни тириклигида миниб юрадиган оти билан кўмиш одати милоддан олдинги VIII-VI асрлардан то милодий VII асргача давом этган. Бу маросим, айниқса, VI асрда Турк хоқонлигида кенг тарқалган.²¹ Туркий халқларда жангчи вафот этса севимли оти ҳам эгар-жабдуғи билан унинг ёнига дафн этилган ҳамда отлар қурбонлик қилинган.

Рус муаллифи С.Фирсовнинг маълумотларича, туркий халқлар ислом динига қадар отларни муқаддас санаб, ўз уйлари ва ўтовлари эшиги устига от бош суягини илиб қўйишган. Бу суяк оилани барча ёмон иллатлардан, ёвузликлардан сақлаб турган ва шу билан суяк олдида қасамёд қилганлар. Халқ оғзаки ижодида отлар қахрамонликнинг ардоқловчиси сифатида талқин этилган.²²

Анъанага кўра, туркий халқларда оқ ёки бўз (кўк) тусли тулпорлар эъзозланган. Одатда оқ рангли отни ғолиб саркардалар минишган. Туркий халқларда от тотеми муҳим ўринда турганлиги Хитой манбаларида учраб, туркийларнинг аждодлари вафот этган кишининг оти ва эгар – жабдуқларини ёқиб, уни кулини мархум ортидан олиб боришган.²³ Отнинг боши хонадон томига қаратиб боғланса, у ўз нафаси билан уйга қут-барака олиб келади, деб қаралган. От нафаси билан беморлар даволанган, отли хонадонга инс-жинслар кирмаган. Шу боисдан ҳам турли бало-қазолардан сақлаш учун дарвозага ёки остонага от тақаси қоқилган. Чақалоқнинг чилла кўйлаги дастлаб от қозигига кийдириб олинган. Ҳомиладор аёлнинг туғиши чўзилса тезда енгиллашиши учун хонадон эшиги олдида от келтирилиб, бир неча марта милтиқдан ўқ узилган.

Отнинг кавш қайтаргани ҳақида турли қарашлар мавжуд. Бу Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод томонидан теран лавҳалар орқали баён этилган: “Эмишки, отлар бир йилда бир марта кавш қайтаради. От кавш қайтарганда ёнади! Айниқса, кўзлари порлаб ёнади! От дев-да! От кавш қайтариши ҳорикулодда ерда, хорикулодда вақтда кечади. Кўз очиб, кўз юмгунча бўлиб ўтади! От кавш қайтаришини кўрган одам, ё телбанамо бўлади, ё шўрпешона бўлади, ё бахтли, ё доно, ё нуқтадон бўлади!”²⁴

Қозоғистон чўлларида бурун айрим ҳолларда марҳум билан биргаликда унинг бош кийими, қурол-яроғлари ва от анжомлари ҳам кўмилган. Баъзан марҳумнинг қабри устида отни сўйиб, гўштини ейишган, суякларини эса ўша гўр устида ўтда ёқишган.²⁵ Анимистик тасаввурларга кўра, бу билан марҳум руҳига озуқа берилган.

Шарқ тақвимида олтинчи ўринда мучалидаги от (асп) йили азалдан қутли-баркали хосиятли йил саналади. Отнинг пири эса Қамбар ота ҳисобланади. Ўрта Осиё халқларида ўғил фарзанд уч ёшида от минишга ўргатилган. Отнинг бошига қамчи билан уриш гуноҳ ҳисобланган. Қизлар тушида отни кўришса, совчи келишига, йигит тушига от кирса юқори мартабага эришишга ишорадир. Отга дев сифатида ҳам қаралган. От минган киши орқасига қараса дев кўринади, деган қараш ҳам мавжуд.

Маҳаллий лўлилар (жўғилар) овчилари эрта баҳорда бедапоярларда бедана овлаш учун от думи қилини лойга қориштириб, айлана шаклда тузоқ ясашган. Аёллар паранжиси остидаги чачвон, чиммат от ёлидан тўқилган. Гўдак бўйнига от толаси боғланган. Ҳомиладор аёлларни хавф-хатардан сақлаш учун эшик тепасига от югани осиб қўйилган. Ҳар бир хонадон ҳовлисига қут-барака келсин деб, от қозиғи қоқиб қўйилган. Келин куёвниқига қулоқларига пахта боғланган отга миндирилган ҳолда олиб борилган. Тошкент воҳасида бешик тўйида ўғил неварлага ясатилган той этиш удуми ҳам мавжуд. Тўй болани эркалаб, “той бола” дейишади.

Мотам маросимларида ёш йигит вафот этса отига кийимлари ташлаб даврага солинган, яқинлари марҳумни эслаб йиғлашган А.Диваев, Ф.Назаров, Г.Н.Симаковлар қирғизлардаги маросим - “йил ошида” от пойгаси уюштирилганлигини батафсил ёзишган. Бу удум Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома”сида ҳам келтирилган.²⁶

Элшунос олима Г.Мардонованинг ёзишича, Қашқадарё воҳаси Қамаш тумани Бадахшон қишлоғидаги сарой уруғида бевақт вафот этган ёш чавандоз бўйдоқ бўлса жанозаси кунни ўтов тикилган, чимилдиқ ясатилган ва безатилган оти келтирилиб боғланган. Марҳумнинг отига кумуш қошли эгар солинган, тилла ҳолли узанги қўйилган, от зеб берилган қамчилар билан безатилган. Унга тароқи хуржун солинган, бошига қизил хўрознинг патларидан тож қилинган, қоziқ қоқилиб, боғлаб қўйилган.

Ўтов атрофига гир айлана қилиб, йигит тўйи учун тўқилган ғажори, қоқма, араби гиламлар, гулдек кигизлар, шойи, атлас кўрпачалар тескари (чаппа) тўшалган. Марҳумнинг онаси, опа-сингиллари ва яқин қариндош оилалар йигитни йўқлаб (жўқлаб) фарёд солишган. Баъзан марҳум ўғлига атаб онаси алла ҳам айтган.²⁷

Ўзбекистоннинг турли худудларида от билан боғлиқ қадамжолар мавжуд. Айниқса, Хазрати Али ва унинг Дулдул – оти билан зиёратгоҳлар учрайди. Этнолог А.Ашировнинг ёзишича, Фарғона водийсининг Сўх туманида Дул ота, Қўқон яқинидаги Кишноғич тўра мозорлари ҳам Дулдул билан боғлиқдир.²⁸

Тилшунос К.Марқаевнинг маълумотича, ўзбек этнонимларида ҳам от билан боғлиқ терминлар учрайди. Масалан, калтатой қадимги туркий қабила, ўзбек уруғларидан бирининг номи. “Калтатой” сўзи кичик жуссали калта бўйли отни англатган, этнос номи шу асосида ясалган ва тотем ҳисобланган. Ёбғу, ёбу уруғ номи бўлиб, бу сўз оддий жайдари отни англатган. Ёбуларнинг авлодлари Косон туманидаги Ёбу (Катта ва Кичик Ёбу) қишлоғида яшади. Ўзбек дostonларида таъкидланганидек, “Ёби дема, шу от тулпор экан де”. От номининг этнос номига ўтиши тотем билан алоқадордир.²⁹ Кўпчилик тадқиқотчилар кўнғирот этнонимининг келиб чиқишини ҳам кўнғир отга боғлашади.

Рус элшуноси Г.П.Снесаревнинг ёзишича, Хивада ювғучи аёлга от минишга рухсат берилган. Бу жойларда ювғучи ишдан қайтса, отга тескари миниб кетган. Ўтмишда мусулмон аёлга от миниш тақиқланган ҳам. Амударёда кема боши муқаддас ҳисобланиб, уларга инсон калласи шакли мужассамлаштирилган кўзгу қўйилиб, икки томонга от ёлидан тайёрланган ишланган кокил ўрнатилган.³⁰

Хоразмдаги маросим ва урф – одатларда бошқа ҳайвонларга қиёсланганда от иккинчи ўринда тураган. Бутун Ўрта Осиёда Алининг оти Дулдул эъюзга сазовордир, чунки шу от орқали кўплаб қаҳрамонликлар қилинган. Ҳатто Амударёдан сакраб ўтиб, бу жой “Дулдул отлаган” деб номланган. Али отини ўтлатган ёки суғорган жойлар мавжуд.

Отнинг пири Қамбар ота эканлигини ҳисобга олсак Аслиқамбар (Қамбар ота) Хоразм афсоналарида халифа Алининг отбоқари бўлган экан.

Воҳанинг жанубида Сулаймоннинг учар отлари ҳақида афсона тарқалган бўлиб, Ҳазорасп (минг от) номи билан тарихга кирган. Кўп жойларда отлар сув (ости об) ва ҳаво (қанотли отлар) номлари билан боғланиб кетган. Воҳада отнинг бош суяги кўз-суқдан ҳимоя қилувчи восита сифатида дарвоза устунига, боғларга, экин майдонларига, узумзорларга осиб қўйилган. Отнинг тугёйдан олинган парча тумор ичига солинган³¹ Қашқадарё воҳасида гўдак оғзи атрофига тошма чиқса яра (“жуганлов бўлиш”) от юганига суртса, тезда тузалиб кетган.

Ривоятларга кўра, от Яратгандан ҳар куни 40 та ризқ сўраб, шундан 39 тасини ўз эгасига, биттасини ўзига тилар экан. Шу боисдан ҳам от минган ва уни боқадиган хонадонлар кут-баракали бўлади, дейишади. Бу қарашлар отнинг инсон ҳаётида – тутган ўрни нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.³²

Ёш элшунос И.Умаровнинг ёзишича, Сурхон воҳасида одамлар ўз отларини кўзлардан сақлаш учун турли ирим-сиримларни қўллашган. Агар от суқланиб касал бўлса, шунда “қурқурай” номли қуш инини олиб тутатишган, сўнгра от тинчланган. Отнинг деви кучли бўлиб, қони доим кучсиз муллага зиён етказган. Шу боисдан отни халифалар ўқишган. Агар от эгасини йиқитиб ўлдирса, думи ва ёли кесилган (кузалган), қулоғи пастга қаратилиб, қирқ кун боғлаб қўйилган.

Халқ тушунчасига кўра, Рўза айёми вақтида ҳар 10 ёки 100 мингта отдан бири Лайлатурқадрни кутиб, оғзидан олов чиқарар экан. Кимки бундан қўрқмаса бой-бадавлат бўлади, аксинча тезда қазо қилади, деб ишонишган. Бундай ҳолатни камдан кам одамлар кўради, деган тушунча ҳам мавжуд.³³

Халқимизда, отбоқарлик, яъни синчиликнинг санъат даражасига кўтарилганлиги ҳақидаги мулоҳазалардан ҳам отнинг нақадар ажойиб ҳайвон эканлигини ва унга нисбатан инсонларнинг эътиборли эканлиги жуда баланд эканлигини кўрсатади. Синчилар отнинг зоти, ёши, феъл-атворини жуда яхши билишган. Ўзбек лақайларида “Бир кунлик умринг бўлса отинг бўлсин, икки кунлик умринг бўлса хотининг бўлсин”, деган нақл мавжуд. Халқимизда “Эр бошига иш тушса оти сувлиқ билан сув ичар, “Той минган от ҳам минади” иборалари ҳам учрайди.

Жанубий Ўзбекистонда, хусусан Қашқадарё воҳасида оиладаги кенжа ва эрка фарзандни “тулпор”, “тулпор туёқ” дейишади. Йирик шаҳарларда от сақланадиган карвонсарой – жиловхона (отхона)лар мавжуд бўлган. Амир ва бекларнинг жиловдори фаолият кўрсатган. Манбаларга кўра, Бухоро хонлигида отларни парвариш ишига раҳбарлик қилувчи мирохур дейилган. Мирохур – бош отбоқар, отхона бошлиғи. Ўрта Осиё хонликларида сарой отхоналарига бошчилик қилувчи мансабдор ҳисобланган.³⁴

Ўзбеклар кундалик миниладиган отни салт от санашади. Омадли раҳбарга ёки кишига нисбатан “Оёғи узангида”, тенгқурни “узангидош” дейишади. Ҳаттоки, физика фанида от ўлчов бирлиги сифатида қўлланилади 1 от кучи 75 кг/м секундга ёки 0,736 квтга тенг қувватдир. Масалан, 80 от қувватига эга трактор ва ҳ.к.)

Форсийдаги аспиде жаллоб – от даллоли, сотувчи ўзбек тилида ҳам мавжуд. Юқорида таъкидланганидек, мусулмон тақвимида от (асп) олтинчи бўлиб, бу жуда хосиятли, омадли ва кут-баракали йил ҳисобланади.

Халқимизда “От - инсоннинг қаноти”, “Эрта тур, аввал отангни кўр, сўнгра отингни”, “Отанг борида эл тани, отинг борида юрт тани” каби нақллар ҳам мавжуд. Баъзи калондимоғ одамларга нисбатан “От минган отасини танимайди, той минган тоғасини”, айрим гердайган собиқ мансабдорларга “Отдан тушса ҳам эгардан тушмайди”, ёки Отга минсанг бошингни ўйла, ерга тушсанг отингни ўйла”, “Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи” иборалари ҳам қўлланилади.

Отнинг хулқ атвори ва феълига менгзаб қўрқмас ва жасур кишиларга “Юраги худди отни калласидек экан” дейилади. Беморга ҳам “Отдай бўлиб кетинг”, деб эзгу тилак

билдирилади. Соғайиб кетишган инсонга ҳам “Отдай юрибди” дейилади. Ёмон хулқи – атвори билан танилганларга “Отнинг қашқасидай маълум”, ножўя иш туфайли ишдан ҳайдалганларга “Думини тугишди” (одатда ёғингарчилик пайтида отларнинг думи тугилади), насл-насаби паст кишиларга “Қазисан қартасан- асли зотингга тортасан” дейилади. Шунингдек халқимизда “от ўйин” (жанжал, ғала-ғовур), “от солмоқ”, “от қўймоқ” (тўсатдан ташланмоқ), “отини қамчиламоқ” иборалари ҳам мавжуд.

Ҳаттоки шахмат ўйинида от донаси (отни бошига ўхшатиб ясалган дона) мавжуд³⁵.

Кўпкарида зотдор отлар чавандозни умуман босиб ўтмайди. Шу боисдан “От йиқилганга ёлини тўшайди” дейишади. Одатда тажрибали синчилар ва чавандозлар озиқ тишсиз отни хосиятсиз деб биладилар.

Кўринадики, от жуда зийрак жонивор бўлиб, турли офатларни, масалан зилзила бўлишини олдиндан сезади. Иккинчи жаҳон уруши даврида от фронтда жуда асқотиб, жониворнинг беминнат хизмати ва зийраклиги ҳақида кўплаб тафсилотлар мавжуд. Масалан, XX асрнинг 40-йиллари охиридаги Ашхобод, 1966 йил Тошкент зилзилаларини, 80-йиллардаги Тошкент вилоятидаги тоғ кўчишларини дастлаб отлар сезган ва кўплаб инсонларни оғир фалокатлардан сақлаб қолган.

Хуллас, бобокалонларимиз илоҳий мўъжиза ҳисобланган жонивор – отга турли офатларни сезувчи, дўсту душманни танийдиган, зийрак жонивор сифатида қарашган ва муқаддас тотем ёки культ сифатида эъзозлашган ҳамда ғамхўрлик қилишган. Аслини олганда ўзбеклар ҳақиқий от ишқибозлари ва отсевар ҳисобланиб, бу фазилат халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати 5 жилдли, 3-ж.-Т.: ЎЗМЭДИН.2006. Б. 600.
2. Бўриев О., Раҳмонов Ф. Этнология атамаларининг қомусий луғати. – Т., “Ворис нашариёти”, 2021.Б. 243-244
3. Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар - Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1960.Б.84
4. О.Бўриев. Ўзбекларнинг от билан боғлиқ азалий эътиқоди. “Турон тарихи” – Т.; 2014 йил 2-сон, Б.195-202; Шу муаллиф Буюк Амирга қанот бўлган тулпорлар. – Соҳибқирон Амир Темур даври қадриятлари этнотарихий лавҳаларда. – Қарши, Қарши ДУ, 2015.Б.320-345
5. Кузьмина Е.Е. Конь в религии и искусстве саков и скифов. – Скифы и сарматы . – Киев, 1977; Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена – М.- Л.: АН СССР. 1950. Т. 2 С.144; Беленицкий А.М. Конь в культах и идеологических представлениях народов Средней Азии и евразийских степей в древности в раннесредневековье. -КСИА, Вып. 154-М.,1978 – С. 4-39;
6. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.-Т., 2007.Б. 19-24
7. Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф Бахтиёр оила.10-нашри –Т.:Hilol-Nashr”, 2020.Б.259-528
8. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари – Т.: “Фан”, 1990.Б.90.
9. Мусақулов А. Бойчибор-илоҳий от.-ЎзАС, 1998 йил 3-4 сонлар.
10. Орлова Л. Казахский героический эпос. – М.-Л.-1945.-С.75.
11. Алпомиш – Т.: “Ёзувчи”,1998.Б.25. 39-40, 43-44, 46-47
12. Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. - Урганч, УрДУ, 2018. Б.339
13. Тоҳир Карим. Муқаддас Авесто изидан. –Т.: “Чўлпон”, 2000. Б.136.
14. Маҳмудов Т. Авесто ҳақида – Т.: “Шарқ”, 2000. Б.46-47: Авесто. Тарихий- адабий ёдгорлик. А.Маҳкам таржимаси. – Т., 2008.338 б.
15. Кайковус Қобуснома. Тарж. М.Р.Огаҳий. Нашрга тайёрловчилар: С.Долимов, У.Долимов.–Т.: “Ўқитувчи” НМИУ., 2015.Б.99
16. Ковалевская В.Б. Конь и всадник. – М.: Наука, 1977 С.3.

17. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари – Т.: “Академия”, 2008. Б.266-8-илова.
18. Толстов С.П. Древний Хорезм – М., 1948. С.202; Асқаров А. Ўзбек миллий курашининг археологик материалларда акс этиши. - Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. – 2 - қисм. -Т., 2005. Б.3-13; Аширов А Кўрсатилган асар. Б.19-24.
19. Марқаев.К.Ўзбек этнонимлари: Монография. Қарши, “Intellect нашриёти”, 2021. илова.
20. Турсунов С., ва бошқ. Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг тарихи – Т.; Термиз, “Сурхоннашр” нашриёти”, 2017. Б.44,46, 111,152
21. Аширов А. Кўрсатилган асар. Б.21.
22. Фирсов С. Туркестан и туркестанские породы лошадей.-Туркестанский сборник, 1909. - 478. С.110
23. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Кўрсатилган асар. 2-ж. Б.144
24. Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. –Т.: “Sanko – standart” нашриёти, 2017. Б.84
25. Левшин А. Описание киргиз-казачьих или киргиз-кайсахских орд и степей.-СПб., 1832. С.110-111.
26. Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома– Т.:Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. Б.33-34, 390-395, 504-505.
27. Мардонова Г. Ори кўшиқ бўлган юрт. Этнографик бадиа - 2 нашри. Т.: “Илим” 2010. Б.54-56
28. Аширов А. Кўрсатилган асар. Б.24.
29. Марқаев К. Кўрсатилган асар. 2021. Б. 86.
30. Снесарев Г.П. Кўрсатилган асар. Б.127-237.
31. Шу асар. Б.333-334.
32. Йўлдошев С.В. Узлуксиз таълим – тарбия жараёнида халқ ўйинларининг тарихий, илмий педагогик асослари. - Фарғона, 2020 Б 36
33. Умаров. И. Кўҳитангтоғ қишлоқларида кўпқари ўтказилишини уюштириш – Сурхондарё: илм – тафаккур. -Термиз, 2021. Б. 63-70
34. Ўзбек тилининг изоҳли луғати 5 жилдли, 3-ж.-Т.: ЎЗМЭ ДИН.2006. Б. 600.
35. Шу асар Б.150-151

ЎЗБЕКЛАРДА ГЕНЕАЛОГИК ЎЗЛИКЛАР ВА ЭТНИКЛИК МАСАЛАСИ

Асрор Райимович Қаюмов,
Ўзбекистон фанлар академияси
Миллий археология маркази илмий ходими,
тарих фанлари номзоди

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбеклар орасида сақланиб қолган генеалогик ўзликлар ва уларнинг ўзбек этниклигига таъсири тарихий-антропологик манбалар, этнографик материаллар асосида ёритиб берилган. Ўзбекларнинг турли этнографик гуруҳлари, уруғ-аймоқ (авлод, тўп, уруғ)лар каби этник-маданий тузилмалари ҳамда уларнинг бир тарихий макон ва замонда умумий маданий бирлик сифатида ўзлигини намоён этиш жараёнлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: генеалогик идентиклик, шажара, уруғ, уруғчилик тизими, этниклик, 92 бовли ўзбек элати, ўзбеклар, этнографик гуруҳ, қўнғиротлар, манғитлар, этнонимлар.

Аннотация: В данной статье на основе исторических и антропологических источников, этнографических материалов освещаются сохранившиеся у узбеков генеалогические идентичности и их влияние на узбекский этнос. Анализируются различные этнографические группы узбеков, этнокультурные структуры, такие как роды (поколение, клан) и процессы их проявления как единой культурной единицы в одном историческом пространстве и времени.

Ключевые слова: генеалогическая идентичность, генеалогия, род, родовой строй, этнос, 92 поколение узбеков, узбеки, этнографическая группа, кунграты, мангиты, этнонимы.

Abstract. *In this article, the genealogical identities preserved among the Uzbeks and their influence on the Uzbek ethnicity are highlighted on the basis of historical and anthropological sources, ethnographic materials. Various ethnographic groups of Uzbeks, ethno-cultural structures such as clans (generation, clan, clan) and the processes of their manifestation as a common cultural unit in one historical space and time are analyzed.*

Key words: *genealogical identity, genealogy, clan, clan system, ethnicity, 92-bowl Uzbek people, Uzbeks, ethnographic group, bells, mangits, ethnonyms.*

Ўзбекларда оила ва уруғ шажаралари ижтимоий-этник тузилмалар тарзида этнографик гуруҳлар, уруғ-аймоқ (авлод, тўп, уруғ)лар каби турли ўзликлардан иборат этник-маданий тузилмалардан иборат. Уларда бир тарихий макон ва замонда умумий маданий бирлик негизидаги оила шажаралари ва уруғларга бўлиниш тизими ўзига хос тарзда шаклланган. Айниқса, XX асрнинг бошларида уруғчилик тизими ва оила шажараларини сақлаб қолиш каби бундай анъаналар ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман ҳамда Ўзбекистондаги уйғур ва арабларда кузатилган. Ёзма манбаларда, тарихий ҳужжатларда акс этган ҳамда оғзаки тарзда сақланиб қолган бу каби оила шажаралари ва генеалогик мерос турли ўзликларни намоён этиш омили бўлган.

Турк, мўғул уруғларининг келиб чиқиши, жойлашуви ва бу борадаги турли ривоятлар, мифологик талқинлар Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк”, Фазлуллоҳ Рашидиддиннинг “Жоме-ут-таворих”, Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”, Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк”, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” каби кўплаб тарихий асарларда битилган. Шунингдек, XIX аср иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида Туркистон ўлкаси халқларининг этник таркиби, генеалогияси Н.В. Хаников, А. Вамбери, А.Д. Гребенкин, А.П. Хорошхин, В.В. Радлов, Н.А. Маев, Н.А. Аристов, Д.Н. Логофет каби муаллифларнинг асарларида[1.25] муҳим маълумотлар берилган.

Ўзбекларнинг этник таркиби, уруғларга бўлиниш тизимини ўрганишга бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Булар Н.Ф. Ситняковский, Ғози Олим Юнусов, Л.П. Потапов, Б.Х.Кармишева, К.Ш.Шониёзов, С.С. Губаева, У. Тўйчиев, А.М.Маликов каби тадқиқотчиларнинг ишларида[6] ўзбеклар таркибидаги турли уруғлар ва тарихий-этнографик манбалар асосида уларнинг тарқалиши, оила-қариндош гуруҳлари, этнонимлари ва генеонимлари борасида муҳим маълумотлар учрайди.

Генеалогик манба сифатида халқ орасида оғзаки ва қисман ёзма шаклда сақланиб келаётган тарихий уруғ шажаралар, оила насабномалари, халқ ривоятлари ҳамда фольклор материаллари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, “92 бовли ўзбек уруғлари” рўйхатининг турли нусхалари[4330], ёзма тарзда сақланиб қолган “Насабномайи ўзбакия”, “Китимир” номлари билан аталувчи насабномаларда муҳим генеалогик материаллар акс этган[1.155].

Уруғчилик тизими ва генеалогия масалалари ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, уйғурлар, мўғуллар мисолида ҳам тадқиқ этилган. Тадқиқотчилар бу каби генеалогик ва уруғчилик феноменини ўрганишга ҳаракат қилганлар, дала материаллари асосида кўплаб материаллар йиғилган, тадқиқ этилган. Аммо, ҳозирги кунгача халқ хотирасида сақланиб келаётган генеалогик мероснинг ўрганилишини етарили даражада деб бўлмайди.

Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиё худудларида тарихан шаклланган этноижтимоий манзара шажарага оид турли генеалогик ривоятларни, тарихий манбаларни, фольклор материалларни, оғзаки тарихни ўрганиш асосида янада ойдинлашади. Масалан, ўзбек оилаларида етти отасини, аждодини билиш анъанаси яхши сақланиб қолган. Айнан мана шу омил оила қадриятларини, ўзи мансуб бўлган халқ, элат анъаналарини сақланиб қолишига ва провардида турли туман ўзига хосликларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Тарихий генетик илдиз ва аждодларга мансублик ғоялари, ўзига хос генеалогик ривоятлар ва насл-насаб тизими турли тарихий даврлар кесимида ўрганилади.

Оила ва уруғ шажаралари хон, подшо, хукмдор сулолалар, беклар, оталиқлар авлодлари билан боғлаш, туркий халқлар этнонимлари билан боғлаш, локал жой номлари билан боғлаш, диний силсилалар номлари билан боғлаш буларнинг барчаси сулолавий ёки уруғчилик асосидаги ўзликни намоён этишга олиб келган.

Оила ёки уруғ шажараларини ўрганишда биринчи навбатда тадқиқотчи учун ёзма манбалар билан биргаликда этнографик материаллар муҳим аҳамият касб этади. Албатта ўрганилиши мақсад қилинган оила ёки уруғ генеалогиясини тузишда шу оила ёки уруғ вакиллари билан чуқурлаштирилган интервью олиш яъни, уларнинг келиб чиқиши, ўзини англаши, аجدодлари ҳақидаги оғзаки маълумотлар ёзиб олинади. Уларнинг шажара дарахти тузилади. Ахборотчилар қанчалик аجدодлари ҳақидаги шажаралар ва уларнинг келиб чиқиши борасидаги артефактлар, моддий ашёлар, ривоятларни келтира олса тарихий-маданий боғлиқликни аниқаш имкониятлари шунчалик кўпроқ бўлади.

Буюк Британиядаги Қиролича Мери Университети Инсон географияси бўйича профессори Катрин Нешнинг ёзишича, "...насабнома ҳам, генетика ҳам оила, ирк, индивид, жинс, миллат, қон, ген, авлод, мерос, ворисийлик ва наслнинг технологик ва жисмоний ҳолати ҳақидаги ўзаро боғлиқ тасаввурларни ўз ичига олади". У фикрини давом эттириб, "шажаралар ва оила дарахтлари эса генлар, генетика, насл-насаб, этник келиб чиқиши ҳақидаги илмий ва оммабоп фикрлар ўзаро таъсирининг рамзий диаграммасидир" [4.20].

Ушбу мақолада ўзбеклар таркибида ёзма ва оғзаки тарихда сақланиб қолган уруғ ва насл-насаб шажаралари ўзликни намоён этиш шакли сифатида эл, элат ва уруғлар билан боғлиқ тарихий хотиранинг шаклланишидаги ўрни ва роли қиёсий-репроспектив усулда ёритиб берилади.

Туркий халқлар тарихи билимдони М. Қошғарий ўзнинг "Девону луғотит турк" асарида шундай ёзади: "Турклар аслида 22 қабиладир. Ҳар бир қабиланинг саноксиз аллақанча уруғлари бор" [5.64]. Олим ўша даврда (XI аср) яшаган йирик турк уруғлари ва уларнинг таркибидаги кўплаб уруғ номларини тилга олиши ўз жамиятида турли туман генеалогик ўзликлар уюшмасидан иборат бўлган этноижтимоий таркиб юзага келганлигини кўрсатади. Шунга ўхшаш фикрлар "Жомеъ-ат таворих", "Равзат-ус сафо", "Зафарнома", "Бобурнома", "Шажараи турк", "Шажараи тарокима", "Тарихи Абулхайрхон", "Шайбонийнома", "Абдулланнома", "Тарихи салотини манғития" каби асарларда янада чуқурроқ далиллар асосида ўз аксини топган. Аммо, ўзбек уруғларининг сони ва таркиби ҳам турлича кўрсатилган. Масалан, Маҳмуд Қошғарийда 22 та, Муҳаммад Солиҳ "Шайбонийнома"сида 19 та, Рашидиддиннинг "Жомеъ ат-таворихи"да (XIV аср) 60 дан ортиқ. XIX асрдаги тадқиқотларда ҳам бу сонлар турлича: А. Вамберида 32 та, Н. Ханиковда 97 та, Д. Логофетда 102 та. Бу каби тарихий қиёслаш масала моҳиятини очиб бермаса-да, узоқ тарихий даврдаги этнижтимоий манзарани тасаввур этишга имкон беради.

Уруғларга бўлинишнинг ўзига хос тизимига эга бўлган ва узоқ давр мобайнида Мовароуннаҳр ҳудудида жойлашган ўзбеклар таркибидаги айрим этник гуруҳлар Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг бошқа минтақаларида ҳам пайдо бўлиб, у ердаги туркий халқлар таркибида ҳам мавжуд эди.

XX асрнинг бошларида "92 ўзбек элати"нинг аксарияти нафақат ҳозирги ўзбеклар таркибига балки, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқлар таркибига ҳам кирган. Кўпгина уруғлар ва уларнинг бўлинмалари бир вақтнинг ўзида Марказий Осиёнинг бир неча халқлари таркибига ҳам кирган. Масалан, нўғойлар ҳозирги татарларнинг асосий қисмини ташкил этса-да, сезиларли даражада бўлмаса ҳам қозоқ ва бошқирд халқларининг ташкил бўлишидаги иштирокини кўриш мумкин. Сурхондарё ва Қашқадарё воҳасида яшовчи қўнғиротлар ўзларини ўзбеклар деб атаса, Қарағанда (шарқий Қозоғистон)да яшовчи қўнғиротлар ўзларини – қозоқ, Қорақалпоғистондаги Қўнғирот туманидагилар – қорақалпоқ деб атайдилар. Қўнғирот уруғига мансуб кекса кишиларининг берган маълумотларига қараганда, Қарағандадан уларнинг боболарини йўқлаб қариндошлари келиб туришганини эслашади. Қашқадарё, Самарқанд атрофи, Қўқон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Қорақалпоғистонда яшовчи найманлар ҳам қайси халқ таркибида бўлса шу халқ номи билан аталган.

Қангли, манғит ва кенегаслар ҳам бир вақтда ўзбек, қозоқ, қирғиз ҳамда қорақалпоқлар таркибига ҳам кирган. Ўзбекистоннинг кўпгина туманлари ва Шимолий Афғонистонда яшовчи қатағонлар ўзларини ўзбек деб атасалар Иссиққўлнинг (Қирғизистон) шимолий

қисмида яшовчилари эса ўзларини қирғиз деб ҳисоблаган. Демак, ўзбеклар таркибидаги аксарият этно страталар турли даражада ҳозирги ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ халқлари таркибига сингиб кетганлиги этнографик материаллардан маълум.

Бу каби этноижтимоий тузилмалар йирик ёки кичик этник гуруҳлар тарзида XX аср бошларига қадар сақланиб қолган бўлиб, улар қарлуқ, барлос, турк, калтатой, мусабозори, қўнғирот, қатағон, манғит, юз кабилардир. Улардан баъзилари ўз номларини топонимикада қолдирган бўлса, баъзилари эса қўшни этник гуруҳлар билан аралашиб кетди ёки янги жойларга қўчиб кетган. Масалан, кўпгина аҳоли пунктларининг этник гуруҳлар номи билан аталишини кўришимиз мумкин. Масалан, Туркқишлоқ (Сурхондарё, Андижон), Қарлуқ ва ҳокозо. Ушбу этник бирликлар аллақачон ўз номларини унутган бўлсаларда, (айниқса Тошкент воҳаси, Фарғона водийсида) уларнинг номи жой номларида сақланиб қолганлиги бизга қачонлардир ушбу ҳудудларда мазкур этник жамоаларнинг яшаганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиё ҳудудларида тарихан шаклланган бу каби этноижтимоий манзара турли шажарага оид генеалогик ривоятларни тарихий манбаларни, фольклор материалларни, оғзаки тарихни шаклланишига сабаб бўлган. Масалан, ўзбек оилаларида етти аждодини билиш анъанаси яхши сақланиб қолган. Айнан мана шу омил оила қадриятларини, ўзи мансуб бўлган халқ, элат анъаналарини сақланиб қолишига ва провардида турли туман ўзига хосликларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Тарихий генетик илдиз ва аждодларга мансублик ғоялари, ўзига хос генеалогик ривоятлар ва насл-насаб тизими жамоавий ўзига хосликларнинг сақланиб қолишига сабаб бўлган.

Генеалогик ўзликлар ва уруғчилик феномени ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман ҳамда озарбайжон, анатолия турклари ва бошқирдлар каби туркий халқларда оила ва уруғ шажаралари ва ижтимоий-этник тузилмалар тарзида сақланиб қолган. Ўзбеклар ҳам локал-ҳудудий бирликлар, уруғ-аймоқ (авлод, тўп, уруғ)лар каби турли ўзликлардан иборат ижтимоий-маданий тузилмалар ҳамда уларда бир тарихий макон ва замонда умумий маданий бирлик негизидаги турли ўзликларнинг намоён бўлиши омили бўлган оила шажаралари ва уруғларга бўлиниш тизими сақланиб қолган.

Тарихий ҳужжатларда келтирилган 92 ўзбек уруғлари нафақат Ўзбекистон ҳудудида балки, бутун Ўрта Осиё ҳудудларида тарқалган. Бу 92 ўзбек уруғларига мўғуллар истилосидан олдинги ҳамда шайбонийлар даврида қайд этилган уруғ жамоалари ҳам киради. Аммо уларга мўғуллар босқинигача Ўрта Осиёга келган чиғил, яғмо, усун, тухси, халачи ва бошқалар каби қадимги туркий этник гуруҳлар ҳам гарчи X-XII асрларда ва ундан кейинги даврларда келиб ўрнашганликларига қарамасдан “92 ўзбек элати” таркибига ҳам кирганлар.

XX асрнинг бошларида “92 ўзбек элати”нинг аксарияти нафақат ҳозирги ўзбеклар таркибига балки, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқлар таркибига ҳам кирган. Кўпгина уруғлар ва уларнинг бўлинмалари бир вақтнинг ўзида Марказий Осиёнинг бир неча элатлари таркибига ҳам кирган. Масалан, нўғойлар ҳозирги татарларнинг асосий қисмини ташкил этса-да, сезиларли даражада бўлмаса ҳам қозоқ ва бошқирд халқларининг ташкил бўлишидаги иштирокини кўриш мумкин. Сурхондарё ва Қашқадарё водийсида яшовчи қўнғиротлар ўзларини ўзбеклар деб атаса, Қарағанда (шарқий Қозоғистон)дагилар – қозоқ, Қорақалпоғистондаги Қўнғирот туманидагилар – қорақалпоқ деб атайдилар. Қўнғирот уруғига мансуб кекса кишиларининг берган маълумотларига қараганда, Қарағандадан уларнинг боболарини йўқлаб қариндошлари келиб туришганини эслашади. Қашқадарё, Самарқанд атрофи, Қўқон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Қорақалпоғистонда яшовчи найманлар ҳам қайси халқ таркибида бўлса шу халқ номи билан аталган.

Қанғли, манғит ва кенегаслар ҳам ўзбек, қозоқ, қирғиз ҳамда қорақалпоқлар таркибига кирган. Ўзбекистоннинг кўпгина туманлари ва Шимолий Афғонистонда яшовчи қатағон уруғи вакиллари ўзларини ўзбек деб атасалар Иссиққўлнинг (Қирғизистон) шимолий қисмидагилар эса ўзларини қирғиз деб ҳисоблаган. Демак, ўзбеклар таркибидаги аксарият этно страталар турли даражада ҳозирги қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ халқлари

таркибида титул этносга мос қўш этнонимли тизим таркибига кириб қолган.

Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиё ҳудудларида тарихан шаклланган бу каби этноижтимоий манзара турли шажарага оид генеалогик ривоятларни тарихий манбаларни, фольклор материалларни, оғзаки тарихни шаклланишига сабаб бўлган. Масалан, ўзбек оилаларида етти отасини, аждодини билиш анъанаси яхши сақланиб қолган. Айнан мана шу омил оила қадриятларини, ўзи мансуб бўлган халқ, элат анъаналарини сақланиб қолишига ва провардида турли туман ўзига хосликларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Тарихий генетик илдиз ва аждодларга мансублик ғоялари, ўзига хос генеалогик ривоятлар ва насл-насаб тизими жамоавий ўзига хосликларнинг сақланиб қолишига сабаб бўлган.

Оила ва уруғ шажараларини хон авлодларига ёки шунга ўхшаш ҳукмрон сулола авлодлари билан боғлаш, машхур туркий халқлар этнонимлари билан боғлаш, локал жой номлари билан боғлаш, диний силсилалар билан боғлаш буларнинг барчаси сулолавий ёки уруғчилик асосида ўзликни англашга олиб келган.

Ўзбекистонда халқ орасида оғзаки ва қисман ёзма шаклда сақланиб келаётган тарихий уруғ шажаралар, оила насабномалари, у ёки бу уруғ жамоасининг келиб чиқиши борасидаги халқ ривоятлари, фольклор материаллари, “Насабномайи ўзбакия”, “Китимир” номлари билан сақланиб қолган шажараномаларни манба сифатида таҳлил қилиш мумкин. Шунингдек, тарихий манбалар (Махмуд Қошғарий, Рашидиддин, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абулғози Баҳодирхон, А. Вамбери, А.П. Хорошхин, Н. Аристов) ҳамда “92 бовли ўзбек уруғлари” рўйхатининг турли вариантлари, оғзаки ва қўлёзма шаклдаги расмий ва норасмий ёзма ҳужжатлар каби антропологик материаллар турли генеалогик ўзликларнинг тарихий илдизи ва моҳиятини очиб бериш имкониятини берди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари, Тошкент, “Фан” нашриёти, 1968.
2. Маликов А. М. Узбеки группы кунград долины Зерафшана в XIX – начале XX в. – Самарканд: 2007. – 124 с.
3. Потапов Л.П. Материалы по семейно-родовому строю у узбеков «Кунград» // Научная мысль. –Ташкент- Самарканд, 1930. – №1. – С. 37-57.,
4. Catherine Nash. Genealogical identities//Environment and Planning D: Society and Space 2002, volume 20, pages 27-52.
5. Қошғарий М. Девону луғотит турк, 1-том, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1960.– Б-64.
6. Ситняковский Н.Ф. К генеалогической таблице узбеков рода Кунград // ИТОРГО. Т. 7. 1907; ,
7. Ғози Олим. Ўзбек уруғларидан қатағонлар ва уларнинг тили. // Илмий фикр. 1930. №1;
8. Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843; Вамбери А. Путешествие в Среднюю Азию из Тегерана через Туркменскую пустыню по восточному берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самарканд, . предпринятое в 1863 г. Изд. 1-е. – М., 1867; Изд. 2-е. – М., 1874
9. “92 бовли ўзбек уруғлари рўйхати “Мажмуъ-ат таворих” (XVI аср), “Насабнома” (XVI-XVII асрлар), “Тухфат-ат таворихи хоний” (XIX аср), ЎЗР ФА Шарқшунослик институтидаги 4330 рақамли қўлёзма, «Қитмир» китоби (Ғаллаорол нусхаси, XIX аср) манбаларда акс этган.

ТАРИХ ВА МАДАНИЯТ АКС ЭТГАН ГАСТРОНОМИЯ

(этнологик ва антропологик контекстда)

Файзуллаева Мавлюда Хамзаевна,
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси доценти, т.ф.н.

Аннотация: Мақолада гастронимик анъаналарнинг этнология, антропология ва тарих соҳасида ҳар қандай миллий озиқ-овқат уни тановул қилувчи халқнинг тарихи ва маданияти билан узвий боғлиқлиги акс этган.

Калит сўзлар: гастронимия, этнология, антропология, тарих, таомлар, таомланиш маданияти, ўзбек тановули, ресторан.

Аннотация: В статье отражена неразрывная связь гастрономических традиций в области этнологии, антропологии и истории любой национальной еды с историей и культурой нации, которая ее питается.

Ключевые слова: гастронимия, этнология, антропология, история, еда, культура питания, узбекская кухня, ресторан.

Abstract. The article reflects the inextricable connection of gastronomic traditions in the field of ethnology, anthropology and history of any national food with the history and culture of the nation that eats it.

Key words: gastronomy, ethnology, anthropology, history, food, food culture, Uzbek cuisine, restaurant.

Маълумки, таомланиш – соғлиқ гарови, манбаи ҳисобланиб, агар унга тўғри ва рационал амал қилинса, таомланиш режими ҳамда тўғри овқатланиш маданиятига амал қилинади. Бу эса ўзига хос турли туманлик жиҳатларини намоён этади. Юнон файласуфи Суқрот: “Биз ейиш учун яшамаймиз, яшаш учун ейишимиз керак”, деган пурмаъно фикрларни айтиб ўтган бўлса [13.206], буюк рус физиологи И.П.Павлов эса инсон бемалол 100 ёшга кириши мумкин, агар у бу ёшга етмаса, бунинг учун у ўзини айблаши керак, деб ҳисоблаган [11.334].

Таом тайёрлаш санъати худди оловни ихтиро қилгани каби умуминсоният қўлга киритган маданиятдир. Таом турлари табиий-географик шароит ва хўжалик маҳсулотларига кўра турли-туман бўлиши мумкин. Масалан, Арктикада крахмал ва шакар умуман йўқ, тропик ўрмонларда чорва маҳсулотларидан келадиган гўштга талаб кучли бўлса, денгиз бўйида яшовчи халқлар таомномасида балиқ асосий ўрин тутаяди. Жанубий, жануби-шарқий минтақалар ошхонасидан эса гуруч, ўткир зираворлар ва ҳар хил экзотик ҳайвонлар (ит, маймун, илон ва бошқ.) жой олади.

Санкт-Петербург ресторанларида арман ошхонаси мисолида этник ресторан нима қилипти, миллий ошхоналар орқали этниклик ҳақида нима билиш мумкин, илгари сурилаётган арман ресторанларида арман ошхонасининг қиёфаси қандай, арман информаторларининг арман ошхонаси ҳақидаги ҳикоялари қанчалик мос келади йўналишларида тадқиқотлар олиб борилади [3.67-94]. Ушбу ресторанлар таомномаси таркибига ички нигоҳ ташлаб, арман ошхонаси ҳақида хулоса қилинади. Аввало, барчасига дискурсив усуллар билан эришилади.

Этник ресторанларни ғарб замонавийлигининг маҳсули сифатида тарихий яшаш мамлакатларидаги ўзига хос этник гуруҳлар вакилларининг амалиётлари билан боғлашади. Этник ресторанга ташрифи чоғида меҳмонга билвосита ошхона ниманидир эслатиб туради. Бундан ташқари, ресторанда маълум бир этник гуруҳ меҳмонлари учун, қайси бир халқпазандчилиги таклиф этилса, бу ҳам бир сайёҳатдир. Уларнинг кўпчилиги ресторан таомини ўз миллий меросининг бир қисми сифатида қабул қиладилар. Этник ресторан нафақат натижа, балки турли гуруҳлар вакиллари ўртасидаги жамоатчилик билан алоқалар жойидир. Бунга этник ва ўзига хослик тақдимоти сифатида қараш имконини беради. Яна бир қараш, этник ресторанлар миллатларни тадқиқ этишдир.

Дунёнинг турли бурчакларида этник ресторанлар кўпайиб бормоқда. Бу фақат миллий ўз-ўзини англаш билан боғлиқ бўлмай, жамиятнинг истеъмол хусусиятларида ўзига хос ўзгаришлар, бозорнинг кенгайиши, глобаллашув, миграцион жараёнлар ва туризм ҳам таъсир кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, хорижий тадқиқотчилар, хусусан, Ғарбий Европа ва Америкада бу мавзу бўйича жуда фаол бўлиб, таом ва таомланиш антропологиясининг назарий масалалари, Европа ва дунё халқлари озиқ-овқат анъаналарининг ўзига хос тадқиқотлари ишлаб чиқилган. Бу соҳада етакчи мутахассислар томонидан озиқ-овқат тарихи ва маданиятига оид энциклопедик нашрлар, қатор фундаментал монографияларни ҳам қайд этиш мумкин[5].

Одамзод ҳаёти ва маданияти контекстида таомларни ўрганиш, соф этнографик ишлардан ташқари, бу соҳанинг бир қатор, жумладан, биологик ёки жисмоний-антропология, табиий омиллар таъсиридаги маданий қарашлардан тиббиёт ва диетология, хусусан, юқорида қайд этилган этно-экологик ёндашувни ҳам шу ерда келтириш мумкин[2.67-68]. Шунингдек, гуманитар йўналишдаги филологик ишлар ҳам мавжуд бўлиб, уларда матнлар орқали таомланиш анъаналари ва соҳага тегишли маданий ҳодисалар ўрганилади. Шундай ишлардан бири Елена Костюкович[4.22-23] ва Жан-Франсуа Ревельнинг «Ошхона ва маданият» асари ҳисобланади[14.413-414]. Филологик йўналишдаги пазандачилик китоби ва пазандачилик журналистикасига бағишланган гастрономик романлар ҳам мисол бўла олади[10.411-413]. Айниқса, Ғарбий Европада тарихий йўналишдаги муҳим ўринни эгаллайдиган «Анналов» мактаби одамлар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақидаги кенг кўламли маълумотларни бирлаштиради[15], сўнгги йилларда тарихий ва замонавий таомланиш антропологиясига тегишли Дж. Ребор, А. Каппати ва М. Монтанари[9.480-481] ҳамда М.В. Урсегованинг[19] ишларида доимо маданий ҳодиса саналган таомларнинг маросимий, рамзий аспектига катта аҳамият берилмоқда.

Рус этнографи ва фольклоршуноси Н.Ф. Сумцов ноннинг маросимий ўрни ҳақида алоҳида тадқиқот олиб боради[20.158]. О.Д. Фаиснинг мақоласида Италия аҳолисининг анъанавий маданиятида таомлар, тириклар ва ўликлар дунёси учун аҳамияти, диний эътиқоднинг одоб-ахлоқ нормалари билан боғлиқ муҳим қисмида озиқ-овқат таъқиқлари ва чекловларнинг ўрни каби мавзуларга тўхталадилар[22.2]. Шу мавзуга ўхшаш Г.Ф. Габдрахманованинг ишида Татаристон муслмонлари ҳаётидаги исломнинг «ҳалол» категорияси ва республикадаги гўшт маҳсулотлари бозори масалаларига эътибор қаратилган[23.58-75]. Шунингдек, таом ва таомланишнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида жамоалар мисолида, жумладан, XVI–XVIII асрларда денгизчилар ва қароқчиларнинг таомларига бағишланган Д.Н. Копелевнинг мақоласида қизиқарли маълумотлар тасвирланган[24].

Таомланиш антропологияси доирасидаги фундаментал тадқиқотлар фақат «ошхона» билан чегараланиб қолмай, балки, амалий жиҳатдан бу соҳада билимларни ёйиш, халқларнинг пазандалик ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш анъаналарини сақлаб қолиш вазифалари ҳам юзага келади. Масалан, Франция президенти Николя Саркозининг француз ошхонасини жаҳон маданий мероси деб эълон қилиш таклифига жавобан, Испания ҳукумати бошқа бир қатор мамлакатлар ҳукуматлари қўллаб-қувватлаши таъсирида бу масалани янада кенгроқ кўтаришга қарор қилди: «Ўрта ер денгизи диетаси» ни Юнесконинг Жаҳон мероси рўйхатига киритишни таклиф қилди. Шундай қилиб, бундай уринишлар соғлом ва мувозанатли озиқ-овқат тизими ҳақидаги фикрлар билан бирга, халқларнинг яратган маданий меросини ифодаловчи анъана эканлигини ҳам англатади (2010 йил 16-ноябрда ЮНЕСКО Мексика ошхонасини ҳам жаҳон мероси сифатида тан олди). Ушбу контекстда «Слоу Фуд» («Slow Food») ташкилоти фаолиятига эътибор қаратиш лозим. «Слоу Фуд» Халқаро ассоциацияси 1989 йилда соғлом ва анъанавий озиқ-овқат итальян уюшмаси асосида ташкил этилган.

Кўп асрлик тарихга эга таомланиш маданияти ва миллий анъаналарни вайрон этувчи «фастфуд» тизимига муқобил тарздаги ўзига хос бу уюшма ўз миссиясини уч йўналиш: анъаналарга содиқ қолган ҳолда экологик тоза озиқ-овқат тизимини тарғиб қилиш; қишлоқ хўжалигида анъанавий ишлаб чиқариш саноати билан боғлиқ тарзда биологик

хилма-хилликни ҳимоя қилиш ва халқ гастрономик анъаналари фақат ошхона билан чекланиб қолмасдан озиқ-овқат маданиятини оширишда таълимга эътибор қаратиш ҳамда уни ўрганиш белгилаб олинган. Уюшма томонидан адолатли ва барқарор ривожланишни ҳимоя қилган тамойиллардан бири озиқ-овқат ҳуқуқи инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида эканлигини ифодаланишидир. 2004-йилда «Слоу Фуд» ишлаб чиқарувчилар жамоаларини бирлаштириш учун ер юзидаги ўз анъаналарига содиқ яшайдиган кишилардан иборат Terra Madre («Она ер») тармоғини яратдилар. 2006 йилдан бошлаб, тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчилар ва умумий овқатланиш саноати вакиллари билан бир қаторда, “Terra Madre” га таомлар ва таомланиш маданиятини тадқиқ этаётган 400 нафар тадқиқотчи қўшилди.

Озиқ-овқат соҳасидаги илмий тадқиқотларга муҳим эътибор қаратилаётган 2004 йилда ташкил топган Гастрономик фанлар университети (Поллензо ва Колорно, Италия) шу соҳадаги илк таълим муассасаси ҳисобланиб, гуманитар ва ижтимоий фанлар таркибида овқатланиш анъаналари ва маданияти билан боғлиқ дастурларни ўз ичига олади. Шундай қилиб, таом ва таомланиш замонавий антропологияси – бу ижтимоий ва маданий антропологиянинг фаол ривожланаётган тармоғидир.

“Ресторанный бизнес (Умумий овқатланиш бизнеси)” журналининг бош муҳаррири Мария Тимирбаеванинг фикрича, ўзбек таомлари уйда тайёрлашга мослашган. Ўзбекистонда таом тайёрлашда фойдаланиладиган ингредиентларнинг сифатлилиги ва ресторанларда ишлатиладиган маҳсулот ҳамда зираворлар алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбек ошхонаси таомлари бошқа давлатларда танилганлиги билан аҳамиятли бўлиб, масалан МДХ нинг бир қанча йирик шаҳарларидаги ресторанларда ўзбек миллий таомлари тайёрланади. Нью-Йорк ва Парижда қандолатчилик маҳсулотларининг ҳам ўз ўрни бор. “Ресторан рейтинги” сайтдан олинган маълумотларга кўра, ўзбек миллий таомлари довуғи Москвада олдинги ўринларда туради ва Россия давлати пойтахтининг 50 дан ортиқ ресторанларида ўзбек миллий таомлари тайёрланади.

А.С. Кочкуновнинг методик ёндашувига кўра, овқатланиш маданияти кундалик таомланишда бир қадар аниқроқ акс этиши билан бирга, ундаги трансформацион жараёнларни ҳам кузатиш мумкинлигини таъкидлаган. Шу ўринда ноанъанавий озиқ-овқат маҳсулотларини ҳамда бошқа халқлар ошхонасига хос таомларни кириб келиши ва уларни маҳаллий ошхона меъёрларига мослаштирилиб, қайта ишлов бериш жараёни бир қадар жадал бўлганлигини айтиб ўтиш ҳам жоиз [25.221].

Айтиб ўтиш жоизки, 2018 йилдан бошлаб, Ўзбекистоннинг умумий овқатланиш шаҳобчалари ва ресторанларида “ҳалол” стандартини амалиётга жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, шу йилнинг февраль ойидан бошлаб, ISO 22000 ва “Ҳалол” озиқовқат маҳсулотлари бўйича умумий қўлланма O’z DSt 3286:2018 давлат стандарти расман жорий этилгани ана шу саъйҳаракатлар натижасидир.

2019 йил 23 февралда Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси меҳмонлар шарафига Тошкентда “10 Halal food” мавзуида маҳорат дарсини ўтказиши, унда 10 турдаги ўзбек миллий таомлари тайёрланиб, махсус кечки овқат дастурхонига тортиқ этилиши каби тадбирлар кишини қувонтиради.

Тарихдан маълумки, XX асрда Совет иттифоқи ўрнатилиши билан таом тайёрлаш борасида маҳаллий ўзига хос бўлган локал хусусиятлар йўқолиб борди. Хўжаликнинг ўзи етиштирган маҳсулотлардан уйда таом тайёрлаши кенгайиб, таом тайёрлаш маҳсулотлари ва ошхона асбоб-анжомларидан фойдаланиш ҳам ривожланиб, ҳатто, аҳоли турмуш тарзига тайёр ва ярим тайёр овқат-маҳсулотлар ҳам кириб кела бошлади. Бу доимий ўзгармас жараёнларга айланиб борди ҳамда тановул қилишга ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Қолаверса, кундалик истеъмол учун тайёрланадиган, тўй, байрам ва бошқа халқ маросимлари учун махсус тайёрланадиган, мавсумий, яъни йилнинг маълум фаслларидагина тайёрланадиган, тайёрлаш усули унутилган, унутилиб бораётган ёки масаллиғи ноёб, баъзи-баъзидагина тайёрланадиган, бетоб бўлганда ёки иштаҳаси қирқилганда шифо бўладиган таомлар, шунингдек, қандолат, ширинлик ва ичимликларни тадқиқ этиш ниҳоятда долзарбдир. Айниқса, оилавий овқатланиш

тизими саломатлик манбаи ҳисобланиб, бунда аёлларнинг ўрни алоҳида ўрин тутди.

Овқатланишни ташкил этишда тановул режими, аёллар меҳнати календари, меҳнат тақсимоли, уй бекасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан келиб чиқади. Таомланишнинг жамоавий жиҳати эса ўзаро бирдамлик, муносабатларнинг шаклланиши, янги танишлар орттириш, суҳбат қуриш, ёдга олиш, мулозамат кўрсатиш, меҳмон кутиш, меҳмон кузатиш, мезбонлик қилиш ва алоқаларни янада мустаҳкамлаш (қудаанда бўлиш, дўстуёр топиш, таниш орттириш, аюка тутиниш, қўшни бўлиш, ечимини кутаётган масалаларни ҳал этиш) ёки умуман тескари ҳолат душманлик муносабатларини ҳам шаклланишига олиб келади.

Тадқиқот давомида таомланишга антропологик ёндашув асосида бугунги кунда моддий маданиятнинг муҳим элементи сифатида таомлар гастронмик туризмни ривожлантиришда ўзига хос ўрин тутди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 5611сонли Фармонида республика ҳудудларида туризмни истиқболли турлари, жумладан гастронмик туризм салоҳияти кўплаб хорижлик сайёҳлар томонидан доим юқори баҳоланиб келинган. Шунингдек, мамлакатимиз National Geographic танловида энг яхши гастронмик йўналиш ғолиб сифатида эътироф этилган.

Гастронмик туризм Ассоциация фаолиятини йўлга қўйишдан мақсад гастронмик туризм йўналишида турли тадбирлар, жумладан кўргазма, фестивал, форум, семинар, илмий анжуман, давра суҳбати, танлов ва шу каби бошқа тадбирларни ташкил этиш, ассоциация қошида халқаро грантлар ҳомийлигида ўзбек миллий кулинарияси тарихи, бугуни ва келажаги бўйича гастронмик туризм тараққиёти учун хизмат қилувчи турли лойиҳаларни амалга оширишдан иборатдир.

Мутасаддиларнинг маълум қилишича, Ассоциация Ўзбекистонда сайёҳлик мавсумини узайтириш мақсадида ҳар йилнинг ноябрь ойида мунтазам равишда “Лаззатли Ўзбекистон” халқаро миллий таомлар фестивалига мезбонлик қилади, фестивалга халқаро туристик агентликларини мунтазам жалб этиб боради ҳамда Ўзбекистон бўйлаб ҳудудий гастронмик турларни ташкил этади. Шунингдек, Ассоциацияга аъзо ресторанлар ва уларнинг ходимлари орасида “Хорижликлар эътирофига сазовор бўлган йилнинг энг яхши ресторани, “Йил официанти”, “Йил ресторан менежери”, “Йил бош ошпази” номинациялари бўйича тақдирлаш маросимларини ўтказиб келмоқда. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Гастронмик туризм ассоциацияси ҳамкорликда ўтказган “Ўзбекистоннинг ноёб таомлари” танлови бир овоздан халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнини топишига хизмат қилди десак муболаға бўлмайди.

“Ўзбекистоннинг ноёб таомлари” танловида иштирок этиш учун минтақанинг ишталган кишиси ўз ҳудудларига хос бўлган қадимий, антиқа ва тобора йўқолиб бораётган камида 5 миллий таом (суюқ, қуюқ, пишириқ, ширинлик) таомнома (рецепти) сини тақдим этиши керак бўлади. Иштирокчидан қуйидаги: таом, унинг тарихи ва муаллифи ҳақидаги маълумотлар ва қизиқарли фактлар; 56 кишилик тақсим (порция) учун керак масаллиқлар рўйхати (килограмм, грамм, литр, қошиқ каби ўлчовлар билан – Ф.М.); масаллиқларнинг қандай шаклда тўғралиши (кубик, сомонча, халқасимон ва б.); таомни тайёрлаш жараёни аниқ кетмакетликда ёзилиши; таомнинг мазали чиқиши учун муаллифдан қўшимча ва тавсиялар талаб этилади.

Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, гастронмик туризм бу мамлакат билан унинг гастронмияси, маҳаллий ошхонаси ва пазандалик маҳорат дарслари орқали танишиш учун саёҳат ва гастронмик турлардир. МДХ мамлакатлари бўйлаб энг оммабоп гастронмик туризм мамлакатлари рейтингига Грузия, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон мамлакатлари қаторида Ўзбекистон Республикасини киритилганлиги бу соҳани ривожланишига алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ташқари, Ўзбекистон бутунжаҳон туристик ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилган СаёҳатЭртага гастронмик компаниясида қатнашаётганлиги ҳам республикада гастронмик туризмни ривожлантиришга юқори даражада эътибор қаратилаётганлигидан дарак беради.

Хулоса қилиб айтганда, таом ва тановул, инсон руҳияти ва ички дунёси ифодасини акс

эттиришнинг ўзига хос услуби сифатида алоҳида ўрин тутди. Бу мавзу тадқиқи халқлар ўртасидаги маданиятлараро мулоқот ўхшашликлари ва фарқларни англаш, гастрономик олам манзарасини тушуниш, инсон психологиясини чуқурроқ англаш, жаҳонда юз бераётган адабий тенденциялардан бохабар бўлиш имконини беради. Жаҳон адабиётидаги “таом” ва “тановул” мавзусида ёзилган асарларни антропологик нуқтаи назаридан ўрганиш бу соҳада янги услубларни кашф этилишига хизмат қилиши мумкин. Келажакда замонавий ўзбек адиблари асарларида таомни бадиий тасвирлаш, унинг истеъмоли билан боғлиқ руҳий ҳолатларни реалистик ифодалаш анъаналарининг шаклланиши, жаҳон китобхонларида ўзбек миллий ошхонасининг шоҳ ва бренд таомларини татиб кўриш истаги орқали миллат табиати ва юрагини билиш, ўрганиш иштиёқини уйғотади десак муболаға бўлмайди.

Ўзбек гастрономик анъаналарини ўзбек муҳожирлари томонидан таништирилиши энг яхши йўлдир. Қайси бир тарихий даврлар анъаналарини таништиришда пазандалик анъаналари, ўзбек таомлари маданиятнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Номоддий маданий мерос ЮНЕСКО вакили рўйхатига киритиш учун ўзбек анъанавий таомлари ва таомланиш маданияти ҳақида, илмий маълумотларни тарқатиш, интернет, телевидение ва матбуотга бу масала бўйича маълумотлар бериб бориш керак. Бу эса ўз навбатида воҳа миллий таомларини хорижий сайёҳларни жалб қилувчи асосий омиллардан бири сифатида Ўзбекистонда воҳа таомлари гастрономик брендларини яратиш ва оммалаштиришни ҳам кўзда тутди.

Ўзбек ошхонасини дунё миқёсида ўрганиш охир-оқибатда ўзбеклар ҳаётининг бошқа жиҳатларига ҳам эътибор қилиш учун ёрдам беради: ўзбек тилини ўрганиш, туризм ривожланиши, мамлакат ва халқ тарихи ва маданиятига қизиқишнинг юксалиши ва бошқалар; ўзбек таомларига бўлган эътибор туфайли турли давр ютуқларидан бохабар бўлиш билан бирга ўзбек анъанасининг ажралмас қисми бўлиб келган, ўзбек таомлари билан аралашиб кетган, Ўзбекистонда яшаётган халқларнинг этник ошхонаси элементлари билан ҳам танишиш мумкин.

Демак, бугунги кунда айнан маҳаллий анъанавий озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўзбек таомлари анъаналарини тарғиб қилиш билан шуғулланувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва рестораторларни ва турли даражалардаги, ўрта ва кичик бизнес ҳамда соҳадаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш лозим. Ҳозирда гастрономик туризм этнология, антропология ва тарих соҳасида ҳар қандай миллий озиқ-овқат уни тановул (истеъмол) қилувчи халқнинг тарихи ва маданияти билан узвий боғлиқ. Бундан ташқари, миллий таомларни бренд даражасига кўтариш миллий характернинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради, миллий дидни ривожлантиради. Ўзбек локал гастрономик маданияти ҳозирги кунда инсониятга муносиб, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларидан тайёрланган ўзбек таомларини таклиф этмоқда.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Dobrovol'skaia M.V. Chelovek i ego pishcha. Pishchevye spetsializatsii i problemy antropogeneza [The Man and His Food. Food Specializations and Problems of Anthropogenesis]. - Moscow: Nauchnyi Mir, 2005.
2. Григулевич Н. И. Этническая экология питания. Традиционная пища русских старожилов и народов Закавказья / Отв. ред. – акад. РАН Т.И. Алексеева. ИЭА РАН. - М., 1996.
3. Гуляева Е. Что делает ресторан этническим? (на примере армянских ресторанов в Санкт-Петербурге) // Антропологический форум. 2017. № 32. - С. 67–94.
4. Костюкович Е. Еда — итальянское счастье. 3-е издание, Изд-ль: ОГИ, 2020.
5. Kiple K.K., Ornelas K.C. The Cambridge World History of Food // [Food Service Technology](#) 1(1):2 v. (xlii, 2153). 2000. DOI:[10.1046/j.1471-5740.2001.00006.x](#).
6. К вопросу о развитии языка немецких кулинарных книг. // Материалы XVI Международной научной конференции студентов, аспирантов и молодых ученых «Ломоносов», секция «Филология», подсекция «Немецкое языкознание». - М., 2009. - С. 311–313.

7. К вопросу о развитии языка немецких кулинарных книг // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. 2009, №3. - С. 58–62.
8. Fischler C. L'Homnivore. Le goût, la cuisine et le corps, Paris, [Odile Jacob](#), 1990.
9. Montanari M. Il cibo come cultura. Laterza. 2004.
10. Немецкий кулинарный рецепт как особый тип текста // Материалы XV Международной научной конференции студентов, аспирантов и молодых ученых «Ломоносов», секция «Филология», подсекция «Немецкое языкознание». - М., 2008. - С. 340–342.
11. Павлов И. П. Статьи по вопросам физиологии пищеварения. (1877—1896) / Полное собрание сочинение: В 6 т. /; Акад. наук СССР. — Изд. 2-е, доп. — Москва: Ленинград: Изд-во Акад. наук СССР, 1951—1952. / ред. А. В. Соловьев. Т. 2, кн. 1. 1951. — 334 с.
12. Ревель Ж. Кухня и культура: литературная история гастрономических вкусов от античности до наших дней. Екатеринбург. Издательство: У-Фактория, 2004.
13. Римликларнинг ҳикматли сўзлари. // Жаҳон адабиёти. Адабий-бадий, ижтимоий-публицистик журнал. 2007 йил, октябрь. - № 10 (125). - Б. 206.
14. Структурные типы и функции заглавия немецкого кулинарного рецепта в диахроническом аспекте // Материалы XVII Международной конференции студентов, аспирантов и молодых ученых «Ломоносов», секция «Филология», подсекция «Немецкое языкознание». - М., 2010. - С. 411-413.
15. Annales. Histoire, Sciences sociales. / <https://ru.wikipedia.org/>
16. Каппати А., Монтанари М. Итальянская кухня. История одной культуры / Пер. с итал. 2006. - 480 с.
17. Ребора Дж. Происхождение вилки. История правильной еды. Издательство Колибри. 2007.
18. Монтанари М., Миролюбова А.Ю. Голод и изобилие. История питания в Европе. Издательство Александрия, 2009.
19. Урсегова М. История этнологического и социоантропологического изучения питания: краткий обзор. ЭО, 2011 г., № 1. ISSN: 0869-5415.
20. Сумцов Н. Символика славянских обрядов. Издательство: Восточная литература. 1996. - С. 158.
21. Фаис-Леутская О.Д. К вопросу о современном состоянии антропологии питания / ЭО. № 2. 2019.
22. Фаис-Леутская О.Д. Скабрёзности в сфере сицилийской традиционной кухни / ЭО. - № 2. - 2019. <https://journal.iea.ras.ru/>.
23. Габдрахманова Г.Ф., Уразманова Р.К. [Мусульманский культ святых у татар Волго-Уральского региона: особенности формирования и трансформации](#) // Этнографическое обозрение. 2018. № 2. - С. 58–75.
24. Копелев Д. Н. Золотая эпоха морского разбоя. Пираты. Флибустьеры. Корсары. — М.: Остожье, 1997.
25. Кочкунов А.С. Система питания кыргызов // Sosyal Bilimler Dergisi. - 2003. - № 8. - С. 221.
26. <https://www.wellnews.ru>
27. <https://ru.wikipedia.org/>
28. <https://www.slowfood.com/>
29. <https://www.terramadre.info/>
30. Университет гастрономических наук. / <https://www.slowfood.com/>
31. Узбекская кухня // <https://ru.wikipedia.org/>
32. Рестораны узбекской кухни в Москве. // <https://www.restoclub.ru/>
33. Узбекистан впервые вводит систему сертификации «Халяль». // <https://uznews.uz/>
34. 10 ҳалол таом, хорижий мамлакатлар дин арбоблари ташрифи, Бухоро бўйлаб саёҳат - Зиёрат туризми бўйича I халқаро форумда. // <https://kun.uz/news>
35. Гастрономик туризм Ассоциацияси веб саҳифаси // Июнь. 2020 йил.
36. http://toshvil.uz/uz/uzbekistonda_gastronomik_tourism_of_associatesi_of_ochildi. Тошкент вилояти ҳокимлиги веб сайти. 2021 йил 31 август.

ЎЗБЕК ХАЛҚ МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мустафоқулов Рўзиқул Бойназарович,
Термиз давлат университети Бошланғич
таълим кафедраси доценти, филология
фанлари номзоди.

Аннотация: Ушбу мақоланинг ўзбек халқ миллий ўйинларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида бўлиб, ёзма адабиётининг ҳам ранг-баранглиги, қўламлилиги, қадимийлиги билан уни пешқадам халқлар сафига қўяди. Сурхонвоҳасида истиқомат қилган халқлар ҳам бошқа ҳудуддаги меҳнаткашлар сингари, турли-туман тарихий тараққиёт босқичларини ўз бошидан кечирганлар. Бу ўлка халқлари орасида авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган бой оғзаки бадиий ижоднинг тарихи ҳам қадимийдир.

Ота-боболаримиз уларни сайилларда, гулзорларда, бозор ва кўчаларда турли-туман шаклларда ижро этишган. Ҳар бир даврнинг ўзига хос, характериға мос ўйинлари бўлиб, у айрим ўзгаришларга учраб турган. Ҳаётда минг-миллион бор исботини топган ҳикматлар билан йўғрилган бу ўлмас асарлар ёшларимизга доно маслаҳатчи, ҳаётини курашларда йўлбошчидир. Шу боисдан ҳам ўйинлар ва ўйин-қўшиқлар, афсона ва ривоятлар, эртак ва мақоллар руҳимизга мунавварлик, қалбимизга куч-қувват бахш этади.

Калит сўзлар: Мақол, эртак, ўзбек халқ миллий ўйинлари, ота-боболаримиз, сайил, Сурхон воҳаси.

Annotation: This article is about the peculiarities of the Uzbek national games, and the diversity, scale and antiquity of the written literature make it one of the leading nations. The peoples living in the Surkhandarya oasis, like the workers of other regions, have gone through various stages of historical development. The history of rich oral art, passed down from generation to generation among the peoples of this region, is also ancient.

Our ancestors performed them in various forms in parks, gardens, markets and streets. Each period has its own unique character, which has undergone some changes. These immortal works, guided by the wisdom of thousands and millions of times in life, are a wise adviser to our youth, a guide in the struggle for life. That is why games and games, myths and legends, fairy tales and proverbs give enlightenment to our souls and strength to our hearts.

Key words: Proverbs, fairy tales, Uzbek national games, our ancestors, festival, Surkhan oasis.

Аннотация: В данной статье рассказывается об особенностях узбекских национальных игр, а разнообразие, масштаб и древность письменной литературы делают ее одной из ведущих. Народы Сурхандарьинского оазиса, как и труженики других регионов, прошли разные этапы исторического развития. История богатого устного искусства, передаваемого из поколения в поколение у народов этого региона, также древняя.

Наши предки исполняли их в различных формах в парках, садах, на рынках и на улицах. Каждый период имеет свой неповторимый характер, который претерпел некоторые изменения. Эти бессмертные дела, основанные на мудрости тысяч и миллионов раз в жизни, являются мудрым советчиком для нашей молодежи, проводником в борьбе за жизнь. Поэтому игры и игры, мифы и легенды, сказки и пословицы просвещают наши души и укрепляют наши сердца.

Ключевые слова: Пословицы, сказки, узбекские национальные игры, наши предки, праздник, Сурханский оазис.

Болалик бозорида бўлмаган, унинг ғайратли кўчаларида юрмаган, улғайиб вояга етганда эса унинг тенгсиз, тотли-ширин, ҳузурбахш хотирасидан бир умр баҳраманд бўлиб юрмаган бирор инсон бормикан?

Ҳа, уни соғинмаган, қумсамаган ё ўша олис болалик хотиралари сабаб бўлиб, бокира, покиза онларни мадҳ этмаган бирор ижодкорни топинг-чи! Болалигим-пошшолигим, деган гап бор. Бекорға болаликни пошшоликка қиёсламайдилар. Лекин, биламизки, болалик амали пошшолик амалидан минг чандон юксакдир.

Аслини олганда, турфа иллат учун ҳам, хислат, фазилат учун ҳам пойдевор болалиқдан қўйилади. Ижод асли дунё бино бўлгандан бери эзгулик пойдеворини қуйлаш устида

хизмат тортиб келади. Зеро, халқнинг, миллатнинг тақдирини болалиқдан бошланган тарбияси ҳал қилади.

Баркамол шоирлардан бири “Ёшлик-зангор фасл” деб битган эди. “Зангор фасл” ғоятда жилоли, фусункор ва жозибалидир. Унинг ўчмас садоси кўҳна тарихнинг хатида ғира-шира жон сақлаб келмоқдаки, буни таъриф этмоққа қалам ҳам, тил ҳам ожизлик қилади. Шу сабабли бўлса керак, буюк Алишер Навоий ҳам етти-саккиз ёшдан йигирма ёшгача бўлган даврни умр фаслларининг навбаҳорига, қийғос гуллаган гулзорига ўхшатади ва биринчи девонини “Ғаройиб ус-сиғар” деб номлаган.

“Ўзбек халқи ижодкор халқлардан бири. Унинг оғзаки ижоди ҳам, ёзма адабиётининг ҳам ранг-баранглиги, кўламлилиги, қадимийлиги билан уни пешқадам халқлар сафига қўяди”. [1]

Сурхон воҳасида истиқомат қилган халқлар ҳам бошқа ҳудуддаги меҳнаткашлар сингари, турли-туман тарихий тараққиёт босқичларини ўз бошидан кечирганлар. Бу ўлка халқлари орасида оғиздан-оғизга кўчиб, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган бой оғзаки бадий ижоднинг тарихи ҳам қадимийдир.

Воҳа халқлари қадимдан ўйинлар ва кўшиқлар, терма ва дostonлар, мақол ва маталлар, ривоят ва афсоналар, эртақ ва топишмоқлар, нақллар яратишга уста бўлишган. Ота-боболаримиз уларни сайилларда, гулзорларда, бозор ва кўчаларда турли-туман шаклларда ижро этишган.

“Ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари бўлгани каби унинг характериға мос ўйинлари ҳам бўлиб, у айрим ўзгаришларға учраб турган”. [2]

Ҳаётда минг-милион бор исботини топган ҳикматлар билан йўғрилган бу ўлмас асарлар ёшларимизға доно маслаҳатчи, ҳаётий курашларда йўлбошчидир. Шу боисдан ҳам ўйинлар ва ўйин-кўшиқлар, афсона ва ривоятлар, эртақ ва мақоллар руҳимизға мунавварлик, қалбимизға куч-қувват бахш этади. Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган тарбия анъаналари инсон умрининг икки дунё оралиғидаги ҳамма муносабат босқичларига хосдир. Шунинг учун ҳам тарбия дунёдаги барча моддий ва маънавий бойликлардан устун қўйилади. Шунини назарда тутган катталар “Болаларға берилган тарбия-бизға берилган баҳо” деб қарашган. Демак, “жамиятнинг гуллаб-яшнаши ҳам, унинг инқирози ҳам, албатта, тарбияға бориб тақалади”. [3]

Дарҳақиқат, ҳамма нарса болалиқдан бошланади. Болалиқдаги барча ҳатти-ҳаракат, маънавий бойлик ва сўзға чечанликлар умр бўйи инсон қалбига сингиб қолади.

Ўйинлар халқ оғзаки ижодининг энг қадимги ва кенг тарқалган жанрларидан бири ҳисобланади. Ўйин болаларға Оллоҳ томонидан инъом этилган бир неъматдир. Улар ҳамма даврларда ҳам халқ тили даражасида бўлиб, болаларни ҳалоллик, поклик, меҳр-шафқат, ростгўйлик ва тўғрилиқ, меҳнатсеварлик ва камтарлик каби энг мўътабар инсоний фазилатларни тарбиялашда катта дидактик аҳамият касб этиб келган.

Халқимиз болаларни неча асрлардан бери ўйинлар орқали тарбиялаб келади. Чунки бу ўйинлар болаларнинг жисмонан баққувват, илдам, тетик, зийрак бўлиши билан бирға, уларнинг ақл-заковатли, нутқининг равон бўлишиға қаратилган ўйинлар бу йўналишда жуда кўп узувларидан ташкил топган.

Қадимий халқ ўйинлари ва ўйин-кўшиқлари, урф-одатлар ҳар бир халқнинг босиб ўтган тарихий йўли ва маънавий тараққиёт босқичларини ўзида мужассамлаштиради. Машҳур ўтмишдошларимиз Тўмарис, Широқ, Спитамен, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва бошқалар ўйин мактабида чиниқиб, ақл-заковатини чархлаб, эл-юрт доврўғини жаҳонға ёйганлар.

“Ўзбек халқ оғзаки ижодининг илмий таҳлилида жонбозлик кўрсатган Ҳоди Зариф, Юнус Ражабий, Музайяна Алавия, Ҳошимжон Раззоқов, Г. Қобулниёзов, З. Ҳусайнова, Тўра Мирзаев, Ғани Жаҳонгиров, М. Саидов, Баҳодир Саримсоқов, Малик Муродов, Охунжон Сафаров, Маматқул Жўраев ва бошқа олимларнинг ҳайрли ишлари тўлқини кейинги йилларда яна ўз изига тушиб кетди”. [4] Бу борада анчагина мақолалар, китоблар чоп этилиб, кенг жамоатчиликка тақдим этилди. Болалар фольклори бўйича Охунжон Сафаров, Ғани Жаҳонгировнинг “Ўзбек болалар фольклори” (1975).

Раъно Йўлдошеванинг “Ўзбек халқ ўйинларининг тарбиявий аҳамияти” (1992),

И.Ғуломова, К. Маҳкамжоноваларнинг “Болалар боғчаларида халқ ўйинлари” (1992), Иброҳимова З. “Кичкинтойлар адабиётининг ўзига хос хусусиятлари” (1994), М.Муродов “Олтин сандиқ очилди”. О.Мадаев, Т.Собитова “Халқ оғзаки поэтик ижоди”. Ҳабибулло Ғофурнинг “Халқ ўйинлари, қўшиқлари ва анъаналарига бир назар” (1992), Рўзиқул Мустафоқуловнинг “Ўзбек халқ миллий ўйинлари” (2019) , “Халқ педагогикаси сарчашмаси” тарбиянинг теран илдизлари (ҳамкорликда) (1996) китоблари ва бошқа асарлар юзага келди.

Аmmo матбуот юзини кўрган ёки қайта тикланаётган айрим ўйинлар ҳали ўзининг қадимий ва миллий руҳини тиклай олгани йўқ. Бошқа соҳаларда бўлгани каби халқ ўйинлари ҳам гоҳ унутилиб, гоҳ гуллаб-яшнаб туради. Чунки ўйин инсон ҳаётида доимий ҳамроҳдир. Ўйинлар инсоннинг гўдаклигида ўйинчоқлар шаклида ҳамроҳ бўлади. “Кейинчалик у инсоннинг ёши, дунёқарашига, дид ва қобилиятига мос ҳолда ҳамқадамлик касб этади, маънавий ва жисмоний ривожига хизмат қилиб яшайверади”. [5]

Халқ ўйинларининг барчасида жозибадорлик ва эмоционаллик мавжуд бўлиб, у ҳеч қачон ўйновчилар ҳавасини сусайтирмайди. Аксинча, ўйнаган сари ўйнагинг келади. Болалар ўйин жараёнида турли-туман тўсиқларга, зарбаларга, толиқишларга дуч келадилар ва уларни ҳал қилиш учун чора-тадбир ахтарадилар. Ютуқлардан фахрланса, мағлубият зарбасига эса бардошли бўлишга ўрганади. Болалар ўзларига ёққан ё ёқмаган нарсалар қиёфаси, ҳатти-ҳаракатини ижро этадилар. Шу жараёнда кўзланган мақсад сари ўзларига юқори талаб қўйиб, ақлини ишга соладилар.

Улуғ мутафаккирларимизнинг фикрларига қараганда, бола то етти ёшга етгунига қадар ҳаётдаги барча янгиликларни ўзига сингдира боради. Ҳатто инсонда мужассам бўладиган барча ижобий ва салбий сифатлар ҳам шу даврда шаклланиб, унинг характерига муҳрланиб қолар экан. Илмий тадқиқотларнинг кўрсатишича, боланинг ақлий ўсиши уч ёшдан бошланади ва унга кенг майдон ҳозирланаркан. 4 ёшида эса у мустаҳкамланиб, иккинчи табиатига айланади. Руҳшунос олимларнинг эътирофича, инсон ақлий қобилияти умумий ривожланишининг тенг ярми дастлабки 3-4 ёшида 30 фоизи, 4-8 ёшида қолган 20 фоизи эса 8-17 ёшларида рўёбга чиқар экан.

“Ўзбек халқ ўйинларининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, уларни жанр ва турларга ажратиш мушкул”. [6] Бир ўйинни ҳам катталар, ҳам болалар ҳам қизлар ҳам, барчаси аралаш ўйнаши мумкин. Чунки уларнинг мазмуни ва шакли серқирра. Унинг унсурлари ё кўпроқ, ё озроқ, ўйин тартиби ҳам ё енгил, ё мураккаб. ўйиннинг шарт ва марраларини кўпайтириш ва камайтириш ҳам, вақтини ошириш ё озайтириш ҳам, шунингдек, ўйин иштирокчиларининг ёшига, жинсига, жисмоний қувватига қараб, уни мослаштириш ҳам мумкин.

Ўйинлардаги кўпгина шеърӣ тизимлар ўйноқи ва шўхлиги билан болалар диққатини доимо ўзига тортиб келади. Чунки ўйинлар шўх ва ўйноқи оҳанглар, ҳаракатлар билан мос тушиб, уйғунлашиб кетади. Улар болаларнинг ақлий тафаккурини ривожлантириш билан бирга, нутқ маданиятини ҳам ўстиради.

Болалар ўйинларининг ўзи сингари, унинг темир қонунлари ҳам қадимийдир. ўйинга чақиришлар (чорлама), ўйинбоши танлаш, гуруҳларга ажратиш (чек ташлаш), санок термалар (санамалар), ўйин тугагач, уй-уйига тарқалиш (тарқалмачоқлар) каби босқичларга ўйин қатнашчилари қатъий амал қилишади. ўйинни бошқариш, ғолиб ва мағлубни аниқлаш учун ҳакамлар ҳайъати ҳам талаб қилинмайди, ўйин иштирокчилари ўйиннинг қонун-қоидаларидан келиб чиқиб ҳукм чиқараверишади.

Асрлар оша тарих синовларидан дадил ўтиб келган миллат тафаккурининг хазинаси, унинг меҳнат фаолияти ва турмуш тарзи, урф-одатларидан гувоҳлик берувчи миллий ўйинлар собиқ шўро ҳукумати даврида нисбатан эътибордан четда қолиб келди”. [7] Халқ ўйинлари соф ижодиёт, у на дин ва на тузум билан ҳисоб-китоб қилади, унинг ўз мустақил йўли бор деган фикрга амал қилинмай келинди. Ваҳоланки, ўзбек элати, халқ ва миллати бу борада ўзининг бой тарихи билан боғлиқ ранг-баранг халқ ўйинларига эга ва улар асрлараро машҳурдир ва юқорида таъкидланган хусусиятлар уларга ҳам хосдир.

Ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган ўйинларнинг айримлари ҳозирги кунларимизда ҳам болаларимиз томонидан севиб ўйналиб келинмоқда ва улар келажак авлодларга бус-бутун ҳолда мерос бўлиб хизмат қилади. Бундай ўйинлар асрлар давомида ҳам ўзининг машҳурлигини йўқотмайди. “Миллий ўйинлар ёш авлоднинг жисмоний қувватини, ақлий қобилияти ва дунёқарашини кенгайтиради. Бир-бирига бўлган ўртоқлик, дўстлик ҳиссини тарбиялайди. Унга бўлган меҳру муҳаббати орта боради”. [8] Шунингдек, сезгирлик, чаққонлик, хушёрлик, сўзга чечанлик, жўшқинлик сингари қобилиятларни кўрсатиш учун ҳар бир қатнашчи ўйин қатидан ўзига яраша улуш ва ўрин топади. Айниқса, ўйин жараёнида онгли интизом, ортиқча ҳаракат ва шовқин қилмаслик, ўзини тута билиш каби хислатлар камол топади.

“Халқ ўйинларининг кўпларида болаларнинг қалпоқ ва дўппилари ўйин воситаси сифатида қатнашади. Болалар қадимда ҳар кун бўлмаса ҳам, кун оша қалпоқ иштирок этадиган ўйин ўйнашган”. [9] Ҳозир бундай ўйин тартиблари унутилган. ўтмишда онахону опахонларимиз тиккан қалпоқларнинг бирор жойи дарз кетмаган ва ранги ҳам ўчмаган. Айтиш мумкинки, онахону ота-боболаримиз ўз ишларига ниҳоятда пухта бўлишган, узоқни кўзлаб иш тутишган. Болаларини юқоридаги ўйинлар учун асло койишмаган. Чунки боланинг ўйинга иштирокини камол топиш, турмуш тарзини билиш манбаи деб қарашган.

Болаларнинг ўйин жараёнида бир-бири билан жанжаллашмасликлари, ноҳақлик қилмасликлари, чидамсизликларга йўл қўймасликлари шарт бўлган, шижоатли, ғайратли бўлишга даъват этилганлар. Ким ўйинда йиғласа, унга қарата “ўйинда йиғлаган кал бўлади” деб мазах қилиниб, танбах берилган. Ёки ўйин шартини бажармаганларни “шартдан қайтган шер манқа” деб уялтиришган ва изза қилишган. Ўйинда йиғлаш мумкин эмас, негаки, “ўйинда йиғлаган кал бўлади”. Шунингдек, “Гирромлик қилган ғирт ахмоқ”, “аразлаганнинг оши толи!” сингари тарбия усуллари бўлган.

Болалар орасида бўладиган даҳанаки ўзаро жанжалларга қўшилиб, ота-оналар ҳам жанжал қилишмаган, аксинча, болаларни бир-бири билан жанжаллашмасликларига, аразлашмасликларига, тотув бўлиб ўйнашларига катта эътибор беришган. Ўйин жараёнида болами-каттами, қизми-аёлми, қатъий назар ўйин қоидасига амал қилади. Ютқазса, ҳеч кимдан хафа бўлмайди. Ўйинчини ҳеч ким тартибга чақирмайди. Чунки ўйин руҳи шуни талаб қилади.

Ўйинларнинг туғилиши ҳам, унинг ўзгариб бориши ҳам, иқлим, табиати ҳамда ота-онанинг касб-ҳунари билан боғлиқ ҳолда кечган. “Шу сабабли ҳам миллий ўйинларда халқнинг меҳнат фаолияти ва турмуш тарзи акс этади”. [10] Уни ўйинчилар ўз хоҳишларига кўра ўзгартиришлари ҳам мумкин. Негаки, у на махсус жой, на стандарт қурол-асбоб, на ёш, на жинс ва на маълум белгиланган муддат талаб қилади. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, бирор ўйинни ҳар бир бола, ҳар бир гуруҳ, ҳар бир қишлоқ, шаҳар, туман ёки вилоят аҳолиси ўйнаганда, унга ўз руҳиятидан келиб чиқиб, турлича шакл ва мазмун белгилаши мумкин.

Ота-боболаримиз ўта адолатли, мард, ҳалол, раҳмдил ва ўрни келганда қаттиққўл одамлар бўлишган. Ҳақни ҳаққа, ноҳақни ноҳаққа одилана ажрата билишган. Улар ҳаётга тўғри баҳо бериб, инсон кадр-қимматини ўз ўрнига қўйишган. Уй эшикларида ҳам қулф-калит осиглиқ турмаган. Ўлчов тарозиси йўқ бўлса-да, ноинсофлик қилишмаган. Ўйинларда эса бирор киши ўйин ўртасида оғзида хуштак билан ҳакамлик ҳам қилмаган. Улар учун ҳаётнинг ўзи ҳакамлик қилган, бундай фазилат ва хислатларни халқ миллий ўйинларининг ҳар биридан истаганча топиш мумкин. Чунончи, ёнғоқ ўйинлари болалар ўйинларининг руҳи, табиати, характери, поэтикаси, иштирокчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари шу халқнинг меҳнат ва миллий анъаналари билан, турмуш кечириш шароитлари, географик яшаш талабларидан шаклланади. Халқ ўйинларининг кўпчилигида бу хусусият яққол кўзга ташланади.

Шундай қилиб, халқ ўйинларининг ранг-баранг шакллари, турлари мавжуд бўлиб, улар иштирокчиларининг ёшига, жисмоний қувватига, хоҳиш-иродасига қараб турланаверади. Унинг шартлари, жазо-мукофотлари мураккаблаша бориш хусусиятига ҳам эга. Боланинг ёши ва жисмоний қуввати орта боришига қараб, унинг тарбиявий

имкониятлари ҳам кенгая боради. Ўйин жараёнини бир четдан кузатиб турсангиз, ўқитувчи, ҳакам ва ўзгаларнинг ўйинга аралашувига ҳожат йўқлигини сезасиз. Танланган ўйиннинг табиий қонун-қоидалари мавжуд бўлиб, улар ҳакамлик қилиб, ўйин ва ўйинчини бошқаради. Бу қоидаларнинг ўзи тарбиячи, ўзи ҳукмдор. Бу қонун-қоида асосида жазодан ҳеч ким бўйин товламайди. Мағлубиятнинг иззаси, жазоси ўйинчининг бўшанг, лапашанг, кучсиз, иродасиз, кам ҳаракат, чидамсиз бўлиб ўсишга йўл қўймайди. Аксинча, бақувват, илдам, тетик, шижоатли, ўткир мушоҳадали, одил, камтар, саҳий, зийрак, серғайрат, мақсад йўлида ҳеч бир тусиқдан қайтмайдиган, шўх, рақибларига нисбатан меҳрибон бўлишига ундайди. Маънавий жиҳатдан эса нутқи ва хотирасини, ақл-заковатини ўстиришга имкон туғилади.

Ўйин охирида болалар яхши кайфиятда бўлиб, кўполлик, дағаллик қилишларига ҳеч қандай сабаб, баҳона қолмайди. Оқибатда, улар яхши таассурот билан тарқалишади. Ҳатто бир неча кун кўтаринки руҳда тетик ва хурсанд бўлиб юришади.

Халқ ўйинларининг яна бир хусусияти шундаки, кўпгина ўйинлар кўшиқ айтиб, хурсандчилик қилиб, хушчақчақ ўйналади, тушкин кайфиятлар кўтарилади.

Кўшиқ инсоннинг шодлик дамларида ҳам, ғамгин пайтларида ҳам, ўйинларида ҳам доимий ҳамроҳи бўлиб келган. Айниқса, ўйин- кўшиқлар ёш болаларнинг жон-дили. Болаларнинг кўшиқ куйлаб, ўйин ўйнаётганлигини кўриб беихтиёр дунё кўшиқ билан бутун эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз.

Ўйинларнинг машқлари ҳам хилма-хил бўлиб, айримлари енгил, айримлари диққат, қай бирлари кўп куч талаб қилади, айримлари силлиқ ўтадиган, баъзилари овунтирадиган ва тинчлантирадиган шаклдадир.

“Ўйиннинг марраси, жазоси, мукофоти ва қанча бор такрорланиши ҳам ўйинчиларнинг жинси, ёши, жисмоний куч-қуввати, вақтига қараб, уларнинг келишувларига мувофиқ белгиланади. Миллий ўйинларда вақт чегараси йўқ. Бунда ўйинчиларнинг хоҳиш-иродаси, куч-қудратига қараб марра белгиланади”.

Ўтмишда аёллар ҳам ҳаётда, меҳнатда эркаклар билан баравар фаол бўлишгани, турмуш ташвишларида, қувонч ва шодликларида тенг қатнашганлиги тарихдан аён. Турон аёллари от чопган, камондан ўқ отган, кураш майдонларида мен деган алп йигитларнинг курагини ерга теккизган. Жанг майдонларида ёвларга қақшатқич зарба бериб, жасорат кўрсатишган. Кўп йиллар давлатни бошқариб, мамлакатини жаҳонга танитган. Улар ҳақидаги дoston, афсона ва ривоятлар ҳам сон-саноксиз. Бу асарларда жасур, билагии зўр серғайрат турон аёлларимиз баркамол сиймолари ўз аксини топган.

Умуман олганда, миллий халқ ўйинлари ҳамма замонларда ҳам ана шундай жасур, мард кишиларни вояга етказиш воситаларидан бири бўлиб хизмат қилиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди, Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти-1996, 84-91б.
2. Мустафоқулов Р. Ўзбек халқ миллий ўйинлари “Сурхон-нашр” – 2019. 40 б.
3. Усмонхўжаев Т., Хўжаев Ф. 1001 ўйин. Тошкент. Ибн Сино номидаги нашриёт-1990.15 б.
4. Мустафоқулов Р. “Алпомиш” фолклори. Термиз-жайхун нашриёти.2000-10 б.
5. Мустафоқулов Р. Ўзбек халқ миллий ўйинлари “Сурхон-нашр,” Термиз – 2019.
6. Мустафоқулов Р., Шаббазова Д., Шаймарданов. Тарбиянинг теран илдизлари.”Сурхон-нашр” нашриёти-2018. 55б
7. Ҳабибулла Ғ. Халқ ўйинлари, кўшиқлари ва анъаналарига бир назар. Денов шаҳри, “Камалак” нашриёти-1992.28б
8. Жаҳонгиров Ғ. Ўзбек болалар фолклори. Тошкент 1974 йил 32б
9. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди, Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти-1996, 287-33б.
10. Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фолклор. Тошкент.1985 йил 42 б.

КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ ДЕҲҚОНЧИЛИК МАРОСИМЛАРИДА ЎЗИГА ХОСЛИК ВА УМУМИЙЛИК

Умаров Икромжон Ибрагимович,
Термиз Давлат университети Жаҳон
тарихи кафедраси ўқитувчиси т.ф.б.ф.д. (PhD)

Аннотация: Кўхитангтоғ қишлоқлари қулай минтақада жойлашган бўлиб, йирик ўрмонлар, бой сув манбалари, табиий конлар ва деҳқончилик учун зарур бўлган унумдор ерларга эга бўлган. Ана шундай жойда яшаган тоғ қишлоқлари аҳолиси азалдан деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик, хунармандчилик, овчилик билан кун кечирган ва турли маросимларни ўтказиб туришган. Ушбу мақолада Кўхитангтоғ қишлоқлари аҳолисининг деҳқончилик маросимлари тўғрисида маълумот берилди.

Калит сўзлар: Кўхитанг, рисола, йўлтўра, Бободехқон, дарवेशона, ярма, шохмойлар, «Суз хотин».

Аннотация: Деревни Кохитангтог расположены в благоприятном регионе с большими лесами, богатыми источниками воды, природными месторождениями и плодородными землями для ведения сельского хозяйства. Жители горных селений, проживающие в таком месте, издавна занимались земледелием, огородничеством, животноводством, ремеслами, охотой и проводили различные обряды. В данной статье представлена информация о земледельческих обрядах жителей деревень Кохитангтог.

Ключевые слова: Кохитанг, брошюра, дорога, Бободехкан, дарवेशона, зерно, ветки, «Суз хотин».

Abstract: Kohitangtog villages are located in a favorable region with large forests, rich water sources, natural deposits and fertile land for farming. The inhabitants of the mountain villages living in such a place have been farming, horticulture, animal husbandry, handicrafts, hunting for a long time and have held various ceremonies. This article provides information about farming rituals of the residents of Kohitangtog villages.

Key words: Kohitang, pamphlet, road, Bobodehkan, darveshona, grain, branches, «Suz хотин».

Кўхитангтоғ қишлоқларида яшовчи аҳолининг урф-одат ва анъаналари узоқ асрлар давомида шаклланган бўлиб, кишиларнинг табиатга бўлган муносабати, ҳаёт таъминотини яратиш натижасида вужудга келган. Тоғ қишлоқлари аҳолиси ўз хўжалик фаолиятлари давомида турли хил маросимларни ўтказиб келганлар. Улар орасида деҳқончилик маросимлари алоҳида ўрин тутди.

XX аср бошларида, ҳатто Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ҳам барча касб эгалари, шу жумладан, овчилар ҳам албатта «рисола» олишлари шарт эди. Рисола йирик уламолар томонидан битта варақча ёзилиб, унда касб эгаси қилиши лозим бўлган ишлар кўрсатилар эди. Зеро шундай қилинса, иши юришиб, бемалол кун кечириши мумкин деб ҳисоблашган. Бундай рисолалар тумор каби олиб юрилган. Халқимиз орасида «худди рисоладагидек бўлсин» деган нақл ҳам шундан келиб чиққан.

Боғлидара, Бедак, Тангидевон, Хатак, Хўжанқон, Зараутсой қишлоқларида «йўлтўра» анъанаси мавжуд бўлган. Бу анъана фақат ёшларга тегишли бўлган. Унга кўра, ёш йигит-қизлардан кимдир умрида илк бор қишлоғидан ташқарига чиқиб, уйи ва ота-онасидан йироқда мустақил равишда пул ишлаб топса, ўша пулдан «йўлтўра» ҳақини беришган. Бунда улар ўзидан йўлтўра ҳақини сўраганларга овқат олиб бериши ёки уйига меҳмондорчиликка чақириши лозим бўлган. Йўлтўра ҳақи қуйидаги ҳолларда олинган:

1. Деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ёки хунармандчилик товарларини бозорга олиб бориб сотганда;

2. Бошқа жойда ишлаб, пул топганида.

Ёшларнинг қишлоғида олинган даромади бу ҳисобга кирмаган. Негаки, унга ота-онаси ёки бошқа ёши улуг қариндошлари эгалик қилган. Айрим ҳолларда, ёш ўспиринлар қишлоқдан ташқарига чиқиб, ариқ тозалашга келишганларида ҳам улардан йўлтўра ҳақи сўралган. Мазкур анъана орқали ёшлар пул топиш ва уни ишлатиш йўлларини

ўрганишган. Ота-оналарининг қийинчилик билан рўзгор тебратишлари ва уларга ёрдам бериш лозимлигини тушуниб етишган [1].

Тоғ қишлоқларида деҳқончилик билан боғлиқ маросимлар кенг тарқалган бўлиб, улар йилнинг турли фаслларида ўтказилади. Хусусан, йилига бир марта—Йилбоши (Наврўз) олдидан аҳоли томонидан «дарвешона» маросими уюштирилади. Дарвешона—Аллоҳ йўлида ўтказиладиган садақадир. Унда одамлар йил яхши келиши, турли хил офатлардан сақлашни мақсад қилишади. Маросимни ўтказиш учун одамлардан пул йиғилади. Бой кишилар қўй беришади. Тегирмонда буғдой тортиб, ёрма қилиб қайнатилади. Қўй сўйиб думбасига гўштни қовуришади. Ҳар бир одамга бир косадан ёрма, косанинг ичига пиширилган гўшт солиб берилади. Одамлар «дарвешона — тишга даво» деб овқатни ейишади. Етим-есирлар бу тадбирга тўлиқ жалб этилади ва уларга эҳсон ажратилади. Дарвешонада мулла ёки эшон келиб, элга, юртга тинчлик ва омонлик сўраб дуо қилади [2].

Дарвешонанинг бош овқати ёрма бўлганлиги боис, Қорабоғ қишлоғи аҳолиси бу маросимни «ярма» («ёрма») деб атади. «Ярма»да сўйилган жонлиқнинг қонини қишлоқ чеккасидаги булоқларнинг кўзига томизиб чиқилади. Бу билан булоқлардан доимий сув чиқиб туриши ният қилинади [3].

Тоғлик деҳқонлар ерни экинга тайёрлаб, уруғни ивитиб қадашдан бир кун олдин Бободехқон маросимини ўтказадилар. Ушбу маросимда қон чиқарилиб (имкониятига қараб, товуқдан то қўйгача), Аллоҳ йўлига садақа қилинади. Уламолар Қуръон ўқиб, худди дарвешонада бўлгани сингари Аллоҳдан ҳосил баракали бўлсин деб дуо қиладилар.

Бобо Деҳқон сиймоси бошқа қардош элларда ҳам мавжуд бўлиб, қорақалпоқларда Дийхан бобо, туркманларда Баба Дайхан, тожикларда Бобои деҳқон, Хўжа деҳқон, Хўжа Абдулла деҳқон деб аталган [4]. Айрим тадқиқотчилар Бобо Деҳқонни зороастризмдаги Митра образи билан боғлашади. Бунда уларнинг ҳар иккиси оқ кийим кийган кекса киши қиёфасида тасвирланиши, қолаверса, деҳқонларга ҳомийлик қилганлиги назарда тутилади [5].

Ўрганилаётган ҳудудда боғбонларнинг пири сифатида ҳазрати Нуҳ алайҳиссалом, сувчиларда эса, ҳазрати Сулаймон алайҳиссалом шахси муқаддаслаштирилган. Ҳазрати Нуҳ алайҳиссалом тўфондан кейин ерга биринчи бўлиб новдани қадаганлиги учун боғбонлар пири сифатида улуғланган.

Экин-тикин ишларини бошлашдан олдин Кампиртепа қишлоғида маълум бир удумлар ўтказилади. Бунда тепалиқда жойлашган далага тошдан кўтарма ариқ қуриб, унинг устки қисмига тупроқ ва чим ётқизиб сувни ҳайдашади. Хом тупроқ устида оқаётган сув тез-тез тупроққа сингиб уриб кетар ва ариқ бузилиб қоларди. Баъзан ариқ суви бир неча метр узунликдаги кўтарма бандни йиқитиб кетар ва сув қия бетдан пастга қараб шиддат билан оқиб кетарди. Лекин одамлар курашдан толмас ва биргалашиб ариқни тиклар, сувни ўз изнларига солар эдилар. Бундай ҳолнинг тез-тез такрорланиб туриши одамлар онгида сувни дев тортиб кетаяпти деган тушунчанинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Натижада бу ер Бантов – (банди дев) деб аталган. Шу туфайли одамлар онда-сонда қўй-эчки сўйиб, қон чиқариб садақа чиқариб турганлар [6]. Кейинчалик, 1993 йилда ариқнинг ушбу участкаси бетонланганидан сўнг, тупроқ ўпирилишга чек қўйилган ва табиийки мазкур маросимни ўтказиш ҳам тўхтаб қолган [7].

Баҳорги ер ҳайдаш олдидан шохмойлар маросими ўтказилади. Чилонзор, Хомкон қишлоқларида бу маросим шох қочов дейилади. Негаки, қишки совуқда буқанинг шохи ёрилиши натижасида унинг ёрилган учи одамлар ва чорвага тегиб жароҳат етказиши мумкин. Буни олдини олиш учун олдинига буқанинг шохи мойланади. Кейин қочов (махсус эгов) билан учи эговланиб, ёрилган жойи олиб ташланади ва тўмтоқ ҳолга келтирилади. Шундан кейин буқа ер ҳайдашга тайёр бўлади. Бойсунтоғ тизмасидаги қишлоқларда эса «шохмойлар» маросими вақтида қўшиқ айтишади, айрим кишилар эҳсон чиқаришади [8]. Ушбу удум душанба, чоршанба ёки жума кунларидан бирида ўтказилади [9].

Тоғ қишлоқларида ҳар йили март ойида лой отар удуми бажарилади. Бунда қишлоқнинг тўлиб қолган ариқлари ҳашар йўли билан тозаланади. Ҳар бир киши ўзига

белгиланган жойни лойқадан тозалайди. Денов туманида ҳам худди шундай удум мавжуд бўлиб, у «лой тутиш» деб аталади. Фарқи шундаки, ариқ тозалаётган кишилар олдидан бирор йўловчи ўтиб қолса, унга бел ёки кетмонда лой тутишади. Йўловчи узатилган иш асбобини лойи билан бирга олиб, ҳашарчилар томонидан кўрсатилган ариқни тозалаб бериши, ёки ўзининг бирор хунарини кўрсатиб, вазиятдан чиқиб кетиши лозим бўлади [10].

Деҳқончиликнинг об-ҳаво билан боғлиқлиги аҳоли ўртасида турли удумларни юзага келтирган. Масалан, 20 февралдан 21 мартгача бўлган саноқли кунларнинг дастлабки 15 куни Хут дейилади. Бир нақлда: яхши келса хут, кади тўла сут, ёмон келса хут сой тўла пут деб айтилади. Хутдан кейин кирган Ажузмомо 6 кун давом этади. Бу тўғридаги нақлда: Ажузмомо олти кун, еталаса етти кун, сакраса саккиз кун, тўқрайса тўққиз кун, ўқрайса ўн кун, - дейилади.

Халқ тушунчаси бўйича Ажузмомо бир пари бўлиб, қишнинг эгаси ҳисобланади. Афсонага кўра, бир вақтлар Ажузмомо одамларни муқаррар ўлимдан сақлаб қолган, кейин эса уларни яхшиликка етаклаган экан. Агар қаҳри келса, одамлар ва молларни музлатиб қўйган. Шу сабабдан, аҳоли баъзан совуқ урмасин деган маънода ҳам эҳсон чиқарарди.

Ажузмомодан сўнг Ахман ва Дахман киради. Улар уч кундан иборат бўлади. Ахман ва Дахман тугаши билан Обираҳмат бошланади. У ҳам уч кундан иборатдир. Сўнгра Қурбонраҳмат киради. У икки кун давом этади. Охирида Наҳфи Наврўз бошланиб у бир кун бўлади ва шу билан қиш тугайди [11].

Кўҳитангтоғ қишлоқларига яқин бўлган Қашқадарёнинг Деҳқонобод туманида қиш тугаб, кўклам кириб келиши билан «узма ош» маросими ўтказилади. Бунда биринчи бўлиб сув қайнатилиб, унга пиёз, ялпиз, каврак солинади. Агар топилса, нўхат ҳам қўшилади. Кейин хамир ёйилади-да, ёйиқ ҳолида пичоқ билан кесилмай, қўл билан узиб-узиб қозонга ташланади. Узилган хамирни қозонга солаётганда бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм, илоҳим, ёмғирларимиз кўп ёғсин, сувимиз сероб бўлсин, деҳқончилигимиз мўл бўлсин каби сўзларни айтиб, тилак билдиришади. Тайёр бўлганидан кейин қатиқ қўшиб ейилади. Деҳқонободлик қўнғиротларда мавжуд бўлган удумга кўра, баҳор келиши билан уйга бирон киши меҳмон бўлиб келганда ҳам кескан ош ўрнига узма ош пиширилади. Агар уй бекалари меҳмоннинг ҳурмати учун кескан ош қилмоқчи бўлишса, уй эгаси бўлган эркаклар кескан ош қилдирмай, ўрнига узма ош пиширтиришади. Негаки, аҳолининг асосий тирикчилиги лалмидан бўлган. Шу боис ана шундай йўл тутишга мажбур бўлишган. Ушбу маросим гувоҳининг сўзларига қараганда, 2009 йили узма ош тайёрлаш удуми ўтказилганидан кейин кўп ўтмай Деҳқонободда кучли жала кўйган [12].

Қурғоқчилик бўлганда аҳоли томонидан сув чақириш маросимлари ўтказилади. Кўҳитангтоғ қишлоқларида бу маросим «Сув султон хотин» ёки «Суз хотин», ўзбек лақайларида эса «сус хотин» деб аталади.

Ахборотчим Чиннихол момо Сафарованинг (1926–2000) эслашича, 1936 йилнинг баҳорида кучли қурғоқчилик содир бўлиб, ёмғир ёлмаган ва экинлар қурий бошлаган. Шунда Кўҳитанг тоғидаги Калапўшқия қишлоғи аҳолиси «Сув султон хотин» маросимини бажаришга киришган. Иккиқат аёлга кийим кийдирилиб, бошига рўмол ўралган. Бу кийим ва рўмол ечиб олиниб, аёл бошқа кийимларини кийиб олган. Сўнгра икки газ узунликдаги хода учидан сал пастроқда кичикроқ чўп бўлаги кўндалангига боғланиб тулум (қўғирчоқ) яшашган. Аёлнинг кийим-боши қўғирчоққа кийдирилган. Ўша иккиқат аёл қўғирчоқ тахтани кўтариб овулдаги ҳар бир ўтовга қараб юришни бошлаган. Маросимда тулумни уйнинг манглайи, яъни эшиги устига қўйганлар. Унга сув сепишган-да, кейин тўп-тўп бўлишиб маросим қўшиғини куйлаганлар. Қўшиқ айтилганидан сўнг уй бекалари тулумга сув сепганлар. Удумнинг талаби шу эдики, унда қатнашувчи кишиларнинг иймони тоза бўлмоғи ва ёмғир ёғишига чин юракдан ишонмоғи керак бўлган [13].

Маросимнинг бошқа шакли «Суз хотин» дейилади. Бунда каттагина ёғочдан қўғирчоқ хотин ясалади. Сўнгра маросим эгаси хўроз сўйиб садақа чиқаради. Бунда, албатта, қичқириқ хўроз сўйилади. Уй эгаси ният қилиб қўғирчоқни ўчоқ бошига олиб келади ва

уни ерга тикка қилиб қўяди. Ўчоқдан чиққан тутун зарар қилмаслиги учун қўғирчоқни қозондан бир-икки метр нарида қўйишади. Дастурхонга овқат тортилганда қўғирчоқ ҳам дастурхон бошига олиб келинади. Овқатга дуо ўқилгач, барча қўғирчоқни ўртага олиб ўйнатади ва атрофидан айланган ҳолда маросим қўшиғини куйлашади. Маросим тугагач, қўғирчоқни махсус қурилган кичик уйчага киритиб қўйишади. Халқ «Суз хотин»ни худди (сувдами ё фалакда) сузаётган аёлдек тасвирлаган. Шунинг учун баъзан «султон» сўзининг ўрнига «суздон» сўзини қўйишади [14].

Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек лақайларида ёмғир ёғмай қурғоқчилик хавфи юзага келгач, қишлоқ оқсоқоллари маслаҳатлашиб, қизиқчи битта эркакка аёлнинг кийимларини кийгизиб, эшакка тескари ўтирғизиб, «сус хотин» қўшиғини айтиб, эшакни уйма-уй етаклаб юрадилар. Уй эгалари бу «сус хотин»нинг устидан сув қуйиб, имкон қадар бирон нарса берганлар. Кейин қудуқ, булоқ ёки дарёнинг бошига бориб, одамлар бир-бирининг устига сув сепишиб, йиғилган хайру-эҳсонни ўртага қўйишиб, бирга ейишиб, Яратгандан ёмғир ёғдиришни сўрашадилар [15].

Қўғирчоқ ишлатиб ёмғир чақириш маросими Кавказда яшовчи туркий халқларда ҳам қайд этилган [16]. Қозон татарлари ўтказадиган ёмғир чақириш маросимида қўғирчоқ бўлмайди. Унинг ўрнига қурбонлик овқати еб бўлинганидан кейин куннинг қолган қисмида ёшлар йўлида учраган ҳар бир кишига сув сепишади. С.Е.Маловнинг ёзишича, бу одат қурбонлик оши билан бирга қурғоқчилик вақтида ёмғир чақиришдаги шаманлик воситаси ҳисобланади [17].

Айтиш керакки, ёмғир чақириш удумлари исломдан олдинги маросимлар билан боғлиқ эди. Чунончи, хитой йилномаси «Тан-шу»да ёзилишича, милодий VII асрда Кан (Сўғдиёна) аҳолиси ой тақвимининг ўн биринчи ойида доира ва рақслар билан совуқ чақиришган ҳамда бир-бирларига сув сепиб кўнгилхушлик қилишган [18]. Хитой тарихчиси Сян Да келтирган хабарга кўра, Шарқий Туркистондаги Куча шаҳри аҳолиси ой тақвими бўйича 7 ойнинг 1-кунидан 7-кунига қадар «су-мо-чже» рақсини ижро этар, рақс даврида уйлар олдида ва бир-бирларига сув сепишар эди. Ушбу рақс маросимий кўринишда бўлиб, «инь-ци», яъни нам ва совуқ об-ҳавонинг пайдо бўлишига кўмаклашиши лозим эди [19].

Одатда ёмғир чақириш маросими февралдан, яъни кичик чилла тугаб, ҳут киришидан то апрелга қадар бўлган вақтларда ўтказилади. Маросим ўтиши билан ёмғир ёға бошлагач, деҳқонлар ер ҳайдаб, буғдой экаётган вақтда бир қўлида ўша қўғирчоқ, бир қўлида буғдой бўлади. Ерга уруғ сепаётган вақтда маросим қўшиғини куйлашади. «Суз хотин» маросими якунида қўғирчоқ куйдирилади ёки эски қудуққа ташланади [20].

Бойсун тоғи ғарбидаги Мачай қишлоғида ёмғир чақиришнинг «кал боғлаш» усули бор. Бунда узун ипни олиб, қишлоқдаги калларнинг ишини айтиб, тугун қилиб боғлашади. Бир қанча тугундан иборат «тизма» нам жойга кўмиб қўйилади. Ёмғир ёғиб безор қилганда тугунлар олиниб, ўчоқ тагига кўмилади [21].

Кампиртепа қишлоғида сув тақчил бўлган йиллари Бошбулоқотага бориб, қўй сўйиб эҳсон берилади. Бундан ташқари, сув танқислиги кузатилганда, вабо тарқалганда ёки офатлар кўпайганда шу қишлоқдаги Эраннарбобо зиёратгоҳида мол сўйилиб эҳсон қилинади. Бу ерда ойига энг камида бир марта эҳсон чиқарилади.

Буғдойни ўриб янчишдан олдин битта молни сўйиб хирмоннинг бошида эҳсон беришади. Агарда буғдойни сомондан ажратаётганда шамол бўлмаса, яна бир маросим — «Ё Ҳайдар» ўтказилади. Буғдой янчилганидан сўнг хирмондан бир ғалвир донни тўрвага солиб қишлоқ уламози ёки камбағалга олиб боришади. Ҳар бир хирмондан бир ғалвирдан буғдой олинади. Бу садақа «ҳақула» деб аталади. Хатак қишлоғида «кафсан» дейилади. Агар шундай қилинса, буғдой ҳалол бўлади деб ҳисоблашади. Уламо буғдойни олиб Бободехқон ҳақида дуо ўқийди.

Аҳоли хирмон йиғиладиган жой билан бедазорларни асраган, уларни муқаддас деб билишган. Шу боис хирмонжойга том қилишмаган, бедапояда жаноза ўқишмаган. Бунда ҳосилдан барака қочади деб ирим қилишган.

Хулоса қилганда, тоғ қишлоқларида хўжалик билан боғлиқ маросимлар кенг тарқалган. Бунда балоғат ёшига етиб, муайян касбни эгалламоқчи бўлган кишилар

«рисола» олишган. Ёшлар илк бор мустақил даромад олганларида «йўлтўра» ҳақини беришган ва ёши улуғлар уларга дуо беришган. Деҳқончиликда ҳосил мўл бўлиши, йилнинг қулай келиши умид қилиниб «Дарвешона» ва «Бободехқон» маросимларини ўтказганлар. Кўкламда сув танқис бўлмаслиги учун ёмғир чақириш маросимлари уюштирилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. –Б. 69.
2. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари... –Б. 133-134.
3. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Изд. 2, Москва-Ленинград, том II, 1951. –С. 310-311.
4. Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Хатак қишлоғи, 2016 йил.
5. Дала ёзувлари. Шеробод тумани, Кампиртепа қишлоғи, 2022 йил.
6. Дала ёзувлари. Бойсун тумани, Чилонзор қишлоғи, 2022 йил.
7. Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Қорабоғ қишлоғи, 2022 йил.
8. Дала ёзувлари. Музработ тумани, Янгиер қишлоғи, 2014 йил.
9. Дала ёзувлари, Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод туман маркази, 2009 йил.
10. Дала ёзувлари, Ангор тумани, Занг қишлоғи, 1996 йил.
11. Дала ёзувлари, Ангор туман маркази, 2017 йил.
12. Файзуллаева М. Ўзбек миллий таомлари ва тановул маданияти. –Тошкент: Tafakkur avlodi, 2021. –Б.295.

Кўҳитанг тоғда жойлашган ўзига хос қишлоқлардан бири

Кичкилов Шерхон Хамзаевич,

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Аннотация. Мақолада Сурхондарё вилоятидаги олис Кўҳитанг тоғ қишлоқларидан бири Хомконнинг ўтмиш тарихи, унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший ҳаёти тарихий-этнографик тарзда тарихий манбалар асосида илмий жиҳатдан таҳлил этилган.

Калит сўзлар. Ўзбекистон, Сурхон воҳаси, Кўҳитангтоғ, Хомкон қишлоғи, қўрғон, тарих, археология, этнография, маданият, мерос, савдо йўли.

Аннотация. В статье на основе исторических материалов анализируется история Хомкона, одного из отдаленных горных аулов Кугитангтау в Сурхандарьинской области, в историко-этнографическом ключе его социально-экономическая и культурно-бытовая жизнь.

Ключевые слова. Узбекистан, Сурханский оазис, Кугитангтау, село Хомкон, крепость, история, археология, этнография, культура, наследие, торговый путь.

Abstract. In the article, the history of Khomkon, one of the remote Kohitang mountain villages in Surkhandarya region, its socio-economic, cultural, and, household life is scientifically analyzed based on historical sources in a historical-ethnographic aspect.

Keywords. Uzbekistan, Surkhan oasis, Kohitangtog, Khomkon village, fortress, history, archeology, ethnography, culture, heritage, trade route.

Ўзбекистон ҳудудида ўзининг бой тарихий, миллий, маданий ва нодир археологик топилмаларини ўзида мужассам этган, тарихий-маданий ёдгорликлари ҳамда табиати, ноёб ўсимликлари, ҳайвонот дунёсига эга жозибадор маскан-манзиллар мавжуд бўлиб, шундай манзилгоҳлардан бири ҳисобланган Сурхондарё вилоятидаги олис Кўҳитанг

тоғ қишлоқларидан бири Хомкон қадимий маънавий маскан бўлиб, ўзининг табиати, географик жойлашуви, ресурслар кўлами, тарихий-маданий мероси, шунингдек, ер ости ва усти гидрологик сувлари, шифобахш булоқлар, гўзал манзаралар, ям-яшил арчазору-ўрмонзорлар ҳамда минг йиллик дарахтлар, машхур ғорлар, ноёб табиат ёдгорликлари билан ўзгача қиёфа касб этадиган гўша.

Сурхон воҳасининг энг гўзал, энг сўлим, этнографик гўшаларидан бири Хомкон қишлоғи Сурхондарё вилоятининг шимоли-ғарбий томонида, Ҳисор тоғ тизмаларининг давоми бўлган Кўҳитанг тоғининг шимолида жойлашган. У денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда жойлашган бўлиб, ҳавоси тоза ва ёқимли. Хомкон қишлоғи иккита туманга яъни бир қисми Бойсун туманига ва яна бир қисми Шеробод туманларига қарашлидир. Бойсун туманига қарашли ерлар Бойсун туман ўрмон хўжалиги ерларидир. Шеробод туманига қарашли ерлар эса Наврўз жамоа хўжалиги ерларидир. Хомкон қишлоғининг умумий ер майдони 110 000 гектарни ташкил қилади. Хомкон қишлоғи ғарбдан Туркменистон республикаси, шимолдан Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод тумани, шарқдан Бойсун туманининг Шўроб, Сайроб, Чилонзор қишлоқлари, жанубдан эса Шеробод туманининг Хатак қишлоқлари билан чегарадошдир.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида жойлашган Сурхон воҳаси тарихини ўрганиш соҳасида катта аҳамиятга молик илмий-тадқиқот ишлари ушбу мақоланинг илмийлигини оширишда амалий ёрдам берди. Хомкон қишлоғининг ўтмиш тарихи, унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший ҳаётини тарихий-этнографик тарзда таҳлил этилишида, уни тарихий манбалар асосида илмий жиҳатдан ёритиб беришда Ҳ.Кичкиловнинг “Савдо йўли чорраҳасидаги манзил” [1], “Хомконлик қорақалпоқларнинг кўчиши” [2] каби илмий мақолаларидан унумли фойдаланилди. Шунингдек, Сурхондарё тарихи ва этнографиясига бағишланган асарлар, жумладан, С.Турсунов ва муаллифлар жамоаси томонидан ёзилган “Ўзбекистон тарихи ва маданияти – Сурхондарё этнографияси” [3], “Сурхондарё вилояти топонимлари” [4], “Шеробод тарихидан лавҳалар” [5], “Бойсун” [6] каби монографиялари ўз ўрнида асқотди. Абдуназар бахши Поён ўғлининг “Даврқул полвон” [7] достонидан ҳам керакли ўринларда фойдаланилди.

Жамият тараққиётини кўрсатадиган моддий ва маънавий омиллар бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган бўлиб, ушбу омилларсиз тобора ривожланиб борадиган ижтимоий муҳит яратишга эришиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам мустақилликка эришилгандан кейин Ўзбекистонда тарихий-маданий меросни асраб-авайлашга жиддий эътибор қаратилди. Мустақилликнинг ижтимоий-маънавий неъматларидан бири шу бўлдики, одамларимиз ўзлигини англай бошлади, уларнинг ўзлари туғилиб ўсган қишлоқлару, шаҳарлар тарихини билишга қизиқишлари ортди.

Бугунги кунда тарихчилар олдида турган асосий вазифа вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ ва масканлар тарихини, мавжуд тарихий обидалар, муқаддас жойлар, зиёратгоҳлар, иншоотлар тарихини, қолаверса, тарихий шахслар ҳаётини ҳам ёритишдан иборатдир. Сурхон воҳасида тарихий тараққиётининг ривожланишида Хомкон қишлоғининг ўтмиши ва ҳозирги давр тарихининг ҳам ўрни бор. Хомкон қишлоғи этнографиясини кенгроқ ёритиш мақсадида тарихий-этнографик адабиётлар, шажара маълумотлари, шахсий кузатув, шунингдек, қишлоқда яшовчи қариялар, тарих фанига қизиқувчи кишилар, қишлоқ раҳбарлари ҳамда кўриқхона ходимлари билан суҳбатлашган ҳолда ёзилди. Айниқса, дала-этнографик материаллар мақола илмийлигини бойитишда хизмат қилди.

Хомкон сўзининг маъноси “пишмаган туз кони” маъносини билдиради. Хомкондан Панжоб дарасига қуйиладиган катта майдонда шўр сув туз ҳосил қилиб, Панжоб дарасига қуйилади. Бу сув бора-бора Шеробод дарёсига бориб қуйилади ва дарё сувини шўрлантиради. Шу сувдан ичган кишилар буқоқ касаллигидан ҳоли бўлганлар. Айтишларича, академик Иброҳим Ҳамробоевнинг “Шувоқ олтинга гувоҳ” ибораси шу атрофдаги ерларга тааллуқли экан. Чунки, бу ерлар олтин, темир, уран ва бошқа маъданли қазилмаларига бой бўлганлиги сабабидан ҳам Хомкон деб аталган. Яъни, “ўрганилмаган кон” маъносини ҳам беради.

Биз юқорида айтиб ўтган 110000 гектарнинг 20000 гектари ям-яшил арчазорлар билан қопланган, 1250 гектарини мевали боғлар ва қолган майдонини катта-катта тоғлар, яйловлар, экин экиладиган далалар ташкил қилади. Хомкон қишлоғи вилоят маркази Термиздан 130 км масофа узоқликда жойлашган. Хомкон қишлоғининг иқлими тоғлик ҳудудда жойлашганлиги учун салқин ва баҳаво жойдир. Ҳароратнинг ёздаги энг кўтарилган даражаси 35⁰/С дан ошмайди. Қишда эса қор ва ёмғир кўп бўлганлиги учун ерлар сувга яхши тўйинади. Шунинг учун қишлоқда лалми деҳқончилик яхши ривожланган.

Кўҳитанг тоғи бағридан кўз очган булоқлар қўшилиб, сой ҳосил қилади ва баланд тоғ тизмаларидан иборат Танги дарасининг ўртасидан оқиб ўтади. Тангидара, Тангидовон - Кўҳитанг тоғининг қоқ марказидан ўтувчи, Хатақдан Хомконга борадиган дара номи. Топоним икки ўзак: “танги” + “довон” дан иборат. Танги – форсча торлик, сиқиклик, камбарлик; икки тоғнинг остки туташган жойи, тор дара; доvon – туркийча “тоғ ёки тепаликнинг ошиб ўтса бўладиган қулай жойи, ошув»” дегани. Тангидовон – “ошиб ўтса бўладиган тор дара” маъносини англатади.

Узунлиги 12 км дан ҳам ошиқ бўлган бу дара Хомкон қишлоғига тўғри олиб боради. Қишлоққа борганингизда ажойиб манзара намоён бўлади. Мангу яшил арчазорлар, қизил тупроқдан қурилган уйлар қия майдонда бир-биридан узоқ-узоқ жойлашган. Хомкон қишлоғининг ўзида бир нечта қишлоқчалар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Келитош қишлоғи
2. Қамчибулоқ қишлоғи
3. Жинғилли қишлоғи
4. Паттали қишлоғи
5. Туйнукбулоқ қишлоғи
6. Қизилбулоқ қишлоғи
7. Ғўримбулоқ қишлоғи
8. Қизилкамар қишлоғи
9. Кўктумшуқ қишлоғи
10. Бойназар қишлоғи
11. Кўчқорбулоқ қишлоғи
12. Қўғолисой қишлоғи
13. Зарангбулоқ қишлоғи
14. Жийдабулоқ қишлоғи.

Шунингдек, ярим-ўтроқ чорвадорлар ёзги мавсумда яшаш манзилни ўзгартириб, яйловларга, яъни қўнишларга кўчиб чиққанлар ва қора уй (ўтов) тикиб, яшаганлар.

Хомконда 100 дан ортиқ ёзги қўнишлар бўлиб, мустабид совет тузуми даврида бу қўнишларга Шўрчи, Сариосиё, Жарқўрғон, Ангор, Бойсун, Шеробод, Қумқўрғон туманлари чорвалари чиқариларди.

Шунингдек, Хомкон қишлоғида Кушон подшолигига мансуб бўлган Лойбости, Мунчоқ ва Кўчқорбулоқ қўрғонлари мавжуд.

Бундан ташқари, катта-катта сойлар билан газалар (баланд тепаликлар) ҳамда Хомкон қишлоғига кириб бораверишда кўплаб даралар ва сойлар ҳам мавжуд. Хомкон қишлоғининг асосий сув манбаини 200 дан ортиқ зилол сувли булоқлар, Конбешбулоқ кўли ва туя кўллар ташкил қилади. Бу ҳақда Абдуназар бахши шундай ҳикоя қилади:

Ўтлар йилқи тойлари,
Булоққа макон сойлари,
Жаннат билан сирлашар
Хушманзара жойлари.
Бешбулоқ суви қўшилиб,
Бири-бирига эшилиб,
Оққан товнинг орасига
Тайлаб шоппа дарасига.
Ширин булоқ, Тошбулоқ,
Бир томонда Қўшбулоқ

Қўриқ ҳоварнинг номини

Дейишар эди Бешбулоқ.

Хомкон қишлоғида ўнлаб сойлар ва булоқлар борлигини, Охурлисой, Оқбулоқсой, Жийдалисой, Толлисой каби сойлари ва Бешбулоқ, Хўжаипок булоғи, Осмонбулоқ, Оқбулоқ каби 70 дан ортиқ серсув булоқлар аҳамияти манбаларда қайд этилган.

Ушбу тоғлар қўйнидан сизиб чиқаётган булоқ сувларининг фойдали минералларга бойлиги кўплаб инсонларнинг ўз касалликларига шифо топаётганлигига Хомкондаги Ғўримбулоқ сувининг буйракдаги тошларни эритиб юбориши бугунги кунда бутун мамлакатга маълум бўлса, Шўрбулоқ суви тери-таносил касалликларига даво ҳисобланишини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Туркондарё (Шерободдарё) нинг ўнг қирғоғида жойлашган Мунчоқтепа маданий қатлами I-XII асрга тўғри келиб, академик Э.В.Ртвеладзе томонидан рўйхатга олинди, археологик қазиш ишларини Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейи археологик гуруҳи аъзолари Н.Скугарова, К.Шейко томонидан амалга оширилган. Ёдгорлик Кушон подшолиги даврида I-IV асрларга ва V-VII асрларда тўғри тўртбурчак шаклида қурилган буржлар билан ҳимояланган қалъадан иборат бўлган.

Мунчоқтепа қалъаси қадимда йирик аҳоли яшаш жойи қолдиқлари ҳисобланади. Чўзиқ шаклдаги ўлчамликлари 32x10 метр, баландлиги 2 метргача бўлган, унча катта бўлмаган тепалик сақланиб қолган. Мунчоқтепа қўрғонидан олинган материаллар - зарланган пиёла, дастгоҳда ва қўлда ишланган идишлардан иборат. Шаффоф глазур остидаги нақш ангоб устига жигарранг ёки қора-жигарранг бўёқ билан берилган бўлақлардан бирида таъмирлаш белгилари бор. Қўйилма бўлмаган дастгоҳда ишланган идишлардан узуксимон асосли кўза туби ўзига тортади. Идишларнинг кўпчилик қисми қўлда ясалган, лойдан ишланган. Чизикли тўлқинсимон нақшлар, турли-туман қия ва учбурчаксимон кесиклар билан безатилган. Битта ҳолда бундай турдаги нақшлар ранги ўчиб кетган позага қизил-жигарранг бўёқ билан чизилган нақшлар билан аралаш ишланган. Қазиб олинган сопол буюмлар, айниқса, кўзаларнинг нақш ишланган дасталари, буларнинг ҳаммаси Мунчоқтепани XI аср билан санаш имконини беради.

Мунчоқтепадан шимолга 500 метр чамасидаги темир рудаларини қайта ишлаш маркази - Чўянсой, у Чўянсойнинг чап қирғоғидаги иккита унчалик катта бўлмаган чиқит қолдиқлари сочилмаларидан иборат. Бу жойлар 1980-йилларда ҳам ўрганилган.

Демак, кейинги йилларда олиб борилган археологик ва этнографик тадқиқотлар ўтмишда Бухоро хонлигининг Ғузор – Шеробод - Термиз, шунингдек, Келиф – Кўҳитанг – Бойсун - Денов йўналишлари бўйлаб олиб борган савдосида Кўҳитанг тоғининг орқа томонида жойлашган Хомкон қишлоғининг жуғрофий ўрни катта аҳамият касб этганлигини исботламоқда.

Ғузор томондан Шеробод орқали Термизга, Бойсун томондан Хўжайфил, Кўҳитанг орқали Келифга, шунингдек, Шерободдан Хатак орқали Кўҳитанг тарафга ўтган карвонлар Хомконда бир-бирлари билан учрашишган. Бунинг исботи сифатида Тангидарадан чиқиб борган катта текисликда катта савдо бозори бўлган. Унинг тархи (жой қолдиқлари изи) ҳозиргача ҳам сақланиб қолган бўлиб, бозор жойларнинг ўрни, отлар, туялар ва одамлар дам оладиган жойларнинг қолдиқлари билиниб туради.

Шуниси характерлики, қадимда савдо йўлларининг Хомкон орқали ўтган ва бир-бири билан кесишган тармоқлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Хомконнинг қадимги карвон йўли устида жойлашганлигини ва кўп асрлар давомида катта аҳамият касб этиб келганлигини у ердаги эски қўрғонларнинг ва металл эритиб олинган хумдонларнинг қолдиқлари ҳам исботлаб турибди. Қўрғоннинг бири Ғузор - Шеробод йўли устидаги Лойбосди қўрғони бўлса, иккинчиси Бойсун-Туркменистон йўли устидаги Мунчоқ қўрғонидир. Археолог олим Ш.Пидаевнинг айтишича, бу қўрғонлар кушонлар империяси даврига тааллуқли экан [2.303]. Ҳар иккала қўрғон ҳам серсув булоқлар бўйида жойлашган. Хомконнинг Бу.юк савдо йўли устида жойлашганлигини исбот этувчи яна бир нарса шуки, Хомкон ҳудудининг уч жойидан чўян ва темир эритиб олинган.

Юқоридагиларнинг ҳаммаси Хомконда ўтмиш тарихимизнинг шу вақтгача ер қаърида яшириниб ётган сиру-синоатларга тўла эканлигини кўрсатади ҳамда тарихни

ўрганишдаги қатор илмий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу манбалар тарих фани соҳасига олиб кирилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдуназар баҳши Поён ўғли. Давркул полвон (Достон). - Тошкент. "Адолат" нашриёти, 2003.
2. Кичкилов Ҳ. Савдо йўли чорраҳасидаги манзил. // Профессор-ўқитувчиларнинг илмий-назарий конференцияси материаллари. - Тошкент. 2003. - Б. 303.
3. Кичкилов Ҳ. Хомконлик қорақалпоқларнинг кўчиши. // Ўзбекистонда моддий маданият ва этномаданий жараёнлар. Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. - Термиз. 2010. - Б. 276.
4. Турсунов С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи ва маданияти – Сурхондарё этнографияси. – Т: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 275 б.
5. Турсунов С. Сурхондарё вилояти топонимлари. - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. - 152 б.
6. Турсунов С. ва бошқ. Шеробод тарихидан лавҳалар. - Т.: "Yangi nashr", 2014. 356 б.
7. Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. - Т.: "Akademnashr", 2011.

СУРХОН-ШЕРОБОД ВОҲАСИ ҚЎНҒИРОТЛАРИНИНГ ГИЛАМДЎЗЛИК АНЪАНАЛАРИ

Қаршиев Ислон Махмараҳим ўғли,
Термиз давлат университети Жаҳон
тарихи кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ўзбекистоннинг бошқа тарихий – маданий минтақалари сингари Сурхон воҳасида анъанавий халқ хунармандчилиги қадимдан ривожланиб келган. Шу боис воҳа гиламдўзлик анъаналарини сақлаб қолиш, ривожлантириш, уни авлоддан-авлодга етказиш, соҳани кенг тарғиб қилиш ва янада кенгайтириш мақсадида янги методологик ёндашувлар асосида илмий тадқиқ қилиш заруратини туғдиради.

Калит сўзлар: Сурхон-Шеробод воҳаси, қўнғирот, гиламдўзлик, Ҳоли, напрамач, хон гилам, гиламхуржун, масчитгилам, сепгилам, жойнамаз гилам, бўсаға гилам, партирет (портрет) гилам, ипак гилам ва отга айил гилам.

Аннотация: Как и в других историко-культурных регионах Узбекистана, в Сурханском оазисе с древних времен были развиты традиционные народные промыслы. Поэтому необходимо проводить научные исследования на основе новых методологических подходов с целью сохранения и развития традиций оазисного ковроделия, передачи их из поколения в поколение, широкого продвижения и дальнейшего расширения отрасли.

Ключевые слова: Сурхан-Шерабадский оазис, зов, ковроткачество, холи, напрамач, ханский ковер, гиламхурджун, мащитгилам, сепгилам, ковер джойнамаз, пороговый ковер, партиретный (портретный) ковер, шелковый ковер и ковер отга айыл.

Abstract: Like other historical and cultural regions of Uzbekistan, traditional folk crafts have been developed in the Surkhan oasis since ancient times. That is why there is a need for scientific research based on new methodological approaches in order to preserve and develop the traditions of oasis carpet-making, to pass it on from generation to generation, to widely promote and further expand the industry.

Key words: Surkhan-Sherabad oasis, call, carpet making, Holi, napramach, khan carpet, gilamkhurjun, maschitgilam, sepgilam, joynamaz carpet, threshold carpet, partiret (portrait) carpet, silk carpet and otga ayil carpet.

Жаҳон тамаддуни тарихий тараққиёти давомида халқлар хўжалиги фаолиятида гиламчилик асосий ўрин тутди. Гиламдўзлик туркий халқларнинг ижод маҳсули

сифатида қаралиб, бу халқлар қадимдан йигирма хил турдаги гилам ва гилам маҳсулотларига эга бўлган. Ҳозирги кунда биргина Сурхон-Шеробод воҳаси қўнғиротлари орасида ўндан зиёд патли гиламлар тўқиш услуби сақланиб қолинганлиги ҳам юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Сурхон-Шеробод воҳаси қўнғиротлари гилам тўқишда икки хил хомашё – пахта ва жундан фойдаланганлар. Пахтадан гилам тўқиш воҳанинг деҳқончилик билан шуғулланадиган ҳудудларида яшовчи аҳоли орасида мавжуд бўлса, бундан фарқли ўлароқ, жундан гилам тўқиш чорвачилик ривожланган ҳудудлар аҳолиси ҳаётида муҳим ўрин тутган.

Сурхон воҳаси гиламчилиги хилма-хил бўлиб, бугунги кунгача воҳа аҳолиси гиламларининг мураккаб ҳолатга эга энг содда кўринишдаги намуналари етиб келган ва сақланиб қолган. Масалан, Бандихон туманининг Ободюрт маҳалласида яшовчи 88 ёшли Ҳалима момо Бобоназарова Сурхон-Шеробод воҳаси қўнғиротлари орасида воҳа гиламларининг 10 дан ортиқ турлари санаб берди. Сурхон-Шеробод воҳаси қўнғиротлари орасида Ҳоли, напрамач, хон гилам, гиламхуржун, масчитгилам, сепгилам, жойнамоз гилам, бўсаға гилам, партирет (портрет) гилам, ипак гилам ва отга айил гилам каби гиламларнинг барчаси катта пат гиламлар, деб аталади ва ҳар бир хонадон эгалари томонидан жуда қадрли саналади. Ушбу гиламларнинг воҳага хос маҳаллий номлари ва хусусиятлари ҳам бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Холи гилам – бу патли гилам бўлиб, ҳажми жуда катта қилиб тўқилган. Воҳа аҳолиси орасида Хон гилам, Кўлаки гилам ҳам деб аталади. Қадимда бу гиламга фақатгина бойлар буюртма бериб тўқитишган. Гиламнинг эни 3 метр узунлиги эса 5,5-6 метрни ташкил қилган. Ҳозирда воҳанинг баъзи хонадонларида мерос сифатида сақланиб қолганлигини кузатиш мумкин;

2. напрамач гилам – кўрпа соладиган халта гилам ҳисобланган. Бироқ, ўзи гилам маҳсулоти бўлса-да, ҳажми жиҳатидан катта бўлганлиги боис гилам турларига кирди;

3. Гилам хуржун – от устига солинадиган патли гилам ёки гиламчилик буюми;

4. Масжид гилам – қарияларга атаб масжидга намоз ўқиш ва масжидга эҳсон учун тўқиладиган гилам;

5. Сеп гилам – воҳада қизларнинг сепи учун тўқиладиган, ниҳоятда бежирим чиройли ва катта гилам турлардан бири;

6. Жойнамоз гилам – кичик ҳажмли бир хил рангли намоз ўқиладиган гиламча;

7. Бўсаға гилам – эни 1 метрга, бўйи 0.5 метрлик чанг-ғуборни ўзида олиб қолувчи асосан остонага тўшаладиган гиламча ёки тўшама;

8. Портрет гилам – инсон тасвири туширилиб деворга илинадиган гиламча бўлиб, ҳозирда Ўзбекистоннинг деярли барча гиламдўзлик марказларига хос бўлмоқда. Айниқса, Хоразм воҳасида бундай портретли гиламларнинг турли ҳажмли, рангли ва кўринишли хиллари кўп тўқилади ҳамда хорижга ҳам сотиш учун чиқарилади;

9. Ипак гилам – бу гилам ҳозирда ниҳоятда оммалашган нафис гилам;

10. Отга айил гиламча – халқимизда отга тақиладиган эни 15-17 см узунлиги 1 метр ёки 80-90 см лик айил гилам ҳисобланади.

XIX аср охиригача гилам тўқишда фойдаланишга мўлжалланган калава ипларга тошда ўсадиган турли ўсимликлардан тайёрланган табиий бўёқлар ишлатилган. Кейинчалик анилин бўёқдан фойдаланиш кенг йўлга қўйилиб, мавжуд муаммолар бироз енгиллашган, аммо бу бўёқлар сифат жиҳатидан бардошли эмаслиги, ранги ўчувчанлиги боис гиламларнинг нархи ва қиймати анчагина пастлашган. Ҳозирда ўсимликларнинг илдизи, пўстлоғи ва меваларидан ҳар хил ранг олишни қайта йўлга қўйишда турли тажрибалар ўтказилмоқда[9]. Бу, ўз навбатида гиламларнинг майинлиги билан ажралиб турувчи анъанавий кўриниши бузилишига ҳамда бадий қиммати пасайишига олиб келди. Лекин, ҳозиргача анъанавий усулда табиий бўёқлардан чекка қишлоқларда кўпроқ фойдаланилади. Чунончи, Бойсун тумани Гуматак қишлоғида қора бўёқни татум деган дарахт мевасидан, сариқ бўёқни – ёнғоқ дарахтида ўсувчи замбуруғдан, қизил бўёқни ёввойи рўяндан оладилар. Бўёқ сифатида яна жийда, ўрик, терак илдизларидан фойдаланилади, улар қизил ва жигарранг бўёқ олишда қулайдир. Бироқ, бу бўёқларда бўйланган жуннинг ранги тиниқ чиқмайди, кўриниши хирароқ бўлади[9].

Бўялган иплар гилам беагига қараб танлаб олинади. Гилам матоси ўриш ва бир-бирига оддий тўқиш йўли билан ҳосил қилинади. Арқов бўялмаган бўлади. Чунки у тўқилганда юқори ва пастки ўриш иплари остида бутунлай кўринмай кетади. Натижада гилам икки ёқлама бўлиб чиқади: ўнг томони сидирға, йўллари турли энликда бўлиб, тескари томонидан сира фарқ қилмайди. Бир томондан ўтказилган арқоқни чевар чаққон ҳаракатлар билан ёнғоқ ёғочидан қилинган махсус ёғоч қилич билан уради, натижада ип қаттиқ зичланади. Ёғоч қилич – гиламдўзликнинг асосий иш қуроли бўлиб, аждодлардан авлодларга мерос сифатида қолдирилган.

Қўнғирот аёллари тўқиган гиламлар орасида энг машхури – ғажари гилам, қатик гилам, тақир гилам каби турларидир. Ғажари гилам – қўнғирот гиламдўзлигида энг оммабопи саналади[9]. Уларнинг гуллари йўл-йўл чизиклар узра чўзинчоқроқ нақшлар тушириш билан юзага келади ва ранг-баранг товланади. Оқ тагда тўқ қизил, қора тагда сариқ гул шу элатнинг ранг беришда ўзига хос ечими ҳисобланади. Тўқ қизил, яшил рангларни қора, оқ қора йўллар бир-биридан ажратиб туради. Айнан бундай ранглар уйғунлиги ғажари гиламлар учун анъанавийдир. Безаклар тор йўлларга тикилгани учун уларнинг барча узвлари чўзингроқ шакл олади. Ғажара (ғажари) гулларига қуйидагилар киради: W шакли – каклик тўши ва S шакли – гажак ёки қўчқорак дейилади. Ҳандасавий шакли келин қоши, тўғри бурчакли йўл қатик, панжарасимон узвлар – эрганак (тўсиқ, ўтов эшиги), қатор шохлар шакли – туғдонагул, оқ-қора йўл туморча, шахмат нусхаси эса – ит изи дейилади. Бундан ташқари, зинасимон ёки ромбсимон шакллар бор. Учбурчак билан тугайдиган йўл учуда “шокила” каби ҳандасавий гуллар берилган[10].

Ғажари гилам тўқишда ниҳоятда ингичка, пишиқ қилиб йигирилган жун иплардан фойдаланилиб, чийратиб бўлгандан кейин бўяш олди билан роса чингланади, яъни иккита катта-катта қозиқ қоқиб тайёр иплар айлантириб солинади ва қайноқ сув қуйилиб, ўртасидан урчуқ солиб, нам ҳолдаги иплар урчуққа ўраб айлантирилади. Бу бир неча бор такрорланади ва ўралган ҳолда қурилади. Чинг берилган иплар анчагина ингичкалашади ва гиламнинг чиройли чиқишини таъминлайди. Сарала гилам бир қават ип бўлса, ғажари гилам икки қават ип қилиб, ўрмак қурилади. Мисол учун унинг тагини қизил қилиб оқ гул чиқармоқчи бўлсак, қизил ва оқ ип биргаликда югурилади. Ҳар иккаласи қўшиб жуфт ҳолда кузув ип боғланади. Бу эса қўшкузув деб юрилади. Қўшкузув қилиб боғланса, худди чизгандек нақшлар бир текис чиқади. Кузув боғланиб, ўрмак жойлаштирилгандан сўнг турли нақш чиқариш лозим. Юзига қизил ип чиқиб оқ иплар тагида турган бўлса, нусха олинаётган гиламнинг нақшига қараб ип санаб тагидаги оқ ип юзига олиниб, ўрнига кузув ипдаги қизил ип ботирилади. Ғажари гилам шу тариқа тўқилиб, терма бўлгани учун тўқиш жуда катта эътибор талаб қилади.

Қўнғиротлар томонидан тўқилган ғажари гилам нақшларига эътибор берилса, уларнинг ақлий салоҳияти нақадар юксак ва теран бўлганини яққол кўриш мумкин. Бу нақшларда мумтоз бадий чизгилар билан бир қаторда юксак дид, маҳорат ва истеъдод, ақлий теранлик ва зукколик ўз ифодасини топган бўлиб, турли қадимий мумтоз нақшлар ўзида геометрик шаклларни, математик ҳисоб-китобни, ҳайвонот ва набобат оламининг гўзалликларини ҳайратини, географик тасвирларни, расм чизиш санъати сирларини ҳам мужассамлаштиради. Қўнғирот момолар ҳар бир нақшни рамзий маънода орзу-ўйларини ифодалаган ҳолда яратишган. Йил қурғоқчилик келганда ёмғир ёғишини кутиб, ёмғир томчиларини ифода этган нақшлар солишган. Урушга кетган отасини, акасини ёки ёрининг йўлига кўз тутганлар туташ-туташ йўлларни ифодаловчи нақшлар солиб тўқиб, уларни интизорлик билан кутишган. Ёки қўчқор шохига қараб бурам-бурам нақшлар солишган. Оддий гиёҳларга қараб ҳам нақшлар ўйлаб топишган. Бу нақшларда биз инсон онгининг босқичма-босқич шаклланиш жараёнини яққол кўришимиз мумкин.

Қўнғиротлар орасида кенг тарқлаган гилам турларидан яра бири бу – Ойгилам бўлиб, асосан, уйга безак сифатида осиб қўйилган ва келинларнинг сепига қўйилган. Ойгилам тўқиш учун оқ қўй жуни титилиб, тараб, йигирилади, сўнгра қайноқ сувда тозалаб ювилади ва қуритилиб, калава ҳолидан ўраб тўп ҳолига келтирилади ҳамда ботга солинади. Ойгиламнинг юз, нақшли қисмини тикиш учун битта битган ойгиламдан андоза сифатида фойдаланиб, нақшидан нусха олинади. Қадимдан ойгиламларда ой ва юлдузларнинг

акси ифода этилган бўлиб, бу момоларимизнинг табиат мўъжизаларидан бири бўлган ой, юлдузларга ҳайратининг ва уларга нисбатан қандайдир бир ишонч туйғусининг ифодаси десак адашмаймиз. Кейинчалик ойгиламларга ҳам турли нақш ва шакллар солиниб, қиймати бироз пасайди. Оқ шолнинг юз қисмига тикилган ой, юлдузларнинг акси табиий бўёқлар берилган ипакдан иборат бўлган ойгиламлар ҳозирда камдан-кам қилиниб, қадимги кўринишини бирозгина сақлаб қолган[11].

Тақир гиламни йирик-йирик, гоҳо бутун энини қоплаб олган меҳроб шаклидаги безагидан ажратиб олиш мумкин. Меҳроб аксар қўчқорак каштаси билан қуршаб олинади. Меҳроблар баъзан оддий зинадор ёки кунгираддор шаклда бўлиб, олтибурчак, кўпбурчак билан айлантириб олинади. Улар гиламларнинг ўрта қисмида бир, икки ёки бир неча қаторда жойлашган.

Қўнғиротлар тайёрлайдиган уй хунармандчилигининг асосий қисмини маиший буюмлар ташкил қилган. Улар ҳозир ҳам кундалик турмушда кенг қўлланилади. Айнан бундай буюмларга жойнамозлар, нонхалта, қошиқхалта, туз халта, бўғжом, хуржун, напрамачлар (латта сандиқ), дастурхонлар, отлар учун дигдика, ёпқи жул (маъноси жун ёпқи) гоҳо кигиз тўшама кирган. Бу ўринда қўнғирот аёллари томонидан тайёрланадиган ўзига хос бўғжомлар борасида тўхталиб ўтадиган бўлсак, бўғжом катта квадрат кўринишида бўлиб, фақат кўринадиган бурчаги кашта билан безатилган, лекин унинг нақшлари жуда чиройли ва хилма-хиллиги билан ҳаммани ҳайратга солган. Кўп ҳолларда учбурчак нақш устидан боғлаш учун иккита белбоғли безак осилган. Бироқ, вақт ўтиши билан қўнғиротларда бу белбоғларга эҳтиёж деярли йўқола борган ва безак элементига айланган. Улардан эндиликда кўрпаларни ўрашда фойдаланилади ва бир жойдан иккинчи жойга кўчишда ишлатилади. Худди шундай нақш 5 тўқимали бўғжомларда ҳам учрайди. Уларнинг қўнғиротлар орасида мавжудлиги бу турдаги маҳсулотлар қўнғиротлар турмушида алоҳида ўринга эгалигидан далолат беради. Чеккалари ингичка нақшинкор чизиқлар билан ўралган, уларни эса ўз ўрнида жиякнинг ингичка нақшли чизиғи ўраб олган, нақшинкор учбурчакнинг чеккалари попук билан безатилади. Бу бўғжомлар тинчлик ва тотувликдан дарак берувчи, ҳис уйғотувчи ўсимликлар битилган нақшлар билан безатилган[4].

Қўнғирот аёллари майда буюмлар учун гиламлардан қолган тагтер тўқима парча лахтаклардан фойдаланишган. Масалан, халтани тайёрлашда айнан мана шундай лахтаклардан фойдаланилган. Қўнғиротларда патсиз гиламлар билан бир қаторда кигиз, пўстак ҳам тайёрлаш кенг йўлга қўйилган[9].

Қўнғиротлар гиламдўзлигининг нақши уларнинг чорвадор аҳоли маданиятига мансубилигидан далолат беради. Ҳандасавийлик ва ҳайвонот талқинидаги ана шундай мажмуа қўнғиротлар амалий санъатини тавсифлайди[2].

Сурхондарёда эчкижунидан тивит салла, пайтава, арқоқ ип тайёрланган, қўйнинг жуни ва терисидан пўстин, туя жунидан чакмон тикиш кенг расм бўлган. А. Д. Гребенкиннинг ёзишича, XIX асрнинг иккинчи ярмида қипчоқ, туркман, найманларда туячилик ва туя жунидан мато тайёрлаш анъанаси мавжуд бўлган[3]. Улардан бу хунар ўзбек - дўрмонларга ҳам ўтган. Жумладан, Н. Г. Борозна туячилик билан шуғулланган дўрмонлар бой воҳадаги қўнғиротлардан оқ чакмон сотиб олишганини таъкидлайди[1]. Воҳада туя жунидан фақат эркакларнинг устки кийимларигина эмас, балки чорвадорлар учун дастурхон ва жойнамозлар ҳам тўқилган.

Республиканинг бошқа ҳудудларида бўлгани сингари ўрганилаётган даврда воҳада қўй жунидан ўтовлар учун боғич, халта, кигиз, гиламлар тайёрланган. Бу жунни ишлатишда қўйларнинг мавсумий жун қирқимларидан ўзига хос тарзда фойдаланишган. Баҳорги мавсумда қирқилган қўй жуни “ўлик қирқим” (“ўли қирқим”) деб аталган. Чунки қиш бўйи қўйларнинг жуни ўстирилиб, халқ тили билан айтганда «ўлиб» чиққан, яъни майинлашиб, қиш наmidан чиққан жун узун, пишиқ бўлиб йигириш учун қулай бўлган. Кузги қирқим – “тирик” (“тири қирқим”) дейилган. Бу қирқимда қирқилган қўйларнинг жуни калта, қаттиқ бўлиб, жун толаларининг аксарияти йигиришга яроқсиз бўлган ва шу сабабли бу қирқим аҳоли орасида “тирик қирқим” деб аталган. Кузги қирқимнинг жунларидан кигиз (намат) тайёрлашда фойдаланилган. Қўй жунидан тайёрланган ипни

ўрмак орқали ўтказиб «шол» тайёрланган[5]. Қолаверса, қирқимдан олинган оқ ва қора қўйларнинг сифатли жунидан эркаклар учун чопон, иссиқ иштон, пайтавалар тўқилган. Шунингдек, воҳада қўй жунидан тайёрланган иплардан эркаклар ва аёллар учун белга боғланадиган боғичлар («қўшоқ», «чумчулғай»), белбоғлар ва эркаклар учун чакмон, кебанак ҳам тайёрланган.

Кўнғиротларда ҳам бой, ўзига тўқ эркаклар “қоқма чакмон”, чўпонлар, оддий ва ўрта ҳол табақага мансуб эркаклар эса “кўк чакмон” кийган. Бу чакмонлар ўз матосининг сифати билан бир-биридан фарқ қилган[6]. “Қоқма чакмон” қалин, пишиқ қора жун матодан устки ва остки қисми икки қават қилиб бежирим тўқилган. Бу чакмонни тўқиш учун узоқ ва машаққатли меҳнат зарур бўлиб, уни ўзига тўқ кишилар махсус буюртма асосида тайёрлатганлар. “Кўк чакмон” анча юпқа ва ихчам бўлиб, енгил жун матодан тўқилган. Воҳа чўпонларининг қаҳратон қиш ойларида устига киядиган “кебанак”[7] устки кийими ҳам қўй жунидан тайёрланган. Кебанакнинг ичи кигиздан бўлган. Шунингдек, кўнғирот, юз, тоғчи уруғларининг эркаклари, асосан, қўй жунидан тайёрланган “босма чакмон” ёки “кигиз чакмон” кийганлар.

Сурхон воҳасида юмшоқ, майин қўй жунидан тайёрланадиган босма шол, босма олача кенг тарқалган. “Босма олача”нинг тикилиши ўзига хос бўлиб, уни тайёрлашда ҳар бир тикилаётган қаторга юмшоқ жун игна билан осилтириб тикиб чиқилади ва қайчи билан тенг қилиб қирқилган юмшоқ, майин қўй жунини бир текис кўриниш олади. Шу сабабли аҳоли уларни “босма олача” ёки “босма шол” деб юритишган. Булар Қоратегин ва Дарвоз тожиклари ҳамда Шимолий Кавказ халқлари – осетин, қабардин, балқарларда ҳам учрайди[8]. Шундай қилиб, воҳада чорвачилик билан шуғулланган аҳоли туя, қўй, эчки жунидан тайёрланган матолардан кийимлар кийишган. Сурхон воҳасида чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли ўз навбатида дехқончилик билан ҳам шуғулланиб, маҳаллий қўл дастгоҳларида пахтадан тайёрланган иплардан хилма-хил матолар тўқишган.

Гиламдўзлик Сурхон-Шеробод воҳаси кўнғиротлари орасида қадимдан ривож топган ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳунармандчилик турларидан бири ҳисобланади. Воҳада асрлар давомида гиламдўзлик анъаналарини давом эттириб келган маҳаллий чорвадор аҳоли томонидан тўқилган гилам ва гилам маҳсулотлари нафақат Ўзбекистон балки қўшни давлатларда ҳам жуда машҳур бўлган. Воҳада гиламдўзликнинг шаклланиши ва трансформацияси аҳолининг бутун моддий ва маънавий маданиятининг ривожланиши даражасини белгиловчи бир қатор тарихий жараёнлар ҳам таъсир кўрсатган. Жумладан, кўнғирот гиламдўз аёлларнинг анъанавий безаклари, ранг берилиши жиҳатларидан воз кечилиши ва нақшлар ечимлари асрлар давомида тўпланган эстетик ҳамда технологик тажрибаларини маълум даражада йўқотиш каби жараёнларни ўз ичига олади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Борозна Н. Г. Материальная культура узбеков Бабатага и долины Кофирнигана // Материальная культура Средней Азии и Казахстана. – М., 1974. – С. 110.
2. Гюль Э. Кўнғирот гиламлари // Мозийдан садо. – 2004. – №1. – Б. 8-10.
3. Гребенкин А. Д. Узбеки // Русский Туркестан. – М., 1872. – С. 82 –101, 107.
4. Носирова З. Бойсун нақшларида баҳор ифори... – Б. 8.
5. Томина Т. Н. Ткани в одежде кочевых и полукочевых народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1989. – С. 234.
6. Шаниязов К., Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX – начало XX в. – Т.: Фан, 1981. – С. 45.
7. Исмаилов Х. Традиционная одежда арабов Кашкдарьинской области УзССР // Костюм народов Средней Азии. – М., 1979. – С. 230.
8. Таджики Каратегина и Дарваза. – Душанбе, 1966. Вып 1. – С. 229; Кунижаева Л. З. Материальная культура прикладное искусство осетин. – М., 1973. – С. 19 – 20.
9. Дала ёзувлари. Бандихон тумани Ободюрт маҳалласи. 2020 йил. 2020 йил.
10. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Истара қишлоғи. 2021 йил.
11. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Хомкон қишлоғи. 2020 йил.

СУРХОН ВОҲАСИ ТОҚЧИ ҚАВМИЛАРИНИНГ ЭТНОГРАФИЯСИ ВА ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ

Рахмонов Махаммад Хабибулло ўғли,
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: ушбу мақолада Сурхон воҳасида тоқчи қавмининг этник шаклланиши, бўлиниши, жойлашув ўрни ва этник тарихи ҳақида этнограф олимлар, рус тадқиқотчилар А.Д. Гребенкин, Н.Ф. Ситняковский, Б.Кармишева тадқиқотлари мисолида кўрсатиб берилди. Ўзбек халқи этник турфа хиллик орқали ташкил топган хисобланиб, этнографик макон дея аталган Сурхон воҳасида тоқчи қавми катта нуфузга эга бўлган. Жумладан, тоқчи қавми XIX-XX аср бошларида Сурхон воҳасида ижтимоий ҳаётида катта ўрин тутгани, тарқалиш ҳудудлари, тоқчи қавми таркиби, уларнинг Сурхон элатлари билан чамбарчас боғлиқлиги очиб берилган.

Таянч сўз ва иборалар: тоқчи, қавм, Кармишева, Сарой, Патос, Оқлар – оқ, элат, этник таркиб.

Аннотация: В данной статье ученые-этнографы, российские исследователи Гребенкин, Ситняковский, Кармишева показали об этническом формировании, разделении, размещении и этнической истории таджикского народа в Сурханском регионе. Считается, что узбекский народ формировался через этническое разнообразие, и народ такчи имел большое влияние в Сурханском районе, который называют этнографическим местом. В частности, выявлено, что народ такчи играл большую роль в общественной жизни Сурханского края в начале XIX-XX вв., ареалы распространения, состав народа такчи, его тесная связь с сурханским народом.

Ключевые слова и фразы: такчи, қавм, Кармишева, сарой, патос, белый - белый, элат, этнический состав.

Abstract: In this article, ethnographic scientists, Russian researchers Gpebenkin, Sitnyakovskiy, Karmisheva have shown about the ethnic formation, division, location and ethnic history of the Tajik people in the Surkhan region. It is considered that the Uzbek people were formed through ethnic diversity, and Takchi people had a great influence in the Surkhan region, which is called an ethnographic place. In particular, it has been revealed that the Taqchi people played a major role in the social life of the Surkhan region in the early 19th-20th centuries, the distribution areas, the composition of the Taqchi people, and their close connection with the Surkhan people.

Keywords and phrases: takchi, kavm, Karmisheva, Sapoy, Pathos, Oklar - oq, people, ethnic composition.

Жаҳон халқларининг интеграциялашуви ва иқтисодиётда глобаллашув жараёнлари жадал кечаётган бир пайтда этник ва маданий ўзликни англаш, локал этноҳудудий маданиятлар ва миллий қадриятларни сақлаб қолиш аҳамияти ортиб бормоқда. Сурхон воҳаси тоқчи қавмиларининг антропологияси: манбашунослиги ва тарихшунослиги ўзига хос ҳунар мактабларнинг локал хусусиятлари билан боғлиқ. Тоқчи қавмларнинг XIX аср охири – XXI аср биринчи ярмидаги этник хусусиятлари ёритилган илмий адабиётлар кам бўлиб, уларнинг асосийлари тадқиқ этилаётган даврда минтақага турли мақсадларда келган россиялик сайёҳлар, мустамлака идора вакиллари, ҳарбий зобитлари томонидан ёзилган асарларда баён қилинган. Хусусан, 1863-йилда Самарқанд, Бухоро, Хива ҳамда бошқа йирик шаҳарларни ўрганган мажор сайёҳи ва шарқшунос Х. Вамбери 32 та ўзбек уруғи рўйхатини келтиради.[1,Б-123] Тоқчи қавмларнинг этник таркиби масаласида мулоҳаза юритган рус тадқиқотчиси А.Д. Гребенкин Зарафшон водийсида яшовчи ўзбек ва тожиклар, хусусан, манғит, минг, найман, юз, жалойир, туёқли, қирқ каби йирик уруғларнинг келиб чиқиш тарихи, антропологик ва этноҳудудий хусусиятлари борасида қатор диққатга сазовор мулоҳазаларни билдирган.[2,Б-16] Ўз навбатида таъкидлаш керакки, ушбу уруғларнинг келиб чиқиш тарихи ва анъанавий маданияти тоқчи қавмларни уруғлари билан ўзаро умумийликка эга бўлган. Айнан маз-

кур умумийлик муаллифнинг диққат эътиборидан четда қолган ва у асосан Зарафшон воҳаси мисолидаги умумий хулосалар беришга ҳаракат қилган. Н.А. Маев 1875 ва 1878 йилларда Ҳисорда ўтказган экспедицияси маълумотлари асосида ёзган тадқиқотида шундай ёзади: “Сурхон воҳасида тоқчи қавмларни яшовчи этник хусусиятлари ҳамда турли этнографик гуруҳлар воҳа бўйлаб жойлашининг ўзига хосликлари борасида этнографик маълумотларни баён қилган”. [3,Б-187]

Бухоро амирлигида ҳарбий мақсадларда тадқиқотлар олиб борган Д.Н. Логофет эса «Бухоро хонлиги рус вассаллигида» номли асарида шундай ёзади: “воҳада яшаган ўзбек уруғлари ҳамда уларнинг генеологияси ҳақида тўхталган. Шунингдек, воҳадаги этнографик гуруҳларнинг тутган мавқеига қараб кетма-кетликдаги рўйхатини келтирган. Рўйхатда баён қилинган этнографик гуруҳлардан қатағон, юз, дўрмон, турк каби уруғлар тоқчи қавмлари истиқомат қилади”. [4,Б-104-105] Бундан ташқари Н.Ф. Ситняковский материалларида қўнғиротларнинг генеологияси ҳақида маълумотлар берилган. [5,Б-29] XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Сурхон воҳаси тоқчи қавмларининг этнографик йўналишда ўрганиш борасида ўзига хос давр бўлган деб айтиш мумкин. Чунончи бу борада Жанубий Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудлари тоқчи қавмларининг этник тарихи масалалари юзасидан 1945 йилдан бошлаб то XX асрнинг 80-йилларигача илмий тадқиқотлар олиб борган элшунос олима Б.Х. Кармишева тадқиқотлари муҳим илмий аҳамият касб этади. Айнан мазкур муаллиф томонидан қарийб қирқ йил давомида олиб борилган этнографик кузатувлар натижаси тарзида эълон қилинган монографиясида шундай ёзади: “воҳа аҳолиси этник гуруҳларидан қўнғирот, юз, қатағон, турк каби этнографик гуруҳлар, шунингдек, туркман, тожик, араб ва бошқа этносларга бўлинади” [6,Б-111] деб тарихга оид муҳим илмий материаллар баён қилинган.

XX асрнинг 50-йилларида Сурхон воҳаси тоқчи қавмларини антропологик жиҳатидан ўрганган Қ. Нажимовнинг илмий тадқиқотларида шундай хулоса келган: “воҳа аҳолисининг антропологияси билан бир қаторда тоқчи қавмларига тааллуқли юз, қатағон, турк, дўрмон каби уруғларнинг этник тарихи каби масалаларга ҳам эътибор қаратилган”. [7,Б-86] Тоғчиларнинг озсонли қисмлари Бойсун шаҳар атрофларида ҳам кун кечирганлар. Бойсуннинг Новлон (навлулиён бўлса керак) маҳалласида бир неча тоғчи-оилалари тожик –чиғатойларга қўшни бўлган. Сариосиё қишлоғида тоғчилар тожик- чиғатойлар ва хўжалар ҳамда қўнғиротлар билан бирга турмуш кечирган. Аҳолисини асосий қисми тожик- хўжалар ҳисобланган. Авлод қишлоғида 30-40 тоғчи оиласи алоҳида маҳаллани ташкил этган. Элшунос Б.Кармишеванинг фикрига кўра, тоғчиларнинг жисмоний кўриниши бошқа этник гуруҳлари каби бир хил эмас. Уларнинг ташқи қиёфасида монголоид ирқига хос белгилари камроқ бўлиб, тоғда яшовчи тожикларга кўпроқ ўхшайди.

Тоғчиларнинг тили турк ва қарлуқларнинг тилига яқин бўлиб, қатағонлар шеvasи каби ўзбек тилининг қарлуқлақжасига киради. Уларда ички никоҳ –эндогалия анъаналар жуда кучли сақланган бўлиб, фақатгина баъзан тожик ва турклар билан қиз олиб беришган. Маҳаллий қўнғирот, дурман, юз, лақай каби ўзбек қабилалари билан никоҳ алоқалари умуман тақиқланган эди. Тоғчиларнинг асосий анъанавий машғулотлари чорвачилик (қўй, эчки боқиш), деҳқончилик ва ҳунармандчиликдан иборат эди. Ҳунармандчиликда арча кесиб, чўян эритиш, кўмир, руда қазиш билан шуғулланганлар. Улар сув тегирмонларни кўпроқ куриб ишлатишган. Тоғчилар аждодларининг келиб чиқишини Афғонистоннинг Қундуз (ўзбек қатағонлар юрти) ва Балх вилоятларига боғлайдилар. Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларининг тоғчилари Амударёнинг ўнг томонида яшовчи ўз уруғдошлари билан ҳар томонлама алоқада бўлишган.

Этнографик маълумотларга кўра, тоғчилар Жанубий Ўзбекистоннинг қадимги туб (автохтон) туркий қавмлардан бири ҳисобланадилар. Дашти Қипчоқ ўзбекларнинг юришларида, тоғчилар қатағонларга қўшилиб шимолий Афғонистонга кетишган. Кейинчалик турли феодал низолар туфайли тоғчилар- тоғчи қатағон номи билан ўзларининг юртларига қайтиб келганлар. XX аср бошларида содир бўлган иқтисодий ва сиёсий жараёнлар туфайли тоғчиларнинг кўпчилиги ўзбеклар, баъзи гуруҳлари

эса тожиклар таркибига сингиб кетиб, мазкур миллатларнинг муштарак қисмига айландилар. Ҳозирда Бойсун шаҳар марказида, Авлод, Сариосиё, Даштиғоз, Омонхона, Саройтош қишлоқларида тоғчи-қатағонлар умргузаронлик қиладилар. Улардан кўплаб машҳур чобағонлар ва полвонлар етишиб чиққан.[7,Б-129]

Совет ҳокимияти йилларида, 1940 ва 1949-1956-йилларида жуда кўплаб тоғчилар Денов, Жарқўрғон, Сурхон ва Музработ туманларига мажбуран кўчирилган. Ҳозирда ўша ерда истиқомат қиладилар. Шерободдарёнинг юқори оқими (Мачайдарё)да яшовчи чубош-қатағонларга мансуб бўлиб, Қизилновур, Кўмирчи, Кўксой, Кентала (Кенгдала) қишлоқларида кун кечиринган. Чубош-қатағонлар икки гуруҳга бўлинган: худойберди ва алахмат. Панжобдаги Лайлагон қишлоғида ҳам тоғчилар туришган. Шарқий Туркистон ҳудудида тоғлик этник гуруҳларнинг келиб чиқиши, турмуш тарзи ва хўжалик фаолиятида ўзбек тоғчиларининг маълум даражада алоқадорлик жиҳатлари мавжуд. Тоғчиларнинг жисмоний кўриниши бошқа этник гуруҳлари каби бир хил эмас. Уларнинг ташқи қиёфасида монголоид ирқига хос белгилар камроқ бўлиб, тоғда яшовчи тожикларга кўпроқ ўхшайди. Тоғчиларнинг тили турк ва қарлуқларнинг тилига яқин бўлиб, қатағонлар шеvasи каби ўзбек тилининг қарлуқ лаҳжасига киради. Уларда ички никоҳ-эндогамия анъаналари жуда кучли сақланган бўлиб, фақатгина баъзан тожиклар ва турклар билан қиз олиб беришган. Маҳаллий қўнғирот, дўрмон, юз, лақай каби ўзбек қавмлари билан никоҳ алоқалари умуман тақиқланган эди.

Тоғчиларнинг асосий анъанавий машғулоти чорвачилик (қўй, эчки боқиш), деҳқончилик ва ҳунармандчиликдан иборат эди. Ҳунармандчиликда арча кесиб, чўян эритиш, кўмир, руда қазиш билан шуғулланганлар. Улар сув тегирмонларни кўплаб қуриб ишлатишган. XX асрнинг бошларида содир бўлган иқтисодий ва сиёсий жараёнлар туфайли тоғчиларнинг кўпчилиги ўзбеклар, баъзи гуруҳлари эса тожиклар таркибига сингиб кетиб, мазкур миллатларнинг муштарак қисмига айландилар.[7,Б-132] Мухтасар қилиб таъкидлаш лозимки, юртимизнинг жанубий сарҳадларидаги пурвиқор тоғ этакларида азалдан умргузаронлик қилган нуфузли ва сарбаланд қавм-тоғчиларнинг этник тарихини янги тарихий-этнологик манбалар асосида ҳаққоний тарзда ўрганиш ва халқимизга сингдириш, миллий ўзликни янада теранроқ англашда ҳам жамиятимиз маънавиятини оширишга хизмат қилади.

Сарой- ўзбеклар таркибига кирган йирик қабилалар уюшмаси. 1924-26 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатида Ўзбекистон территориясида яшовчи саройларнинг сони 50 мингдан ортиқ бўлиб, уларда 18 минги Бухоро воҳасида яшаганлари қайд қилинган. Саройлар таркибида бир қанча кичик ва катта қабилалар мавжуд бўлган. Сарой қабиласи таркибида тоғчи уруғи бор.[8]

Масалан: аз-сарой, қипчоқ –сарой, қорабоғ-сарой, қўнғирот –сарой, Можар-сарой, кигиз-сарой, найман-сарой ва бошқалар. Саройлар этник бирлашма сифатида XIV-XV асрлар давомида Дашти Қипчоқда шаклланган бўлиб, XVI асрда бошқа ўзбек қабилалари билан бирга ҳозирги Ўзбекистон территориясига келиб жойлашган.

Учтамғали-йирикуруғлардан бири. XX асрнинг бошларига қадар сақланиб келган. Улар қипчоқлар таркибида бўлишган. XV-XVI асрлар давомида Нўғай Ўрдасининг ерларида кўчиб юрганлар. Нўғай Ўрдаси емирилгач (XVI асрнинг 2 ярми) Учтамғалиларнинг бир қисми Азов денгизининг соҳилларига кўчиб ўтиб, кейинчалик нўғай халқининг, Дашти қипчоқда қолган қисми эса Зарафшон водийсидаги қипчоқлар, Тошканд воҳасидаги курамалар ҳамда қозоқ, Қорақалпоқ, қирғиз халқлари таркибига сингиб кетган.

Тўққиз –ўғиз-тўғиз-ўғиз (қадимда туркийга ўғиз қабила) қадимий туркий қабила иттифоқларидан бири. Тўққиз-ўғиз қабила иттифоқининг асосан 9 қабила ташкил қилган. Улар ҳозирги тива, олтой, теленгут, уйғур халқларининг илк аجدодлари ҳисобланади. Ҳозирда уйғурлар таркибига сингиб кетганлар.

Кийикчи - Б.Х.Кармишева- кийикчиларни манғитларга мансуб деб қарайди.

Олачопон - жалайрларнинг Қорачопон уруғи, шунингдек оттунни, оқчопон, олачопон деган уруғлари ҳам бўлган.

Оқлар - оқ туркман уруғи: Ўзбек халқининг уруғ, уруғ бўлимлари номида оқ сўзи кўп такрорланади: оқманғит, оқших, оқпичоқ, оққўйли, оқтўнни, оқпалтак, оқсори, оқтамға-

ли, оқчепкан, оқтона, оқчаноч, оқтелпак, оқбўрибой, оқбой. Бу тип этонимлар кўпчилигининг зид номлари ҳам бор: қораманғит, қорақалпоқ, қорателпак, қорақўнғирот, қорақуччи, қоратўнни (кўктўнни), қорақўйли, қоратона, қоракалтак, қорапичоқ ва хоказо.

Патос - Сурхондарё туркман – жузларининг вахтамағали бўлимида патос, болахур, кўса, қарға, йурға, ёс, тароқли, эгарчи (иярчи) уруғлари бор.[9,Б-98]

Тоқчиён – Сариосиё туманидаги йирик аҳоли пункти. Шерободда Тоқчигузар деган жой бор. Топоним тоқчи+ён/он компонентларидан ташкил топган. Тоқчи – этноним, ён/он – кўплик қўшимчаси. Тоқчиён – тоқчилар дегани.

Тоқчилар – ўзбек қатағонлари таркибидаги йирик уруғ. Шевада тоҳчи, тоғчи номлари билан тилга олинади. Умуман олганда, ўзбек этнографияси тарихшунослигининг билимдонларидан бири профессор А.Х. Дониёров ҳақли тарзда таъкидлаганидек, «бугунги кунда биз ўтган йиллар нашрларидан қайсилари ҳозирги кун учун, қолаверса, яқин ва узоқ келажак учун қимматли бўлиши мумкинлигини аниқлаш мақсадида уларни қайта-қайта кўздан ўтказмоқдамиз».[10,Б-31]

Хулоса қилиб айтганда, тоқчи қавмларининг халқ анъанавий моддий ва маънавий маданияти масалаларининг ўрганилиш тарихшунослиги масалалари таҳлили шуни кўрсатади-ки, биз тадқиқ этаётган тоқчи қавмларининг анъанавий маданияти этнологик аспектда, комплекс тарзда ўрганилмаган. Мавзунинг айрим масалалари борасида илмий мақолалар тарзида тадқиқотлар бажарилган. Ўз навбатида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур тадқиқотларнинг аксариятида тавсифийлик принципи ёки маълум бир мафкура доирасида бажарилганлиги билан ажралиб турди. Чунончи собиқ иттифоқ даврида жамиятни ижтимоий гуруҳларга бўлиб ўрганишга асосланган коммунистик ғоя, шу даврда яратилган тадқиқотлар учун, хусусан Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари доирасида бажарилган айрим ишлар учун ҳам услубий асос бўлиб хизмат қилган. XX аср бошларида тоқчилар Шерободдарёнинг юқори ҳавзасидаги Қизилновур ва Кенгдала қишлоқларида ўрнашган бўлиб, улар бу ҳудудда Ўрикли, Сандал, Чайлати, Кўккамар, Кўш Олмурид, Чақмоқ, Мобирли, Қизилқўлтиқ, Қарангқўл, Айиқ эниш (Айғиниш), Қувлуғ, Олмабулоқ, Қизилсой, Шаршара, Қоратепа, Отқулоқ, Кўмирчи, Кўксой, Олсабулоқ, Тўптолота, Пашшахона, Шумурғон, Ўртақўниш, Жўйил, Сайқоннинг қўриғи, Ярашнинг қўриғи, Саритўғай, Сариқия, Шувовқли, Тиллабулоқ, Алимардоннинг қўниши ва Кўк бўйноқ номли манзилгоҳларда яшаганлар.

Шунингдек, тоқчилар Сариосиё қишлоғида тожик-чиғатойлар, хожалар ва қўнғиротлар билан бирга, Авлодда эса тожиклар ва Сангардакдан кўчиб келган Надирмаҳмат авлоди билан бирга аралашиб яшайдилар.

Сурхон дарёси ҳавзасида эса тоқчилар Қайроқ, Гашназа, Қизилқишлоқ, Саройтош, Боғчик, Олачопон, Чанглоқ, Чакана ва Боғча (охирги уч қишлоқ Сангардакда жойлашган) қишлоқларида ўрнашганлар. Уларнинг унча катта бўлмаган гуруҳлари Вахшивор, Тўхтамиш қишлоқларида ҳам яшашган.

Бундан ташқари, тоқчи-қатағонлар қўшни Тожикистонда ҳам аниқланган бўлиб, икки қишлоқда: Пархар туманидаги Саят қишлоғида ҳамда Қўрғонтепа туманидаги Тохчи қишлоғида ўрнашганлар.[11,Б-85] Ўзбекларнинг сарой уруғи таркибида тоқчи этноними бор.[12,Б-147] Дала тадқиқотлари натижасида Самарқанд вилоятида ҳам тоқчи уруғи борлиги маълум бўлди.[12,Б-52]

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Вамбери Г. Очерки Средней Азии. –М., 1968.
2. Гребенкин А.Д. Узбеки. Мелкие народности Зерафшанского округа // СРТ. Вып. II. 1872;
3. Маев Н.А. Очерки горных бекств Бухарского ханства // МСТК. Вып. V. СПб., 1879;
4. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. –СПб., 1911. –С. 91, 96-99, 104-105.
5. Ситняковский Н.Ф. К генеалогической таблице узбеков рода Кунград // ИТОРГО. Т. 7. 1907. – С.24-39.

6. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. –М.: Наука, 1976. –С. 29-111.
7. Наджимов К. Антропологический состав населения Сурхандарьинской области. – Ташкент: Изд. САГУ, 1958.
8. С.Н.Турсунов “Бойсун” -: Т. Академнашир 2011 й Б
9. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-s/saroy-uz/>
10. С.Н.Турсунов Т.Р.Пардаев Н.Махмадиёрова Сурхондарё этнографик макон.- Тошкент: Академнашир, 2012 – 98 б.
11. Турон қавмлари. Тузувчи Зойир Зиётов. Тошкент, 2008, 147-бет.
12. Умаров И. Сурхондарё тоқчилари // «Турон тарихи» журнали, Тошкент, 2013, №4-6, 52-бет.

SURXONDARYO VILOYATI TUMAN NOMLARINING TOPONOMIKASI

Jumayev Mustaf o Erkin o'g'li,
Termiz davlat universiteti
Jahon tarixi kafedrasi o'qituvchisi

Annotatsiya. *Toponimlar – geografik hodisa, mavzu va jarayonlarni ma'no mazmunini o'zida aks ettiradigan atoqli otlar turkumiga kiradi. Toponimlarni ilmiy va amaliy jihatdan o'rganish bugungi kunda muhim ahamiyat kasb etadi, ular ayni bir hudud yoki makonning o'tmishini izohlash va ta'riflash bilan birga kelajagini pragnoz qilishda ham juda ahamiyatlidir. Bu maqolada Surxondaryo viloyatida joylashgan tumanlarning nomlari toponomik jihatdan tadqiq qilingan.*

Kalit so'zlar: *Angor, angora, Bandixon, Boysun, Oltinsoy, gidronom, Dehinav, Sariosiya, Sho'rchi, Qiziriq, Qumqo'rg'on, Jarqo'rg'on, Sherobod, Muzrabod.*

Abstract. *Toponyms belong to the group of nouns that reflect the meaning of geographical phenomena, topics and processes. The study of toponyms from a scientific and practical point of view is of great importance today, they are also very important in predicting the future of the same area or space, as well as explaining and describing the past. In this article, the names of the districts located in the Surkhandarya region are studied from a toponomic point of view.*

Key words: *Angor, Angora, Bandikhon, Baysun, Altinsoy, hydronom, Dehinav, Sariasiya, Shurchi, Khyzirikh, Khumkhurgan, Jarkhurgan, Sherabad, Muzrabod*

Абстрактный. *Топонимы относятся к группе существительных, отражающих значение географических явлений, тем и процессов. Изучение топонимов с научной и практической точки зрения имеет сегодня большое значение, они также очень важны в предсказании будущего той же местности или пространства, а также в объяснении и описании прошлого. В данной статье названия районов, расположенных в Сурхандарьинской области, изучаются с топонимической точки зрения.*

Ключевые слова: *Ангор, Ангора, Бандихон, Байсун, Олтинсой, гидроном, Дехинав, Сариосия, Шорчи, Кызирик, Кумкурган, Джаркурган, Шерабад, Музрабад.*

Bugungi kundagi har biri inson o'zining tug'ulib o'sgan yurti haqida to'liq ma'lumotga ega bo'lishi kerak va bu nafaqat, o'z yurtining yana o'zining urug'ini, etti ajdodini, hamda o'zi tug'ulgan qishloq va shahar, yoki tumani tarixini bilishi kerak. Axir birinchi Prezidentimiz aytganidek “Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q” Ushbu maqolada Surxondaryo viloyatida mavjud bo'lgan 14ta tumanning nomlarining kelib chiqish tarixi va nima ma'no bildirishi haqida kerakli ma'lumotlar beriladi.

Angor-shu nomdagi tuman va uning markazi. Mahalliy aholi hosili yig'ishtirib olingan g'alla maydoni ma'nosidagi angor so'zi bilan bog'lab, Qadimda Termiz va hozirgi Angor hududidan oqib o'tuvchi Qorasuv daryosi daryosi bo'yida yashagan “angara” aholining lalmikor dehqonchilik qiladigan g'allazori, yaylovi bo'lgan joy deb izohlaydi. Afg'on (pushti) tilida: angora-hosili yig'ishtirib olingan dala, angar-to'si, hovli. Angorni eroniy tillardan o'tgan va aholi markazi deb izohlash ham bor. Har ikkala ma'noda keskin farqlanadi. Angor, angar so'zlarining ma'nolari

asosida Angor toponimini izohlash asossizdir. U dastlab suv ob'ekti-yaylov erga Surxon, Sherobod daryolaridan chiqarilgan kanalning nomi bo'lgan. Bu suv yo'li Anhor (ariq) deb atalgan. O'zbeklarda-Angar, forslarda-Angor. Samarqanddan Qarshi cho'liga ilk o'rta asrda keltirilgan suv ham Anhor deb yuritilgan. [2.48]

Bandixon—Surxondaryo viloyatidagi tumanning nomi forscha Bandqiqxon xon bandi, ya'ni xon tomonidan qurilgan suv to'g'oni. Xon so'zi o'zbek tilida ma'lum hudud (viloyat, mamlakat) ning mutlaq hokimi, knyaz mavqeiga teng bo'lgan unvonni anglatgan. Eroniy tillarda xon— karvonsaroy, yag'nob va o'rta so'zlari fors tilida xan—kanal, ariq degan ma'noni anglatadi. Bandixon—eroniy tillarga mansub. Dastlab gidronim suv to'planadigan va ayriladigan joy nomi bo'lgan band, xon so'zlari bir xil ma'noga ega: suv to'planadigan joy, band, to'g'on.

Boysun—Boysun tuman markazi. Istaxriy va muallifi noma'lum «Xudud al Olam» asrida Basand shaklida yozilgan. Bosand va Basand «qator kavonsaroylari bo'lib, sarbonlari ko'pdir. Xarakatchan, xalqi ko'p, savdo qiladigan bozori keng Bosand». V.A. Livshisning ta'kidlashicha, «Bosand» so'zi ko'p ishlatilib, sand so'zi ma'nosida So'g'dcha va kenglik, katta ulkan deb ifodalangan. Boy (q.) qsin- qsun so'zlaridan tuzilgan. Boy-bay-moy-may-poy-pay so'zi nomlarning boshida ko'p uchraydi: N.A. Maevning fikricha Boysunning xaqiqiy nomi Boyshin bo'lib, «Boylar, zodagonlar manzili». Filolog olim Y. Xo'jamberdievning ilmiy tadqiqotda turkcha sin so'zi «cho'qqi, qoya, baland tog' tizmasi» ma'nosida izoxlanib Boysun<Boysin-«Baland tog' tizmasi, baland cho'qqi, katta qoya» degan ma'nolar qayt etilgan. Filolog olim T. Nafasov izoxida sin-so'n so'zi «tog', tog' tizmasi», «bo'y», «qaddi qomat» ma'nolarini taxlil etadi. Boysun so'zi tog' nomiga qiyosiy izoxlanib, «buyuk tog'», «tog'ning quyi qismida», «tog'ning yonida joylashgan» qishloq degan ma'noni beradi. [1.16]

Denov—Surxondaryo viloyatidagi tuman (1926), shahar (1958). Qadimgi Chag'oniyon (miloddan avvalgi VI asr—milodning XVI asri) viloyatiga qarashli hudud. Denov tarixiy qadimiy shahar. Yozma manbalarda XIV asr oxirlaridan „Dehinav“ shaklida, ya'ni „Yangi qishloq“ mazmunida tilga olingan. Mahmud ibn Vali (XVII asr) ning yozishicha, Dehinav ajoyib bozori, katta masjidi va xonaqosi bo'lgan mustahkam qal'ashahar hisoblangan. Ba'zi tadqiqotchilar Chag'oniyon shahri hozirgi Denov o'rnida bo'lgan, deb hisoblab kelishgandi. Arxeologlar topgan ma'lumotlarga qaraganda, Chag'oniyon shahri aslida hozirgi Denov markazidan 6 km janubi-sharqda joylashgan Budroch manzilgohi o'rniga to'g'ri keladi (Budrochtepa manzilgohi). Denovning hozirgi o'rnida mil. avv. 2-ming yillik oxirlarida manzilgoh bo'lgan.

XVI asrdan boshlab bosh shahri—Dehinav bo'lgan. Dehinav Sharafiddin Ali Yazdiyning «Zafarnoma» (XV asr) asarida qayd qilingan. Istaxriy, Maqdisiy kabi o'rta asr geograflarining yozishicha, Chag'oniyon shahristoni aholisi ko'pligi va boyligi jihatidan Termizdan ustun turgan, shahri obod, farovon bo'lgan. Denov fors dehinav—yangi qishloq, yangi qurilgan shahar. Denov nomini izohlanishining ikkinchi ilmiy tahlili ham bor, ya'ni deh so'zi forscha «qishloq» nav so'zi «jar, jarlik, vodiy, soy, soylik», nova—«tog' oralig'idagi yo'l» «shiddatli to'htovsiz oqim» ma'nolarini beradi. T.Nafasovning izohlashicha, nova- sug'orish yoki suvni bir joydan ikkinchi joyga o'tkazish vazifasini bajaruvchi soy, jar, daryo. Mo'g'ullar istilosidan keyin Chag'oniyon shahri mavqei pasayib ketgach, temuriylar davriga kelib yana Dehinav asosiy markazlardan biriga aylandi. Arxeologik topilmalar Denov qal'asi XV-asrga oidligini, uni mustahkam qo'rg'on bo'lganligini tasdiqlaydi. Denov qal'asi murakkab me'moriy obida bo'lib, chor atrofida xandaqlar joylashgan. Qal'aning diametri 110 m bo'lib, qalin devor bilan o'ralgan.

Jarqo'rg'on-Buxoro amirligining 1916-yilgi ro'yxat vaqtida Buxoro amirligining Sherobod bekligida Jarqo'rg'on amlodkorligi qayd etilgan va undan oldin bu nom haqidagi ma'lumotlar uchramagan. Jarqo'rg'on Surxondaryo daryosi bo'yidagi shahar hisoblanib, Qadimgi Charman-gan inqirozidan keyin uning xarobalari 5 km shimolda vujudga kelgan. Jarqo'rg'on – “jarlik ustidagi qo'rg'on, qishloq” ma'nosini beradi.

Qiziriq – tuman nomi gidronim nomidan kelib chiqqan bo'lib, Qiziriq tuprog'i cho'lli hudud bo'lgani uchun tuprog'i qizil rangda bo'lgan va bu hududdan qazilgan ariq “Qizil ariq” deb nomlangan. Aholi ko'chib kelishi natijasida “Qizil ariq” qisqarib Qiziriq nomiga aylangan.

Qumqo'rg'on- 1971-yil tuman tashkil etildi va 1977-yildan shahar. Xum pishirilgan joydagi qishloq, xumdon atrofidagi qishloq.

Muzrabot- 1968-yilda tashkil etilgan tuman. Muzrabod toponimi bu aslida “buzruk rabod”

soʻzidan kelib chiqqan. “Buzruk” – bu eroniy tillardan kelgan soʻz boʻlib “kata, ulkan, buyuk” kabi maʼnolarni beradi. Dastlab, “Buzruk rabot” boʻlgan, keyinchalik, qisqarib “Buzrabot”, keyinroq esa hozirgi koʻrinishga kelgan. Muzrabot- kata qoʻrgʻon. [1.142-143]

Oltinsoy- shu nomdagi soy nomidan olingan. Oltinsoyda shu nomdagi kanal bor, bu kanal har bahor mavsumida katta miqdorda sellar keladi va oʻzi bilan qoʻshib juda koʻplab narsalarni oqizib keladi va seldan keyin mahalliy aholi kanal oʻzanidan juda koʻp oqizib kelgan narsalarni terib olgan. 1982-yilda tuman tashkil etilayotganda Sh.Rashidov tomonidan Oltinsoy nomi taklif etilgan va shu nom bilan hozirgi kunda ham nomlanadi.

Sariosiyo – 1926-yilda tashkil etilgan. Bu nomning toponomikasiga toʻxtaladigan boʻlsak: “sar” bosh, “osiyo” tegirmon, yaʼni “Tegirmon boshi”

Sherobod- 1926-yil shu nomdagi tuman, 1973-yil esa shahar tashkil etilgan. “Sher” “obod” soʻzlarining qoʻshilmasidan xosil boʻlgan. Sher ismli odam tomonidan bunyod etilgan qoʻrgʻon yoki karvonsaroy degan maʼnoni beradi. Uning yaratilish tarixiga toʻxtalsak: XVII asrda Termizning isyonkor noibi Sher Ali mazkur hududda qalʼa bunyod etgan va unda yashagan. Sher Ali tomonidan bunyod etilgan qoʻrgʻon yoki qalʼa mazkur Sherobod toponimi uchun asos boʻlgan.

Shoʻrchi - 1976-yilda tashkil etilgan tuman. Shoʻrchi toponimi forscha qoʻshma soʻz boʻlib, shoʻrtuproq va suv tarkibida tuz moddalari borligini bildiradi. “Ji”-suv yigʻilgan joy, koʻl, hovuz maʼnosini beradi. Shoʻrchi-shoʻr suv, shoʻr suvli hovuz degan maʼnoni beradi. [3.35]

Termiz—Viloyat markazi. Tarixiy manbalarga koʻra, Termiz eramizgacha IV—III asrlarda paydo boʻlgan. Kushanlar davrida (I-III asrlar) madaniyati taraqqiy etgan shahar boʻlgan. Hofizi Abru esa Iskandar Zulqarnayn qurgan, deydi. X asrdan eʼtiboran Termiz deb atalgan. Ungacha Taramastha, Tarmita, Taramita, Taramata, Taramat, Tarmid, Termiz tarzida manbalarda qayd etilgan. Eng qadimiy shakli— Taramastha (baqtriy tilida—narigi sohildagi manzil). Yunon va Yevropa xalqlari manbalrida Aleksandriya, Demitrius, Yevkrotidiya nomi bilan atalgan. Sharq manbalaridagi tasviriy nomi Shahri Somoniy. Samoniyning yozishicha, ilk oʻrta asrlarda Tarmiz shaklida aytilgan. Xitoy manbalarida—Tami. XIX asr oxirida rus shakli Termiz-Termez Tarmiz. Termiz Amudaryo boʻyidagi tabiiy tik qoya, qirgʻoq boʻyida joylashgan qoʻrgʻon. Temir kabi qattiqmiz, Temirmiz. Termiz temirdek qattiq, yoy oʻqi, oʻtkir qilich oʻtmaydigan shahar maʼnosida izohlanishi turkiy toponomiyaga mos boʻladi.

Uzun—shu nomdagi tumani markaz, temir yoʻl bekati. Uzun— etnonim. Qoʻngʻirotlar qoʻshtamgʻali boʻlimiga qarashli boʻlgan kuchuk urugʻining koʻsa, uzun, beshogʻoch, boybotir, jubuv, damgʻorin, galamulla, xoʻja tarmoqlari bor. Etnonim oykonimga oʻtgan. Aslida uzun chorvadorlar tamgʻasining nomidir. Chorvador tamgʻani old va orqa oyoqqa, hayvon sagʻrisiga qoʻyishgan. Urugʻ va uning boʻlimlari tamgʻasining shakli, koʻrinishi, bosish oʻrni, miqdoriga koʻra bir-biridan farq qilgan va shu asnodan nomlangan. K. Shoniyozovning aniqlashiga koʻra, mollarning oldingi oyogʻiga tamgʻa bosgan guruh, urugʻ uzun deb atalgan, boshqa urugʻlardan tamgʻasining choʻziqligi bilan ajralib turgan. Uzun—qipchoqlarga oid etnonim. U Zarafshon qipchoqlarida ham mavjud, hatto qozoq qipchoqlarida oʻrtajuz, qirgʻizlarning bagʻish qabilasi tarkibida ham uzun urugʻi qayd qilingan, qirgʻizlarda uzun chekli tarzda uchraydi. Uzun turkiy urugʻlarning yirik guruhlaridan birining nomi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR ROʻYXATI:

1. Qorayev S. “Toponomika” Toshkent-2006
2. Tursunov S.N, Umarov I, Pardayev T. “Oʻzbekistonda toponomik nomlar va ularning tarixi” 2017. “Surxon-nashr”
3. Tursunov S, Toʻxtayev A. “Jarqoʻrgʻon” Toshkent-2009, “Fan”
4. “Oʻzbek tili toponimlarining oʻquv izohli lugʻati”. T.Nafasov. T. 2007-y

СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ДЕҲҚОН ВА ЧОРВАДОР ТАҚВИМИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАРИ

Ҳайдаров Одил,

Термиз давлат университети жаҳон
тарихи кафедраси эркин тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Сурхон воҳаси аҳолисининг деҳқончилик ва чорвачилик билан боғлиқ тақвими, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ойларнинг номланиши ҳамда ушбу тақвим билан боғлиқ маросимлар ва унинг локал жиҳатлари этнологик аспекти таҳлил этилган.

Калит сўзлар: тақвим, деҳқон, чорвадор, кўчиш, ҳафта, кун ўнглаш, саратон, чилла, ой, йил, маросим, удум.

Аннотация: В данной статье с этнологической точки зрения анализируются календарь жителей Сурханского оазиса, связанный с земледелием и скотоводством, их характеристика, наименование месяцев и обряды, связанные с этим календарем и его локальными аспектами.

Ключевые слова: календарь, земледелец, пастух, переселение, неделя, коррекция дня, рақ, чилла, месяц, год, обряд, удум.

Annotation: This article analyzes from an ethnological point of view the calendar of the inhabitants of the Surkhan oasis associated with agriculture and cattle breeding, their characteristics, the names of the months and rituals associated with this calendar and its local aspects.

Key words: calendar, farmer, shepherd, resettlement, week, correction of the day, cancer, chilla, month, year, rite, udum.

XX аср ўрталарига қадар тоғ аҳолиси ярим ўтроқ турмуш кечирганликлари учун кўкламда яйловга бориб, кузда қишлоққа қайтишар, чорва ҳам шунга қараб чиқарилар эди. Кўчиш олдидан албатта кунни ўнглаб, кейин йўлга отланишган. Қишлоқларда кунни ўнг ёки чап эканлигини аниқлайдиган маҳаллий мунажжимлар бўлган. Тадқиқотлар жараёнида икки турдаги юлдуз календарини ёзиб олишга муваффақ бўлдик.

А.Рахимовдан олинган календар «Зухал юлдузи» деб аталади. Юлдуз ойини аниқлашда 24 кунни жуда чуқур ҳисобга олиш керак. Юлдуз янги ойнинг уч кунлик кўринишига қараб бошқарилади. Шу уч кундан ойнинг биринчи куни аниқланади. Агар ой уч кунлик бўлиб, масалан, чоршанба куни кўринса, демак, ойнинг биринчи кунини душанба деб ҳисобланади. Шунга қараб ойни охиригача санаш мумкин. Ҳар ойда учта бир бор: 1, 11, 21- шу уч кунда юлдуз шарқда бўлади. Учта икки бор: 2, 12, 22 - юлдуз жануби-шарқда бўлади. Учта уч бор. 3, 13, 23-юлдуз жанубда бўлади. Учта тўрт бор: 4, 14, 24- юлдуз жануби-ғарбда бўлади. Учта беш бор: 5, 15, 25 - юлдуз ғарбда бўлади. Учта олти бор: 6, 16, 26—юлдуз шимоли-ғарбда бўлади. Учта етти бор: 7, 17, 27 — юлдуз шимолда бўлади. Учта саккиз бор: 8, 18, 28 —юлдуз шимоли-шарқда бўлади. Жами 24 кунни алоҳида ҳисобга олиб юриш керак. Юлдуз ҳар саккиз кунда бир айланади. Бир ойда эса уч марта. Шу даврда юлдузга қарама-қарши юрилмайди. Аксинча унга орқа томонга қараб юрилади. Масалан, агар жануб томон кўчмоқчи ёки юрмоқчи бўлса, юлдуз шимол томонда бўлиши керак. Учта тўққиз - 9, 19, 29 кунлари юлдуз ерда бўлади. Шу кунлари юлдуз ҳеч томондан кўринмайди. Учта ўн - 10, 20, 30 кунлари эса, юлдуз осмонда бўлади. Ана шу олти кун ичида, яъни учта тўққиз ва учта ўнда одамлар бемалол исталган томонига йўлга чиқишган, кўчишган ва тўйлар қилишган.

Юлдуз ойининг биринчи куни шарқ томонда бўлади. Иккинчи ва учинчи айланишида ҳам шарқ томонда бўлади. Юлдузни аниқлаш учун григориан календари ярамайди. Бунинг учун фақат ой календаридан фойдаланиш лозим. Ой календаридида ҳар ойнинг боши уч кунлик ой кўринган чоршанба куни кирса, ўша кундан бошлаб юлдузни аниқлаш бошланади.

Бирон жойга кўчмоқчи бўлган кишилар, масалан, жанубга қараб юрмоқчи бўлганлар юлдуз кунларини тўғри олмоқчи бўлса, юзини жанубга қаратиб, икки қўлини ёнига

кўтариб олишлари керак. Гавдаси ва бошини қимирлатмай, кўзи билан ўнг ёки чап томонга қараши лозим. Бунда кўлнинг орқа томони кўринмаслиги шарт. Агар кўринмаса ёки зўрға кўринса ҳам, юлдуз тўғри ҳисобланган бўлади. Мабодо кўринса, демак ўша томонга юрмаслик зарур. Ушбу юлдуз унинг икки қанотидан ўтмаса, қилмоқчи бўлган иши тўғри тушади. Агар юлдузга қарама-қарши юрса, зарари тегади деб ўйлашган. Шу боис кўчмоқчи бўлган одамнинг юриш кунни юлдузга тўғри келмаса, борадиган жойига солиқ сифатида уйдан бирон белги (кигиз, кўрпа, тўшак, ёстиқ) қўйиб келган. Ундан кейингина гарчи юлдуз кунлари кўчиш кунига тўғри келмаса ҳам, бемалол кўча олган[1].

Б.Омоновдан ёзиб олинган календар «туғол» деб аталади. Бу календарда Улкар (Хулкар), Тарози, Жарқироқ ва Қамбар буржлари бор. Қамбар буржи чаёнга ўхшаб туради ва доимо осмонда туради. Улкар-21 июндан 21 июлга қадар кўринади ва 9 та юлдузлар туркумидан иборат бўлади. Тарози - осмондаги тарозига ўхшаш 3 та юлдуздан таркиб топиб, 21 июлдан 21 августга қадар осмонда кўринади. Жарқироқ-битта ёрқин юлдуз бўлиб, 21 августдан 21 сентябрга қадар кўриниб туради.

Қамбар билан ой бир-бирига яқинлашган пайт «туғол» дейилади. Бу ҳолат ҳар ой давом этиб, 2,5-3 кунни ўз ичига олади. Туғол январдаги 23 санадан бошланади ва ойига 2 кундан қисқариб боради.

Ушбу календарь ой чиқишидан бошланади ва ой йўналиши бўйича юрилади. Мабодо бирон жойга чиқмоқчи бўлишса, бошқа йўналишдан юриб, белгиланган манзилга етиб олишади. Бироқ туғол кунлари бошқа жойга кўчилмайди, келин олинмайди. Туғол яшин тезлигида ўтиши мумкин деб саналади[2].

Ушбу маросимлар ҳозирги вақтда кундалик ҳаётдан чиқиб кетган бўлсада, қисман урф-одат ва анъаналарни яхши билган раҳбарлар амалга оширмоқда. Бу анъаналар табиат ва инсон билан боғлиқ номаълум сирларни ўзаро уйғунлашиши бўлиб, деҳқончилик бошланишдан олдин амалга оширилган анъаналар, унга амал қилганларга файз барака, обрў-эътибор келтирганлигини ҳаёт исботлаб келмоқда. Сурхон воҳасида Наврўзнинг кириб келиши билан баҳорги ишлар олдиндан дала яқинида “худойи” қилиниб, маросимга кекса деҳқонлар, оқсоқоллар раҳбарлик қилиб, ҳар бир хонадондан буғдой, озиқ-овқат маҳсулотлар маълум миқдорда маблағ тўпланиб, бозордан бузоқ ёки қўй сотиб олиниб, қурбонлик қилинган. Таом тайёр бўлгунча қишлоқ эркаклари ариқларни тозаланган. Баҳорги шудгор, экин олдиндан “ис чиқариш” маросимда ҳар бир оила аёллари бўғирсоқ, қатлама қилиб, марҳумларнинг руҳларини шод қилган, деҳқонлар ишининг омадли бўлишини сўраган. Энг муҳими Наврўз арафасида Сурхон воҳасини ариқ, дарёлар сувга доимий тўлиб оқиш учун махсус қурбонлик қилиниб, ушбу маросимда ҳашар билан ариқлар тозалаб бўлингач, сув очилиши олдиндан аҳоли маросим учун пул, буғдой ва озиқ-овқат тўплаб, пулга бузоқ, бўз бия, оқ тойчоқ, кўчқор сотиб олиб қурбонлик қилган. Сўйилган ҳайвон қони ариқлар сувига оқизилиб ёки танаси сувга ташланиб, уни сувдан олиб турли хил таомлар тайёрлашган.

Наврўзда деҳқонлар баҳорги ҳайдов олдиндан хўкизларни шохлари ва бўйинтуруғини ёғ билан мойлаб, хўкизларни ёмон кўздан асраш, учун “ис ёғи” ўтказиб, хўкизлар шохига махсус туморлар тақишган. Бу удумлар “шох-мойи”лар маросим деб, Ҳазрати Одамнинг ҳақиқага аталган. Энг муҳими деҳқончиликка бағишланган ҳамма маросимларни бошқариш кекса ёшли, бола-чақаси, невара-чевараси кўп пиру бадавлат, иши доим олдинга кетадиган тадбиркор, обрўли киши раҳбарлик қилиб, биринчи қўшни ҳайдаб берган. Ушбу Наврўз маросимида деҳқонлар янги либослар кийиб, тўкин сочинлик ва шоду хуррамлик билан ўтказиб, бу кунда одамлар ёлғон гапирмаслиги, бир-иккинчисини ҳақорат қилмаслиги, қўпол сўзлар ишлатмаслиги, нопок ҳолда дастурхон ёнига келмаслиги талаб қилинган. Чунки айтилган қўпол сўз, ҳақорат қилиш, нопок келиш, бир йиллик деҳқончиликка зарар қилиб, барака кетади, ризқ-насибамиз мўл бўлмайди, ҳосил паст бўлади деган фикрда бўлишган. Шунинг учун “Кўш чиқариш”, “Шоҳ молар”, “Кўш оши” маросимлари шоду-хуррамлик байрам бўлиб, унга амал қилмаганлар эл назаридан қолиб, бир умр косаси оқармай, хор-зор яшаганлар. Қанчалик меҳнат қилмасин, ишни баракаси бўлмаган. Деҳқонлар ерга дастлабки уруғни сочишдан аввал дуои фотиҳа қилиб, дам солиб ундан кейин бўлғуси ҳосил уруғини ерга сочган.

Деҳқончилик билан боғлиқ маросимлар. Воҳада деҳқончилик билан боғлиқ бўлган

кўпгина қадимий маросимлар борки, улар ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Воҳа аҳолиси Бободехқон ва у билан боғлиқ урф-одатларга қатъий амал қилинган ҳамда унинг руҳий қувват беришига ишонганлар. Шу боисдан воҳа аҳолиси экин экаётганда Бободехқон баракасини берсин деб худойи қилишган.

Лой тутиш маросими. Воҳада дастлаб экин экишдан аввал ариқлар қазилиб, лойқалардан тозаланади. Шу вақтда деҳқончилик маросимларидан бири «Лой тутиш» маросими ўтказилади. Ариқ қазиётган одамлар олдидан бирор йўловчи ўтиб қолса, ўтаётган йўловчига ариқ қазиётган одамлардан биттаси бел ёки кетмонда лой туттади. Йўловчи тутилган лойни узатилган асбоби билан бирга олиши, шу жараёнда йўловчи ўзининг бирор хунарини кўрсатиб, вазиятдан чиқиб кетиши мумкин. Хусусан, бахши дostonдан терма куйлаши, ҳофиз кўшиқ айтиши, полвон курашга тушиши, хунарманд эса ариқ қазувчиларнинг асбобларини таъмирлаши лозим. Агарда бу ҳолатдан чиқиб кета олмаса, ариқ қазувчиларни меҳмон қилиши ёки бўлмаса улар томонидан кўрсатилган ариқни тозалаб бериши лозим.

Шохмойлар удуми. Экин экишнинг илк куни далага кўш чиқариш пайтида «Шохмойлар» удуми ўтказилган. Деҳқончиликка алоқадор маросимларнинг деярли барчасига мазкур удум йўл очиб беради, бу маросимга қишлоқ аҳлининг барчаси иштирок этган. «Шохмойлар» удуми эрта баҳорда, асосан, Наврўз кунлари ўтказилган.

Одатда қишлоқ аҳли ўз имкониятидан келиб чиқиб, маросимга ҳар хил таомлар тайёрлашган. Маросим ўтказиладиган жойда қишлоқ аҳли томонидан пишириб келинган таомлар танавул қилинган. Шундан кейин ёши улуғ, бадавлат киши томонидан бу йилги деҳқончиликка Аллоҳдан қут-барака сўраб, дуо қилинган. Ҳатто ўтган йилги буғдойдан қилинган нон бўлақларга бўлиниб, маросим иштирокчилрига тарқатилган, бир бўлаги кўшга кўшилган хўкизга берилган. Хўкизларнинг бақувват бўлиши учун уларнинг шохига зиғир мойи суртилган, ёмон кўздан, инс-жинсдан асрасин деб, исирик ҳам тутатилган. Шу киши томонидан дастлабки кўш солиниб, тоқ сонидан имкониятига қараб, уч, беш ёки етти марта кўш ҳайдаган. Сўнгра ўтган йилги ҳосилнинг охири тутамидан олинган буғдойдан кўш билан ҳайдалган ерга бир неча ҳовуч сепилган. Шу билан баҳорги экин-текин ишлари бошланиб кетган.

Суст хотин маросими. Қадимдан сақланиб келган деҳқончилик маросимларидан бири «Суст хотин» маросимидир. Бу маросим, асосан, йил қурғоқчилик келган йилларида лалми деҳқончилик билан машғул бўлган ҳудудларда ўтказилган.

Қишлоқдан ўн-ўн беш киши одам шаклида кўғирчоқ ясаб, кўғирчоққа ёши кекса аёлнинг кўйлагини кийдириб, кўчаларни айланган. Қолганлари эса «Суст хотин» кўшиғини айтишган, эртаси куни эса йиғилган хайр-эҳсонлардан қишлоқнинг бир чекка жойида ош қилиниб, халққа берилган. «Суст хотин» маросими якунидаги кўғирчоқни куйдириб юбориш ёки эски қудуққа ташлаш удуми узоқ ўтмишдаги аждодларимизнинг қурбонлик қилиш маросимининг қолдиқларидан биридир.

Ҳосил йиғиштириш билан боғлиқ маросимлар. Воҳада деҳқончиликда етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишдан олдин «Хайрихудойи» маросими ўтказилади. Бу маросимда мўл-қўл ҳосилни эсон-омон йиғиштириб олишни ният қилиб, худойи қилинади.

Қадимий деҳқончилик маросимларидан яна бири «Обло барака» маросимидир. Ҳашарчилар буғдой ўримининг сўнгида бир парча ўрилмаган ерни ҳар томондан ўраб, аста ўриб келаверадилар. Бундай пайтда ҳар бир ўроқчи охири тутам буғдойни ўраб олишга ҳаракат қилади. Охири тутам буғдой эса «Она буғдой» деб юритилади, қайси бир ўроқчи ана шу тутамга етиб олса, «еттим-еттим, обло барака берсин» деб уни ўриб олади. [3]

Воҳа аҳолисининг деҳқончилик билан боғлиқ, маросимлар ва урф-одатлари минг йиллар давомида шаклланиб, такомиллашиб келган ҳамда келажак авлоднинг қадриятларини эъозлашга ўргатади.

Чорвадорлар учун об-ҳавони, вақтни ва ўзларининг юрадиган йўналишини олдиндан билиш ҳам муҳим ҳисобланган. Бунинг учун улар кувеш, ой, юлдузлар, фасллар алмашинуви, ўзлари яшаб турган атроф-муҳитни, ҳайвонлар ва мавсумий қушларни муттасил кузатганлар. Кўп йиллик кузатишлари натижасида чорвадорлар “чорва ҳисоби” [4] ни ишлаб чиқишган.

Чорвадорлар учун Ой билан Хулкар юлдузи ҳаракат йўналиши ўртасидаги туташувчи нуқталар: “дўғил, тўғул ёки тўқуш ҳисоби” муҳим ҳисобланган. Шунингдек, чорвадор аҳоли томонидан “чорва ҳисоби”, “тўқсон ҳисоби”, “чилла ҳисоби”, “қантор оғди” ва “мучал ҳисоби” каби анъанавий тақвимлар яратилганки, улардан узоқ йиллар давомида фойдаланиб келинган[5].

Сурхон воҳаси тажрибали чорвадорлари Хулкар юлдузини ҳолатининг кузатиб, йилнинг қандай келишини билган. Хулкар юлдузи ёзнинг 22 июнидан бошлаб кўриниб, 22 мартгача осмонда кўринган. Чорвадорлар орасида: Хулкар уйдан кўринса уч ой тўлиқ қишинг бор, жоторда жонбошга келса, жоз бўлмай неси қолди[6] деган нақл кенг тарқалган. Яъни, чўпонлар ўтовининг туйнугидан Хулкар кўринса демак, ҳали қиш чўзилади, ёнбошда кўринса эса демакки, иссиқ кунлар яқин деб ҳисобланган.

Чорвадорлар Хулкар юлдузига қараб “тўғул ҳисоби” га ҳам жиддий эътибор берганлар. Воҳа аҳолиси орасида Ой ҳисобининг “Тўғол” ва “Тўғиш” йил ҳисоби мавжуд бўлган[7] лиги дала тадқиқотларида аниқланди.

Унга кўра, чорвадорлар ҳисоби бўйича дўғол бир йилда, ҳар 28 кун атрофида кузатилиб, роса 13 маротаба содир бўлган[8]. “Тўғул ҳисоб” тизими ўзининг соддалиги ҳамда хотирада осон сақлаб қолиниши сабабли оддий халқ орасида унутилиб кетмай, балки кенгроқ тарқалган. Аҳоли орасида сақланиб қолган турли маталларда ушбу ҳисобнинг баъзи вариантлари ҳозиргача сақланиб қолинган. Жумладан, Тўққиз дўғолда тўқли тўяди (март ойи), Жетти дўғолда жеталаган от тўяди (апрел), Беш дўғолда бешикдаги бола ўёнмайди (май), Хулкар минан тарози от чоптирим ороси, Торози тувса тун совур, сунбула тувса сув совур[9], - деган маълумотлар учрайди.

Бу тўғрисидаги маълумотлар этнолог А.Саримсоқов тадқиқотларида ҳам кўриб ўтилган[10]. Ф.Тошбоев тадқиқотларида бургут ой атрофида айланса бўрон бўлади, шохангни тайёрла, қуёш атрофида айланса қор ёғади, курагингни тайёрла[11], - деган нақл ҳозиргача сақланиб қолганлигини таъкидлайди.

Юқоридаги таъкидлардан ҳам билиш мумкинки, ўлка аҳолиси асрлар давомида ой фазаларини кузатиш мобайнида тўплаган бой тажрибалари асосида ўзларининг кундалик турмушини юритган. Чорвадорларнинг астрологик қарашларини ўзида мужассам этувчи “Тўғул” ҳисоби ўзбек халқи асрлар давомида қўллаб келган бебаҳо хазиналардан бири ҳисобланади.

Ўзбек халқи асрлар давомида фойдаланиб келган тақвимлардан яна бири “Мучал тақвими” [12] ҳисобидир. Бу мучал ҳисоби ўн икки йиллик тақвим ҳисобланиб, ҳайвон номи билан аталиб баҳорги тенгкунликдан бошланган.

Воҳада чорвадорлар билан бирга ўтроқ аҳоли ўртасида ҳам кенг қўлланилган, бугунги кунда ҳам ўн икки ҳайвон номи билан аталадиган ўн икки йиллик мучал ҳисоби[13] га амал қилинаётганлиги инсоният тарихида чорвачиликнинг ўрни нечоғлик катта эканлигидан далолат беради. Ўн икки йиллик мучал ҳисоби, унинг келиб чиқиши ва қўлланилиши ҳақидаги муҳим маълумотлар Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қашғарий ва Мирзо Улуғбек каби олимларимизнинг асарларида келтириб ўтилган, улар мучал йилини 22 мартдан бошланишини[14] таъкидлаганлар.

Чорвадорларнинг чорвани қишдан беталофат олиб чиқиши чорвадордананча машаққатли меҳнат ва тажрибани талаб қилган. Чорвадорлар “Қантар оғди” ни қиш чилласининг чиқиши, деб ҳисоблаб чорвани кўкламги яйловга чиқишига ҳозирлик кўриш ишларини бошлаб юборган. Қиш чилласи тугаб, ерга “чўғ” тушганидан кейин улар чорвани кўра атрофидаги ва унга яқин яйловларда боқишган. Қантар оғгандан кейин ёққан қорлар ҳам тезда эриб кетган. Ердан буғ кўтарилиши натижасида ўтларнинг ҳам ўсиши тезлашган. Бу пайтни чўпонлар: “Қантар оғди” - энди қиш ҳам кўрқинчли эмас, қишнинг қишлиги қолмади, қишнинг баҳорга қараб оғиши энди хавотирли эмас, -деб билишган. Шунинг учун ҳам чорвадорлар “Қантар оғса қозиқ устида қор турмас”, “Қантар оғди-қалт этди, бойнинг кўзи жолд этди”, -деб ҳисоблаган.

Шундай пайтлар ҳам кузатилганки, баъзи йиллари қишнинг боши илиқ келиб, охири қаттиқ қишга айланиб кетган. Мазкур қийин давр чўпонларни жиддий синовдан ўтказган. Эрта кўкламда, февралдан то мартнинг ўрталаригача давом этган бу энг серташвиш давр “Қора қилтинг” дейилган.

Шунинг учун чорвадор аҳоли орасида яхши келса хут, қозон-қозон сут, ёмон келса хут террайиб ётган пут[15], -деган мақол бежизга тарқалмаган. Ёки бўлмаса, Яхши келса хутни кўринг, хурмо-хурмо сутни кўринг, ёмон келса хутни кўринг, серрайиб ётган путни кўринг, Хутман, ёмон келсам-ориқ молга ютман ёки Ёмон келса хут-керага тўла пут[16] каби мақоллар халқ орасида сақланиб келмоқда.

Воҳа чорвадолари ҳам ўз пирлари ва ҳомийларига эга бўлиб, жумладан, қорамоллар пири сифатида Зангиота, яъни Бобозанги (йирик мутасаввуф авлиё Ойхўжа ибн Тошхўжа) майда молларнинг пири Чўпонота, От ва чавандозлар пири Қамбарота ёки Бибиқамбар, туякашлар ҳомийси Восил Қора, Эшакнинг пири Хорхор ота каби ҳомийлар илоҳийлаштирилган ва буларга бағишлаб вақти-вақти билан ис қилинган, обрў чиқарилган. Молларни яйловга чиқариш ёки қишлоғга қайтиш олдидан кун ўнгловчилар соатли ёки бесоат кунларни юлдузлар жойлашувига қараб аниқлаб, соатли кунларда кўчилган ва шу кўчишдан аввал ис чиқарилиб, ҳомий пирлар ҳаққига обрў чиқарилган. Агар кун чап келадиган кунгача кўчиш имкони бўлмай қолса, улар ўз нарсаларидан бирорта улги масалан ўтов ёки бўхчани кўчувчилардан бериб юборган. Бу одат Солиқ солув деб аталган. Кейин кун ўнганмасдан ҳам кўчилаверган, чунки ўнг кунда, яъни соатли кунда, кўчувчи солиқ чиқариб қўйган бўлган. Бироқ бесоат кўчиш билан боғлиқ бахтсизликнинг олдини олиш учун, албатта, ис қилиниб обрў чиқарилган.

Хулоса қиладиган бўлсак, Сурхон воҳаси аҳолиси хўжаликнинг турли соҳалари билан шуғулланар экан, албатта муайян маросимларни бажаришган. Маросимларни ўтказар экан, одамлар йил яхши келишини, ҳосил кўп бўлишини, офат ва кулфатлардан сақланишини, ишига барака келишидан умидвор бўлишган. Бу одат ва анъаналар маълум бир ўзгаришлар билан бугунги кунга қадар сақланиб қолган.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аҳмедова О. Табиат ва коинотга оид билим ва урф – одатларни илмий талқинлар асосида ўрганиш масалалари // Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти хабарлари. – Т.: 2018. – № 1 (5). – Б. 61.
2. Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Хатак қишлоғи, 2014 йил.
3. Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Қизилолма қишлоғи, 2022 йил.
4. Бўриев О. Наврўз тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990. –Б. 64.
5. Дала ёзувлари. Шеробод тумани, Тароқли маҳалласи. 2021 йил.
6. Жўраев М. Миллий қадрият ва анъаналаримиз айёми / Халқ сўзи. 2014. 28 феврал Т
7. Тошбоев Ф.Э. Тақвим билан боғлиқ илмий билимларнинг археологик ёдгорликларда акс этишига доир //
8. Таффакур зиёси” илмий – услубий журнал. – Тошкент., 2020. – Б. 57.
9. Дала ёзувлари. Жарқўрғон тумани, Оққўрғон қишлоғи. 2021 йил.
10. Мамиров О. Уструшона аҳолиси астрал билимлари ва вақт ҳисобининг ўзбек халқи тақвимлари шаклланишидаги ўрни. Уструшона буюк ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий-иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (антик ва ўрта асрлар даврида), мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. -Гулистон, 2016.– Б. 163.
11. Қаранг: Саримсоқов А.А. Ўзбекларнинг тақвимий маросимлари... – Б. 54.
12. Тошбоев Ф.Э., Мирзаев Б.Н. Ўзбек халқи аждодлари маънавий ҳаётида илму нужум... – Б. 30.
13. Саримсоқов А.А. Ўзбекларнинг тақвимий маросимлари... – Б. 49.
14. Ҳакимов М. Туркистон халқлари қўллаган тақвимлар / <https://e-tarix.uz/jahon-tarixi/396-turkiston-xalqlari-taqvimi.html> 11.09.2021.
15. <https://uzsmart.uz/savol-javob/view/2614.html>.10.12.2021
16. Дала ёзувлари. Шеробод тумани, Калламозор қишлоғи. 2021 йил.
17. Пирматова М.С. Ўзбек тақвим фольклори... – Б. 130.
18. Омонтурдиев А. Професионал нутқ эфемикаси. –Т., Фан. 2006. 134-бет.

МУНДАРИЖА

ТАРИХ

<i>Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич. Сурхон воҳасида коммунистик мафқурани ғоявий асосларни тарихий жиҳатдан ҳолисона таҳлил этиш</i>	3
<i>Шодмон Воҳидов, Гулпари Шарифова. Ремесла и ремесленники в произведениях жанра “Шахрошуб”</i>	7
<i>Гавҳар Мўминова. Ўзбекистонда юқумли касалликларга (вирусли гепатит) қарши курашиш тадбирлари ва унинг натижалари (XX асрнинг 50–80 йиллари мисолида)</i> 16	
<i>Abdullaeva Yaxshibeka Atamuratovna. Jaňalanip atirѓan Qaraqalpaqstan</i>	19
<i>Отамуродов Фурқат Абдукаримович. Глобаллашув шароитида ёшлар-Янги Ўзбекистон бунёдкорларидир</i>	24
<i>Tursunov Nurullo Narzullayevich, Usanov Shuxrat Musurmonovich. Surxon vohasida millatlararo totuvlikni taminlashda rus milliy madaniy markazining o`rni</i>	29
<i>Mirzaev Djalaliddin Zainiyevich. Introduction to the study of Turkic-Speaking Communities</i>	33
<i>Тўхтаев Абдуғани Қиличович. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашда Жанубий вилоятлар банкларининг тутган ўрни (2006-2015 йй)</i>	38
<i>Тошпўлатов Бекзод Шухратович. Самарқанд давлат тиббиёт институтининг тиббиёт фани ривожига қўшган ҳиссаси</i>	45
<i>Турсунов Анвар Сайпуллаевич. Янги тараққиёт стратегиясида урбанизацион жараёнлар-соғлиқни сақлаш тизимдаги ислоҳатлар самараси; тарих ва таҳлил</i>	48
<i>Хидиров Холмамат Жўраевич. Транспорт тизимдаги замонавий ўзгаришларни ёшлар тарбиясидаги ўрни; тарихий таҳлиллари</i>	52
<i>Аннаева Зарифа Мусурмонкуловна. Аграр сиёсат ва унинг экологик оқибатлари</i>	56
<i>Қаршиев Ислон Эгамқулович. Мутафаккирлар Сўфи Оллоёр ва Хожамназар Хувайдо қарашларида диний-ирфоний ўғитлар</i>	60
<i>Абдуллаева Аълохон Атамуратовна. Расмий ҳужжатларда, ҳисоботларда ва даврий адабиётларда Жанубий Оролбўйи қорақалпоқларининг маъмурий ҳудудий тузилишининг айрим масалалари (XIX асрнинг сўнгги чораги - XX аср бошлари)</i>	65
<i>Ражабова Сабоҳат Боборовна. Сурхондарё вилояти саноатида хотин-қизларнинг ўрни</i>	69
<i>Do'smatova Oltinoy Tursun qizi. XX asr ikkinchi yarmi va XXI asr boshlarida Afg'oniston maorifi va madaniyatining rivojlanishi</i>	72
<i>Бобоева Ситора Рўзимаҳматовна. Мустакиллик йилларида энергетика тизимидаги муҳим ўзгаришлар (Сурхон воҳаси мисолида)</i>	75
<i>Қосимов Абдусаттор Чориевич. Ўзбекистоннинг жанубида совет ҳокимиятининг қўйчиликни тиклаш ва ривожлантириш борасида олиб борган ислоҳотлари: натижалар ва муаммолар</i> ... 79	
<i>Тоштемирова Нигора Дилшодовна. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳаси моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тадбирлари (Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизими мисолида)</i> 84	
<i>Файзулла Тиловов. Ҳунармандчиликнинг Сурхондарё иқтисодидаги ўрни</i>	88
<i>Шамшиева Вазира Абдувалиевна. Ёшларни қўллаб-қувватлаш – жамиятда ижтимоий манфатларни таъминлашнинг муҳим омили</i>	92
<i>Қоражаева Дилором Намозовна. Муқаддас қадамжолар моддий маданиятимиз мероси</i> 95	
<i>Олламуродов Нурали. Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий турмушидаги ўзгаришлар</i>	99

ЭТНОГРАФИЯ, ЭТНОЛОГИЯ, АНТРОПОЛОГИЯ

<i>Абдуллаев Улуғбек Сайданович. Баъзи бир этнологик атама ва тушунчалар ҳақида</i>	103
<i>Очил Бўриев, Ихтиёр Ғаниевич Жалилов. Ўзбекларда от тотеми билан боғлиқ қадимий эътиқодлар излари (Жанубий Ўзбекистон мисолида)</i>	106
<i>Асрор Райимович Қаюмов. Ўзбекларда генеалогик ўзликлар ва этниклик масаласи</i>	112
<i>Файзуллаева Мавлюда Хамзаевна. Тарих ва маданият акс этган гастрономия (этнологик ва антропологик контекстда)</i>	117
<i>Мустафоқулов Рўзиқул Бойназарович. Ўзбек халқ миллий ўйинларининг ўзига хос хусусиятлари</i>	123

<i>Умаров Икромжон Ибрагимович. Кўхитангтоғ қишлоқлари аҳолисининг деҳқончилик маросимларида ўзига хослик ва умумийлик</i>	128
<i>Кичкилов Шерхон Хамзаевич. Кўхитанг тоғда жойлашган ўзига хос қишлоқлардан бири ...</i>	132
<i>Қаршиев Ислом Махмараҳим ўғли. Сурхон-Шеробод воҳаси қўнғиротларининг гиламдўзлик анъаналари</i>	136
<i>Махаммад Хабибулло ўғли Рахмонов. Сурхон воҳаси тоқчи қавмиларининг этнографияси ва ҳудудий жойлашуви</i>	141
<i>Jumayev Mustafo Erkin o'g'li. Surxondaryo viloyati tuman nomlarining toponomikasi</i>	145
<i>Ҳайдаров Одил. Сурхон воҳаси аҳолисининг деҳқон ва чорвадор тақвими билан боғлиқ маросимлари.....</i>	148

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ЦЕНТРА РЕГИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ТРАНСФЕРА
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ЦЕНТРА РАЗВИТИЯ НАУКИ И
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИ**

**SURKHANDARYA REGIONAL TERRITORIAL INNOVATION ACTIVITY AND TECHNOLOGY
TRANSFER AND SURKHANDARYO SCIENTIFIC JOURNAL OF SCIENCE AND
TECHNOLOGY DEVELOPMENT CENTER**

Илм келажакимиз равнақидир

**СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР
SURKHONDARYO: ILM VA TAFAKKUR
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ
SURKHANDARYA: SCIENCE AND
CONTEMPLATION**

Илмий мақолалар журнали

№-5 2022



«СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР» ЖУРНАЛИДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН МАҚОЛАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

1. Журнал таҳририятига тақдим этилаётган мақолага 1) муаллиф(лар) ишлаётган муассаса раҳбариятининг йўлланма хати; 2) эксперт ҳайъати далолатномаси 2 нусхада; 3) мақола ёзилган фан йўналиши бўйича фан доктори имзолаган (имзо тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши лозим) тақриз-тавсия илова қилинади (Изоҳ: Бу талаб четдан келадиган мақолалар учун).

2. Мақолалар ўзбек, рус ёки инглиз тилларида ёзилиши мумкин.

3. Қайси тилда ёзилишидан қатъи назар, мақолага уч тилда - ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги аннотацияси ҳамда таянч сўз ва иборалар (калит сўзлар) илова қилинади.

4. Мақола журнал таҳририятига «Microsoft Word» дастурида («Times New Roman» 14 ўлчамли шрифтда, сатрлар ораси бир ярим интервалда) терилган ҳолда икки нусхада, электрон варианты (флешка ёки СБда) билан топширилади.

5. Мақоланинг умумий ҳажми (расм, жадвал ва диаграммалар билан биргаликда) 8- 10 саҳифадан, илмий хабарларнинг ҳажми 4-5 саҳифадан ошмаслиги талаб этилади. Мақоланинг бир нусхаси муаллиф(лар) томонидан имзоланади.

6. Муаллифнинг фамилияси, исми шарифи, иш жойи, лавозими, у билан боғланиш мумкин бўлган манзил (уй ваҳизматтелефон рақамлари, электрон почта) кўрсатилади.

7. Агар мақолага расм, жадвал, диаграмма, схема, чизма, турли график белгилар киритилган бўлса, оқ-қора рангларда чизилган бўлиши, аниқ ва равшан тасвирланиши, қисқартмаларнинг тўлиқ изоҳи ёзилиши лозим. Рангли расм, жадвал ва диаграммалари мавжуд мақолалар фақат истисно тарзида, қўшимча ҳаражатларни муаллифлар ҳисобидан қоплаш шarti билангина қабул қилиниши мумкин. Формулалар матнга махсус компьютердастурларида киритилиши керак.

8. Иқтибос олинган ёки фойдаланилган адабиёт сатр ости изоҳи тарзида эмас, балки мақола охирида умумий рўйхатда кўрсатилади. Матн ичидаги кўчирмадан сўнг иқтибос олинган асарнинг рўйхатдаги тартиб рақами ва саҳифаси квадрат қавс ичида берилади. Бу ўринда китоб, тўплам, монографиялар учун муаллифларнинг исм- фамилиялари, манбанинг тўлиқ номи, нашр кўрсаткичи (шаҳар, нашриёт ва нашр йили) кўрсатилади. Журнал мақолалари ва бошқа даврий нашрлар учун муаллифларнинг исм- фамилиялари, мақола номи, журнал номи, йили ва сони, саҳифа номери кўрсатилади.

9. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар таҳририят томонидан қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

10. Таҳририятга тақдим қилинган мақола энг аввал муаллифлик нуқтаи назаридан текширилади. Матнда плагиат аниқланган тақдирда мақолани кўриб чиқиш тўхтатилади. Таҳририят плагиат ҳолати аниқланган мақолалар юзасидан муаллиф фаолият юритаётган муассасага кўчириб олинган манбаларни илова қилган ҳолда ахборот юбориши мумкин. Плагиатга йўл қўйган муаллифларнинг мақолалари кейинги уч йил давомида қабул қилинмайди.

11. Муаллифлик жиҳатидан текширувдан ўтган мақола таҳририят томонидан ўрнатилган тартибда тақризга берилади. Мақола тақриздан қайтгач, агар зарур бўлса, барча савол ва эътирозлар бўйича муаллифга қайта ишлаш учун тақдим этилади. Мақола нусхалари муаллифларга қайтарилмайди.

12. Ижобий тақриз олган мақола таҳририят томонидан қабул қилинган саналади. Журнал таҳририяти мақола матнини қисқартириш ва унга таҳририй ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

13. Профессор-ўқитувчилари томонидан тақдим қилинган мақолалар муайян йўналишлар бўйича таҳририят аъзоларининг ёки фан докторларининг тақриз-тавсияси (тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши лозим) асосида қабул қилинади.